


А. АМИДОВ

ЎСИМЛИКЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

31-0102 ишеси



никлар содда тузилишдан мураккаброқ тузилишга эга бўлган янги-янги ўсимликларни вужудга келтирган бўлса, кўпгина ўсимликлар шундай ўзгаришларга мослаша олмасдан нобуд бўлганлар.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда бизга ўсимликларнинг тахминан 500 минг хили (тури) мавжуд эканлиги ва улар Ер шарининг турли қисмларида, турли тупроқ-иқлим шароитида ўсганлиги маълум.

Фақат ўсимликлар эмас, ҳайвонот оламида ҳам доимо ўзгаришлар ва ривожланишлар содир бўлган. Шу сабабли ҳозирги вақтда, гарчи барча ўсимлик ва ҳайвонлар ўртасида қандайдир умумий ўхашликлар булишига қарамасдан, улар озиқланиши, тузилиши, купайиши ва қатор бошқа белгиларига кура бир-биридан кескин фарқланадиган иккита оламга ажралган.

Эволюциянинг энг сўнгги босқичида вужудга келган инсон ўз ҳаётининг биринчи кунларида ёқ ўсимликлариз яшай олмаслигини яхши тушунган ва шу сабабли ўсимликлар билан қадимдан алоқада бўлиб, ундан озиқ-овқат, кийим-кечак, уйжой қуриш каби мақсадлар учун фойдаланиб келган.

Демак, инсон ўсимликлардан фойдаланиш жараёнида, уни у ёки бу томондан ўргана бошлаган ва натижада дехқончиликка, медицинага ва бошқа соҳаларга асос сола бошлаган. Эрамиздан 2000 йил илгари юнон олимлари Аристотель ва Теофраст ўсимликларни батафсил ўргана бориб, кўпгина турларни тасвирлаганлар; уларни тартиб (системага)га солишга ҳарарат қилганлар.

Ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар кенгайган сари ботаника фани ривожлана борган. Натижада бу фанинг турли тармоқлари вужудга келган. Ҳар бир тармоқ эса ўсимликларни маълум бир томондан ўрганган. Бундай тармоқлардан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Ўсимликлар морфологияси — ўсимликларнинг ташқи куринишини, айрим органлари (илдиз, барг, поя, гул, уруғ ва мева)нинг тузилиши ва ривожланишини ўрганади.

Ўсимликлар анатомияси — ўсимликларнинг ички тузилишини ўрганади.

Ўсимликлар систематикаси — ўсимлик турларининг ўзаро қариндошлигини ўрганади ва бу белгиларига кўра уларни маълум системага солиб жойлаштиради.

Ўсимликлар физиологияси — ўсимликларда содир бўладиган барча ҳаётий процессларни (нафас олиш, сувни буғлантириши, иқланиш ва ҳоказоларни) ўрганади.

Унингдек, ботаниканинг ўсимликлар географияси, ўсимлогояяси, геоботаника, палеоботаника каби қатор бўй мавжудки, улар ҳақида тегишли бобларда алоҳигиз.

I б. ҮСИМЛИҚЛАР ДҮНЁСИННИҢ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ТУЗИЛИШИ

Дастлаб үсімликларнинг үхшашлиги ҳақида сұз юритар әканмиз, бизга маълум бўлган барча үсімликларнинг танаси аввало ҳужайра ва тўқималардан ташкил топганлигини кўрамиз.

Ҳужайра нима? У қандай қисмлардан ташкил топган? Ҳужайра ҳақидаги дастлабки маълумотлар фанга қачон маълум бўлган деган саволларга тўхтайлик.

Ҳужайра ҳақидаги маълумот ва тушунча дастлаб XVII асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Бу таълимотнинг вужудга келишида инглиз олими Роберт-Гукнинг роли катта. Гук пўкақдан юпқа кесик тайёрлаб микроскоп остидан қараганда, уни асалари уясига үхшаш катакчалардан ташкил топганлигини кузатди ва шу катакчаларнинг ҳар бирини ү ҳужайра деб атади. Бир оз кейин, яъни 1671 йили итальян олими Мальпиги, сўнгра инглиз олими Грю (1682 йили) ҳам үсімликлар танаси ҳақиқатан ҳам ҳужайралардан ташкил топганлигини тасдиқладилар.

Рус олимларидан К. Ф. Вольф ҳам 1759 йилда ҳайвон ва үсімлик организмларининг ҳужайралардан ташкил топганлигини курсатди. Бу таълимотга В. Ф. Горянинов (1827), немис олими Т. Шванн (1838), австрия олими М. Шлейденлар (1839) ҳам бирмунча ҳисса қўшидилар. Ҳозирги кунда эса электрон микроскоп ёрдамида оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган жуда майдага организм (вирус)лар ҳам жуда яхши ўрганилган.

Шундай қилиб, ҳужайра ва унинг қисмлари ҳақида гапирганда аввало ҳужайранинг ташқи томондан қобиқ (пўст) билан ўралганлигини кўрсатиш керак. Шу қобиқ ичи эса шилимшиқ ва рангсиз моддадан иборат бўлиб, цитоплазма деб аталади. У бир қанча органоидлар: центросома, анча пишиқ танача — ядро (мағиз), лизосома, рибосома, Гольджи аппарати, пластидалар ҳамда митохондрий кабилардан ташкил топган.

Цитоплазма ҳужайрадаги моддалар алмашинувини бошқаради. Ядро эса үсімликларнинг кўпайишини ва ирсий (наслӣ) белгиларини сақлаш ҳамда наслдан-наслга ўтказиш учун хизмат қиласи. Пластидалар эса ҳаво таркибида карбонат ангидридни ўзлаштиришда ассимиляция процессида, органик модда тўплашда иштирок этади. Ҳужайра қобиғи эса организмни ташқи муҳит таъсирларидан ҳимоя қиласи. Митохондриялар ҳужайрадаги энергия манбаидир.

Булардан ташқари, ҳужайра таркибини ташкил этишда анерганик, органик моддалар, витаминлар, гормонлар, ферментлар, липидлар, мойлар, углеводлар, фитонцидлар, шунингдек, запас озиқ модда сифатида углеводлар, вакуолалар, алколоидлар ва бошқа моддалар қатнашади.

Яшил үсімликлар ҳужайрасидаги пластидалар турли хил рангда бўлади. Шунинг учун улар рангига кўра яшил пластидалар — хлоропластлар, қизил ёки сарик пластидалар — хро-

мопластлар, рангсиз иластидалар эса лейкопластлар деб юритилади. Турли хил ранг ҳосил қилувчи моддалар эса пигментлар деб аталади. Рангиға қараб пигментлар хлорофилл (яшил), фикоциан (күк), фикоэритрин (кизил), фукоксантин (құнғир), каротин (сарық) кабиларга бўлинади.

Ўсимликларнинг ёш ҳужайраларида цитоплазма ҳужайранинг барча бўшлигини тўлдириб туради. Бироқ ҳужайра ўсиб ва қариб борган сари, унинг цитоплазмасида вакуолалар деб юритиладиган бўшлиқлар вужудга кела бошлади. Бундай бўшлиқлар махсус суюқлик — ҳужайра шираси билан тўла бошлади.

Вакуолаларни тўлдириб турувчи ҳужайра шираси ҳар хил органик ва минерал моддаларнинг сувдаги эритмасидан ташкил топган. Улар ҳужайра ширасининг муайян концентрациясини ҳосил қиласи. Агар бу концентрация ҳужайра атрофидағи муҳитдан юқори бўлса, ҳужайрага сув ташқаридан кира бошлади ва ҳужайра деворига ҳамда цитоплазмадаги босимга таъсир этади. Бундай босим осмотик босим деб аталади. Осмотик босим туфайли ўсимликларнинг барча органлари тарағ бўлиб туради. Бундай тарағлик ҳолати ҳужайра тургори дейилади. Тургор туфайли ўсимликларнинг майсалари тик ҳолда ўсади, барг пластинкалари муайян тарзда пояга ўринашади, илдизлар тупроқ заррачаларидаги сувни сўради ва ҳоказо.

Барча ўсимликларда ҳам осмотик босим бир хилда эмас. Масалан, сувтларда осмотик босим жуда паст бўлади. Чўл ва дашт ўсимликларида эса юқори бўлади. Ҳужайра ширасининг химиявий таркиби ҳам ўсимликларнинг барча турларида турлича бўлади. Ҳужайра ширасида органик бирикмалардан ташқари, кўпгина минерал моддалар бўлиб, улар шира таркибида фосфат, нитрат, сульфат ва хлорид кислота тузлари ҳолида учрайди.

Шундай қилиб, ўсимлик организми битта ҳужайрадан ташкил топганми, кўп сонли ҳужайрадан ташкил топганми, бундан қатъи назар ҳужайранинг ҳар бири алоҳида олиб қаралса, унда жуда мураккаб ҳаётий процесслар ўтади. Шундай процесслар нағижасида организм яшайди. Бу процесслар (нафас олиш, ассимиляция, кўпайиш ва ҳоказолар) доим ташқи муҳит билан боғлиқ ҳолда ва ташқи муҳит таъсирида содир бўлади.

Ер шаридаги барча ўсимликлар танасининг содда ёки мураккаб тузилишга эга бўлишига қараб асосан 2 та катта бўлимга, яъни тубан ўсимликлар ва юксак ўсимликларга бўлиб ўрганилади.

Тубан ўсимликлар — Thallophyta

Тубан ўсимликлар одатда бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали организмлар бўлиб, уларнинг танаси таллом деб юритилади.

Кўпгина тубан ўсимликлар ҳужайрасида турли хил пигментлар мавжуд бўлиб, шу организмни муайян рангда бўлишини таъминлайди. Қандай рангда бўлмасин бундай организмлар қўёш нури таъсирида ҳаводаги карбонат ангидрид (CO_2) газини қабул қиласи ва ўз танасидаги (талломидаги) сув (шунингдек сув таркибидаги минерал моддалар) билан бирикиб, мураккаб химиявий реакцияни вужудга келтиради. Шу реакция натижасида организм талломи (хужайраси)да крахмал шаклида органик модда ҳосил бўлади. Крахмал ўсимликнинг ҳаёт процеслари учун зарур озиқ ҳисобланади.

Бундай мураккаб химиявий процесс фотосинтез деб номланади. Бу процесс тубан ўсимликлар ҳужайрасидаги хроматофор таркибига кирувчи хлорофилл, каротин, фикоциан, фикоэритрин, фукоксантин каби пигментлар иштироқида боради. Юксак ўсимликларда эса фотосинтез процесси пластидалар таркибидаги хлорофилл — яшил таначалар томонидан бошқарилади.

Фотосинтез процессини қўйидагича ифодалаш мумкин:



Фотосинтез натижасида хлоропластда ҳосил бўлган углевод (шакар) ферментлар таъсирида полимерланиб, хлоропластларда крахмалга айланади. Бу крахмал молекулалари диастаза ферменти ёрдамида яна шакарга айланади, сунгра ўсимлик органларига тарқалади. Бу ҳодиса кўпроқ қулай температурада, яъни одатда тунги соатларда содир бўлади.

Шундай қилиб, фотосинтез процессида ўзи учун запас озиқ (органик модда) ҳосил қилувчи бундай организмларга *автотроф организмлар* дейилади. Автотроф организмларга тубан ўсимликлардан сув ўтлари киради. Иккинчи хил тубан ўсимликлар ҳужайрасида рангли пигментлар бўлмайди. Шунинг учун улар ҳаводаги карбонат ангидридни ўзлаштира олмайди. Бундай организмлар автотроф организмлар ҳосил қилган органик моддалар ҳисобига яшайди. Шунинг учун бу хилдаги организмларга *гетеротроф организмлар* дейилади. Гетеротроф организмларга тубан ўсимликлардан бактериялар, шилимшиклилар ва замбуруғ групласининг вакиллари киради. Гетеротроф организмлар озиқланишига қараб 2 груплага: сапрофит (ўлик организм ҳисобига яшовчи) ва паразит (тирик организм ҳисобига яшовчи) организмларга бўлинади.

Тубан ўсимликлар содда тузилишга эга бўлибина қолмасдан, ўзига хос усуллар билан кўпайиш хусусиятига ҳам эга бўлиб, бу асосан қўйидагича намоён бўллади.

Кўпайиш деганда, аввало ҳар бир организмнинг маълум бир вақт оралиғида ўзидан насл қолдириши тушунилади. Кўпайиш туфайлигина турлар сони сақлаб қолинади. Умуман ўсимликлар, қолаверса тубан ўсимликлар асосан З хил: вегетатив, жинссиз ва жинсий усулда кўпаяди.

Вегетатив усул билан күпайганда она организм бир неча бұлак (қысм) ларга ажралади. Шу бұлакнинг ҳар бири ёш индивид сифатида мустақил яшай бошлайди.

Жинссиз йұл билан күпайганда она организм ҳужайрасидеги маҳсулот шу ҳужайра ичида 2, 4, 8 ёки ундан ортиқ сондагы кичик ҳужайрачалар ҳосил қиласы.

Шу кичик ҳужайралар она ҳужайра пүсти парчаланиши натижасыда ташқарига чиқади ва ҳар бири мустақил ёш организм сифатида яшай бошлайди. Ҳосил бұлған кичик ҳужайралар зооспора дейилади. Зооспора ҳосил қилған ҳужайра зооспорангий ёки спорангий номи билан юритилади. Демек, жинссиз күпайыш зооспорангийлар ҳосил бўлиши орқали содир булади. Айрим сувұтларда ҳосил бұлған кичик ҳужайралар ҳаракатсиз бўлгани учун автоспора, аклоноспора ёки тұғридан-тұғри спора дейилади. Шунга кура, тубан үсимликларда, яъни барча сувұтлар, бактериялар ва замбуруғларда жинссиз күпайыш натижасыда зоо-аплоно-автоспоралар ёки тұғридан-тұғри споралар ҳосил бўлади. Жинссиз күпайиш доимо шароит қуялай бўлған даврда содир бўлади.

Жинсий күпайиш деганда она ҳужайра ичида жинссиз күпайишида содир бўлганидек, кўп сонли кичик ҳужайралар ҳосил бўлади. Шу ҳужайралар она ҳужайра пүсти парчалангач, ташқарига чиқади ва ўзаро жуфт-жуфт бўлиб қўшилади.

Жинсий күпайиш учун албатта иккита кичик ҳужайранинг, яъни гаметанинг қўшилиши шарт. Бу ўзаро қўшилиш натижасыда ҳосил бўлған ҳужайра зигота деб аталади.

Жинсий күпайиш сувұтларнинг айрим вакиллари, бактериялар ва замбуруғларнинг баъзиларидан бошқа барча үсимликлар учун хосдир. Сувұтларда ва замбуруғларда жинсий күпайиш доимо яшаш шароити ноқулай бўлганда (температуранинг пасайиши, озиқ муҳитининг етарли бўлмаслиги ва ҳоказо) содир бўлади.

Жинсий күпайиш ҳам жинссиз күпайиш сингари турли хил кўринишларда намоён бўлади. Жинсий күпайишининг изогамия, гетерогамия, оогамия, зигогамия, кариогамия каби, шунингдек, коньюгация (маташув), халтаспора, базидиоспора, ауксоспора ҳосил қилиш каби кўринишлари маълум.

Сувұтларнинг баъзи вакилларида ва асосан юксак үсимликларда насллар галланиши кузатилади. Бунда жинссиз насл жинсий насл билан қатъий равишида алмашинади.

Шундай қилиб, жинсий процессда ҳосил бўлған зигота тиним даврини ўтагач (баъзан тиним даврини ўтмасданоқ), дарҳол бир неча марта бўлинади ва натижада ёш ҳужайралар ҳосил бўлади. Бу ҳужайралар энди мустақил организм сифатида яшай бошлайди.

Айрим сувұтларда, замбуруғларда маҳсус жинсий органлар ҳосил бўлади. Бунда эркак жинсий орган антеридий, урғочи

жинсий орган эса оогоний деб аталади. Антериидийда сперматозоидлар, оогонийда биттадан тухум ҳужайра ҳосил бўлади. Улар ташқарига чиққач, ўзаро қўшилади ва жинсий процесс содир бўлади.

Шундай қилиб, тубан ўсимликлар қўйидаги бўлим (тип) ларга бўлиб ўрганилади:

1. Кўк-яшил сувўтлар — Cyanophyta.
2. Диатом сувўтлар — Diatomeae.
3. Яшил сувўтлар — Chlorophyta.
4. Хара сувўтлар — Charophyta.
5. Сариқ-яшил сувўтлар — Xanthophyta.
6. Кўнғир сувўтлар — Phaeophyta.
7. Қизил сувўтлар — Rhodophyta.
8. Бактериялар — Bacteria (Schizophyta).
9. Шилимшиқлар — Myxophyta.
10. Замбуруғлар — Mucophyta.
11. Лишайниклар — Lichenes.

Сувўтлар

Сувўтлар номи билан аталадиган организмларнинг ҳаёти доим сувда ёки сув муҳитида ўтади. Уларнинг ҳужайрасидаги пигментлар турлича бўлганлиги сабабли, ранги ҳам турличадир. Шунинг учун ҳам улар яшил, кўк-яшил, қўнғир, қизил сувўтлар каби группаларга бўлиб ўрганилади. Будан ташқари, ҳар бир группа (бўлим) учун умумий ўхшашликлардан ташқари, бир-биридан фарқланувчи бошқа бир неча хусусиятлар ҳам мавжуд. Бундай хусусиятларни улар билан алоҳида алоҳида танишганда кузатиш мумкин.

Қўйида тубан ўсимликларнинг айрим муҳим бўлимлари билан танишиб ўтамиз.

Кўк-яшил сувўтлар — Cyanophyta


Кўк-яшил сувўтлар бўлимига анчагина содда тузилган бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали ва колония бўлиб яшайдиган организмларнинг 1400 вакили киради. Уларнинг ҳужайрасида яшил ранг берувчи хлорофилл, кўк ранг берувчи фикоциан ва қизил ранг берувчи фикоэритрин пигментлар мавжуд, улар биргаликда ўсимликни кўк-яшил рангга бўяб туради. Шунга кўра улар кўк-яшил сувўтлар деб аталган.

Кўк-яшил сувўтлар ҳужайраларининг шакли шарсизмон, узунчоқ ва бошқа хилларда бўлиб, ташқи томондан шилимшиқ пектинли парда билан уралган. Ҳужайра ядро, пиреноид, хроматофор каби қисмларга булинмаган. Бу эса кўк-яшил сувўтларни энг тубан босқичдаги содда организмлардан бири эканлигини кўрсатади. Бундай организмларнинг пайдо бўлиши ва

Ер шарида кенг тарқала бошлаши протерозой эрасидан бошланган.

Күк-яшил сувұтлар хужайранинг икки ёки бир неча бұлак-ка бұлиниши билан күпаяди ва бир-биридан ажралып мустақил қолда яшай бошлайды. Буни *вегетатив күпайиш* дейилади.

Хроококк, лингбия, осциллатория, анабена, хромулина, носток кабилар типнинг кенг тарқалған вакилларидан ҳисоблады (1 расм).



1-расм. Күк-яшил сувұтларнинг вакиллари:


1 — хроококк, 2 — носток колониясининг умумий күрінші, 3 — колониядан ажратылған ностокнинг занжирсімөн шаклы, 4 — анабена, 5 — лингбия ва уннинг ғормогонийлар қосыл қилиши.

Бу тип вакиллари табиатда жуда кенг ва хилма-хил шароитда тарқалған. Уларни күлмек чучук сувларда, денгиз сувларда, нам ёки ботқоқ тупроқтарда, дараҳтларнинг пұстлоқла-рида, гултувакларнинг деворларыда ариқ бүйларыда, тоғ тошли жойларда, чүлларда, исисқ булоқларда, қор ва музларнинг устида ва ұқазо жойларда учратыш мүмкін. Бундан ташқары, күк-яшил сувұтларнинг хроококк, носток ва бошқа вакиллари замбуруғлар деб аталувиғи группанинг баъзи вакиллари билан бирга үзаро ҳамкорликда яшаб лишайниклар группасини ҳам ташкил қиласы.

Диатом сувұтлар — *Diatomeae*

Диатом сувұтлар типига бир ҳужайрали ва колония бўлиб яшовчи организмларнинг 10—25000 га яқин тури киради. Ҳаммаси микроскопик организмлардир. Диатом сувұтлар юмалоқ, таёқчасимон, қутичасимон каби шаклларда бўлиб, ҳужайраларнинг пўсти пектин моддасидан ташкил топған ва ташқи томонидан қум-тупроқ (Si_2) билан қопланған. Диатом сувұтлар ҳужайрасида хлорофилл пигментидан ташқари, каротин ииг-

менти ҳам мавжуд. Шунинг учун бу хилдаги сувутларнинг раңги сариқ ёки құнғир-сариқдир. Диатом сувутлар ҳужайрасининг ичидә ядро, вакуола, хроматофор ва плотоплазма каби қысмлар бор. Күпчилик вакиллари денгизларда, баъзилари эса күлмак сувларда, зах ёки нам тупроқларда яшайды. Диатом сувутлар ҳужайранинг иккى бўлакка бўлиниши билан кўпаяди. Буида ҳужайранинг *эпитека* (катта) ва *гипотека* (кичик) паллалари иккى томонга ажралиб бир-биридан узоқлашади ва ҳар бирин ўз шавбатида ўзига янги гипотека ҳосил қиласади. Ҳужайра йил да-



2-расм. Диатом сувутларнинг айрим вакиллари:

1 — пинулярия; а — юкори томондан кўриниши, б — ён томондан кўриниши;
2 — циклотелла; а — юкори томондан кўриниши, б — ён томондан кўриниши;
3 — мелозира, 4 — астерионелла колонииси, 5 — сурирелланинг ауксоспора
ҳосил қиласатган даври.

вомида бир неча марта бўлиниб кўпайиб туради. Шундай кетма-кет бўлинишлардан кейин йилнинг маълум бир даврида организмнинг ҳажми шунчалик кичрайиб қоладики, энди навбатдаги бўлинишга имкон бўлмай қолади. Шунда улардан иккитаси ўзаро қўшилиб, ауксоспора деб аталувчи спорага айланади. Ауксоспора тиниш даврини ўтгач, ўса бошлайди ва дастлабки катталигига етади. Шундан кейин яна навбатдаги бўлиниш бошланади.

Диатом сувўтларнинг *пиннулярия*, *циклотелла*, *навикула*, *мелозира*, *астерионелла*, *табеллария*, *сурирелла*, *хетоцерос* каби турлари табиатда кенг тарқалган (2-расм).

Диатом сувўтлар ҳужайрасидан ташқарига шилимшиқ модда чиқиб туради ва шу ёрдамида организм танаси секин ҳаракатланади.

Денгизларда яшовчи диатом сувўтлар нобуд бўлгач, танасини қоплаб турган қумтупроқ ёки диатомит деб аталган тоғ жиниси денгиз тагига чўкиб, бир неча миллион йиллар давомида қалин қатлам ҳосил қиласди. Диатомит фовак ва енгил бўлганилигидан ундан термоизоляцион материаллар, фовак гиштлар ва портловчи модда — динамит тайёрлашда ишлатилади.

Яшил сувўтлар — *Chlorophyta*

Яшил сувўтлар типига бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали ва колония ҳолида яшовчи организмларнинг 5700 га яқин тури киради. Уларнинг ҳужайра мoddаси таркибида фақат хлорофилл пигменти мавжуд бўлганилигидан вакилларининг барчаси соғ яшил рангда бўлади. Яшил сувўтларнинг бир ҳужайрали вакиллари микроскопик организмлардир. Колония ҳолида яшовчи ва кўп ҳужайрали вакиллари эса анча йирик бўлади. Яшил сувўтларнинг бир ҳужайрали вакиллари юмалоқ, ноксимон, ҷўзиқ, кўп ҳужайралилари ипсимон, бутасимон шохланган, пластинкасимон колонияли вакиллари эса шарсимон, тўрсимон каби шаклларга эга. Яшил сувўтларнинг баъзи вакиллари ҳам борки, уларнинг катталиги 0,5 метрдан ҳам ортади, ташқи кўриниши эса юксак ўсимликларни эслатади. Аммо уларнинг шакли мураккаб кўринишда бўлса ҳам, битта ҳужайрадан ташкил топган. Шунинг учун уларни шартли равишда «ҳужайрасиз» деб аталади. Яшил сувўтлар вакилларининг ҳужайраси протоплазма, бир ёки бир неча ядро, хроматофор, вакуола каби қисмлардан иборат. Яшил сувўтларнинг бир ҳужайрали вакиллари хивчин деб аталувчи қилчаларга эга бўлиб, шулар ёрдамида сувда ҳаракатланади. Баъзи колония ҳолида яшовчи вакиллари ҳам шу хилда ҳаракат қиласди. Кўп ҳужайрали вакиллари эса ўзи яшаётган жойига (субстратга) ёпишиб, ҳаёт кечиради.

Яшил сувўтлар ҳар хил кўпаяди. Кўпчилик турлари веге-

татив ва зооспоралар ҳосил қилиб кўпаяди. Бунда ҳужайра маҳсулоти 2—4—8—16—32—64 та ва ундан ҳам ортиқ бўлакка бўлинади. Ҳар бир бўлак бир жуфт хивчин (қилча) ҳосил қиласди ва она ҳужайрани парчалаб ташқарига чиқади ҳамда ҳар бири ўзига янги ҳужайра пўсти ҳосил қилиб, мустақил организм сифатида яшай бошлади. Кўпайишнинг бу усулига жинссиз кўпайиш дейилади. Жинссиз кўпайиш доим шароит қулай бўлган вақтда содир бўлади ва йил давомида бир неча марта такрорланади.

Аммо Ер шарининг турли ғуқталарида ҳам йилнинг барча фасллари сувўтлар учун қулай бўлавермайди. Шунинг учун ноқулай шароит (ҳаво температурасининг пасайиши, сувда озиқ моддаларнинг камайиб кетиши, сувнинг қуриб қолиши ва ҳоказо) юзага келиши биланоқ улар ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун жинсий кўпайишга ўтади. Жинсий кўпайиш асосан ҳужайра ёки ҳужайралардаги маҳсулотнинг жинссиз кўпайиш процесидагидек 2—4—8—16—32—64—128 ва ҳоказо бўлакка бўлиниши билан боради. Ҳар бир бўлак бир жуфт хивчинга ва тенг ҳужайра маҳсулотига эга бўлган ҳолда она ҳужайра пўстини парчалаб ташқарига чиқади. Аммо шу чиқкан танаачалар мустақил ҳаёт кечирмасдан, балки иккитаси ўзаро жуфт-жуфт булиб қўшилиб олади. Ўзаро қўшилувчи бундай танаачаларга гаметалар дейилади. Гаметаларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган маҳсулот — зигота деб юритилади. Ана шу зиготалар қалин пўст билан ўралиб олади ва сув тагига чўкиб, қулай шароит содир бўлгунга қадар тиним даврини ўтайди. Тиним даври тугагач, зиготалар редукцион бўлиниб, 2 ёки 4 та янги танаача ҳосил қиласди. Бу танаачаларга зооспора дейилади. Зооспоралар ҳар бири бир жуфт хивчин ҳосил қилиб, мустақил организм сифатида яшай бошлади.

Яшил сувўтлар табиатда кўк-яшил сувўтлардек жуда кенг тарқалган. Яшил сувўтларнинг кенг тарқалган бир ҳужайрали вакилларига *хлорококк*, *хлорелла*, *хламидомонада*, *зигнема*, *клостериум*, *десмидиум* кабиларни; кўп ҳужайраларига — *улотрикс*, *кладофора*, *спирогира* (бақатўни), *эдогониум*, *ульва* ёки *денгиз салати* кабиларни; колония ҳолида яшовчиларига — *вольвокс*, *эвдорина*, *пандорина*, сув тўри кабиларни ва ниҳоят «ҳужайрасиз» вакилларига — *вошерия*, *каулерпа*, *ацетабулария* кабиларни кўрсатиш мумкин (З-расм).

Яшил сувўтлар типининг вакиллари ҳам табиатда ва хўжаликда катта аҳамиятга эга.

Қўнғир сувўтлар — *Phaeophyta*

Қўнғир сувўтлар типига фақат денгизларда яшовчи 900 дан ортиқ иссимон ёки пластинкасимон танали (талломли) кўп ҳужайрали турлар киради. Қўнғир сувўтларнинг баъзилари 20—30 см катталикда бўлса, баъзиларининг узунлиги 1 м дан



3-расм. Яшил сувўтларниң айым вакиллари:


1 — хламидомонада, 2 — хлорелла ва унинг турли стадиядаги тараққиёти, 3 — улотрикс,
4 — кандофора, 5 — бақа түні ёки спирогира, 6 — иккита спирогринанинг маташув даври,
7 — каулерпа, 8 — кладоптерум, 9 — плејрококк, 10 — хара, 11 — вольвокс.

ошади ва ниҳоят айримларининг узунлиги 300—400 метрни ташкил қиласиди. Қўнғир сувўтлар вакилларининг ҳужайрасида хлорофилл, фукоксантин, каротин пигментлари мавжуд. Шунинг учун бу хилдаги организмларнинг ранги қўнғир ёки сарғиши-қўнғирдир. Қуёш нури таъсирида фотосинтез процесси рўй беради ва ҳужайрада қанд, ламинария каби карбон сувлардан иборат озиқ моддалар тўпланади.

Жинсиз ва жинсий кўпаяди, жинссиз кўпайиш кўпинча ҳаракатчан зооспоралар, қисман ҳаракатсиз 4 та спора (тетраспора)лар ҳосил қилиш ёрдамида sodir бўлади. Жинсий кўпайиш турларига қараб изогамия, гетерогамия ва ооғамия шаклида бўлади. Баъзи қўнғир сувўтларда жинссиз кўпайиш билан жинсий кўпайиш галланиб туради, буни насллар галланиши деб аталади.

Қўнғир сувўтларнинг кўпчилиги совуқ ва ўртача иқлимли денгиз ва океанларда учрайди.

Қўнғир сувўтларнинг энг кенг тарқалган вакилларидан эктокарпус, ламинария, диктиота, фукус, саргассум, дилофус, сфацелярия, кутлерия, макроцистис, цистозира, алария кабиларни кўрсатиш мумкин (4- расм).




4- расм. Қўнғир сувўтларнинг баъзи вакиллари:

1 — ламинария, 2 — ёркак ўсимтаси (гаметофити), 3 — ургочи ўсимтаси (гаметофити), 4 — диктиота, 5 — фукус, 6 — фукус тухум ҳужайрасининг сперматозоид билан ўралиб олиниши, 7 — сперматозоидларнинг антери-дийдан чиқаётган ҳолати.

Құнғир сувұтларнинг ҳам бир неча вакиллари халқ ұхжа-лигининг турлы соқаларида катта ақамиятга эга.

Қизил сувұтлар — Rhodophyta

Қизил сувұтлар ҳам денгиз ва океанларда, баъзилари эса чучук сувларда учрайди. Ташқи күрениши ва тузилиши жиҳатидан улар жуда хилма-хил бўлиб, кўпинча ипсимон, пластинкасимон шаклларга эга. Уларнинг кўпчилигида таллом «поя» ва «барг» каби органларга ажралгандек кўринади. Типнинг 2500 тури маълум. Ҳужайра хроматофорида фикоэритрин



5-расм. Қизил сувұтларнинг баъзи вакиллари:
1 — каллитамнион, 2 — гигартина, 3 — немалион, 4 — литотамнион, 5 — дазия, 6 —делессерия.

деб аталувчи пигментнинг мавжудлигидан қизил сувўтлар соғ қизил, пушти қизил, қорамтири қизил рангга эга. Жинсиз ва жинсий кўпаяди. Жинсиз кўпайиш ҳаракатсиз спора (моно ва тетраспора)лар ёрдамида, жинсий кўпайиш эса оогам усулда боради, яъни *карпогон* деб аталувчи урғочи жинсий орган ичидаги етилган ҳаракатсиз тухум ҳужайрага сув оқими ёрдамида сузуб келадиган ҳаракатсиз эркаклик жинсий суюқлик — спермацийларнинг қўйилиши натижасида юз беради.

Фотосинтез процессида қизил сувўтлар қуёшнинг яшил ва кўк нурларидан фойдаланади.

Қизил сувўтларнинг батрахоспермум, бангия, делессерия, порфира, немалион, каллитамнион караплинга, филлофора каби турлари энг кўп ва кенг тарқалган (5- расм).

Сувўтларнинг яшаш шароити

Ер шарида учрайдиган сувўтларнинг барчасини яшаш шароитига кўра планктон, бентос ва тупроқ сувўтлар группасига бўлиб ўрганилади.

Планктон сувўтлар — сув қатламида сузуб яшовчи сувўтлар бўлиб, улар денгиз сувларида 100 метргача ва чучук сувларда эса 10 метргача чуқурликда яшовчи организмлардан иборатдир. Планктон (муаллақ) ҳолда яшовчи диатом сувўтлардан планктонелла, флагилария, табеллария; яшил сувўтлардан пе-диаструм, десмидиум, хлорококк; кўк-яшил сувўтлардан ана-бена, анабекопсис кабиларни кўрсатиш мумкин.

Бентос сувўтлар — сувнинг тагида турили хил (субстратларга) ёпишиб яшовчи сувўтлардир. Сув қатлами литорал, сублиторал ва элиторал деб аталувчи учта минтақага бўлинади. Литорал қават денгиз сувларининг кутарилиб пасайиб турувчи энг устки сатҳи билан шу сувнинг пасайи-гандаги энг остки қаватигача бўлган қатламни ўз ичига олади. Бу қатламда қўнғир, қизил ва яшил сувўтларнинг баъзи вакиллари учрайди. Сублиторал қават сувнинг пасайи-гандаги энг остки қаватигача бўлган қатламни ўз ичига олади ва бу қаватда қўнғир сувўтларининг ламинария каби ва қизил сувўтларнинг баъзи вакиллари учрайди. Элиторал қатлам 40 м дан 100 м тacha бўлган сув қаватини ўз ичига олади. Бу қаватда асосан қизил сувўтларнинг баъзи вакиллари учраб, уларнинг ҳаёти 2—4 йил, баъзан 10—12 йил давом этади.

Тупроқ сув ўтлари — нам тупроқларнинг бетида тупроқ қаватида, дараҳтларнинг пустлоқларида яшовчи кўк-яшил, яшил диатом сувўтларнинг кўпгина вакиллари киради. Масалан, М. М. Голлербах маълумотига кўра, СССР территориясидаги тупроқларда 257 хил сувўтлар рўйхатга олинган бўлиб,

улардан 102 тури яшил, 92 тури күк-яшил ва 53 тури диатом сув-ұтларининг вакиллари дидир.

Юқорида күрсатилганидек, сувутлар сув температураси 75° дан 93° гача бұлган иссиқ булоқларда ёки тоғлардаги қор ва музликларда ҳам ҳаёт кечиради.

СССРнинг 2300—3400 м баландлықдаги Қавказ тоғларида, Новая Земля, Франц Иосиф ерларидан ва шунга үхшаш жойларниң қор ва музликларидан күпгина сувутлар топилған. Ана шу жойлардаги қор ва музликларниң усти онда-сонда турли хил рангга (күк, қызил, яшил ва қоқазо) булиб туради. Қор ва музликларниң ранғы асосан, шу ерларда яшаётган сувутларниң турларига ва уларниң ұжайра шираси таркиби даги гематохром деб аталувчи ранг берувчи пигментнинг миқдорига боғлиқ.

1929 йилда Қавказниң Қарағай тоғида кузатилған қизил қорниң сабабчиси 55 хил сувутлари булиб, шундан 26 тури диатом, 18 тури яшил, 10 тури күк-яшил ва 1 тури қизил сувутларниң вакиллари бұлғанлиги аниқланған. Ер шарининг турли қорлы ва музли қысларыда фақат қизил қор әмас, балқи сариқ, яшил, пушти, қора қорлар ҳам кузатилғанлиги ва бунга сабабчи турли хил сувутлар эканлиги кузатилған.

Шимолий Американың Иеллоустон паркида яшил сувутларниң вакиллари бұлған хламидомонадалар яшил қор ҳосил әтган. Сувутлар жуда тез күпаяди. Натижада қисқа вақт ичіда каттагина майдонларда рангли қор ҳосил булиб қолади. Кучли шамол-түзөнлар натижасыда тоғдаги қорлар шаҳар ва қишлоқтар томон түзіб келған. Натижада кишилар үртасыда турли рангдаги қорларниң ёғиши билан боғлиқ бұлған шов-шувлар келиб чиққан. Илгариги вақтда бундай ҳодисаларға диний кишилар илохий тус беріб, саводсиз кишилар үртасыда диний тарғибот ишларини олиб боришига уринған.

Хозирги вақтда бундай ҳодисаларнинг сабаби биз юқорида күрсатып ұтганимиздек сувутларниң фаолияти билан боғлиқлиги күпчиликка маълум бұлса керак.

Сувутларниң аҳамияти

Сувутлар сұнда яшовчи ҳайвонларға уларниң нафас олиши учун зарур бұлған кислород газини етказиб беради ҳамда шу ҳайвонлар учун озиқ ҳисобланади. Уларниң қолдиқлари эса турли хил минерал элементларға бой бұлғанлиги учун халқ ұжалигининг турли соҳаларида фойдаланылади.

Сувутлар үтхұр балиқлар учун яхши озиқ ҳисобланади, сув транспорты ва гидротехникада эса денгиз چүқурлигини белгилаш ва бошқа масалаларда аҳамиятлайди. Озиқ-овқат санбатида яшил сувутларниң «денгиз салати» номи билан маълум бұлған ульва ва құнғир сувутларниң «денгиз карами» номи билан

маълум бўлган ламинария каби турлари жуда муҳим роль ўйнайди.

Медицинада даволовчи балчиқлар таркибидаги сувўтларнинг қолдиқлари турли касалликларни даволашда, йод олишда, витамин А, В, В₁, В₂, С, Д олишда, шунингдек қўнғир ва қизил сувўтларнинг вакиллари гижжа туширувчи дори сифатида муҳим роль ўйнайди.

Бактериялар ёки увоқилилар — Bacteria (Schizophyta)

Бактериялар типига микроскопик жониворлар, аксарият кўпчилиги бир ҳужайрали, баъзилари ипсимон шохланган колонияли рангсиз организмлар киради. Уларнинг жуда кенг тарқалган 3—6 минг тури маълум.


Бактериялар ҳар қандай шароитга ҳам тез мослашиб яшай олиш хусусиятига эга бўлганлиги учун, улар Ер шарининг ҳамма қисмida, яшайди. Улар ҳавонинг 10 км гача бўлган қаватида, тупроқда, чучук ва денгиз сувларида, өзиқ-овқат маҳсулотларида, ўсимлик, ҳайвон, одам танасининг сиртида ва ичагида, уларнинг чиринди қолдиқларида, тоғ ва музликларда, хуллас биосферада жуда кўп миқдорда учрайди. Масалан, баъзи ҳисобларга кўра 1 г тупроқда 100 миллионлаб, оқар сувларнинг 1 см³ ҳажмида бир неча юзлаб, оқмайдиган ифлос ва ювинди сувларнинг шунча ҳажмида эса 100 миллионгача, қиша катта шаҳар парклари атрофидаги 1 м³ ҳавонинг таркибида 4500 гача, ёзда эса 10 000 гача, ҳавоси тозалаб турилмайдиган ёпиқ бинолар ичида 1 м³ ҳавода 300 000 гача, ҳатто 1 см³ ҳажмдаги яхши сифатли сутда 500 минггача бактерия учраши мумкин экан.

Бактерияларнинг шакли шарсимон, таёқчасимон, вергулсимон, пакетсимон, маржонсимон ва ҳоказо кўринишда бўлади (б-расм).

Бактериялар жуда оддий тузилишга эга бўлиб, уларнинг танаси ҳужайра пўсти билан уралган. Ҳужайра ичидаги эса 20—80% гача нуклеопротеин деб аталувчи модда ва шунингдек, бошқа протоплазма маҳсулотлари жойлашган. Шундай қилиб, бактериялар ҳужайраси оддийгина тузилишга эга бўлганлиги сабабли улар энг дастлаб пайдо бўлган қадимги организмлардан бўлиб ҳисобланади.

Улар ҳужайранинг бўлиниши билан купаяди. Шароит ноқулай бўлган тақдирда улар ўз ҳужайраси таркибидаги сувни бир қисмини чиқариб юборади. Ҳужайрадаги запас озиқ моддалар тўпланиб, қалин пўстга уралади ҳамда ҳаракатсиз спора ҳолатига ўтиб тиним даврини кечиради. Қуляй шароит вужудга келиши билан баъзилари бир ва икки, баъзан бундан ҳам кўп хивчин ҳосил қилиб, шу хивчинлар ёрдамида, қолганлари эса танасининг букилиши ёрдамида ҳаракат қиласади.

Бактериялар кислородли (аэроб) ва кислородсиз (анаэроб) муҳитда яшашига кўра 2 груплага бўлинади.



6 расм.- Бактерияларнинг баъзи вакиллари:

1 — шарсимон шаклли бактериялар; а — кокклар, б — диплококклар, в — тетрококклар, г — стрентококклар, д — сарциналар; 2 — таёқчасимон шаклли бациллалар; 3 — вергулсимон шаклли вибрионлар; 4 — спираллалар; 5 — ипсимон шаклли бактериялар; 6 — олтингугурт бактерияси.

лар минерал моддалар даражасига келиб парчаланади.

Бактерияларнинг баъзилари ўсимлик ва ҳайвонларда яшаб уларда турли хил касалликларни вужудга келтиради. Бундай бактериялар патоген бактериялар деб аталади.

Бактериялар табиатда ва одамлар ҳаётида жуда зарур ва муҳим роль ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги рангиз (хлорофиллсиз) бўлганлигидан тайёр овқат ҳисобида (гетеротроф) яшайди. Бактериялар бўлмаганида эди, Ер юзида мавжуд бўлган тирик организмларнинг ўлик қисмлари бутун Ер бетини, сув ва ҳаво бўшлигини тўлдириб юборган бўлар эди.

Бактериялар фаолиятинг энг афзал томони шундаки, улар органик моддаларнинг (барча ўсимлик, ҳайвон ва кишиларнинг ўлик қолдиқларини) тезда парчалаб юбориш хусусиятига эга. Бактерияларнинг баъзи турлари томонидан азотсиз органик моддалар (карбон сувлар) ачиш процесси оқибатида парчаланади. Йиккинчи хил бактериялар эса азотли органик моддаларни парчалаб, чириш процессини бажаради. Иккала процессда ҳам бактерияларнинг фаол иштироки натижасида органик модда-

Замбуруғлар — Fungi

Бу типга 70—100 мингга яқин тур киради. Кўриниши рангиз, гетеротроф озиқланади. Ташқи ва ички тузилиши ҳар хил. Ҳаёт кечириши бактерияларга ўхшаш, лекин буларнинг танаси анча йирик ва мураккаб, ҳужайраси анча мукаммал тузилган.

Замбуруғларнинг танаси бир неча ингичка иилардан тузилган булиб, бу ипчаларнинг ҳар бири гифа деб аталади. Гифаларнинг бир нечаси ўзаро туташиб, шохланган шаклли вегетатив тана ҳосил қиласи. Бундай тана мицеллий деб аталади. Демак, замбуруғларнинг танаси мицеллийлардан ташкил топган. Соддароқ вакилларининг мицеллийли бир неча гифадан, юксак вакилларининг мицеллийси эса күп ҳужайралы жуда күп миқдордаги гифалардан ташкил топган.

Замбуруғлар Ер шарида жуда кенг тарқалган. Уларнинг күпчилиги ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўлик қолдиқлари ҳисобиға ҳаёт кечиради. Бундай замбуруғлар сапрофит ҳисобланади. Бошқалари тирик ўсимлик ва ҳайвонлар танасида учраб, ўзларининг гаусторийлари ёрдамида шу организмлар танасидаги озиқ моддаларни сўриб ҳаёт кечиради. Бу хилдаги замбуруғлар — паразит замбуруғлар дейилади (7-расм).

Учинчи хил замбуруғлар эса ўсимлик билан ўзаро ҳамкорликда, яъни симбиоз ҳолда ҳаёт кечиради.

Замбуруғларнинг баъзи вакиллари юксак ўсимликлар (хусусан ўрмон дараҳтлари)нинг илдизида яшаб, уларнинг илдизларини чуқурроқ ва кенгроқ атрофга ёйилиб тарқалишига кўмаклашади ва ўзи ҳам шу илдиз ҳисобига озиқланади (8-расм).


Шундай қилиб, замбуруғлар типининг вакиллари табиатнинг турли нуқталарида, турли хил шароитда яшайдиган организмлардан ташкил топган. Замбуруғлар деганда күпчилик кишилар оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган ва овқат сифатида истеъмол қилинадиган қўзиқорин, оқ замбуруғ ва к. ларни тушунадилар. Аслида эса замбуруғлар типига микроскоп остидагина қўринадиган майда организмлардан тортиб, оёқча (тана) ва қалпоқчадан ташкил топган ҳамда овқат сифатида ишлатиладиган вакилларигача бўлган анча йирик замбуруғлар киради.

Замбуруғларнинг ҳужайраси пўст билан ўралган. Тубан вакилларида ҳужайра пўсти пектин ва баъзан целлюлоза моддаларидан, юксак вакилларида эса азотли моддалар аралашган карбонсувлар (полисахарид ва хитин)дан ташкил топган.

Ҳужайра ичида эса кўп сондаги (тубан вакилларида) ёки биттадан ядрога (юксак вакилларида), бир ёки бир неча вакуол, запас озиқ моддалардан ёғ, гликоген ва волютин кабиларга эга бўлган протопласт жойлашган.


Замбуруғлар вегетатив, жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Сувда яшайдиган тубан вакиллари кўпинча жинсий кўпаяди. Вегетатив кўпайганда замбуруғларнинг вегетатив танаси — мицеллийси бир неча бўлакка узилиб кетиши ёки мицеллийларнинг бир ҳужайралы бўлакларга бўлиниши билан боради.

Жинссиз кўпайиш зооспоралар, спорангийспоралар ва конидиялар ҳосил қилиш билан боради.



7-расм. Замбуругларнинг паразит ва сапрофит ҳолда яшовчи баъзи вакиллари:

А — паразит замбуруглар; 1 — пўкақ замбургининг меватаниси; а — меватанининг кўйдаланг кесигида гимениал қават ва базидия хужайраларининг жойланиши; А — сапрофит замбуруглар; 2 — оқ пўпанас замбуруги, 3 — пецица замбуруги, 4 — 11 еб бўладиган замбуруглар; 4 — қўзиқорин, 5 — оқ замбуруг, 6 — подосиновик, 7 — подберёзовик, 8 — масленок, 9 — рижик, 10 — грузд, 11 — лисичка; 12 — 15 — заҳарли замбуруглар; 12 — мухомор, 13 — оқ поганка, 14 — сохта лисичка, 15 — сохта опёнок.



8-расм. Ўсимлик илдизида симбиоз ҳолда яшовчи баъзи замбуруғлар (микоризлар):

1 — эман илдизида, 2 — қорақайин илдизида, 3 — орахис гулдошларнинг илдизида (эндотроф) яшовчи микоризалари, 4 — қарагай илдизида, 5 — заранг илдизида.

Жинсий кўпайиш эса тубан вакилларида сувўтларга ўхшаб изогамия, гетерогамия ва оогамия йўли билан боради. Жинсий кўпайиш битта ёки бошқа-бошқа мицеллийдаги иккита гифанинг бир-бираига яқинлашиши ва ниҳоятда уларнинг ҳужайра маҳсулотларини ўзаро қўшилиши йўли билан боради ва бунда турларига қараб зигоспора, базидиоспора ҳосил бўлади.

Замбуруғлар типининг вакиллари юқорида айтганимиздек жуда хилма-хил тузилишга эга булиб, одатда уларнинг тана тузилиши ва кўпайиш хусусиятларига кўра архимицет, фикомицет, аскомицет, базидиомицет замбуруғлар деб аталувчи группаларга бўлиб ўрганилади. Замбуруғларнинг яна бир группаси борки, уларни такомиллашмаган замбуруғлар деб юритилади.

Карам кўчатларида паразит ҳолда яшайдиган ва уларга катта зарар келтирадиган ольпидиум (*olpidium drossicae*) қарагай дараҳтларининг сувга тушган «гул» чангидаги паразит ҳолда яшайдиган ризофидиум (*Rhizophidium pollinus*) кабилар архимицет замбуруғлар группасига киради.

Нонларда ва баъзи мевалар устида тез-тез ҳосил бўлиб турадиган оқ пўпанак ёки мөгор, картошқа экинида паразит ҳолда яшовчи фитофтора (картошка замбуруғи) кабилар фикомицет замбуруғларга киради.

Хамирни кўпчитадиган ачитқилар (дрожжи), ҳар хил ҳўл мевалар устида учраб ва ундан сариқ ёки яшил рангли пенициллин дорисини тайёрлашда ишлатиладиган пенициллин ва аспергилл каби вакиллар, баъзи ғалла экинларининг донларини заарлайдиган қаттиқ узун танали шоҳкуя деб аталувчи замбуруғлар, овқат сифатида истеъмол қилинадиган қўзиқоринлар халтачали замбуруғларга киради.

Эски ёғочли иморатлар синчини чиритишида актив қатнашадиган уй замбуруғи, тут, ёнғоқ, бодом, тол каби дараҳтларнинг танасида паразит ҳолда яшайдиган пўқаклар, ғалла экинлари, шунингдек арпа, буғдор, жўхори, тариқ, сули ҳамда қамиш, фумай, ажриқ каби бегона ўтлар бошогида дон эмас, балки қозон қораси каби кукун ҳосил қиласидиган қоракуя замбуруғлари, шу ўсимликлар баргига, поясида сариқ доғлар, ғуборли кукунлар ҳосил қиласидиган занг замбуруғлари, ўрмонларда дараҳтларнинг тагида ўсиб турадиган ва овқат сифатида ишлатиладиган оқ замбуруғ, шампиньон, болетус, груздъ, сироежик, масленок каби қалпоқчали замбуруғлар, поганка, муҳомор каби заҳарли қалпоқчали вакиллар базидияли замбуруғлар группасига киради.

Лишайниклар — Lichenes

Лишайниклар ўсимликлар дунёсининг ўзига хос оригинал тузилишига эга бўлган табиий бир группасидир. 30 мингга яқин тури бор. Улар сувўтларнинг яшил ва кўк яшил сувўтлар, замбуруғлар (халтачали ва базидияли) билан биргаликда яшашибдан ружудга келган. Ташқи куринишига қараб лишайниклар баргсимон, ёпишқоқ ва бутасимон деб аталган группага, ички тузилишига қараб эса гомеомер ва гетеромер лишайникларга бўлинади. Гомеомер лишайниклар анчагина содда тузилишга эга булиб, асосан тошларда ва баъзан дараҳт пўстлоқларида ёпишиб яшайди. Гетеромер лишайниклар анча мураккаб тана

тузилишига эга бўлиб, улар баргсимон ва бутасимон кўрнишида бўлади.

Лишайниклар талломини ташкил этган гифалар лихенин деб аталган карбон сувлардан ташкил топган бўлиб, бу гифалар ташқарига лишайник кислотасини чиқариб туради. Шу кислоталар ўсимликларнинг турли хил рангда бўлиши, қуёш таъсиридан сақланиши ва лишайниклар танасига ҳаво кириб туришида муҳим роль ўйнайди.

Лишайниклар жуда беор ўсимликлардан бўлиб, табиатда улар жуда кенг тарқалган. Улар бошқа ўсимликлар яшай олмайдиган шароитда ҳам учрайди. Шундай қилиб, лишайниклар Ер шарининг турли нуқталарида — Арктиканга-ча бўлган текислик ва тоғли тепаликларда турли хил субстратларда (тош ва қояларда, чўл ва даштларда, дараҳт ва бута ўсимликлар пўстлоқларида ва д.) ўсади.


Лишайникларнинг кўпайиши сувўт ва замбуруғларнинг кўпайишига хосdir, яъни лишайникларни ташкил этган сувўтлар ҳужайраларининг оддий бўлиниши йўли билан, замбуруғлар эса споралар ҳосил қилиш йўли билан (вегетатив) кўпаяди. Бундан ташқари, лишайникларнинг баргсимон ва бутасимон вакиллари ўз танасида *соридийлар* (маҳсус ўсимталар) ҳосил қилиш, ёпишқоқ лишайниклар эса *изидий* (маржондек чизилган ўсимта)лар ҳосил қилиш йўли билан кўпаяди.

Африка ва Арабистон саҳроларида кўп миқдорда учрайдинг ҳамда ўша жойларда кучли шамоллар натижасида тўзиб, осмондан «ун ёғиши» ҳодисасини юзага келтирадиган ликонопора (*Liconora*), тундра зонасида жуда кенг тарқалган ҳамда буғулар учун асосий ем-харакат ҳисобланган ва «буғу мохи» ёки «кладония» (*Cladonia*), цетрария (*Cetraria*), пармелия (*Parmelia*) пелтигера (*Peltigera*) каби тундрада ўсуви чи медицинада турли хил дори-дармёнлар тайёрлашда ҳамда витамин С олишда, парфюмерияда «Шипр»га ўхшаш одеколон ва атиплар тайёрлашда ишлатиладиган лишайниклар, лакмус ва бўёқлар олишда ишлатиладиган лишайник ва канор, Азор оролларида кўп учрайдиган *Rogeola* ва СССРнинг тундра зонасида кўп учрайдиган охролехиялар лишайникларнинг энг кўп тарқалган вакиллари ҳисобланади (9-расм).

Юксак ўсимликлар — *Corticophyta* (*Corticobionta*)

Юксак ўсимликларнинг тузилишидаги ва кўпайишидаги та-комилланиш. Юқорида биз тубан ўсимликлар билан танишиб ўтганда уларнинг танаси ҳақиқатан ҳам жуда содда эканлигини кўрдик. Юксак ўсимликларда эса тана тузилиши мураккаблаша борганлигини, аввало уларнинг танаси бир ҳужайрални ёки кўп ҳужайрални эмас, балки жуда кўп ҳужайраларнинг йигиндиси ҳисобланган тўқималардан ташкил топганлигини кўрамиз.

Моҳларнинг айрим содда тузилган вакилларини ҳисобга олмаганда, юксак ўсимликларнинг ҳаммаси анча мураккаб



9-расм. Лишайникларнинг баъзи вакиллари:

1, 2 — ёпишқоқ лишайниклар; 1 — тошхина, 2 — леконора, 3 — баргсимон пармелия,
4, 5 — бутасимон лишайниклар — кладониялар.

тана тузилишга эга. Улар поя ва баргларга эга бўлиши билан тубан ўсимликлардан фарқ қиласи. Шунинг учун ҳам тубан ўсимликларнинг танаси таллом деб аталган бўлса, юксак ўсимликларнинг танаси **поя-баргли ўсимликлар** ёки **кормобионтлар** деб аталади. Эволюцион ривожланишга кўра юксак ўсимликлар тубан ўсимликларга нисбатан анча ёш бўлиб, сувўтларнинг айримларидан келиб чиқандир. Сувўтларнинг айрим вакиллари қуруқлик муҳитига чиқиб қолган ва янги муҳитга — қуруқлик муҳитига мослаша борган. Шу сабабли уларнинг тана тузилишида қатор ўзгаришлар ва такомилланишлар вужудга кела бошлаган. Бундай ўзгариш ва такомилланишни қўйидагича тасаввур қилиш мумкин.

1. Янги шароитда нормал яшаш учун аввало фотосинтез аппаратининг такомилланиши зарур бўлган. Бундай такомилланиш баргнинг ҳосил бўлиши ва барг сатҳининг кенгайиши орқали амалга ошган.

2. Қуруқликка чиқсан ўсимликлар танаси сув ва сувда эриған минерал моддаларни бутун танаси билан сўриб олиш хусусиятига эга бўлмай қолган. Энди бу вазифани дастлаб ри-

зондлар, кейинчалик эса илдиз бажара бошлаган. Шундай қилиб, барг фотосинтез вазифасини, илдиз сув орқали минерал моддаларни сўриш вазифасини бажара бошлаган.

3. Бу иккала органнинг вужудга келиши учинчи органипоянинг вужудга келишини тақозо қилган. Чунки баргдан илдизга органик моддалар етиб бориши ва илдиздан баргга сув ҳамда сувда эриган минерал моддалар бориши учун восита вазифасини бажарувчи учинчи орган поянинг ҳосил булиши шарт ёди. Учала органнинг ҳосил булиши уларнинг ички ва ташки тузилишида қатор ўзгаришлар содир булишига олиб келди.

4. Қуруқликда яшовчи ўсимликларда улар ҳаётини юқори ва паст температурадан, ортиқча сув буғлантиришдан ва бошиқа кўпгина ташки таъсиротлардан ҳимоя қилувчи органлар вужудга кела бошлади.

5. Юксак ўсимликлар ҳаётида фақат илдиз, поя ва барг каби вегетатив органлар вужудга келиб ва такомиллашиб бормасдан, балки генератив органлар ҳам анча такомиллашганинги кўриш мумкин. Юксак ўсимликларнинг урғочи жинсий органи архегоний, эркак жинсий органи антеридий номи билан аталади. Архегоний ҳам, антеридий ҳам кўп ҳужайрали булиб, ўсимликнинг жинсий кўпайиш циклини таъминлади.

6. Юксак ўсимликларда наслларнинг қатъий равишида галланиши кузатилади, яъни жинссиз кўпайиш билан жинсий кўпайиш қатъий равишида алмашинади. Моҳлар деб аталган группа вакилларида жинсий насл биринчи ўринда туради, жинссиз насл эса жинсий наслга қарамадир. Папортниклар очиқ уруғлилар ва ёпиқ уруғлиларда жииссиз насл жуда яхши ривожланган булиб, жинсий насл редукциялана боради.

Шундай қилиб, юксак ўсимликлар қўйидаги белгилари билан тубан ўсимликлардан:

поя, барг ва илдизларга эга булиши;

ўтказувчи орган тўқималарининг таркиб топиши ва тараққий этиши;

қопловчи, механик ва бошқа хил тўқималарнинг таркиб топиши ва тараққий этиши;

жинсий органларнинг такомиллаша бориши;

фотосинтез аппаратининг такомиллашиши;

наслларнинг тўғри ва қатъий равишида галланиши билан фарқланади.

Албатта, юқорида кўрсатилган белгилар ва хусусиятларнинг барчаси юксак ўсимликларда бирданига ҳосил бўлмасдан, балки аста-секин вужудга кела бошлаган.

Кейинчалик жинсий органларда ҳам такомилланиш юз берган ва шу сабабли юксак ўсимликларнинг ўзи архегонийли ва гулли ўсимликлар деб аталувчи иккита группага булиб ўрганилади.

Умуман олганды эса юксак үсімліклар ҳозирги вақтда қуидаги 4 та бұлымга бұлып үрганилады:

1. Мохлар — Bryophyta
2. Папоротниклар — Pteridophyta
3. Очиқ уруғлilar — Gymnospermae
4. Гулли үсімліклар — Anthophyta

Юксак үсімлікларнинг тұқымалари ҳақида тушунча

Тубан үсімліклар ҳаётида ҳужайра асосий роль үйнаган бұлса, юксак үсімліклар ҳаётида эса тұқымалар асосий ролни үйнайды.

Тұқима деб, шакли ва бажарадиган функцияси (вазифаси) бир хил бұлган ҳужайралар ийғиндисига айтилади.

Бажарадиган функциясига қараб юксак үсімліклар танасини ташкил этганды ҳужайралар бир неча группаларга бүлинади шу группаларнинг қаралып келгенде маңыздылықтың тұқыманы ташкил этады. Бундай тұқымалар одатта қуидаги группалардан ибораттар: қосыл құлувчи (ёки меристема), механик, үтказувчи, қолловчы, ассимиляция құлувчи, ажратувчи, жамғарувчи тұқымаларға бүлинади. Үсімлік тұқымалари уларни ташкил этувчи ҳужайраларнинг шаклиға қараб ҳам 2 группага — паренхима ва прозенхима бүлинади. Паренхима тұқымалари юмалоқ, тұртбурчак ёки күпбурчак шаклидеги ҳужайралардан, прозенхима тұқымалари эса чүзік шаклли ҳужайралардан иборат. Қуидада баъзи тұқымалар ҳақида қисқача тұхтalamiz.

Қосыл құлувчи тұқымалар ёки меристемалар. Ұсаёттан пояснилік үең ілдизнинг учкы қисми микроскоп остида қаралса, қосыл құлувчи тұқыманың қаралып келгенде маңыздылықтың ҳужайралар группасини күриш мүмкін. Бундай ҳужайраларнинг ичи иропласт билан үралған бұлып, қали вакуола күрінмайды. Бу эса ҳужайраның ұсаёттан ёш ҳужайра эканлигидан дарал бөреді. Бундай ҳужайралар тез ва жадал бүлинешілікке үсіш ҳусусиятига эга бұлғанлығы учун қосыл құлувчи тұқымалар вұжудға келади. Шу ҳужайраларнинг бүлиніши хисобига илдиз ва лоя бүйігінде.

Қолловчы тұқымалар. Қолловчы тұқымалар үсімлік танасини ташқы таъсиротлардан (қуёш иссиқлигидан, совук температурадан ва к.) қимоя қилиш учун хизмат қилади. Шунинг учун қолловчы тұқымалар үсімлік танасиниң ташқы қисмларында жойлашған бұлады. Масалан, үсімлікларнинг баргларында ёш новдалари юпқа парда (эпидермис) билан қолланған бұлып, у бир-бирига зич тақалиб турувчи бир қатор тирик паренхима ҳужайраларидан иборат. Эпидермиснинг ташқы юзаси рангез юпқа парда билан қолланған бұлып, бу парда кутикула дейилади.

Кутикула күпгина үсімліклар баргининг юзасыда ялтироқ

қаватни ҳосил қиласы. Шунинг учун кутикулалы барглар, күпинча ялтироқ бўлиб, лак билан қопланганга ўхшайди. Кутикула деярли сув ўтказмайди, қуёш нурини ҳам яхши қайтаради ва бу билан куннинг жазирама иссиқ пайтларида ўсимликни қаттиқ қизиб кетишдан сақлайди.

Барг юзасида эпидермис ҳужайралари билан бирга махсус тешикчалар учрайди. Бу тешикчалар баргларда газ алмашинуви ва сувни буғланиши учун хизмат қиласы, улар оғизча ёки устиналар деб аталади.

Кўп ўсимликларнинг барг ва меваларини қоллаб турувчи эпидермис юзасида мум қават ҳам ҳосил бўлади. Мум қават ҳам сувнинг кам буғланишини таъминлайди.

Шунингдек, ўсимликлар пояси ва баргидаги бир ёки кўп ҳужайрали туклар учрайди. Туклар ҳам ўсимлик пояси ва баргларини қизиб кетишдан сақлайди ва сувни камроқ буғланишига ёрдам беради. Демак, тукларнинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Буғланиш Ўрта Осиё шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Баъзи бута ва чала буталар илдиз ва поясида пўйкак қатлам ҳосил бўлади. Натижада ўсимлик сиртини қуриб қолишдан ҳимоя қиласы. Жийда, кампирчопон, сигирқўйруқ, астрагал, мармарак каби ўсимликлар танасидаги ва баргидаги қалин туклар ҳам қуёш нурини яхши қайтаради, ўсимликни ортиқча сув буғлантиришдан сақлайди.

Ўсимликларда тирик туклар ёки безли туклар ҳам учрайди. Бу хилдаги туклар ўсимлик организмидан ҳар хил органик кислоталар, эфир мойлари ва бошқаларни ташқарига чиқарип юбориши учун хизмат қиласы. Баъзи ўсимликларнинг танасида ва баргидаги жойлашган туклар ўзида силикат апгидрид ва кальций карбонат каби заҳарли кислоталар ва ферментлар ҳосил қиласы. Бундай тукларнинг уни ўткир бўлиб, қулга санчилса киши организмини қичита бошлайди. Туклар ўсимлик учун ҳимоя вазифасини бажаради. Масалан, қичитқи ўт ёки газанда деган ўсимликлар.

Механик тўқималар. Механик тўқималар ўсимлик танасини мустаҳкам сақлаб туриш ва уни ҳар хил механик таъсиirlардаи: синиш, эгилиш, чўзилиш, босилиш кабилардан ҳимоя қилиш учун хизмат қиласы.

Ўсимликлар қариб борган сари уларда механик тўқима шунча аниқроқ кўрина бошлайди. Масалан, дараҳтлар катталашиб, қариб борган сари унинг танаси кучли ва пишиқ бўла бориши керак. Акс ҳолда у танага бириккан шох-шаббаларни сақлаб турса олмаслиги, шамол таъсирига бардош бера олмаслиги мумкин.

Механик тўқима ҳужайралари тирик ва ўлик бўлиши, баъзан жуда қалинлашган ва қобиқлари ёғочланган бўлиши мумкин. Механик тўқимани ҳосил қилган ҳужайралар шаклига ва характеристига қараб уч группага: колленхима, склеренхима ва склереид (тош ҳужайра) ларга бўлинади.

Колленхима икки паллали ўсимликларнинг ўсаётган қисмларида бўлади. Склеренхима улик ҳужайралардан иборат бўлади. Луб толалари (ингичка чўзиқ ҳужайралар) склеренхимага киради ва улар ўсимликлар поясидаги жойлашган бўлиб, техник толалар боғламини ҳосил қиласди. Баъзи ўсимликларда луб толалари анча узун (40—60 мм гача), пишиқ ва эластик бўлганлиги сабабли ҳар хил газмоллар ва йигириладиган буюмлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Масалан, зигир ўсимлиги толалари анча узун ва пишиқ цеплюзоза ҳисбланади ва у анча қимматбаҳо тола ҳисбланади. Қаноп ёки жут каби дағал толаларда эса техник тўқималар (брезент, қоплар) ва арқон буюмлари тайёрлашда ишлатилади. Ўзбекистонда саноат мақсадлари учун қаноп етиштирилади.

Ўсимликларнинг қаттиқ меваларида (масалан, шафтоли, ўрик, олхўри данагида тош ҳужайралар) склероидлар бўлади.

Ўтказувчи тўқималар. Бу тўқималарнинг асосий функцияси ўсимлик танаси бўйлаб сувни ўтказиш (ташиш)дан иборатdir. Сув ўсимлик танаси бўйлаб икки йўналишда ҳаракатланади: илдиздан тана бўйлаб юқорига — баргларга қараб йўналади, бундай йўналиш натижасида ўсимлик организмига сувда эриган минерал моддалар етказиб берилади ва аксинча, барглардан паст томонга — поя бўйлаб илдизларга томон йўналади, натижада ўсимлик организмига фотосинтезнинг дастлабки маҳсулотлари (шакар ва сувда эриган бошқа органик моддалар) тарқалади. Сув ва органик моддаларнинг йўналиши маҳсус ҳайлар ва трахеидлар деб номланган тўқималар ёрдамида бажарилади.

Ўтказувчи тўқималарга сут йўллари ҳам киради. Сут йўллари ичидаги маҳсус сут шираси бўлади. Сут шираси одатда оқ суюқлик бўлиб, унинг таркибида шакар, крахмал, оқсиллар, каучук, ҳар хил смолалар ва алколойдлар бўлади. Масалан, қоқиёт, кўкнори, сутлама, таусағиз каби ўсимликлардаги сут йўлларини кўрсатиш мумкин.

Ажратувчи тўқималар. Ўсимликлар ўз ҳаёт фаолияти давомида запас озиқ моддалар тўплаш билан бирга баъзи бир чиқиндилар ҳам ҳосил қиласди. Организм учун кераксиз баъзан ҳатто заарли бу моддалар (смолалар, органик кислоталарнинг тузлари, эфир мойлари ва бошқалар) ўсимликлар танасидан чиқиб кетиши керак. Улар смола йўллари ва безсимон тукчалар орқали ташқарига чиқарилади.

Смола йўлларини биз кўпгина нинабаргли ўсимликлар (қарағай, арча, қора қарағай) ёғочларида, пустларида, баргларидага кўрамиз.

Эфир мойлари парфюмерия (атир-упа), шунингдек кондитер (қандолатчилик) саноатида кўп ишлатилади. Шунинг учун ҳам баъзи ўсимликлар (лимонжӯхори, маврак, лимонут, райхон, ялпиз, қирқ-офайни кабилар) қимматбаҳо эфир мойлари олиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Кўпгина ўсимликларнинг ер ости қисмида (пиёзи, тугунаги, илдизмевасида) запас озиқ моддалар ва сув тўпловчи тўқималар яхши ривожланган. Масалан, лола, ровоч, ғумай, қамиш, лавлаги, турп, сабзи ва бошқа кўпгина ўсимликлар илдизини кўрсатиш мумкин.

Юксак ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органлари


Юксак ўсимликларнинг илдизи, пояси ва барги *вегетатив органлар*; моҳлар, папоротникларнинг спораси, гули ўсимликларнинг гули, меваси ва уруғи *генератив органлар* дейилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, вегетатив органлар асосан ўсимликни ўсиши учун, генератив органлар эса кўпайиш учун хизмат қилади. Қўйида қисқача шу органлар хақида тўхталиб ўтамиз.

Вегетатив органлар

Илдиз. Илдиз ўсимлик ҳаётида муҳим вазифани бажаради. У ўсимликни тупроқда тутиб туриш учун, тупроқдаги сув ва сувда эриган минерал моддаларни сўриш учун хизмат қилади. Шунингдек, илдиз запас моддалар тўпланадиган (сақланадиган) манба ҳисобланади.

Барча юксак ўсимликларнинг илдизи шаклига кўра, асосий илдиз ва попук илдизларга бўлинади (10-расм).



10-расм. Илдиз хиллари:

а) ўқ илдиз, б) попук илдиз.

ларнинг илдизи дуксимон, пиёзбошсимон, конуссимон шаклларга эга бўлиб, улар илдизмевалилар дейилади.

Илдизнинг учида ўсиш нуқтаси (ёки ўсиш конуси), ундан юқорирокда ўсиш зонаси, ундан кейин шимиш зонаси мавжуд,

Ўқ илдизлар анча бақувват бўлиб, ерга тик киради. Масалан: ғўза, беда, сачратки, янтоқнинг илдизи. Янтоқнинг илдизи 15—20 м гача чуқурликка кириб боради.

Попук илдизлар, одатда бир паллали ўсимликлар (бошоқдошлар) га хос бўлиб, улар асосий илдиз ўсишдан тўхтагач, хосил бўлади. Кўринишидан попук илдизлар анча ингичка, майин ва нозик булиб, жуда кўп сонли иччалар шаклида бўлади. Лавлаги, сабзи, турп, шолғом каби ўсимли-

расмга қаранг. Илдизга бир ҳужайралы илдиз тукчалари тулашади. Сувутларда эса илдиз тукчалари бўлмайди. Қуруқликдаги ўсимликлар илдизизда тукчалар кўп бўлиб, илдизнинг 1 мм^2 (юзаси) да уларнинг сони 400—450 тага етади.

Юксак ўсимликлар илдизизда замбуруглар бактериялар билан бирга яшайди.

Тропик зонада ўсувчи айрим ўсимликларда тирговуч вазифасини бажарувчи тахтасимон илдизлар, нафас олиш вазифасини бажарувчи илдизлар ҳам мавжуд. Тугунак шаклидаги ўзгарган илдизлар, бачки илдизлар ва бошқа хил кўринишдаги илдизларни ҳам учратиш мумкин.

Поя. Поя юксак ўсимликларнинг асосий органларидан бири бўлиб, хилма-хил шаклларга эга. Поя ўсимликтин шохи, барги ва гули, меваларини ўзида бириттириб туриш учун ҳамда илдиздан баргга, баргдан илдизга борадиган оқимни бошқариш учун хизмат қиласди. Шунингдек, баъзи ўсимликларда юқорида кўрсатилган вазифалардан ташқари, запас моддалар ва сувни ўзида сақлаш учун хизмат қиласди.

Шаклига кўра поялар цилиндрическ, юмaloқ, яssi, 3—4 қиррали ёки кўп қиррали бўлиши мумкин. Ўсиш ҳолатига кўра тик, ер бағирлаб, бир оз кўтарилиб ўсувчи, судралувчи, илашувчи ва чирмашувчи пояларни кўрамиз (11-расм).



11-расм. Поянинг шакллари

А) тик ўсувчи поялар; Б) ён бағирлаб ўсувчи поялар; В) юқорига кўтарилиб шохлашувчи поялар; Г) ўзгарган барглар ёрдамида илашувчи поялар; Д) чирмашувчи поялар.

Поялар ёғочланган, ўтсимон ва лиана хилида, тукли, силлиқ (туксиз), тиканли бўлиши мумкин. Пояларнинг йўғонлиги ва бўйи ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, қарағай ва қора қарағай тапасининг узунлиги 50 м, Америка мамонт дарахтининг бўйи 140 м, айрим лианаларнинг узунлиги (пальма — дум, ротанг пальмаси) 300 м гача бўлади. Африкада ўсувчи баобаб дарахтининг диаметри 10—12 м, мамонт дарахтиники эса 16 м га teng.

Үзоқ ва қисқа мұддат ҳаёт кечириши ва ҳаёт формасыға күра қисқа умрли (атиги 2—3 ой яшаб, сунг нобуд бұладиган) бир йиллик, икки йиллик, күп йиллик үтсімон поялар, шунингдек чала бутасимон, бутасимон ва дараҳтсімон танали үсимликлар мавжуд. Мамонт дараҳти, баобаблар 3—5 минг йил яшашы мүмкін. Эман дараҳти 1,5 минг йия яшайды ва ҳоказо. Шүннингдек, пояларнинг ичи ковак ёки зич бұлади.

Барглы поялар новда деб аталади. Поялар ва новдаларнинг бүгіми ва бүгім өралығы бұлади. Новда барг құлтиғы ва куртакларга әга бұлади.

Новдалар үсиши натижасыда ён новдалар ва ён куртаклар ҳосил бұлади.

Новдалар айри шаклида (дихатом), учидан (моноподиал) ва ён куртакдан үсувчи (симподиал) новдалардан иборат. Айрим үсимликларда эса шакли үзгарған новдалар ҳосил бұлади ва улар пиёзбош, илдизпоя ва тугунакли ер ости новдалари дейилади. Ер ости новдалар запас озиқ сақлаш учун хизмат қиласы. Кartoшканинг тугунаги, лола ва саримсоқнинг пиёзбоши, савсаргул, ғумай ва қамишларнинг илдизпоясинаи ер ости новдалар дейиш мүмкін. Баъзи үсимликларнинг ер үсткі новдалари ҳам шаклан үзгарған бұлади. Бунга ток, қовоқ, бодринг ва қовуннинг жингалаклари, құлупнайнинг гажаклари, зиркнің тиканларини күрсатиши мүмкін. Поялар баъзан шакли үзгарған бұлиб, барг вазифасини бажаришга мослашган. Бундай поялар суккулент таналар дейилади.

Барг. Барг ҳам юксак үсимликларнинг асосий органларидан бири бұлиб, фотосинтез, газлар алмашиныши ва транспирация (сувни буғлантириш) каби мұхым вазифаларни бажаради. Баъзи үсимликларда ҳатто запас моддалар сақлаш ва күпайиш вазифасини ҳам үтайды.

Барг доимо пояда жойлашади. Барг юксак үсимликларда асосан барг пластинкаси ва банддан иборат. Гулли үсимликларнинг айримлари ён баргчалар, барг нови ва барг қини ҳосил қиласы.

Бир бандда биргина япроқ жойлашган бұлса, оддий барг, бир неча япроқ жойлашган бұлса мұраккаб барг дейилади.

Баргларнинг шакли, катта-кичиклиги ҳам ҳар хил бұлади. Масалан, тухумсимон, игнасимон, буйраксимон, панжасимон, найзасимон, ромбасимон, ёйсимон, чүзинчоқ, лирасимон ва ҳоказо шаклларда бұлади. Катталиғи ҳам ҳар хил, энг кичик баргларнинг узунлиғи бир неча мм, катталари 15—20 м гача узунликда бұлади. Масалан, Африка пальмаларининг барги 15 м. Бразилия пальмасыннан барги 20 м келади.

Ўзбекистонда үсадиган үсимликлардан ровоч (чукри) үсимлигинин барги 1,5 м, лигулярия деб аталадиган үсимликтіннинг барғы эса 2 м гача узунликда бұлади.

Барглар пояда кетма-кет (навбат билан) ёки қарама-қарши

ёки спиралсимон ва доира (айлана, ҳалқа) симон бўлиб жойлашади (12- расм).

Ҳақиқий барглар билан биргаликда айрим ўсимликларда уларнинг шакли бошқачароқ барглар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар уларнинг бажарадиган вазифаси туфайли содир бўлади. Масалан, тропик зонада айрим дараҳтлар танасида ўсувчи ўсимликлар эпифит ўсимликлар дейилади. Бундай




12-расм. Баргларнинг новдага ўнашиши:

1) пават билап ўнашуви, 2) қарама-қарши ўнашуви, 3) доира (айлана) шаклида ўнашуви

эпифит ўсимликларнинг баргида кўзачасимон шакл бўлиб, унда ёғин-сочин сувлари тўпланади. Ўзбекистонда ўсувчи айрим соябонсимон (чайир) ўсимликларнинг барг қўлтифи кенгайган бўлиб, у запас сув сақлаш учун хизмат қиласди. Шунингдек, ҳашаротхўр ўсимликлар барги ҳам илдиз вазифасини ұтайди. Сувда ёки ўта қурғоқчилик шароитида яшашига қараб ҳам уларнинг шакли ўзгаради. Бундай ўзгаришлар мослашув характеристига эга. Масалан, барг жуда кичрайиб кетган бўлиши, тиканларга айланиши, ингичка най ҳосил қилиши, жуда кўп марта қирқилган бўлиши мумкин ва ҳ. к. Бундай ўзгаришларни кактусларда, Ўзбекистонда ўсувчи ўсимликлардан ковул, астрагал кабиларда кўриш мумкин. Барглар оддий ва мураккаб баргларга бўлинади. Оддий барглар текис қиррали, уч қанотли, панжасимон, патсимон, уч бўлакли, патсимон кесилган, панжасимон бўлакли, патсимон бўлакли каби кўринишларда бўлади (13- расм).

Мураккаб барглар эса учбаргчали мураккаб, панжасимон мураккаб, қўш патсимон мураккаб, учтали патсимон мураккаб каби кўринишларда бўлади (14- расм).



13-расм. Оддий барглар ва уларнинг хиллари:
1) текис киррални барг; 2) уч қанотли барг; 3) панжасимон барг; 4) патсимон барг;
5) уч бўлакли барг; 6) панжасимон бўлакли барг; 7) патсимон бўлакли барг.



14-расм. Мураккаб баргларнинг хиллари:
1 — учбаргли; 2 — панжасимон ажралган; 3 — патсимон ажралган; 4 — икки марта
патсимон ажралган; 5 — уч марта патсимон ажралган барглар.

Генератив органлар

Гул, тұпгұл, уруг өсімдіктерде түшүнчө

Гул өз табиатига күра жинсий йүл билан күпайыш (урчиш) га мослашған, шаклан үзгартылған новдадир. Гул қуйидаги қисмалардан түзилған: поя қисми, үқи — гулбанди ва юқорига кенгайған қисми *гулұрни*.

Гулұринга коса ва тожбарглар бирикади. Косача билан тожибарг биргаликда *гулқұрғон* деб аталади. Гулда косабарг ҳам, тожибарг ҳам мавжуд бұлса, бундай гуллар *құшгулқұрғонли*, агар фақат тожбаргдан (ёки фақат косабарглардан) ташкил топған бұлса, *оддий гулқұрғонли гул* дейилади. Гулда тожбарг ҳам, косабарг ҳам бұлмаса (масалан, тол, терак) *чала гул* ёки *яланғоч гул* дейилади.

Тұлық гул косабарг, тожбарг, чангчи ва уруғчи каби аъзолардан иборат (15-расм).

Гулда фақат уруғчи бұлса *урғочи гул*, фақат чангчи бұлса *эркак гул* ҳисобланади. Эркак гуллар ♂ белги билан, урғочи гуллар ♀ белги билан ифодаланади.

Баъзи манзаралы *үсимликлар* гулида косабарг ва тожбарг бұлса-да, чангчи ва уруғчилар бұлмайды. Бундай гуллар *стериль* ёки *пүштисиз гуллар* дейилади. Баъзи *үсимликларнинг* эркак ҳамда урғочи гуллари бир *үсимликнинг* үзида, лекин бошқа-бошқа гулларида бұлады. Бундай *үсимликлар* бир *үйли үсимликлар* деб аталади. Масалан, ерәнғоқ, қовоқ, қовун, маккажұхори ва бошқалар. Баъзи *үсимликларда* эркак гуллар бир түпда, урғочи гуллар бошқа бир түпда ҳосил бұлады. Бундай *үсимликлар* иккى *үйли үсимликлар* дейилади.

Гулда тожбарглар, косабарглар, чангчилар ва уруғчилар бир хил сонда бұлиши, үзаро туташкан ёки туташмаган ҳолда жойлашиши мумкин. Шунингдек, тузилишига күра гул актиноморф (тұғри) ва зигоморф (қиыйшиқ) гуллардан иборат бұлиши мумкин.

Чангчи чангдан иборат бұлиб, чангдан ичиде чексиз чанглар етилади.

Уруғчи бир ёки бир неча сонда бұлиб, бир неча уруғчининг үйіндиси *геницей* дейилади. Уруғчилар бир-бири билан құшилған битта ёки бир нечта мевачи барғдан иборат.

Мевачи барглар шакли үзгартылған бұлиб, унинг пастки йүғонлашкан қисми уруғчининг тугунчасини ташкил этади. Гулұринга жойлашишига күра ости, үрта ва устки тугунча дейилади. Уруғчининг юқори қисми *түмшүқча* дейилади.


Тугунча ичиде бир ёки бир неча уруғкүртак жойлашган. Чангдондаги чанг шамол, ҳашаротлар ёки бошқа воситалар ёрдамида уруғчининг түмшүқчасына тушади ва натижада чангланиш процесси содир бұлади. Чанг түмшүқчага тушгач, үсишда давом этади ва охир пировардиде түмшүқча орқали ҳаракат-

ланиб уруғкүртакка үтади ва тухум ҳужайрани уруғлантиради. Натижада уруғланиш (оталаниш) процесси содир бўлади.



15-расм. Гулнинг схематик тузилиши:

GY — гулурни; GK — гулкоса; T — тожбарг; У — ургучи; Ч — чангчи.



16-расм. Икки паллали (А) ва бир паллали (Б) ўсимликлар гулнинг диаграммаси ҳамда гулқисмларининг жойланиши:

1 — копдовчи барг; 2 — гулён баргча; 3 — гулкоса; 4 — гултоҷ; 5 — чангчилар; 6 — ургучи; 7 — поя ва новда; 8 — оддий гулқўргон.

Одатда гулнинг қисмларини ифодалаш қулий бўлсин учун унинг диаграммаси ва гул формуласи кўрсатилади. Гул диаграммаси 16-расмда берилган. Гул формуласи қуйидагича ифодаланади. * — тўғри (актиноморф) гул, ↑ ёки ↓ қийшиқ (зигоморф) гул, ♂ — эркак гул, ♀ — урғочи гул, ♂ — икки жинсли гул, Р — оддий гулқўргон, Ca (Calyx) — косачабарг, Co (Corolla) — тожибарг, А — андроцей (чангчи), УG — геницей (урғучи), G — остики тугунча, G — устки тугунча каби белгилар билан белгиланади. Масалан, нўхат ёки ловиянинг гул формуласи қуйидагича бўлади:

$$\uparrow \text{Ca}_{(5)} \text{Co}_{1+2+(2)} \text{A}_1 + (9) \text{G}_1 \varnothing$$

айиқтовон ўсимлигининг гул формуласи қуйидагича:

$$* \text{Ca}_5\text{Co}_5\text{A} \sim \text{G} \simeq \varnothing$$

Ўсимликларнинг гули жуда камдан-кам ҳолда якка-якка жойлашган бўлади. Қўпинча бир неча гул биргаликда жойлашди ва тўпгулни ҳосил қиласди.

Тўпгуллар ҳар хил шаклда, чунончи бошоқ, сўта, шингил, қалқон, рӯвак, соябон, каллак (бош)ча, саватча каби кўринишларда бўлади. Шунингдек, тўпгуллар оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин, яъни оддий ёки мураккаб бошоқ, оддий ёки мураккаб соябон ва ҳоказо тўпгуллар.

Чангланиш турли хил ўсимликларда турлича усул (йул)лар билан боради. Чангланиш кўпинча шамол, қушлар ва ҳашаротлар ёрдамида содир бўлади. Баъзи ўсимликлар эса ўз-ўзидан чангланади, яъни бир гул ичидаги чангчи шу гулдаги уруғчини чанглантиради ва уруғлантиради.

Биринчи ҳолда чётдан чангланиш, иккинчи ҳолда эса ўзидан чангланиш дейилади.

Ууругланиш натижасида ууругкуртакда ууруг ҳосил бўлади. Тугунча эса мевага айланади. Мевалар шакли, ранги ва катта-кичиклигига кўра турли ўсимликларда турличадир.

Келиб чиқишига кўра мевалар: сохта, чин, оддий ва тўпмева вага бўлинади. Чин мева фақат ууругчи тугунчасининг ўсишидан, сохта мевалар гулқўргоннинг ҳам қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади. Олча, ўрик мевалари чин мева, қулупнай, наъматак, олма мевалари сохта мева ҳисобланади.

Агар гулда битта ууругчи бўлиб, унинг тугунчасидан мева ҳосил бўлса, оддий мева дейилади. Гуллар жуда зич, тўп бўлиб жойлашса, ундан ҳосил бўлган мевалар ҳам қўшилиб кетиб тўпмева ҳосил қиласди. Масалан, маймунжон, малина, тут кабиларда.

Мевалар яна ҳўл мевалар, қуруқ мевалар (17-расм) бир ууругли мевалар каби группаларга бўлинади.



17-расм. Қуруқ меваларнинг хидлари:

1 — баргак; 2 — дуккак; 3 — қўзок; 4 — қўзокча; 5 — 8 — қўсакча; 9 — ҳакалак; 10 — ёнфоқ; 11 — ёнфоқча; 12 — дои; 13 — писта; 14 — қанотча.

Бир ууругли қуруқ меваларга бошоқдошларнинг дони, ёнфоқ ва ҳакалак (жолудъ)лар киради. Кўп ууругли қуруқ меваларга дуккак, қўзок, қўзокча, қўсак кабилар киради.

Бир уруғли ҳұл меваларга данакли мева (ўрик, шафтоли, гилос, олхүри) киради.

Күп уруғли ҳұл меваларга резавор мевалар ва полиз әкинлари киради.

Уруғ муртак ва эндосперм (запас озиқ моддалар)дан ташкил топган бўлиб, ташқи томондан пўст билан ўралган.


Шароит ноқулай бўлса, уруғ узоқ вақтгача тиним даврини ўтиши мумкин. Намлик етарли ва температура қулай бўлса, уруғлар уна бошлайди.

Уруғлар шакли, катта-кичиклиги ва тарқалишига кўра хилма-хил бўлиб, ўсимликнинг тарқалиши ва авлодини сақлаб қолиш учун хизмат қилади.

Моҳлар типи — *Bryophyta*

Моҳсимонлар типидан бошлаб кейинги тип вакиллари юксак ўсимликлар бўлимига киради ва улар энди талломли ўсимликлар эмас, балки поя, баргли ёки юксак ўсимликлар деб аталади. Чунки моҳсимонлар типидан бошлаб (моҳсимонларнинг бир оз содда тузилишга эга бўлган вакилларидан бошқа) кейинги барча тип вакилларида поя, барг ҳамда кўпчилигига илдиз каби органлар ҳосил бўлган. Ҳозирги вақтда бу типнинг 23 мингга яқин тури мавжуд бўлиб, улар Ер.шарининг деярли ҳамма қисмида учрайди. Улар ўртача ва совуқ иқлими жойларда торфли ботқоқликларни, моҳли ўрмонларни, моҳли тундрани ташкил этишда актив иштирок этади. Улар кенг тарқалган. Моҳсимонларда жинсий насл — гаметофитни жинссиз насл ҳисобланган спорофитга нисбатан кучлироқ ва яхшироқ тарақкий этиши, яъни ўсимликнинг ўзи гаметофит (жинсий) насл бўлиб, унда турларига қараб ёки бир туп ўсимликнинг ўзида ёки бошқа-бошқа тупларида жинсий органлар (антеридий ва оогоний) етилиши мазкур тип вакилларининг энг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Антеридийда икки хивчинли ҳаракатчан сперматозоидлар, оогонийда эса битта тухум ҳужайра етилади. Сув муҳитида сперматозоидлардан бири тухум ҳужайрани оталантиради. Натижада оталанган тухум ҳужайра кетма-кет бўлинади, сўнг спорогон кўсакчаси ичидаги ҳисобсиз споралар ҳосил бўлади. Демак, урғочи туп ўсимликда оталаниш процесси содир бўлгач, ҳосил бўлган спорогон ва споралар жинссиз (спорофит) насл ҳисобланади ва бу спорофит насл жинсий (гаметофит) насл ҳисобланган ўсимлик ҳисобига озиқланади ва етилади (18-расм). Спорогон кўсакчасининг чаноқлари очилгач, етилган споралар тўкилади ва бу споралардан уз навбатида яна ёш моҳлар (гаметофит ёки жинсий насл) ўсиб чиқади. Жинсий ва жинссиз наслларнинг йил давомида шу хилда ўзаро алмашиниши — насллар галланиши деб аталади.

Моҳсимонлар типининг барча вакилларида ҳам тана тузилиши бир хилда яхши ривожланмаган. Шунинг учун соддароқ



18-расм. Қаккузири моҳи мисолида моҳсимонларнинг ривожланиши цикли:

1— спорогон кўсакчали моҳ, 2, 3, 4, 5— спорогон кўсакча ичидаги спораларнинг ҳосил бўлиш этаплари, 6— кўсакчада етилган спора, 7, 8— спораларнинг ўсишидан ҳосил бўлган эркак ва ургочи ўсимталар (гаметофитлар), 9— эркак ва ургочи ўсимликлар, 10— антеридий, 11— антеридий ичидаги етилган сперматозоидлардан бирни, 12— архегоний ва тухум ҳужайра, 13— оталанган архегоний, 14— спорогон кўсакчасининг ҳосил бўлиши ва ривожланиши.

тузилишга эга бўлган моҳларнинг танаси сувўтларники сингари таллом деб аталади. Юксакроқ ва мураккаброқ тузилишга эга бўлган вакилларида поя ва барг ҳосил бўлган. Шунинг учун улар поябаргли моҳлар деб юритилади. Мана шу хусусиятига кўра ҳам моҳсимонлар типи 2 та синфга: жигарсимон ва поябаргли моҳларга бўлиб үрганилади.

Жигарсимон мохлар синфи. Бу синфнинг муҳим вакиллари сифатида Ер шарининг турли нуқталарида кенг тарқалган, талломи иккитадан (дихотом) шохланган ва доим нам ёки сувли муҳитда яшайдиган маршанция, пеллия, блазия, хилосцифус, антоцерос каби мохларни кўрсатиш мумкин. Айрим маълумотларга кўра баъзи вакиллари XIX асрнинг бошларигача Европада жигар касалликларини даволашда фойдаланилган. Синфнинг қолган вакиллари хўжаликда унча муҳим роль ўйнамайди.

Поябаргли мохлар синфи. Бунинг вакиллари сифатида СССРда ва Ер шарининг бошқа торф ҳосил бўладиган жойларида кенг тарқалган ҳамда торф ҳосил қилинда актив қатнашадиган оқ мохлар (сфагнум моҳи), какку зигири деб аталган моҳ Ўрта Осиёда кенг тарқалган, фунария, бриум, мниум каби мохларни кўрсатиш мумкин.

Торф конлари кўп бўлган жойлардаги электростанциялар, чунончи РСФСРдаги Шатура электр станцияси, Ленинград ва Ярославлдаги баъзи электр станциялар торф билан ишлайди. Бундан мохларнинг аҳамияти қанчалик катта эканлиги кўришиб турибди.

Торфдан қишлоқ хўжалигига органик ўрит, саноатда ундан метил спирт, торф смоласи, медицинада бод, асад касалликлари, гинекологик касалликларини даволашда, жароҳатларни боғлашда латтадока сифатида ва жуда кўп бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Папоротниклар — Pteridophyta

Папоротниклар типи спора ҳосил қилиб кўпаяди ва қолган барча спорали ўсимликларни уз ичига олади. Тип вакилларида жинссиз (спорофит) ва жинсий насл (гаметофит) ларнинг моҳсимонларидагидек бир-бирига қарам бўлмай, балки мустақил ҳаёт кечириши умумий белги ҳисобланади. Бу тип вакилларида гаметофит наслга нисбатан спорофит насл ўсимлик ҳаётида устун туради (яхши ривожланганлиги сабабли, яъни ўсимликнинг узи спорофит, жинссиз) насл бўлиб, унда (ўсимликнинг баргига ёки бошоғида тенг катталиктаги ёки турларга қараб икки хил (катта-кичик) споралар ҳосил бўлади. Шу споралар пишиб етилгач, тўкилади. Ҳар бир тўкилган спорадан ёш ўсимлик эмас, балки ўсимта деб аталадиган талломдан иборат махсус тана ҳосил бўлади. Шу тана ўзида антеридий ва оогонийлар деб аталган эркак ва ургочи органлар ҳосил қиласиди. Ҳосил бўлган антеридийда икки ёки кўп хивчинли сперматозоидлар, оогонийда биттадан тухум ҳужайра етилади. Сув шароитида сперматозоидлардан бири тухум ҳужайрани оталантиради. Оталанган тухум ҳужайрадан уз навбатида муртак ва муртакдан ёш ўсимлик ўсиб чиқади. Шундай қилиб, споранинг ўсишидан ҳосил бўлган ўсимта типнинг баъзи вакилларида яшил рангли бўлиб, узи мустақил яшайди, баъзи вакилла-

рида эса у рангсиз бўлиб, замбуруғлар билан ҳамкорликда яшайди. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам она ўсимликдан ажралган ҳолда ҳаёт кечиради.

Папоротниклар типининг ҳозирги кунга қадар аниқланган ва яхши ўрганилган вакиллари 10 мингдан ортиқроқдир. Улар жуда хилма-хил шаклга, катталикка, ички тузилишга, ҳаёт кеширишга эга бўлганлиги учун ҳам қуйидаги 5 синфга (ёки типга) бўлиб ўрганилади:

1. Псилофитсимонлар — *Psilophyopsida*
2. Псилотсимонлар — *Psilotopsida*
3. Плаунсимонлар — *Lycopsida*
4. Бўғимсимонлар — *Articulata (Sphenopsida)*
5. Папоротниксимонлар — *Pteropsida*

Шулардан кейинги уч синф вакилларида ҳақиқий поя, барг ва илдиз яхши тарақкий этган.

Псилофитсимонлар синфи. Псилофитлар палеозой эрасининг силур даврида (бундан таҳминан 420 миллион йил олдин) девон давригача (бундан 350 миллион йил олдин) яшаб, кейин нобуд бўлиб ўқолиб кетган илдизсиз, пояси иккига айрилиб шоҳланган, бўйи 50 см гача бўлган ўсимликларни ўз ичига олади.


Ҳозирги вақтда бу синфнинг 20 туркумга мансуб бўлган вакиллари Уильям Даусон, Ланг, Нестеречский ва бошқа олимлар томонидаң Канаданинг девон даври қолдиқларидан, Шотландиянинг тошкўмир даври қолдиқларидан, СССРнинг Европа, Сибирь, Урал, Қозогистон ва, ҳатто, Ўрта Осиёдаги ўша даврлар қолдиқларидан топила бошланди. Синфнинг риния, *псилофит*, *хорнеофитон*, *астероксилон* каби туркумлари ана шундай топилдиқларга мисол бўла олади.

Псилотсимонлар синфи. Бу синфнинг вакилларидан эса ҳозирги вақтда Ер шарининг тропик ва субтропик иқлимли областларида (Австралия, Корея, Япония, Янги Зеландия), Полинезия оролларида ва бошқа жойларда учрайдиган *псилот* (*Psilotum*), *тмесиптерис* (*Tmesipteris*) каби пояси икки айри бўлиб шоҳланган, илдиз пояли, бўйи 20—100 см гача бўлган, тенг катталикдаги споралар ҳосил қилувчи вакилларини кўрсатиш мумкин.

Плаунсимонлар синфи. Бу синфнинг вакилларидан эса палеозой эрасининг силур давридан бошлаб тошкўмир давригача яшаб, сўнг ўқолиб кетган *сигиллария* (*Sigillaria*), *лепидодендрон* (*Lepidodendron*) каби дарахтсимон вакилларини кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда эса бу синфнинг фақат ўтсимон вакиллари сақланиб қолган. Улардан тропик мамлакатларда, ўртача иқлимли ва ҳатто совуқ иқлимли областларда учрайдиган *плаун* (*Lycopodium*), *филлоглозум* (*Phylloglōsum*), *селагинелла* (*Selaginella*), *полушиник* (*Isoetes*) кабилаларни кўрсатиш мумкин. Плауннинг 100 тури (шундай 11 таси СССР да), селагинелланинг 60 дан ортиқ тури (шун-

над 8 таси СССР да), полуушникнинг 64 тури (шундан 2 та тури СССРнинг ботқоқли ерларида), филлоглозиумнинг атиги битта тури учрайди. Булардан хусусан чўқмоқли плаун (*Lycopodium clavatum*) ва бошқа вакиллари ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида, жумладан, медицинада доривор, металлургия саноатида металлдан ясалган деталларни пардозлашда, таркибида 50 % юқори сифатли мой бўлганлиги сабабли спорасидан ракета саноатида, баъзи плаунлар хонаки ўсимлик сифатида кенг фойдаланилади (19- расм).



19-расм. Чўқмоқли плаун мисолида плаунсимонларнинг ривожланиш цикли. Спорофит насл:

1, 2, 3 — спорофитнинг бошлангич ривожланиш даври, оталиниш, 4, 5 — плаун ва унинг спора бошокчаси, 6 — бошокчада етилган спорабарглардан бири. Гаметофит насл: 7 — спорабаргларда етилган споралар, 8 — споранинг ўсишидан ҳосил бўлган ўсимта, 9 — ўсимта антеридий ва архегонийларнинг етилиши, 10 — архегоний, 11 —антеридий.

Бүгимсимонлар синфи. Бу синфнинг гиения (*Gyenia*), каламо-фитон (*calamophytion*), псевдоборния (*Pseudobornia*), понабарг (*Sphenophyllum*) каби вакиллари палеозой эрасининг девон, триас даврларида яшаб тошкўмир ва юра даврларида келиб йўқолиб кетган. Ҳозирги вақтда улар ҳақидаги маълумотлар уларнинг қазилма ҳолда топилган қолдиқлари асосида тўпланган. Синфнинг шу кунда мавжуд бўлган вакиллари кўп йиллик ўтсимон организмлардир. Австралия ва Янги Зеландия областларидан бошқа ҳамма жойда учрайдиган қирқбўғимлар мазкур синфнинг вакили ҳисобланади. Қирқбўғимларнинг 32 тури мавжуд бўлиб, шундан СССРнинг бот-қоқли, ўрмонли, ўтлоқ жойларида 12 тури учрайди. Шулардан дала қирқбўғими (*Equisetum arvense*), қишики қирқбўғим (*E. humile*), шохланган қирқбўғим (*E. ramosissimum*) каби вакиллари СССР нинг турли районларида зах ёки нам тупроқларда кўп ўсади. Уларнинг бўйи одатда 60—100 см дан ошмайди. Аммо Жанубий Американинг тропик иклимли жойларида узунлиги 12—15 м га етадиган илашиб ёки ётиб ўсадиган *Equisetum gigantea* ва *E. chagneria* каби вакиллари мавжуд.

Шундай қилиб, бўғимлилар синфи барча вакилларининг танаси бўғимларга бўлинган. Турларига қараб споралар тенг ёки икки хил катталиқда бўлади. Бўғимлилар синфининг қирқбўғимлар деб аталувчи вакилларида поясдағал ва мўртдир. Уларнинг баъзилари экинлар орасида бегона ўт сифатида (дала қирқбўғими), бошқалари қишики қирқбўғим шимолда чорва моллар (чўчқалар, шохли ҳайвонлар, хусусан буғулар) учун ем-харак ҳисобланади. Медицинада қирқбўғимлардан томоқ-кўкрак ва бошқа касалликларни даволашда дори сифатида фойдаланилади (20- расм).

Папоротниксимонлар (қирқулоқлар) синфи. Бу синфнинг 10 мингга яқин вакили мавжуд бўлиб, улардан кладоксилон (*cladoxylon*), стауроптерис (*stauropteris*) каби вакиллари палеозой эрасининг девон давридан бошлаб пермнинг бошларигача Ер шаридаги тарқалган ва кейинчалик йўқолиб кетган. Синфнинг мараттия (*Marttia*), ангюоптерис (*Angiopterus*) каби вакиллари нам тропик ўлкаларда ўтмишда жуда кўп миқдорда, ҳозирда эса ондасонда учрайдиган (релект) ўсимликлар бўлиб ҳисобланади. Уларнинг танаси тўнкасимон, ундан кўлгина оддий ёки мураккаб баргарлар ҳосил бўлади. Шундай қилиб, уларнинг бўйи баъзан 3—4 метрга етади.

Папоротниклар синфининг асосан кўп йиллик ва қисман бир йиллик ўтсимон вакилларидан эркак папоротник (*Dryopteris filix-mas*), ужовник (*Ophioglossum*), сумбул (*Adiantum*), осмундалар (*Osmunda*), ботрихиум (*Botrychium*), хельминтостахис (*Helminthostachys*), аспленум (*Asplenium*), сув қирқулоғи (*Salvinia*), орляк (*Pteridium*), марсilia (*Marsilia*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Кўпчилиги Ер шарининг жазирама чўл шароитидан ташқари ҳамма жойда учрайди.




20-расм. Даала қырқбұғими:

1 — ёзги танаси, 2 — баҳорғи танаси, 3 — спора бошоғи, 4 — спора бошоғида етилған спорабарғлардан бири; а — спорангийлар, 5, 6 — спорангийда етилған споралар ва уларнинг элатера деб аталуучи ипчалари.

Папоротниклар синфининг вакилларида көңг фойдаланилади. Масалан, әрқак папоротник, астрия шиловниги кабилардан медицинада гижжа туширувчи восита сифатида, орляк папоротники илдиз-поясидан озиқ-овқат саноатида (пиво тайёрлашда), аспленум, сумбул кабилардан манзарали үсімлік сифатида фойдаланилади.

Папоротниклар синфи вакилларининг ривожланиш циклини әрқак папоротник мисолида үрганиш мүмкін (21-расм).



21-расм. Эрқак папоротник мисолида папоротниксимонларнинг ривожланиш цикли. Спорофит:

1, 2 — спорофитнинг бошланған ривожлапаш даври, 3, 4 — ёш ва вояга етган папоротник (спорофит), 5 — соруснинг кесиги, 6 — спорангий, 7 — спораларнинг спорангийдан чыныци; Гаметорий: 1 (7) споралар, 2 — спорангий үсіши, 3 — үсімта, 4, 5 — архегоний ва унда тұхум ұжайынан етилиши, 6, 7 — антеридий ва унда сперматозондларнинг етилиши. ОІ — оталаныш.

Очиқ уруғлилар — Gymnospermae

Очиқ уруғлилар типининг характерлы белгиси ва олдинги типларидан фарқи шундаки, бу тип вакилларида уруғ ҳосил бұлади. Уруғ — үсімліктарнинг асосий күпайиш органдар болып, уруғкүртак деб аталувчи органдар ҳосил бұлади. Лекин очиқ уруғлилар типининг барча вакилларида уруғ ва уруғкүртак түгунчаларда ичидә әмас, балки мевабарг (мегаспорофилл) деб аталувчи органдар ҳосил бұлади ва ташқы томонидан маңсус пуст әкі парда билан үралмасдан очиқ ҳолда етилади. Шунға күра-

ҳам бу тип вакиллари очиқ уруғлилар деб номланган. Уруғидаги эндосперм уруғланиш процесси содир булмасдан олдин ҳосил булади.

Очиқ уруғлиларнинг барча вакилларида гул ва унинг аъзолари ҳали яхши тараққий этмаган бўлиб, танаси ҳам содда тузилишга эга.

Умуман уруғли ўсимликлар, шунингдек, очиқ уруғли ўсимликларнинг спорали ўсимликлардан фарқ қиласдан ва уларга нисбатан анча устун турадиган белгиларидан биро шуки, уларда жинсий насл ёки гаметофит насл анча редукцияланган бўлиб, спорофит ёки жинссиз наслда етилади.

Маълумки, гаметофит наслда жинсий органлар ҳосил бўлиб, сперматозоид тухум ҳужайрани оталантириши учун албатта сув муҳитининг бўлиши шарт эди. Уруғли ўсимликларда эса оталаниш процесси учун сув муҳитининг бўлиши асло шарт бўлмай, балки бундай процесс шамол, ҳашаротлар ва шунга ўхшаш турли хил воситалар ёрдамида содир бўлаверади. Шунинг учун ҳам биз уруғли ўсимликларнинг энг юксак поғонага кўтарилган организмлар деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, очиқ уруғлилар типининг вакиллари асосан дарахтсimon бўлиб, баъзилари эса бутасимондир. Улар Ер шарининг шимолий қисмида, хусусан ўртача иқлимли зоналарда ва қисман тропик областларда учрайди.

Очиқ уруғлилар палеозой эрасининг девон даврида пайдо бўлиб, мезозой эрасида анча кенг тарқалган ва ҳукмрон бўлган деб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда очиқ уруғлиларнинг 570—770 тури маълум. Очиқ уруғлиларнинг уруғли папоротниксимонлар синфига кирувчи *Лигиноптерис* (*Lyginopteris*), *медулоза* (*Medullosa*) каби вакиллари шу типининг энг содда ва тубан вакиллари бўлиб, улар ўзларининг ташқи тузилиши ва тараққиёт босқичига кўра папоротниксимонлар типига яқин туради. Улар палеозой эрасининг девон давридан бошлаб яшаган ва мезозой эрасининг триас даврига келиб йўқолиб кетган. Уларнинг ташқи кўриниши ҳозирги замонда яшаётган дарахтсimon папоротникларга ўхшаш бўлган.

Типининг саговниксимонлар деб аталувчи синф вакиллари уруғли папоротникларнинг бир тармоғи сифатида мезозой эрасида кенг тарқалиб ҳукмронлик қилган. Ҳозирги вақтда эса уларнинг Марказий Америка ва Осиёning тропик ҳамда субтропик областларида сақланиб қолган 110 тури учрайди.

Типининг беннеттитсимонлар ва кордантсимонлар деб аталган синфларининг вакиллари эса полеозой эрасининг тошкүмир, перм даврларида пайдо бўлган ва мезозойнинг юра даврида яхши ривожланган. Мезозой эрасининг бўр даврига келиб гулли ўсимликлар ёки ёпиқ уруғли ўсимликларнинг келиб чиқиши ҳамда Ер юзида ҳукмронлик қила бошлиши натижасида улар нобуд бўла бошлаган. Беннеттитсимонларнинг ташқи қиё-

фаси ҳозирги замон саговникларига, кордайтсимонларники эса нинабаргларга үхшаб кетади.

Типнинг ҳозирги вақтда яшаб турган фақат битта вакили булиб, у гинкгобилоба (*Ginkgo biloba*) деб аталади. Гинкгобилобалар синфи кайназой эрасининг учламчи даврида Ер шарининг ҳамма қисмида, шу жумладан, Ўрта Осиё территориясида ҳам ўсган. Муз даврининг бошланиши билан улар йўқолиб кетган. Ҳозирги кунда Шарқий Осиёда (Хитой ва Япониянинг баъзи вилоятларида) ёввойи ва ярим ёввойи ҳолда гинкгобилоба тури сақланиб қолган. Хитой ва Японияда бу ўсимлик муқаддас ва табаррук ўсимлик сифатида қабристон ҳамда ибодатхоналарда ўстирилади. Ер шарининг кўпчилик ботаника боғларида манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Гинкго Тошкент, Самарқанд ва Андижонда шаҳар кўчаларида ҳам учрайди. У чиройли, бўйи 30 метргача етадиган, еллигичсимон баргли, икки уйли ўсимлиқdir. Икки уйли деб шунинг учун ҳам айтиладики, бир тупида фақат эркак гуллар — чангчилар, иккинчи тупида фақат урғочи гуллар — уруғчилар етилади.

Очиқ уруғлиларнинг ҳозирги кунда Ер шарида энг кенг тарқалган вакиллари нинабаргсимонлар синфига мансуб булиб, бу синфга 600 га яқин тур киради. Унинг вакиллари, асосан, Ер шарининг совуқ (тайга) ва иқлими ўртача бўлган мамлакатларда ўсади ва бепоён қалин ўрмонлар ҳосил қиласиди. Баъзилари иссиқ иқлимли мамлакатларда ҳам ўсади. Синф вакилларининг аксарият кўпчилигида барглар қаттиқ, энсиз, нинасимон, баъзан тангачасимон булиб, ёш шохчаларда спираль ёки қарама-қарши жойлашган. Кўпчилиги доим яшил ўсимликлар булиб, уларнинг барги ҳар 2—3 йилда секинлик билан, яъни эски барглар ёш барглар билан алмашинади.

Нинабаргсимонлар синфи 20 турга эга бўлган тиссдошлар, 130 турга эга бўлган подокарпудошлар, 40 турдан иборат араукариядошлар, 240 турдан иборат қарағайдошлар, 15 турдан иборат таксодиумдошлар, 145 турдан иборат арчадошлар каби оиласаларга булиб ўрганилади. Уларнинг тараққиёт циклини қарағай мисолида кўриш мумкин (22-расм).

Синф вакилларидан оддий тисс (*Taxus baccata*) Қавказ ва Қrimda, шарқ тисси (*Taxus cuspidata*) Узоқ Шарқ, Амур ҳавзаси, Сахалин оролида учрайди, подокарпуслар (*Podocarpus*) туркуми Австралия, Янги Зеландия ва Осиёнинг тропик миintaқаларида ўрмонлар ҳосил этади.

Агатис (*Agatis*) туркуми Янги Зеландия, Филиппин, Малайя оролларида тарқалган, бўйи 30 метрга етадиган дараҳтлардир.

Араукария (*Araucaria*) туркумининг вакиллари эса 60 м гача бўйга эга бўлган чиройли дараҳтлар булиб, Австралияда, Жанубий Американинг Бразилия, Чили, Боливия штатларида, Янги Гвинея оролларида учрайди.

Агатис ва араукариялар туркумининг барча вакилларининг юқори сифатли ёғочи қурилиш материаллари сифатида ишла-



22-расм. Қарағай мисолида очиқуруғлиларнинг ривожланиш цикли. Спорофит:

1, 2 — спорофитининг бошлиғынчы ривожланиш даври, 3 — уруғ, 4, 5 — уруғнинг үшишидан ҳосил бўлган ёси ва юяга етган ўсимлик (спорофит), 6 — эркак ва уроғчи куббали (стүргуллих) шохча, 7 — уроғчи кубба, 8 — эркак кубба, 9 — эркак куббани ташкил этган тамғачалардан бири ва унда чангдоннинг жойланиши, 10 — уроғчи куббани ташкил этган тамғачалардан бири ва унда уруғкүртакнинг жойланиши, Р1 — редукцион ғўлиниш. Гаметофит: 1 — чангдона етилган чанглардан бири, 2 — уруғ куртак ичидаги муртак қопчаси ва мегаспора, 3, 5 — уроғчи ўсимта ва ундаги архегонийлар, 4, 6 — эркак ўсимта ва унда спермали начйчининг кўрининиши, О1 — оталаниш (уругзаниш).

тилади. Улар жуда чиройли бўлганлигидан манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади, масалан, Сухуми, Ботумида. Медицина ва техникада уларнинг смолосидан ҳам фойдаланилади.

Қарағайдошлар оиласидан қарағай ёки санобар (*Pinus*), қорағағай (*Picea*), оқ қарағай (*Abies*), тилогоч (*Larix*), кедр (*Cedrus*), таксоидумдошлар оиласидан мамонт дарахт (*Sequoia*), ботқоқ кипариси (*Taxodium*), криптомерия (*Cryptomeria*) секвойядендрон (*Sequojadendron*) метасеквоя (*Metasequoia*), тайвания (*Taiwania*), арчадошлар оиласидан кипарис (*Cupressus*), туя (*Thuja*), микроби-каллитрис (*Callitris*), ота (*Micromyota*), тетраклинис (*Tetraclinis*),

каллитрис (*Callitris*), *арча* (*Juniperus*) каби жуда күплаб туркумларнинг бир неча турлари Ер шаридаги кенг тарқалган.

Очиқ уруғлилар типининг энг сўнгги синфи бўлган уруғпаллалилар синфига мансуб бўлган вакиллари ўзларининг бирмунча белгилари, яъни поясининг иккиламчи йўғонлашиш хусусиятига эга бўлиши, ўтказувчи най — ксилеманинг трахеидлардан ташқари, ҳақиқий найлар трахеядан ташкил топиши, найларда мум йўлларининг йўқлиги, баргларининг қарама-қарши ёки ҳалқа бўлиб жойлашиши, гулда дастлабки ўрама баргларнинг ҳосил бўлиши ва к. билан тараққиёт босқичида маълум даражада юқори туриши ва ёпиқ уруғлиларга яқин туришидан дарак беради.

Уруғпардалилар синфининг зогаза (*Ephedra*), гнетум (*Gnetum*) вельвичия (*Welwitschia*) каби туркумлари учрайди.

Очиқ уруғлилар типининг кейинги бир неча синфларининг вакиллари Ер шарининг турли нуқталарида учраб, қалин ўрмонлар ҳосил қилишда актив иштирок этади (23-расм). Улардан баъзиларининг хўжаликдаги аҳамияти ҳақида кейинги бобларда бир оз тўхталиб ўтилади.

Ёпиқ уруғлилар — *Angiospermae* ёки гулли ўсимликлар — *Anthophyta*

Ёпиқ уруғлилар типи юксак ўсимликларнинг энг сўнгги ва энг катта типи бўлиб, бу тип Ер юзида маълум бўлган ярим миллион ўсимлик турининг ярмидан кўпини ўз ичига олади. Бу тип вакиллари мезозой эрасининг иккинч ярмидан бошлаб пайдо бўлган ва ҳозирги вақтда ҳукмрон бўлиб ҳисобланади.


Ёпиқ уруғли ўсимликлар қўйидаги белгилари билан бошқа тип вакилларидан ажralиб туради.

1. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг уруғчиси тугунча, устунча ва тумшуқча каби қисмлардан иборат бўлиб, бир ёки бир неча мева баргининг четларини бирлашишидан ташкил топган тугунчада жойлашади. Тугунча ичидаги уруғкуртак етилади. Уруғкуртак ичидаги эса уруғ ҳосил бўлади. Шундай қилиб, бу тип вакилларидаги уруғ ва уруғкуртак, тугунча ичидаги ёпиқ ҳолда ҳосил бўлади. Шунга кўра бу тип вакиллари ёпиқ уруғлилар деб аталади.

2. Уларда чангчи ва уруғчи деб аталган органлар ҳақиқий гул ҳосил қиласади. Баъзи вакилларидан ташқари барча вакилларидаги уруғчи ва чангчилардан ташқари, гулнинг бошқа қисмлари, масалан, гултоҷбарг ва гулкосабарглар ҳам мавжуд. Мазкур аъзоларнинг бўлиши ёки бўлмаслигига қараб гуллар иккига группага: тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гулларга бўлинади.

3. Гулларнинг чангланиши ва уруғ-меваларнинг тарқалиши турли хил воситалар: масалан, шамол, сув, ҳашарот, қушлар ва бошқа воситалар ёрдамида содир бўлади.

4. Буларда иккиламчи уруғланиш ёки қўш оталаниш про-



23-расм. Очикуругли ўсимликларнинг баъзи вакиллари:

1, 2 — Европа қорақаралғай ва унинг қуббаси, 3 — сарва дарахтининг кичик бир шохчаси, ва унинг эркак қуббалари, 4, 5 — эски ва ёш вельвичия дарахти, 6 — қизилча ёки эфедра, 7 — бразилия араукарияси ва ургочи «тұпгули», 8 — ургочи қубба, 9, 10 — гнетум ўсимлигининг меваси ва говник ва унинг ургочи қуббаси.

цесси натижасида муртак ва эндосперм ҳосил бўлади, яъни тухум хужайранинг оталанишидан муртак ва муртак халтачаси-нинг иккиламчи ядроси оталанишидан эндосперм ҳосил бўлади.

5. Улар морфологик ва анатомик жиҳатидан ҳам жуда хилма-хил ва юксак тузилишга эга.

Шундай қилиб, ёпиқ уруғлилар уруғининг ташқи муҳит таъсирига ниҳоятда чидамли ва мослашган бўлиши, бу тип вакилларига Ер юзида кенг тарқалиш ва ҳукмроилик қилиши имконини берган. Профессор М. И. Галенкиннинг тахмин қилишича, бўр даврида қандайдир космоген сабабларга кўра Ер юзида ёруғлик ва намлик миқдори ўзгарган, яъни шу даврдан бошлаб осмонни доим қоплаб турган булутлар тарқала бошлиган ва натижада Ерга қўёш нури кўпроқ тушиб, намлик миқдори камая борган. Шу сабабли Ер юзида яшаётган юксак архегонийли ўсимликлар ҳавонинг қуруқлиги, ёруғлик нурининг ўтири таъсирига бардош бера олмасдан нобуд бўлиб йўқола борган. Чунки уларда мосланиш органлари тараққий этмаган эди. Бундай ноқулайликка фақат ёпиқ уруғлилар бардош бера олган ва уларда кундан-кун шу шароитга мослаша олган белгилар яхши ривожлана борган. Натижада ўзгарган шароитга чидамсиз ўсимликлар Ер юзидан йўқола борган, гулли ўсимликлар эса кенгроқ, кўпроқ тарқала бошлаган.


Ёпиқ уруғлиларнинг ғолиб-чиши қуруқликда яшаётган ҳайвонлар дунёсига ҳам таъсир кўрсатган. Ҳашаротлар, қушлар ва сут эмизувчи ҳайвонлар ҳаёти энди кўпроқ гулли ўсимликлар ҳаёти билан боғлиқ бўла бошлаган.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда биз ёпиқ уруғлиларнинг ниҳоятда хилма-хил шаклга, катталикка, ички тузилишга, кўпайишга эга бўлган дарахтсизон, бутасизон, ўтсизон (кўп йиллик, икки йиллик ва бир йиллик ўтлар) вакилларини Ер шарининг энг шимолий нуқталаридан тортиб жанубий нуқтагача, ғарбий нуқтасидан тортиб шарқий нуқтасигача бўлган жойларда учратамиз. Уларнинг умумий сони 250—300 мингдан иборат деб ҳисобланади. Уларнинг тараққиёт цикли 24-расмда тасвиранган.

Ёпиқ уруғлилар типининг баъзи вакиллари, масалан, қисқа вақт ичida ўсиб-ривожланиб, кейин нобуд бўладиган баъзи бир йиллик ўт ўсимликлар 1,5—2 ой ичida ўз тараққиёт циклини тугатса, баъзилари, масалан, узоқ яшайдиган мамонт дарахти, баобаб дарахти 3—4 ҳатто, 6 минг йил яшайди.

Ёпиқ уруғлилар типининг 400 турдан иборат вакили яшил рангга эга бўлмаганлиги туфайли фотосинтез процесси бормайди. Шунинг учун ҳам улар хўжайн ўсимлик ҳисобига яшаб, паразит ҳолда ҳаёт кечиради. Қолган вакилларининг ҳаммаси яшил ўсимликлар бўлиб, мустақил ҳаёт кечиради.

Юқорида курсатилганидек, энг катта тип эканлиги, вакилларининг хилма-хил тузилишга ва ҳаёт кечиришга мослашганлиги сабабли ёпиқ уруғлилар типи ҳозирги вақтда 2 та катта



24-расм. Ёпиқуруғли ўсимліктарнинг ривожланиш цикли.
Спорофит:

1 — спорофит ва эндоспермининг бошланғыч ривожланиш даври, 2 — мева ва уруг, 3, 4 — уругдан унган шындаған ўсимлік (спорофит), 5 — тул, 6 — чангчи, 7 — уругчи, 8 — чангдон, 9 — уругкуртак, Р1 — редукцион бұлининш.

Гаметофит: 1 — уругкуртак икідеги муртак қопчаси, 2, 4 — чангдон ва унда етилған чанглардан бири, 3 — муртак қопчасида тұхумхужайра, иккименчі ядро, синергид жаңынан көрсетілген, 5 — чанг нағычаси, 6 — құш уругланиш, 10 — уругланиш.

синф — бир палладилар ва икки палладилар синфиға булып үрганилади.

Икки палладилар синфидан магнолиядошлар, лаврдошлар, аннонадошлар, мускатдошлар, айиқтовондошлар, зиркдошлар, нилуфардошлар, рафлезиядошлар, непентадошлар, раъногулдошлар, жасминдошлар, семизбаргдошлар, чинордошлар мирандошлар, мимозадошлар, дуккакдошлар, ёронгулдошлар, баобабдошлар, стеркулиядошлар, гулхайридошлар, сутламадошлар, пистадошлар, рутадошлар, зарангдошлар, итжумрутадошлар, токдошлар, сельдерейдошлар, аралиядошлар, протейдошлар, чойдошлар, диптерокарпадошлар, күкноргулдошлар, карамдош-

лар, бинафшадошлар, чиннигулдошлар, ёнгоқдошлар, торондошлар, мурчдошлар, қайрағочдошлар, казуаринадошлар, примуладошлар, верескдошлар, букдошлар, қовоқдошлар, қүнфироқгулдошлар, итузумдошлар, печакдошлар, лабгулдошлар, шўрадошлар, юлғундошлар, зайдундошлар, мураккабгулдошлар каби жуда кўп оиласарни кўрсатиш мумкин.

Бир паллалилар синфи ҳам бошоқдошлар, лолагулдошлар, пальмадошлар, савсаргулдошлар, амариллисдошлар, қиёқдошлар, банандошлар, орхисгулдошлар, кучаладошлар, рдестдошлар каби жуда кўп оиласар киради.

Икки паллалилар синфи — Dicotyledoneae

Икки паллалилар синфи ёпиқ уруғли ўсимликларнинг 200 мингга яқин турини ўз ичига олади.

Бу синф вакиллари учун уруғнинг иккита палладан иборат бўлиши, ўқ илдизли бўлиши, баргларининг тўрсимон томирланган бўлиши, гулларининг 5—4—2 аъзоли бўлиши характеридир.

Бундай белгиларни биз қўйидаги оиласарнинг вакилларида яққол кўришимиз мумкин.

Айиқтоворонгулдошлар оиласи — Ranunculaceae

Бу оиласа 2 мингдан ортиқ тур киради. Улар асосан бир йиллик, кўп йиллик ўт ўсимликлар бўлиб, қисман бутасимон ва чала бутасимон вакилларга эга. СССР да бу оиласарнинг 512 тури, Ўзбекистонда эса 100 га яқин тури учрайди. Бирмунча кенг тарқалган ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган турлар қўйидаги туркумларга киради: *айиқтоворон* (*Ranunculus*), *қарғатуёқ* (*Anemone*), *седана* (*Nigella*), *илончирмовиқ* (*Clematis*), *испарак* (*Delphinium*), *парни* (*Aconitum*), *сувурӯт* (*Adonis*), *санчиқўт* (*Thalictrum*), *калужница* (*Caltha*), *сувийифар* (*Aquilegia*), *учма* (*Ceratocephalus*) кабилар.

Оила вакиллари Арктикан тортуб тропик зонагача тарқалган.

Оила вакиллари актиноморф (тўғри) ва зигоморф (қийшиқ) гул тузилишига эга. Гули икки жинсли, оддий ёки қўшгул-қўрғонли. Одатда гулкоса 3—20, гултожи 5—20 баргли, ҹангчи ва уруғчилар чексиз сонда, меваси кўп уруғли, ёнгоқча ёки резавор. Гуллари ҳашаротлар ва шамол ёрдамида ҹангланади. Оила вакилларининг айримлари доривор, айримлари манзарали, айримлари эса бегона ўт ҳисобланади.

Дукқакдошлар — Leguminosae

Оила вакиллари дараҳт, бута, ўт ва лиана ҳолида учрайди. Оила вакилларининг кўпчилигида барглар мураккаб бўлиб, ўзига хос гул тузилишига эга. Гуллар икки жинсли қийшиқдир.

Гулкоса 5 баргли бўлиб, улар ўзаро туташган. Тожбарглар сони ҳам 5 та; шундан иккитаси ўзаро қўшилиб қайиқча шаклини эслатади, иккитаси эшкак ва биттаси байроқча деб аталади. Чангчилар сони ўнта; кўпинча уларнинг тўққизтаси ўзаро туташган бўлади, ўнинчиси эркин ўсади. Уруғчиси битта. Меваси дуккак. Ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Оиланинг 12 мингдан ортиқ тури маълум. СССРда 1700 тури, Ўзбекистонда 470 тури учрайди. Ер шарида кенг тарқалган муҳим вакиллари қўйидагилар ҳисобланади. *Акас дарахти* (*Robinia pseudacacia*), *беда* (*Medicago*), *себарга* (*Trifolium*), *янтоқ* (*Alhagi*), *бурчоқ* (*Vicia*), *қашқарбеда* (*Melilotus*), *баргак* (*Onobrychis*), *астрагал* (*Astragalus*), *пажитник* (*Trigonella*), *қизилмия* (*Glycyrrhiza*), *окмия* (*Goebelia*), *афсонак* (*Thermopsis*), *нўхам* (*Cicer*), *кук нўхам* (*Pisum*), *ловия* (*Phaseolus*), *ерёнгоқ* (*Araachis*), *соя* (*Glycinia*) ва бошқалар.

Оила вакиллари муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган ўсимликлардир. Хўжаликда улар ем-хашак, доривор, озиқ-овқат ўсимликлари сифатида ва бошқа мақсадларда аҳамиятга эга.

Фақат соя ўсимлигидан 100 га яқин ҳар хил озиқ маҳсулотлари, масалан, ўсимлик сути, қаймоқ, сир, творог, кофе, конфет каби маҳсулотлар тайёрлашда- ишлатилишини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Лабгулдошлар — Labiateae

Оила вакилларининг кўпчилиги бир ёки кўп йиллик ўтлар, қисман бута ва чала бута ҳолида учрайди. Улар ер шарида жуда кенг тарқалган. Ер юзида оиланинг 3400 тури учрайди. СССР да 950 тури, Ўзбекистонда эса 210 тури ўсади. Оила учун характерли хусусиятлар поянинг тўрт қиррали бўлиши, баргларнинг пояга қарама-қарши жойланиши, тўпгулларнинг ҳалқа шаклида поянинг атрофида жойлашиши, тожбаргларнинг иккι лабли бўлиши кабиладир. Косабарглар сони бешта, тожбарглар бешта, чангчи иккита ёки тўртта, уруғчи иккита мева-баргдан иборат. Тожбарглар ва косабаргларнинг остки қисми ўзаро туташган. Тожбаргининг иккитаси ўзаро туташиб юқори лаб, утаси туташиб остки лабни ҳосил қиласи. Шунинг учун ҳам оила лабгулдошлар деб ном олган. Гуллари нотўғри (зигоморф) тузилишга эга.

Оиланинг муҳим вакиллари қўйидагилар ҳисобланади: *зуфо* (*Nepeta*), *ялпиз* (*Mentha*), *райхон* (*Ocimum*), *қийикўт* (*Zizipnora*), *тограйхон* (*Origanum*), *қўзиқулоқ* (*Phlomis*), *лимонўт* (*Melissa mawrak* (*Salvia*)), *яснотка* (*Lamium*), *аурук* ёки *ханри* (*Perovskia*), *арслонқулоқ* (*Leonurus*), *лаванда* (*Lavanda*), *қуддис* (*Stachys*), *деволтаги ўт* (*Marrubium*), *скүтеллария* (*Scutellaria*), *железница* (*Siderites*) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Оила вакилларининг кўпчилиги эфир мойларига бой. Шунинг учун ҳам улардан парфюмерия, кондитер саноатида фойдаланилади. Айрим турлари медицина учун аҳамиятлидир.

Карамгулдошлар (крестгулдошлар) — Brassicaceae

Бу оила вакиллари Ер шарининг деярли ҳамма қисмида, айниқса экваторнинг шимолида кўп учрайди. Оиласа З минг тур киради. СССР да 750 тури, Ўзбекистонда эса 200 тури ўсади. Оиласининг характеристери хусусиятлари сифатида гул тузилишини кўрсатиш мумкин.

Гулкоса ва тожбарглар тўрттадан, чангчиси олтига, шундан иккитаси қисқа, тўрттаси узун, уруғчиси иккита. Меваси қўзоқ ва қўзоқча дейилади. Кўпчилик вакилларида глюкозид моддаси бор.

Оиласининг муҳим вакилларидан *карам* (*Brassica*), *турн* (*Raphanus*), *ўсма* (*Isatis*), *хантал* (*Sinapis*), *хрен* (*Armoracia*), *қатрон* (*Crambe*), *ожут* (*Megacarpaea*), *индов* (*Eruca*), *шуваран* (*Descurainia*), *жаг-жаг* (*Capsella*), *қуртэнга* (*Sisymbrium*), *читир* (*Malcolmia*), *жултушиник* (*Erysimum*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Улар хўжаликда сабзавот экинлари, мойли экинлар, шифобахш ўсимликлар ва ем-харакат экинлар сифатида кенг фойдаланилади.

Атиргулдошлар — Rosaceae

Оила вакиллари асосан шимолий кенглика тарқалган бўлиб, дарахтсизмон, бутасизмон ва ўтсизмон ҳолда учрайди.

Оиласиниг З мингга яқин тури мавжуд. СССР да 700 тури, Ўзбекистонда 150 дан ортиқ тури учрайди.

Оила вакилларининг барги оддий ёки мураккаб бўлиб, кўпинча пояга кетма-кет жойлашган. Гуллари икки жинсли, актиноморф (тўғри), қисман нотуғри (зигоморф) дир. Гулкосабарглар бешта, гултожбарглар тўрт-бешта ёки чексиз сонда, чангчилар бештадан тортиб чексиз сонда, уруғчилар бир-бешта ёки баъзи вакилларида кўп сонли бўлади. Меваси турларига қараб кўсакча, ёнғоқча, данак, сохта ва мураккаб мевалардан иборат. Оиласиниг муҳим вакиллари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади. *Маймунжон* (*Rubus*), *земляника ва қулунчай* (*Fragaria*), *натматак*, *атиргул* (*Rosa*), *ғозпанжас* (*Potentilla*), *аломатчоп* (*Agrimonia*), *поча қирқар* (*Hultemia*), *кўкўт* (*Sanguisorba*), *дўёлана* (*Crataegus*), *ирғай* (*Cotoneaster*), *четан* (*Sorbus*), *черёмуха* (*Padus*), *олма* (*Malus*), *нок* (*Pyrus*), *бечи* (*Cydonia*), *олхўри* (*Prunus*), *бодом* (*Amygdalus*), *ўрик* (*Armeniaca*), *шафтоли* (*Persica*), *гилос* (*Cerasus*) кабилар.

Оила вакиллари озиқ-овқат, манзарали, техник (атиргул), шифобахш (итбурун) ўсимликлар сифатида муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Ўрик, нок, шафтоли, гилос, атиргул каби кўпгина турлар қадимдан маданийлаштириб келинганлиги учун улар Ер шаридаги бирмунча кенг тарқалган бўлиб, ҳар бирининг минглаб навлари келтириб чиқарилган.

Мураккабгулдошлар – Compositae

Мураккабгулдошлар оиласи икки паллади гулли ўсимликлар синфининг энг турларга бой оилаларидан бири бўлиб, Ер шарида жуда кенг тарқалган. Унинг 25 мингдан ортиқ тури мавжуд. СССР да 3500 дан ортиқ тури, Ўзбекистонда эса 580 тури ўсади. Улар кўпинча бир йиллик, кўп йиллик ва қисман бутасимон ҳолда учрайди.

Оила вакиллари учун гулларнинг саватчасимон тўпгул ҳосил қилиши энг биринчи характерли белги ҳисобланади. Саватчесимон тўпгул ташки томондан яшил баргчалар билан ўралган бўлиб, урама барг дейилади. Гулдаги косабарглар шаклан ўзгарган бўлиб қилчаларга айланган. Тожбарглар тилсимон, найсимон, воронкасимон шаклларда бўлади.

Чангчилар сони бешта бўлиб, ўлар ўзаро туташган. Уруғчи иккита мевачи баргдан тузилган. Меваси писта мева.

Оиланинг муҳим вакиллари күнгабоқар (*Helianthus*), картошкагул (*Dahlia*), қашқаргул (*Callistephus*), сачратқи (*Cichorium*), қоқиёт (*Taraxacum*), астра (*Aster*), қўйтикан (*Xanthium*), бўймадарон (*Achillea*); қарикиз (*Arctium*), қушқўнмас (*Carduus*), ондиз (*Inula*), латтатикан (*Cirsium*), бўтакўз (*Centaurea*), какра (*Argotilon*), хризантема (*Chrysanthemum*), мойчечак (*Matricaria*) крестовник (*Senecio*), бузтикан (*Sonchus*) лактук (*Lactuca*), эчикисоқол (*Tragopogon*), ўлмасёт (*Helichrysum*) кабилар ҳисобланади.

Оила вакиллари крахмал (тау-сағиз) тайёрлашда, (сачратқи), бўёқ олишда (ондиз, ўлмасёт, мингяпроқ), манзарали гуллар (картошкагул, хризантема, астра) сифатида муҳим хўжалик аҳамиятига эгадир. Айрим турлари какра, тошкакра, латтатикан, қушқўнмас.

Бир палладилар синфи – Monocotyledonea

Бу синфга асосан мўътадил кенгликда тарқалган ўтсимон ўсимликлар ва тропик зонада тарқалган дараҳтсимон вакиллар киради. Бир палладилар қўйидаги хусусиятлари билан:

1) уруғининг бир паллади булиши, 2) ўқилдиз тезда йўқолиши натижасида асосан попук илдизлардан ташкил топиши, 3) баргларининг параллел чизиқли ёйсимон томирланиши, 4) гулларнинг уч қисми булиши билан характерланади ва икки палладилардан фарқланади.

Синфнинг турларга бой ва турлари кенг тарқалган оилаларидан лолагулдошлар ва бошоқдошлар каби оилалари билан танишиб ўтамиш.

Лолагулдошлар – Liliaceae

Бу оиласа асосан илдизпояли ёки тугунакли кўп йиллик ўтлар ва қисман дараҳтсимон вакиллар киради. Улар ер шари-

да анча кенг тарқалган З минг турга эга. СССР да 700 га яқин тури, Ўзбекистонда эса 200 га яқин тури ўсади.

Оила вакиллари учун қуйидаги гул тузилиши характерли. Гуллари оддий гулқўрғонли ёки косачасимон ёки тоҳсимон бўлади. Тоҷбарглар (ёки косачабарглар) сони олтита бўлиб икки қатор жойлашади. Чангчилар сони ҳам олтита. Улар ҳам икки қатор бўлиб жойлашган. Уруғчиси учта мева баргдан иборат. Меваси кусакча.

Оиланинг муҳим вакилларидан лола (*Tulipa*), бойчечак (*Gagea*), совринжон (*Colchicum*), пиёз ва саримсоқ (*Allium*), пиёзгул (*Lilium*), ширач (*Eremurus*), спаржа (*Asparagus*), сумбул (*Nemeroocallis*), қўзигул (*Scilla*), алоэ (*Aloe*), юқка (*Pissa*), олғи (*Fritillaria*) ландиш (*Convallaria*) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Оила вакиллари хўжаликда сабзавот экини — пиёз, саримсоқ, доривор — ландиш, алоэ, саримсоқ, спаржа, техник экин — юкка, манзарали ўсимлик — лола, спаржа, олғи, сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Бошоқдошлар — *Wramineae*

Оила вакиллари асосан бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, 7 мингга яқин турга эга. СССР да 1000 дан ортиқ тури, Ўзбекистонда эса 300 га яқин тури ўсади.

Оиланинг характерли белгиларидан бири гул тузилиши ҳисобланади, яъни уларда гулкоса, гултоҷбарглар йўқолган (редукцияланган) бўлиб, унинг ўрнига қипиқчалар ҳосил бўлган. Чангчилар сони 1—6 тагача бўлади. Уруғчиси уч тумшуқчали. Оила вакиллари бошоқ, сўта, рўвак, сulton шаклидаги тўпгуллар ҳосил қиласи. Пояси кўпинча бўғим ва бўғим оралиқларига эга, унинг ичи ковак бўлади. Барги филоф ва япроқдан иборат. Маккажўхори, қўқонжўхори каби вакилларининг пояси паренхимали тўқима ҳужайралари билан тўлган бўлиб, поя қуригандаға ғовак ҳолга келади.

Оиланинг муҳим вакиллари сифатида, маккажўхори (*Zea mays*) жўхори (*Cereale*), бўғдой (*Triticum*), жавдар (*Secale*), сули (*Avena*), тарик (*Panicum*), қўноқ (*Setaria*), шоли (*Oryza*), бўғдоийик (*Elytrigia*), арна (*Hordeum*), ажриқ (*Cynodon*), ғумай (*Sorghum*), қамиши (*Phragmites*), савағич (*Erianthus*), бетага (*Festuca*), курмак (*Echinochloa*), қўнғирбош (*Poa*), ялтирибош (*Bromus*), оқсўхта (*Dactylis*), чалов (*Stipa*) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Оила вакиллари хўжаликда озиқ-овқат сифатида (барча донли экинлар), ем-хашак сифатида (оқсўхта, ялтирибош, қўнғирбош, бетага ва бошқалар), қурилишда ва қофоз тайёрлашда (чий, қамиши) муҳим аҳамиятга эга.

Ғумай, ажриқ, курмак, итқўноқ кабилар бегона ўт сифатида қишлоқ хўжалигига зарар келтиради.

II ҚИСМ. ҮСИМЛИКЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

Үсимликлар географияси ботаника билан география ўртасидаги оралиқ фан бўлиб, үсимликларнинг ер юзида тарқалиши, тарқалиш қонуниятларини ўрганади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, үсимликларнинг тарқалиши ҳақида фикр баён этиш учун үсимликлар ҳаёти уларнинг хилма-хиллигини яхши билиб олиш зарур. Акс ҳолда уларнинг ер юзида тарқалиши ҳақидаги маълумотлар фақат қуруқ ёдлаш ва тасвирилаш тарзида амалга оширилади. Бундай бўлишига эса ҳеч қачон йўл қўйилмаслик керак.


Үсимликлар географияси фақат ҳозирги вақтда яшаб турган үсимликларнинг тарқалиши билан қизиқмайди, балки узоқ ўтмишда яшаган ва тарқалган, ҳозирги кунда эса нобуд бўлиб кетган үсимликлар билан ҳам қизиқади ва улар ҳақидаги маълумотларни ботаниканинг бошқа бир тармоғи — палеоботаника фани ўрганади.

Үсимликларнинг тарқалиши **ҳақида** гап боргандা, ҳар бир географик зонанинг ўзига хос табиий шароитлари, айниқса ташқи муҳит шароитларини билиш зарур. Бу вазифа билан эса ботаниканинг яна бошқа бир тармоғи — **үсимликлар экологияси** шуғулланади. Ҳар бир конкрет ернинг иқлим, тупроқ, рельеф ва бошқа шароитларини ўрганиш асосида шу ерда үсадиган үсимликлар ҳаётини аниқ тасаввур этиш мумкин бўлади.

Үсимликларнинг умуман ташқи муҳит қолаверса, конкрет тупроқ шароитига бўлган муносабатини ботаниканинг бошқа тармоғи — **геоботаника** ўрганади.

Шундай қилиб, үсимликларнинг тарқалиши, яшаш шароитлари, тарқалиш қонуниятларини ўрганувчи соҳа кенг маънода олганда үсимликлар географиясининг вазифаси бўлиб, у үсимликлар экологияси, геоботаника, үсимликлар флористик географияси, үсимликлар тарихи географияси каби бўлимлардан ташкил топгандир.

Үсимликлар географияси бошқа кўпгина фанлар билан алоқада әканлигини қўйидаги схемадан кўриш мумкин.



Әрамиздан олдинги III асрға келиб, үсимликлар ҳәётiga доир маълумотлар ботаника фаны ва унинг тармоғи үсимликлар географияси фанининг фан сифатида вужудга келиши ва ривожланишига имкон берди. Ұша вақтларда яшаган юон файлусуғи ва табиатшуноси Аристотель (Арасту) ҳамда Теофраст бошқа фанлар қатори үсимликларга тегишли маълумотларни анча тартибга солди ва ривожлантириди.

Үсимликлар географиясига доир маълумотлар Александр Македонский (Искандар Зулқарнайнинг Эрон ва Ҳиндистонга қылган ҳарбий юришлари (334—327 йиллар) даврида анча бойиди, чунки бу юришларда қатнашған юнонистонлик файласуғ Теофраст Юнонистонда үсадиган үсимликларни үрганиш билан бир қаторда құшни мамлакатлардаги үсимликлар билан ҳам танишиш ва уларни үрганиш имконига әга бўлиб, үсимликларнинг ҳәёт шароити, тарқалиши, кишилар фаолиятидаги аҳамиятига доир маълумотларни түплай бошлади. Кейинчалик у түпланған маълумотларни тартибга солди. Натижада, турли географик нұқталарда турли хил үсимлик турларининг мавжудлиги аниқланди, улар бир-бирига таққослаб кўрилди.

Теофрастдан сўнг XV—XVI асрларгача ботаника ва шу жумладан үсимликлар географияси соҳасидаги маълумотлар унча тез ривожланмади. Үсимликларга оид маълумотлар Плиний Старший (23—79 йиллар), Абу Али ибн Сино (980—1037 йиллар), Абу Райхон Беруний (973—1048 йиллар), Отто Брунфельс (1488—1534), Цезальпин (1510—1603) ва бошқа мутафаккир олимларнинг асарларыда ҳам учрайди. Улар үсимликлардан фойдаланиш ҳақида фикр юритган ва гиёхномалар яратган.

Үсимликлар географияси XVIII аср охири ва XIX аср бошларидагина мустақил фан дараражасига етди ҳамда ривожлана борди.

Айникеса, 1807 йилда Александр Гумбольдтнинг «Үсимликлар географиясига доир ғоялар» асарининг яратилиши билан бу соҳада янги давр бошланди. Александр Гумбольдт (1769—1859) Ер шарининг күргина қысмини кезган. Чунончи, Америкада

(5 йил), Сибирь, Олтой, Каспий денгизи бүйлари ва Европанинг баъзи ерларида бўлган. У ўсимликлар экологияси, ўсимликлар географияси, ўсимликлар систематикасига оид муҳим ишлар қилиди ва бу соҳаларни ривожлантириди.

Рус ботаниклидан Пётр Палласнинг «Россия флораси» (1747), Степан Крашениковнинг «Камчатка ерининг тасвири», «Петербург флораси» (1730—1752) каби асарлари ҳамда чет эллик Вильденовнинг «Кукатшунослик асослари» (1792) деган асари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юқорида курсатилган олимлар ва хусусан Александр Гумбольднинг гоёллари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Скау, Альфонс де Кандол, Ч. Дарвин каби олимларнинг асарларида янада ривожлантирилди.

Скаунинг «Ўсимликлар географиясининг умумий асослари» (1822), А. де Кандолнинг «Ботаник география» (1855), Ч. Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» (1859) номли асарлари биология фанида ва қолаверса ботаник география соҳасидаги барча чалкашлик ва қарама-қаршиликларга барҳам берди ва мазкур фанинг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Россияда тарихий географиянинг ривожланишига Петербург академиясининг академиги Ф. Руппрехтнинг «Қоратупроқли ерлар ҳақида геоботаник текширишлар» (1866) деган асари катта ҳисса бўлиб қўшилди. У Россиянинг турли жойларидаги ўсимликларни ўрганиш асосида, бу жойларнинг турли хил тупроқ-иқлим шароитига эга эканлиги ва турларнинг тарқалиши турли геологик даврларда содир бўлганлиги ҳақида фикр юритади.

Ўсимликлар географияси янги-янги маълумотлар асосида динамик равишда ривожланиб, бойиб келмоқда. Айниқса бу соҳада кейинги йиллар давомида баъзи рус ва совет ботаник олимларининг ишлари муҳим ўрин тутади. Улардан Д. И. Литвинов, И. К. Пачоский, С. И. Коржинский, А. Н. Краснов, А. Н. Бекетов, В. В. Алёхин, В. Н. Сукачёв, И. Г. Борщёв, М. Г. Попов, В. Л. Комаров, Б. М. Козо-Полянский, А. И. Толмачев, Е. М. Лавренко, Е. П. Коровин, Қ. З. Зокиров, И. И. Гранитов ва кўпгина бошқа олимларни курсатиш мумкин.

Ўсимликлар географияси умуман ботаника фанинг ривожланишида Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон териториясида олиб борилган ботаник-географик текширишлар ҳам тегишли ҳисса бўлиб қўшилди. Бу соҳада самарали илмий текшириш ишлари олиб борган олимларнинг сони жуда ҳам кўп. Масалан, С. И. Коржинский, А. Н. Краснов, Б. А. Федченко, И. Г. Борщёв, В. Л. Комаров, М. Г. Попов, И. М. Крашеников, Б. А. Гончаров, П. Н. Овчинников, Н. И. Рубцов, Н. В. Павлов, Б. А. Биков, Қ. З. Зокиров, А. М. Музafferов, И. И. Гранитов, В. А. Буригин, М. Орифхонова, Е. И. Проскоряков, И. Т. Васильченко, Н. Т. Нечаева, П. Қ. Зокиров ва бошқалар шулар жумласидандир.

II боб. ЭКОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Ўсимликларнинг Ер юзасида тарқалишига таъсир этувчи факторлар (омиллар)

Ерда ҳаёт бундан 1 миллиард 700 миллион йил илгари пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Шу давр ичидаги дастлабки ҳужайрагача бўлган ниҳоятда содда организмлар — бир ҳужайрали гетеротроф ва автотроф организмлар, тараққиётнинг сўнгги ва энг юксак босқичида турган гулли ўсимликлар ташқи муҳитнинг таъсири ҳамда аксинча шу организмларнинг ташқи муҳитга кўрсатадиган таъсири асосида ривожланиб келган. Яъни ташқи муҳитнинг ўзгаришига мослаша олган ўсимлик индивидлари сақланиб қолган ва ўсиб ривожланиб тарқала борган.

Демак, ташқи муҳитнинг таъсирисиз Ер юзидағи тирик организмларнинг (шу жумладан ўсимликлар) ҳаётини тасаввур этиш мумкин эмас. Ташқи муҳит ўсимликларга уч хил — минимал, оптимал ва максимал даражада таъсир этади. Оптимал даражада таъсир этувчи ташқи таъсир ўсимлик ҳаётини нормал ўтишини таъминлайди. Ташқи муҳит одатда экологик фактор деб юритилади. Ўсимликларнинг Ер шарида тарқалишига, ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи ҳар бир ташқи муҳит элементи экологик фактордир. Экологик фактор З группага бўлиб ўрганилади:

1. *Абиотик факторлар.* Бунга иқлим (иссиқлик, ёруғлик, ҳаво оқими ёки шамол, сув), тупроқ ва рельеф каби факторлар киради.

2. *Биотик факторлар.* Бунга ўсимликларнинг ўзаро таъсири, шунингдек, ўсимликларнинг ҳайвонларга ва ҳайвонларнинг эса ўсимликларга таъсири киради.

3. *Антропоген фактор.* Бунга ўсимликларга кишиларнинг таъсири киради.

Баъзан тарихий фактор ҳам алоҳида фактор сифатида курватилилади.

Шуни таъкидлаш керакки, биринчидан барча экологик факторлар ўсимликлар ҳаётига доимо биргаликда (комплекс равишда) таъсир кўрсатади: иккинчидан уларнинг баъзилари бевосита, баъзилари билвосита (воситали) таъсир этади. Масалан, ёруғлик, иссиқлик, сув, тупроқнинг химиявий таркиби, ҳаво, ўсимликларнинг ўрилиши, мол боқилиши ва ёнгин кабилар бевосита таъсир этувчи факторлардир.

Билвосита таъсир этувчи факторларга эса муайян территорияда умумий иқлим шароитининг ўзгариши, рельеф, тоғ жинслари ва тупроқ шароитининг ўзгариши, бошқа ўсимликлар группасининг таъсири ва ҳоказолар киради.

Ҳар бир экологик факторнинг ролини аниқ тасаввур этиш учун биз қўйида улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиш.

Иқлим факторлари

Ёруғлик. Иқлим факторларининг ўсимликлар ҳаёти учун энг муҳим бўлган элементлари — ёруғлик, иссиқлик ва сув ҳисобланади. Бу учала элемент ҳам Ёр юзидағи барча зоналарда йил давомида ва ҳар кечакундузда ўзгариб туриб ана шу билан бир-биридан фарқ қиласди.

Барча яшил ўсимликларниг ривожланиши учун ёруғлик зарур. Ёруғлик аввало ўсимликнинг физиологик фаолияти — фотосинтез процессини ўтиши учун зарурдир. Ёруғлик мавжуд бўлгандагина ўсимликлар анорганик моддалардан (сув ва карбонат ангиридинг бирикишидан) органик модда (крахмал ва қанд) ҳосил қиласди. Бу муҳим процесси ўсимлик баргидаги хлорофилл доначалари (ёки тубан ўсимликлар талломидаги пигментлар) бажаради.

Фотосинтез процесси қўйидаги тенглама $6\text{CO}_2 + 6\text{H}_2\text{O} + 624 \text{kcal} = \text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6 + 6\text{O}_2$ бўйича боради.

Ёруғлик ўсимликада фақат запақ озиқ модданинг тўпланишига таъсир қўймасдан, ўсимликнинг ташқи ва ички тузилишига ҳам таъсир этади. Ёруғлик кучсиз таъсир этадиган жойда ўрган ўсимликларниг танаси ингичка, бўғим оралиқлари узун, сарғиши ёки оч яшил рангли бўлади; баргнинг ички қисми (мезофилл) да устунсимон ва булатсимон тўқима ҳосил бўлиши секинлашади; барг ва поядада механик тўқималар яхши тараққий этмайди; баргда хлорофилл доначаларниг йирик, лекин жуда сийрак бўлишига сабаб бўлади. Барча ўсимликлар ҳам бир хил миқдордаги ёруғликда яшаш имкониятига эга эмас. Масалан, нинабаргли ўрмонларда ўсаётган дарахтлар билан ўт ўсимликларни олайлик. Бундай ўрмонларниг тагида ўсаётган папоротниклар, грушанкалар ва бошқа ўт ўсимликларига ёруғлик жуда кам миқдорда тушади. Шунинг учун улар қоронги жойда ўсишга мослашиб қолган. Бу ердаги нинабаргли дарахтларниг қирқилиши натижасида ўт ўсимликларига ёруғлик кучи таъсир этади. Шу сабабли барглари сарғайиб қурий бошлиди. Бу хилдаги ўсимликлар одатда *соясевар* (*сояда ўсуви*) ўсимликлар деб аталади. Сояда ўсуви ўсимликларниг баъзиларигина ёруғликнинг кучли таъсирига бардош бериши мумкин. Бундай ўсимликларга ёруғликка чидамили ўсимликлар дейилади.

Бошқа кўпчилик ўсимликлар қуёш нури кучли таъсир этадиган шароитда нормал ўсади. Бу хилдаги ўсимликлар ёруғлик севар ўсимликлар дейилади. Ўрмонлардаги кенг баргли дарахт навларига, нинабарглилардан қарағайга ёруғлик қанчалик кўп ва кучли таъсир этса, уларниг ҳаёт процесслири шунча яхши ва нормал ўтади.

Маълумки, ёруғликнинг таъсиричанлик даражаси, унинг узоқ ёки қисқа муддатда таъсир этиши Ер шарининг турли нуқтларида турличадир. Экваторда кун билан тун тенг муддатли

бўлиб, экваторнинг шимолида ва жанубида бир йилда 2 марта кун билан тун тенг муддатли бўлади. Кутбларда эса улар алмашинади, бир неча ой қоронгилик ёки ёруғлик бўлиб туради.

Буларниң ҳаммасини ҳисобга олиб барча ўсимликлар қуёнидаги 2 групнага: узун кунли ўсимликлар ва қисқа кунли ўсимликларга бўлинган. Барча тропик, субтропик ва чўл зонаси ўсимликлари қисқа кунли, шимолий кенгликларда ўсувчи ўсимликлар эса узун кунли ўсимликлар ҳисобланади.

Маданий ўсимликлардан соя, шоли, тамаки, ғўза, маккажӯхори, тарик, бодринг, қовун кабилар қисқа кунли, узоқ туни ўсимликлардир. Арпа, сули, жавдар кабилар узун кунли, қисқа туни ўсимликлардир.

Узун кунли ўсимликлар жанубга, қисқа кунли ўсимликлар эса шимолга олиб бориб экилганда гулламайди ва нормал ҳаёт кечира олмайди. Бунинг учун қисқа туни ўсимликларга қўшимча сунъий қоронгилик таъсир эттирилганда ва узун кунли ўсимликларга сунъий ёруғлик таъсир эттирилганда улар гуллаб тўлиқ ривожланади. Совет ва чет эл олимлари ҳамда оддий тажрибакор кишилар ёруғлик мудлатини тартибга солиб туринш пўли билан ўсимликлар ҳаётини турли томонга буриш ва уларни маълум даражада жанубий ёки шимолий нуқталарда ўстира олиш имконига эга бўлганлар. Масалан, Ленинграднинг иқлим шаронтида оқ акация дарахтини совук уриб кетади, лекин ушинг ёш уруғ кўчатлари маълум вақт давомида қисқа кун ва узун тун шаронтида ўстирилса, уларниң совукқа чидамлилиги ортади.

Кейинги йилларда Совет Иттилоқида экинларни электр токи нурида ўстириш методи ишлаб чиқарилди. Бу методдан фойдаланиб, шимолда маҳсус иссиқхоналарда йил бўйи сабзавот етиштириш имкони туғилди. Шундай қилиб, электр ёруғлигидан фойдаланиб ёки қисқа ёки узоқ муддатли ёруғлик хосил қилиш мумкин.

Қўёш нури спектри ўсимликлар ҳаётига таъсир этишига (ёки биологик таъсирига) кўра ультрабинафша ва инфрақизил нурларга бўлинади.

Ультрабинафша нурларнинг 290 ммк дан қисқа бўлган қисми барча тирик организмлар, шу жумладан ўсимликлар учун ҳалокатлидир. Бу хилдаги нурлар атмосферанинг азон қаватида ушланиб қолганлиги туфайлигина ерда ҳаёт мавжуд бўлиб туради. Ер юзига ультрабинафша нурларнинг бир қисми 300—400 ммк дан узун бўлган қисмигина етиб келади. У барча ўсимлик, ҳайвон организмлари ҳамда кишилар учун кам миқдорда зарурдир. Узунлиги 400—750 ммк ни ташкил қилувчи нурлар кўринадиган деб аталади ва бу хилдаги нурлар қуёшдан келаётган нурларнинг деярли кўпчилик қисмини ташкил этади, барча яшил ўсимликлар ана шу нурлар таъсирида фотосинтез процессини ўтаб, запас органик моддалар тўйлайди.

Узунлиги 750 ммк дан узун бўлган нурлар инфрақизил нур-

лар деб аталади. Булар ҳам иссиқлик энергияси манбаи ҳисобланади. Бу хилдаги нурлар ўсимлик ва ҳайвонлар танасини иситади.

Иссиқлик. Ер юзининг турли нуқталарида иссиқлик турли миқдордá мавжуд бўлиб ўсимликлар ҳаётига турлича таъсир этади. Шунинг учун ҳам Ер шарида учрайдиган барча ўсимликлар ҳар хил миқдордаги температурада яшашга мослашган. Ер шарида иссиқлик миқдорининг турли хил даражада мавжудлигини ҳисобга олиб, уни ҳозирги вақтда бта иқлим зонаси: 1) арктик зона; 2) тундра зонаси; 3) ўрмон зонаси; 4) дашт зонаси; 5) субтропик зона ва 6) тропик зонага ажратилган.

Экватордан шимолга томон ҳар 100 км масофа ўтилганда температура $0,5-0,6^{\circ}\text{C}$ га пасая боради.

Иссиқликнинг ўзгариб бориши фақат Ер юзининг текислик қисмидағина содир бўлиб қолмасдан, балки денгиз сатҳидан баландликка (юқорига) кўтарилиган сари ҳам содир бўлади, яъни тоғли районларда ҳар 100 м юқорига кўтарилиган сари температура $0,5-0,6^{\circ}\text{C}$ пасаяди.

Шундай қилиб, Ер шарининг барча текислик ва тоғли қисмларида температура бир хил меъерда бўлмаслиги сабабли ўсимликларнинг ҳам иссиқлик билан бир текисда таъминланиши мумкин эмас.

Шундай экан, барча ўсимликлар ҳаёти турли хил миқдордаги температура таъсирида ўтади. Ўмуман олганда ўсимликлар ҳаёти 0°C билан 100°C ўртасида ўтиши мумкин. Температура 0°C дан паст ва 100°C дан юқори бўлганда ўсимлик танасидаги сув қотади (яхлайди) ёки буғланади. Натижада ўсимлик ҳалокатга учрайди. Кўпчилик ўсимликларнинг ҳаёти 0°C билан $45-50^{\circ}\text{C}$ ўртасида активроқ ўтади. Арктиканда учрайдиган баъзи сувутлар (сферилла кабилар)нинг ҳаёти ҳатто -34°C бўлганда ҳам давом этади. Баланд тоғ (альп) ўсимликларининг гуллари кечаси температуранинг пасайиб кетиши натижасида музлаб ҳам қолади, кундузи эса яна ҳаёт процесси тикланиб нормал равишда давом этади. Баъзи бир замбуруғларнинг споралари дастлаб -190°C , кейинги уч кун давомида ҳатто -253°C да ҳам нормал ўсиш қобилиятига эга бўлган. Кўпчилик ўт ўсимликларининг қуруқ уруғи -80°C совуқ ёки 120°C иссиққа бардош бера олиши маълум. Нинабаргли дараҳтлардан қора қарағай (*Picea*) туркумининг вакиллари 20°C да ассимиляция процесси ни ўтиш қобилиятига эга эканлиги ҳам аниқланган. Баъзи бир сувутлар (кўк-яшил, диатом ва қисман яшил сувутлар). $+75$, $+93^{\circ}$ ли иссиқ булоқларда яшашга мослашган. Масалан, Камчаткада температура $+75,7^{\circ}\text{C}$ бўлган иссиқ булоқларда 28 тур кўк-яшил, 17 тур диатом ва 7 тур яшил сувутларнинг яшashi аниқланган. Баланд тоғларда (масалан, Кавказ тоғларида), Камчаткада доимий музликларда, Новая Земля оролидаги қорли тоғларда, Франц Иосиф ерида ва бошқа жойларда сувутларнинг ўсиши ва тез кўпайиши натижасида, уларнинг ҳужайраси

таркибида *гематохром* деб аталган ранг берувчи пигмент миқдорининг ўзгариб туриши сабабли у ердаги қорларнинг ранги қизил, яшил, сариқ, қора тусга бўялиши ҳам маълум.

Масалан, 1929 йилда Кавказнинг Карабай тогида (3000 м баландликда) оддий қорли майдоннинг бир неча квадрат километри қизил қор билан қопланганлиги ва у ерда 55 тур сувўтлар (яшил сувўтлардан 18 тур, кўк-яшил сувўтлардан 10 тур, диатом сувўтлардан 26 тур, қизил сувўтлардан битта тур)нинг ўсганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлардан маълумки, ўсимликлар Ер шарининг турли хил нуқталарида, турлича иқлим шароити (температура) таъсирида ҳаёт кечиришга мослашган.

Бу мосланишлар, узоқ эволюцион тараққиёт натижасида пайдо бўлган ва мустаҳкамланган.

Масалан, юқори t° га мосланган ўсимликларда: а) сувни ўзидан буғлантиришнинг кучлилиги; б) ҳимоя қилиш органлари (туклар, лабчаларнинг чуқур жойланиши, баргларнинг тиканга айланиши, барг пластинкасининг кичрайиши ёки баргнинг ялтироқ бўлиб, мум моддаси билан қопланиши, илдиз системасининг жуда узун бўлиб, чуқур жойланиши каби)нинг бўлиши; в) хужайра шираси (протоплазмаси) да турли хил тузларнинг кўп миқдорда ҳосил бўлиши каби мосланишларни кузатиш мумкин.

Паст температурага мосланиш учун уларда ер бағирлаб розетка ҳолида ўсиш, танасининг (жуда зич жойлашган шохчалар туфайли) шарсизмон думалоқ шаклидаги баргларнинг ниҳоятда майда кесилганлиги, ҳужайра ширасида қанд (шакар) миқдорининг ортиши каби хусусиятлар юзага келган.

Шундай қилиб, ўсимликлар ҳаёти учун йилнинг энг иссиқ ва энг совуқ ойларидаги ўртacha фойдали температуранинг умумий миқдори ва йиллик температуранинг ўртacha миқдори муҳим роль ўйнайди. Бундай йиллик фойдали температура миқдори турли нуқталарда турличадир. Масалан, Малайя архипелагида 9500° , Тошкентда 5000° , Астраханда 4000° , Одессада 3500° , Ленинградда 2000° , Янги ер оролида 400° ни ташкил қиласди. Шунинг учун баъзи бир маданий ўсимликларни Ер шарининг бир бурчагидан иккинчи бурчагига келтириб экишдан олдин шу жойларнинг йиллик фойдали иссиқлик миқдорини ҳисобга олиш ва температуранинг минимал, оптималь ҳамда максимал нуқталари йилнинг фасллари давомида қандай ва қанчалик ўзгариб туришини ҳисобга олишни талаб этади. Бунинг учун бир неча йил давомида ҳар бир географик пункт атрофида маҳсус кузатишлар ўтказишини ва шу кузатишлар даврида ўсимликлар ҳаётида йил давомида содир бўладиган барча ҳодисаларни (куртакларнинг ўйғониши, ғунчаларнинг ҳосил бўлиши, гуллаши, уруғ ҳосил қилиши, хазонрезликнинг бошланиши каби) кузатиш

ва қайд қилиш зарур. Булар фенологик күзатыш деб аталади. Фенологик күзатышлар амалда муҳим аҳамиятга эга.

Даниялик ботаник олим Раукиэр барча үсимликларининг қишлош хусусиятига қўра бешта группа: фанерофитлар (Φ), хамефитлар (X), гемикриптофитлар (G), криптофитлар (K) ва терофитлар (T) га бўлиб курсатди. Бу ҳақда биз ҳаёт формалари деган темада тулиқроқ тұхталиб үтамиз. Баъзи географик пунктларда ҳаёт формаларининг тақсимиланшини қўйидаги I-жадвалдан куриш мумкин.

I- жадвал

	Турлар сони	% ҳисобида				
		Φ .	X .	G .	K .	T .
Тропик область Сейшель ороллари	258	61	6	12	5	16
Чўл области (Ливия чўли)	194	12	21	20	5	42
Ўрта дениз (Италия)	866	12	6	29	11	42
Ўртача иқлимли область (Дания)	1084	7	3	50	22	18
Арктик область (Шпицбер- ген)	110	1	22	60	15	2

Сув. Сув үсимлик ҳаёти учун энг муҳим факторлардан бири ҳисобланади. Сувсиз үсимлик ҳаётини мутлақо тасаввур қилиш мумкин эмас. Барча үсимлик организмининг 90 ва ундан ортиқ проценциини сув ташкил қиласи. Шундай қилиб, сув үсимлик танасининг ташкилий қисми ҳисобланаб, фотосинтез процессида қатишади ва үсимлика турли хил биохимик процессларининг нормал ўтиши учун хизмат қиласи.

Табиатда сув ёмғир, дўл, қор, шудринг, туман, қиров, муз каби кўринишларда учрайди.

Сувутларнинг ҳаёти ҳам сув билан доимо боғлиқ.

Үсимликларнинг яшаси учун сув қанчалик зарур бўлишига қарамасдан азалдан Ер шарининг турли нуқталарида учрайдиган барча үсимликлар бир хил меъёрда сув билан таъминланмаган. Шунинг учун ҳам барча үсимликлар сувга бўлган талабига қўйидагича групаланади:

1. Гидатофитлар — ҳаёти доимо сувда ўтувчи үсимликлар. Бушга барча сувутлар киради.

2. Гидрофитлар — танасининг бир қисми сувдан ташқарида, колгани қисми сув қаватида ўсуви үсимликлар. Бунига сув ниуфари, рдест, сагиттария каби сувда яшовчи гулли үсимликлар киради.

3. Гигрофитлар — сув етарли даражадан ортиқ бўлган сернам жойларда яшовчи үсимликлар. Қўпчилик ботқоқлик үсимликлари гигрофитлар ҳисобланади.

4. *Мезофитлар* — сув етарли даражада ёки меъёрида мавжуд бўлиб турадиган жойларда ўсувчи ўсимликлар. Ўрмон ва ўтлоқ ўсимликлари бунга мисол була олади.

5. *Ксерофитлар* — ҳаёти доимо ёки маълум бир вақтда сув танқислигига дуч келиб турувчи ва шунинг учун қурғоқчиликка маҳсус мосланиш органлари ёрдамида бардош берувчи ўсимликлар (шувоқ, саксовул, янтоқ, чалов) каби чўл ўсимликлари киради. Гидатофит ўсимликлар барча ўсимликларининг энг қадимигиси ҳисобланиб, уларниң ҳаёти фақат сувли муҳит билан боғлиқ ҳолда ўтади. Аммо гидрофитларга баъзи гулли ўсимликларнинг аждодлари — қуруқликда яшовчи ўсимликлар булганлиги сабабли, уларниң яна сувда яшашга қайтиши узоқ эволюцион тараққиёт натижасида содир бўлган. Шунинг учун уларниң тана тузилишида бирмунча ўзгаришлар юз берганлигини кўриш мумкин.

Масалан, *частухадошлилар* (*Alismataceae*) оиласининг вакиларида З хил барг мавжуд бўлиб, уларниң бир хили сувда, иккинчи хили сув' бетида ва учинчи хили сув бетидан юқорига кўтарилган ҳолда жойлашган.

Шундай қилиб, сув билан турлича даражада таъминланган бир турдаги ўсимликларининг ичк ва ташқи тузилишида ўзига хос фарқли белгиларни кўриш мумкин.

Сувда яшайдиган ўсимликлариниг сув остидаги баргларида устицалар (лабчалар) яхши тараққий этмаган бўлса, сув бетида суздиган баргларининг устида уларниң сони 1 мм да 648 тагача (сув нибуфарида) етади; сувда яшовчи ўсимликлар танасини ташкил этувчи ҳужайралариниг 70 % га яқини ҳаво сақловчи ҳужайралардан ташкил топган. Шунинг учун ҳам улар сувда ўсиб, яшай олади; уларда ўтказувчи найлар жуда кам тараққий этган; механик тўқима яхши тараққий этган ва ҳоказо.

Қуруқликда яшаётган барча ўсимликлар ҳаётига атмосферадаги тупроқдаги сув миқдори катта таъсир кўрсатади. Атмосферадаги сувниң бир кўриниши буғсимон сув бўлиб, у ҳавонинг нисбий ёки абсолют намлиги билан боғлиқдир. Ҳавонинг нисбий намлиги қанча кам (яъни ҳаво қанча қуруқ) бўлса, ўсимлик ўзидан сувни шунча кўп буғлатади. Ер шарининг денгиз ва океанлардан узоқ ёки яқин жойлашган турли бурчакларида ҳавонинг нисбий намлиги кун, ой ва йил давомида ҳар хил бўлишига кўра бир неча ўсимлик типлари (чўл, дашт, ўрмон, тундра, тропик, субтропик) ўсимликлар ривожланган.

Ҳавонинг булатли бўлиши ва туман қуёш шуриининг ерга ети-

ши ва синиб қайтишига таъсир кўрсатади. Маълумки, булут ва туманлар қуёш нурининг бир қисмини ютиб, ўсимликлардаги фотосинтез процессини секинлаштиради, тупроқни кучли қизиши учун тўсқинлик қиласи ва ҳавода сув буғларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Ёмғир суви ҳам ўсимликлар ҳаётига турлича таъсир кўрсатади. Агар ёмғир кучли ва қисқа муддатда ёғиб ўтса, ўсимликларга унинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Йил давомида бир текисда ва ҳар доим секин ёқсан ёмғир ўсимлик ҳаётига фойдали таъсир кўрсатади.

Қор ўзидан иссиқликни секин ва кам ўtkазish хусусиятига эга бўлганлиги учун тупроқ ва ўсимликларни совуқдан ҳимоя қиласи. Унинг бу хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қор ёғадиган, лекин кучли шамол бўлиб туриши натижасида тупроқ бетидан шу қорларни учириб кетилишининг олдини олиш мақсадида турли қор тўсқич полосалар ташкил этилади. Айниқса бу тадбирлар мамлакатимизнинг дехончилик учун ўзлаштирилган унумдор қоратупроқли дашт зонасида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Астраханъ ўлкасида буғдой ҳосили қор тўсқичлар ёрдамида 102% га етган, жавдарники эса 40% га ошган. Бу ерларда қорнинг тўсилиши натижасида тупроқ музламаган ва майсалар совуқдан заарланмаган.

Кўплаб қор ёғиши натижасида ўсимликнинг вегетация даври қисқаради ёки узоқ туриб қолган қалин (30—40 см) қор остида кўпгина ўтлар сарғайб-чирийди. Ўрмон зонасида ўсаётган ва «бойчечаклар» номи билан маълум бўлган бир группа ўсимликлар қорнинг узоқ вақтгача эримасдан тупроқ бетини қоплаб ётишига мослашган. Уларнинг ҳаёти куз ва қиши мавсумларида деярли қор остида нормал ўтади. Чунки, баҳор ва ёз мавсумида бундай ўрмонларда кенг баргли дарахт ҳамда буталарнинг ўсиши натижасида бошқа ўсимликларнинг ривожланиши учун шароит бўлмайди.

Шудринг ва қиоров кабиларнинг ўсимликларга таъсири чукур ўрганилмаган. Аммо улар ҳаво намлигини оширишга таъсир кўрсатади, деб тахмин қилинади.

Дўлнинг ўсимлик ҳаётига салбий (механик) таъсири кўпроқ. Чунки дўл ёққанда дарахтлар гули тўкилади, меваси заарланади ва ҳоказо.

Тупроқдаги сувлар хилма-хил бўлиб, уларнинг бир қисми ўсимлик томонидан ўзлаштирилади.

Ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган тупроқ сувларига гравитацион ва капилляр сувлар киради. Фойдаланилмайдиган шаклларига эса пардасимон, коллоид ва гигроскопик сувлар киради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳамма жойда ҳам, доимо ўсимликлар учун сув етарли даражада бўлавермайди. Ер юзидағи чўл ва қисман дашт зоналарида ўсимликлар йил бўйи ёки йилнинг маълум бир даври (ёз, куз) да сув танқислигига дуч

келади. Улар шундай шароитга секин-аста мослаша боради. Шунинг учун уларда турли хил мосланиш белгилари вужудга келган. Сув танқислигига дуч келиб турадиган ва шу шароитга мослаша олган ўсимликлар ксерофит ўсимликлар деб аталади.

Ксерофит ўсимликларда барг пластинкаси кичрайган ёки мутлақо редукцияланган, баргдаги лабчалари жуда чуқур жойлашган. Уларнинг барг, поялари қалин туклар ёки мум моддаси билан қопланган, қуёш нурига нисбатан барглар ўз ҳолатини ўзгартира олиб, сувни буғлантиришда иштирок этадиган осмотик босим кучли плазманинг узоқ муддат давомида сувсизлашиши ҳодисасига бардош бериши ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятларни кўрсатиш мумкин.

Ксерофитлар бир неча группага бўлиниб, уларнинг барча аъзолари шундай ноқулай шароитга бардош берган ва уларда қандайдир мосланиш белгилари юзага келган (25-расм). Куйида бу хилдаги ксерофитларнинг баъзи группалари кўрсатилган:

1. *Ксерофилл бошоқлилар ва илоқлар*. Бу типга кирувчи ўсимликларнинг барги ингичка, дағал бўлиб, найча ҳосил қилган. Илдиз системаси эса чексиз попуксимон илдиз ипчаларидан ташкил топган. Эпидермис деб аталган барг усти парда ҳужайралари кучли тараққий этган. Чўлда ва даштда ўсуви бошоқдошлар ва илоқдошлар шу оиласинг вакиллари ҳисобланади.

2. *Сертуқ ксерофитлар*. Бу типга кирувчи ўсимликлар анча қуруқ муҳитда ўсиб, барглари икки томондан қалин туклар билан ўралган бўлади. Уларнинг пояси, барг банди ва гул олди баргчалари ҳам туклар билан қопланган (сигирқўйруқ).


3. *Дағал баргли икки паллали ксерофитлар*. Бу типга мураккабгулдошлар ва соябонгулдошлар оиласининг кўпина вакилларини киритиш мумкин; уларнинг пояси ва баргларида механик тўқималар кучли тараққий этганлиги (қўйтикан, кўктикан ва бошқаларда) сабабли жуда дағал, ҳатто тиканли бўлади.

4. *Барг пластинкаси кичрайган ёки баргсиз ксерофит дарахт ва буталар*. Бу типга Ўрта Осиё чўлларида кенг тарқалган саксовул, жузгуни, қизилча (эфедра) кабилар мисол бўла олади. Уларда фотосинтез процессини кўпинча новдалар бажаради.

5. *Барги доим яшил ксерофитлар*. Бу типга самбитгул (океандр), пўкакли дуб каби дарахтларни кўрсатиш мумкин; уларнинг барглари қалин, ялтироқ бўлиб, эпидермис бир печа қаватдан ташкил топган. Лабчалар баргда жуда чуқур жойлашган ва узунчоқ ҳужайралардан ташкил топган тўқималар яхши тараққий этган.

6. *Компас ксерофитлар*. Бу типга қуёш нурига нисбатан ўз баргларининг жойланишини ўзгартириб турувчи баъзи ўсимликлар киради. Бунга *латук* (*Lactuca serriob*) ёки *компас* деб аталувчи ўсимлик типик мисол бўла олади.

7. *Суккулентлар*. Бу хилдаги ўсимликларнинг барги агава, алоэ, семизак (*Sedum*) ёки пояси (кактуслар, баъзи сутлама-



25-расм. Баъзи ксерофит үсимликлар баргининг редукцияланиши (ўзгариши).
А — барг мутлақо йўқолган:

1 — қизилча ёки зфедра үсимлиги, 2 — биурғун, 3 — оқ саксовул; Б — барг тиканга айланган: 4 — оқтикан (акантофиллум), 5 — эспарцет үсимлиги.

лар) этли (семиз) бўлиб, улар деярли тошлоқ қумли чўлларда ўсади. Бу хилдаги үсимликларнинг илдизи ерда жуда юза жойлашган. Уларда лабчалар кечаси очиқ, кундузи эса ёпиқ бўлади. Шунинг учун буғланиш фақат тунги соатларда содир бўлади.

8. Илдизлари чуқур жойлашган ксерофитлар. Илдиз системаси ерга 10—15 м, ҳатто ундан ҳам чуқурроқ кирадиган үсимликлардан ташкил топган (ятоқ, ковул, саксовул).

Чўл, дашт ва бошқа қурғоқчилик содир бўлиб турадиган жойларда юқорида кўрсатилган ксерофит үсимликлар группларидан ташқари яна эфемер ва эфемероид үсимликлар деб аталган группалар ҳам бор.

Эфемер ўсимликлар группасига қисман куз — қиши мавсумидаи бошлаб, асосан, эрта баҳордан бошлаб уруғидан кўкариб чиқадиган ва ёғингарчилик тугаши, температуранинг юқори даражага ($25-30^{\circ}$) кўтарилиши билан ўз тараққиётини тутатувчи бир йиллик ўт ўсимликлар киради. Шундай қилиб, уларнинг усиши ва ривожланиши йилнинг ёғингарчилик кўп бўлган даврида ўтади. Жазирама иссиқлар бошланиши билан, уларнинг уруғлари тукилади, танаси қовжираб қуриб қолади. 7—8 ой давомида уларнинг уруғлари жазирама иссиқларга бардош бериб, тиним даврини ўтайди. Эфемерларга читир, қизғалдоқ, шотара, вероника, оқ читир, жағ-жағ кабиларни кўрсатиш мумкин. Ўрта Осиёда улар 400 га яқин турни ташкил қиласди.

Эфемероид ўсимликларга эса ёғингарчилик мул-кул булган (acosan баҳор фаслида) ва унча юқори бўлмаган даврда ўсиб ривожланувчи ва жазирама иссиқ бошлангач танаси қуриб қовжираб қоладиган кўп йиллик ўсимликлар киради. Бу хилдаги ўсимликларнинг ер ости қисми илдиз тугунаги, пиёзи, (илдизпояси ва ҳоказо) сақланиб қолади ва қалин пустга ўралиб, қулай шароит содир бўлгунга қадар тиним даврини ўтайди. Эфемероидларга мисол қилиб ҳлол (илоқ), ранг, қўнғирбош, бойчечак, лола, савсаргул ёки қорақош (*Iris*) каби туркум вакилларини кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, эфемер ўсимликларнинг уруғлари, эфемероидларнинг эса илдизлари ҳамда уруғлари ноқулай шароитга бардош беришга мослашган.

Ҳаво

Ҳаво оқими — шамол фактори тушунчасини беради. Шамол ўсимликлар ҳаётига экологик-физиологик фактор сифатида таъсир кўрсатади. Аввало, шамол таъсирида ўсимликлар узидан сув буғлантиради, ҳавода газлар (кислород, карбонат ангиридрид ва бошқалар) оқими юзага келади. Шамол таъсирида баъзи ўсимликлар чангланади, баъзиларининг уруғ-мевалари ва тубаи ўсимликларнинг споралари атрофга тарқалади. Шамол ўсимликларга механик таъсир ҳам кўрсатади. Шундай қилиб,



26-расм. Шамол таъсирида байроқсимон шаклга кирган дарахтлар.

шамол ўсимликлар ҳәётига ҳам фойдали, ҳам заарали (26-расм) таъсир курсатиши мумкин. Шамолнинг кучи, таъсири Ер шарининг турли қисмларида (тоғли ўлкаларда, чўл, дашт, үрмон тундра, тропик зоналарда, денгиз қирғоқларидаги ҳоказо) ўсимликларга турлича таъсир курсатади.

Шамол ҳаддан ташқари тұхтосыз эсіб турса ҳавонинг ва тупроқнинг намлиги ўзгаради, ўсимликларда буғланиш кучаяди. Айниқса гармсел (иссиқ шамол) маданий ўсимликлар ҳәёётига заарали таъсир этади. Шамол ёрдамида чаигланувчи ўсимликлар — *анемофилл ўсимликлар* деб ном олган. Күпчилик ўсимликларнинг уруғ ва мевалари шамол ёрдамида тарқалишга мослашган (27-расм, 11—24-шакллар). Бу хилдаги ўсимликлар *анемохор ўсимликлар* (туяқорин, кермек, саксовул, жузғул, чалов) дейилади.

Эдафика факторлар

Тұпроқ, тоғ жинслари ва тупроқнинг ости қатламлари *эдафика фактор* тушунчасыга киради. Ўсимликлар учун эдафика фактор ўсимликларни ўзіда бириктириш ва ўсимликлар учун озуқа манбаи сифатида катта ажамиятга эга.


Ер юздегі баъзи бир группа ўсимликлар (сувұтлар, паратит ўсимликлар ва баъзи эпифилл — эпифитлар) дан ташқари барча ўсимликлар тупроқдан субстрат ва озиқ-овқат манбаи сифатида фойдаланади. Айниқса тупроқнинг химиявий ва физик хусусияти ўсимликлар ҳәётига катта таъсир курсатади.

Тупроқнинг *химик хусусияти* — тупроқ реакцияси, тупроқнинг туз режими, чиринди миқдори кабилар билан, *физик хусусияти* эса тупроқнинг сув режими, иссиқлик ва ҳаво режими, тупроқнинг ғовак зичлиги, механик таркиби, тупроқ донадорлигі, ранги каби белгилари билан белгиланади. Булардан ташқари тупроқ таркибіда микроорганизмларнинг күп-озлиги ҳам муҳим роль ўйнайды.

Тупроқда барча биохимик, микробиологик процессларнинг утиши, ўсимлик илдизининг нормал ўсиши ва ривожланишида тупроқ реакцияси муҳим роль ўйнайды. Тупроқ реакцияси водород ионлари концентрациясыга құра аниқланади. Тупроқнинг пордон ёки ишқорий муҳитли булиши тупроқдаги кислота ёки ишқорнинг сувли әртасыда әркин водород «Н» ва гидроксил ионлари «ОН»нинг мавжудлигига боғлиқ. Масалан, тупроқ реак-

27-расм. Уруғ ва меваларнинг турли хил усульда тарқалиши:

- 1 — 6-ҳайванлар ёрдамида тарқалувчи тиканли ва ёпишқоқ уруғ мевалар (зоохорлар).
1 — учма ўсимлигининг меваси, 2 — ёввойи беданинг ёпишқоқ меваси, 3 — құщұймас ўсимлигининг меваси, 4 — құйтиканнинг меваси, 5 — темиртикан ўсимлигининг меваси, 6 — 9 — серсүр мевалар; 6 — оливоли (олица) нинг данакли меваси, 7 — олхұрининг данакли меваси, 8 — чөрему ханнинг меваси, 9 — смородиннинг меваси, 10 — ёввойи хинаның күсакнасы, 11 — 21 — шамол ёрдамида тарқалувчи уруғ на мевалар (анемохорлар); 11 — чалов, 12 — липа (жұка), 13 — заранг, 14 — инзебарғли ўсимликларнинг қапотлы уруғи, 15 — әчки соқол, 16 — қандым (жузғұн), 17 — осот, 18 — қайрағоч каби ўсимликларнинг уруғ мевалары; 19 — смировиев ўсимлигининг азроста шаклидаги меваси, 20 — күйеңсүйек ўсимлигинин пропеллер шаклидаги меваси, 21 — селин ўсимлигизинг учма шаклидаги уруғи, 22 — тентак бодринг меваси ва ундан отилиб чиқаётгандар урувлар, 23 — ботқоқ геранининг уруғи, 24 — кермак ўсимлигиги ва уннинг дұмалаб тарқалишга мослашган даври.



иияси нордон (кислотали) бўлса, унда эркни водород иони бўлади, ишқорий булиши эса эркни гидроксил ионининг ҳаддан ташқари кўп булишига боғлиқ.

Тоза сувда водород ионининг сони $H = \frac{1}{10^7}$ га тенг. Шунинг учун $pH = 7$ нейтрал муҳит бўлиб ҳисобланади. $pH < 7$ бўлса тупроқнинг нордон эканлиги ва $pH > 7$ бўлеа ишқорий эканлигидан дарак беради.

Ер юзидағи барча ўсимликларни ана шу тупроқ реакциясига кўра бир неча группага бўлиб ўрганиш мумкин:

а) индеферент (бифа р.) турлар. Бу хилдаги турлар ҳаёти учун тупроқ реакциясининг ёки нордон ёки ишқорли булиши ахамиятга эга эмас. Масалан, ландиш, бетага (овсяница), ботқоқ бинафшаси кабилар шулар жумласидандир;

б) нейтрал муҳитли тупроқдан бошқа тупроқда кўп учрайдиган ўсимликлар;

в) нордон тупроқлардан қочувчи (дастарбош — Achillea millefolium, земляника, айқтовон, герань) ўсимликлар;

г) нордон тупроқларда яхши ўсуви (черника, брусика, голубика) ўсимликлар;

д) ишқорли (кальцийли) муҳитда яхши ўсуви (тилооч, эман, пихта, астра ва бошқалар) ўсимликлар (кальцефиллар);


е) ишқорий муҳитни ёқтиримайдиган (кальцефоб) ўсимликлар. Масалан, сфагnum моҳлари. Кўпчилик ўсимликлар тупроқдаги турли хил тузларга нисбатан жуда сезувчан бўлади. Фақат баъзи бир шўр муҳитда ўсишга бардош бера оладиган галофит ўсимликлар бундан мустасно. Денгиз қирғоқларидағи ерлар, ер шарининг қисман дашт ва асосан чўл, чала чўл зоналарининг тупроқлари анчагина шўрланган бўлиб, унда турли хил тузлар бор. Бундай тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва шўрланиш тартибиға қараб улар кўпинча шўрхок ва шўртоб тупроқлар деб аталган иккى группага бўлиб ўрганилади.

Шўрхок тупроқли жойларда шўрланиш тупроқнинг юзасидан бошланади ва бундай тупроқларда сувда тез эрийдиган хлори ва олtingугуртли бирикмалар кўпроқ учрайди.

Шўртоб тупроқли жойларда шўрланиш тупроқнинг, яъни ернинг анча чуқур қатламидан бошланади. Бундай тупроқларда асосан, натрийли ва гипсли тузлар бўлади.

Шу хилда шўрланган тупроқларда ўсадиган галофит ўсимликларда ҳужайра ширасининг концентрацияси анча юқорилигидан осмотик босим баланд бўлиб, илдизнинг тупроқдаги эритмани шимиш хусусияти кучли тараққий этган.

Одатда бундай шўр тупроқларда яшашга мослашган ўсимликларнинг танаси семиз (этли) бўлади. Чунки, уларда сув сақлайдиган тўқималар яхши тараққий этган. Бу хусусият ирсий белги сифатида доимо сақланади. Бу хилдаги ўсимликлар — суккулент ўсимликлар деб аталади. Суккулент ўсимликлар танаси этли бўлганлигидан тана сатҳи бир неча марта қисқарган.



28-расм. Шұрхок шароитда үсадиган шұрак үсимлиги (суккулент ҳаёт формаси).

Диңгезде оның көбіншылғынан шұрхок шароитта үсадиган шұрак үсимлигінде орналасады. Оның жалғыз түрлерінде шұрхок шароитта үсадиган шұрак үсимлигінде орналасады. Оның жалғыз түрлерінде шұрхок шароитта үсадиган шұрак үсимлигінде орналасады.

Сүйин үзидан тез үтказувчанлик, ғоваклик, тупроқ заррачалари орасыда әркін кислородни күпроқ булиши тупроқ әрити-
масиңнеге нейтрал ёки ишқорий мұхитлилиги, енгил ва тез күчүв-
чанлик ҳамда түзевчанлик құмтупроқлар үчүн характерлы
хусусияттардир. Құмтупроқлар мұхитда үсуви үсимликлар үз-

Уларнинг туқимасыга сув жуда кам миқдорда киради ва асосан танаси (сирт)дан буғланиб туради. Натижада туқима ичига хлорли ва сульфатли тузлар жуда кам миқдорда киради (28-расм).

Шұрхок тупроқларда үсадиган үсимликлар ҳаётини жуда чуқур урганган совет олимларидан бири Б. А. Келлер галофит үсимликларнинг деярли күпчилиги шұрадошлар оиласининг вакиллари эканлигини күрсатди. Масалан, *шұрак* (солерос — *Salicornia*), *шұра* (*Sueda*), *итсигек* (*Anabasis*), *күкпек* (*Atriplex cana*), *саксовул* (*Haloxylon*) каби үсимликлар шулар жумласидандыр. Башқа оиласардан *юлғұн* (*юлғундошлар*), *кермак* (*кермақдошлар*) ва *шұражриқ* (*бошоқдошлар*).

Дашт зонаси учун энг характерлы бұлған ғалофиттер үсимлигінде тупроқларда үса олмайды.

Галофит үсимликлар, хусусан, Үрта Осиёning шұрхокли ва гипсли чүллары учун жуда характерлидер.

Үсимликлар ҳаёти учун тупроқнинг механик таркиби ҳам мұхим ахамияттаға эга. Механик таркибига күра лойтупроқ, құмтупроқ ва тоштупроқ каби группаларға бүлинады.

Лойтупроқ (созтупроқ) ларнинг заррачалари жуда майда бұлғанлигидан бу хилдаги тупроқлар үзидан сувни жуда секин үтказады. Шунинг учын улар таркибіда ҳаво жуда кам булаады. Күпинча улар нордон мұхитті тупроқлар ҳисобланады. Лойтупроқлардың тарифтерінде тарвақай-
лашканлығы сабабли уларда озиқ моддалар күпроқ булады.

Бундай тупроқларда үсуви үсимликларнинг илдизи тарвақай-
лашкан булиб, илдиз ҳужайралари орасыда ҳаво сақловчы бүшлиқлар мавжуд. Соз тупроқлар мұхитта яшөвчи үсимликлар шу тупроқларнинг сув режими ва ҳаво режимига күра ксероморф ёки гидроморф булиши мүмкін.

Сүйин үзидан тез үтказувчанлик, ғоваклик, тупроқ заррачалари орасыда әркін кислородни күпроқ булиши тупроқ әрити-
масиңнеге нейтрал ёки ишқорий мұхитлилиги, енгил ва тез күчүв-
чанлик ҳамда түзевчанлик құмтупроқлар үчүн характерлы
хусусияттардир. Құмтупроқлар мұхитта үсуви үсимликлар үз-

ҳаётини шундай шароитга мослаштиришга мажбур бўлган. Қумтупроқли муҳитда яшашга мослашган ўсимликлар — псаммофитлар деб аталади.

Псаммофит ўсимликлар уруғ ва мевалари енгил ҳамда турили хил мосланишларга (қанотчали, пропеллерли, аэростатли, соябон ёки шарсимон найзали шаклларга) эга. Бу уларга шамол таъсирида бир жойдан иккинчи жойга тез кўчиш имконини бераб, тупроққа қўмилиб қолиш хавфидан қутқазади. Бу хилдаги уруғ ва меваларни смирновия, жузғун, астрагал, илоқ, ровоч, селин, чайир каби ўсимликларда куриш мумкин. Қумтупроқлар, асосан, СССР Европа қисмининг жанубида ва Ўрта Осиёда тарқалганлиги сабабли псаммофит ўсимликлар ҳам деярли шу жойларда учрайди.

Қумтупроқларнинг тез тўзувчан ва кучувчанлиги сабабли кўп йиллик ўтсимон псаммофит ўсимликларнинг илдизпояси ўткир учли ва уларнинг бўғим оралиғи ҳам анча узун булади. Шунинг учун улар қўмилиб қолганда ҳам, илдизи очилиб қолганда ҳам тезда юқорига ёки тупроқ қатламига қараб уса олади. Янги поя, барг ёки қўшимча илдиз ҳосил қилади. Бунга селин ўсимлиги мисол бўлиши мумкин.

Дараҳтсимон псаммофит (қум ўсимликлари) қўмилиб қолганда эса новдаси ёки шоҳларининг керакли жойидан тезда қўшимча илдизлар ҳосил қилиб, ноқулай шароитдан қутулиб қолади. Дараҳтсимон псаммофитларга жузғун, қум акацияси, саксовул каби ўсимликлар мисол бўла олади. Кўпчилик псаммофит ўсимликларнинг баргларида морфологик ва анатомик ўзгаришлар, ноқулай шароитга мосланиш белгилари содир бўлган. Бу хилдаги мосланишлар барг пластинкасининг кичрашиши, ўзгариб тиканга айланиши ёки тангачасимон шаклга кириши, бошоқдошлар оиласининг вакиллари эса ингичка бигизсимон шаклда булиши каби ўзгаришлар билан характерланади.

Псаммофит ўсимликлар ҳаётида физиологик жиҳатдан ҳам бир қанча ўзгаришлар содир булади *O. H. Радкевичнинг* кузатишича баргсиз псаммофит ўсимликлар поясида ассимиляцион тўқималар ривожланган бўлиб, бу тўқималар фаолияти маҳсус ўтказувчи аппарат ёрдамида бошқариб турилади.

Шундай қилиб, қумли шароитда ўсуви ўсимликлар ҳаётини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Псаммофит ўсимликлар ҳаётини яхши ўрганиб, шундай шароитга бардош бера оладиган ҳамда хўжалик нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимликларни яратиш мумкин.

Тошли ва тошлоқли муҳитнинг ўсимликлар ҳаётига таъсири чуқур ўрганилмаган. Маълумки, муҳит тоғли районлар учун характерли бўлиб, ўсимликларнинг ўсиши учун жуда ноқулайдир. *Шимпер* деган олим бу хилдаги муҳитда ўсуви ўсимликларни липтофит ва хасмофит ўсимликлар деб атайди. Улар одатда шарсимон ёки ёстиқсимон шаклга эга бўлиб, танаси ерга ёпишган ҳолда ўсади ва уларнинг шоҳ-шаббалари жуда зич

жойлашгандир. Липтофит ва хасмофит ўсимликларга мисол қилиб, тоғларининг тошли, тошлоқли сурималаридан ўсувчи каучукка бой бўлган хондрилла, қоқи ва тоғсақич ўсимликларининг баъзи вакилларини, ошловчи моддаларга бой бўлган бадан ўсимлиги ва шунга ўхшаш бошқа доривор ўсимликларни кўрсатиш мумкин.

Тупроқда турли хил химиявий элементлар мавжуд. Бу элементлар ўсимликларга озиқланиш процессида ўтади. Одатда ўсимликларни кўдириб, унинг кули анализ қилинганда бундай элементларнинг борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Қирқбўғим, шувоқ каби ўсимликлар кулида олтин элементининг борлиги аниқланган. Шу хилда анализ қилиш натижасида геологлар кўпгина конларни топиш имконига эга бўлганлар. Масалан, 1951—1958 йилларда ўтказилган тадқиқотлар Мурунтов олтин конининг топилишига имкон берди. Бунга биогеохимик усул билан шувоқ, шашир каби ўсимликларни анализ қилиш орқали эришилди. Бу хилдаги ўсимликлар дарак берувчи ёки индикатор ўсимликлар дейилади. Плаун таркибида алюминий, себаргода молибден, итқўноқда рух борлиги сабабли шундай конлар топилган.

Орографик ёки рельеф фактори

Ер шарининг турли қисмлари денгиз сатҳидан турлича баландликда бўлиши шу ерларда ўсаётган ўсимлик турларининг ҳаётига ҳар хил таъсир кўрсатади. Масалан, Кримдаги букзор ва қарағайзор ўрмонларда денгиз сатҳидан юқорига кўтарилиб борган сари ўрмондаги дараҳтларнинг танаси ўзгариб борган, яъни 1300—1400 м баландликда буқ ва қарағай дараҳтларининг бўйи тенг қисқарган, аммо буқ танасининг диаметри кичрайган, муайян майдондаги сони ортган, қарағайнини эса йўғонлашган, сони камайган.

Рельефнинг ўзгариши ўсимликларнинг фақат шаклига эмас, балки уларнинг ўсиш характеристига, уруғ ва меваларининг пишиб этилиш муддатига таъсир кўрсатади (29- расм).

Тепаликларнинг денгиз сатҳидан кўтарила боришидан ташқари унинг қиялик даражаси ва қайси томонга қараганлиги ҳам ўсимликлар ҳаёти учун муҳим роль ўйнайди. Масалан, бирор тепаликнинг шимол, жануб, фарб ва шарққа қараган қиялигига баландлик бир хил бўлишига қарамасдан турлар сони хилма-хил бўлиши ҳамда бир турдаги ўсимликлар морфологик, биологик, экологик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Рельефнинг ўсимликлар ҳаётига таъсир кўрсатишини эътиборга олиниб, тоғли районлардаги ўсимликлар минтақаларга бўлиб ўрганилади.

Тоғ чўққилари иқлим ажратувчи восита сифатида гавдалади. Масалан, Кавказ тоғ чўққисининг жанубий қисмида субтропик иқлим бўлиб, барча ўсимлик ва ҳайвонлар шу иқлимга мос ҳолда яшайди. Унинг шимолий қисмида эса дашт иқлими



29-расм. Рельефнинг ўсимлиқ шаклига таъсири (Күёшгул ёки хелиантемум мисолида):

1 — тепаликда, 2 — тоғда

мавжуд. Шимолий Американинг гарбидаги тоғлар у ердаги ўсимликларнинг шимолдан жанубга қараб әмас, балки ғарбдан шарққа томон ўзгариб боришига сабаб бўлган.

Рельефнинг ўсимликлар ҳаётига таъсир этиш даражасини аниқ кўриш учун, одатда рельефнинг ўзи қўйидаги уч группага бўлиб ўрганилади:

1. *Макрорельеф* — баланд тоғлар. Тоққа кутарилган сари ҳар 100 м да температура 0,5°C га пасая боради. Шунга кура ўсимликлар қоплами ҳам ўзгариади. Одатда тоғлар З қисм (тоғ этаги, тоғ ва тоғ усти) га бўлиб ўрганилади.

2. *Мезорельеф*. Унга дарёларнинг ўзанлари киради. Шунда тупроқ намлиги ва тупроқ таркибидаги озиқ моддаларининг миқдори ўзига хос роль ўйнайди. Маълумки, дарё ўзанларида ҳар йили баҳор фаслида сув тошади. Дарёларнинг бошланиш қисмида сув тез оқса, унинг ўрта ва қуий оқимларида секинлашади. Бу ҳол эса сув тошқини вақтида сув билан оқиб келган тупроқ заррачаларининг чўкиш даражаси ва характери билан боғлиқ бўлиб, ўсимликларнинг турлар состави билан улар

ҳаётига маълум даражада таъсир кўрсатади. Кўпинча дарё ўзанларининг бошланиш қисмида тупроқ ғовак қумли бўлиб, у ерда кўпчилик буталар ва қум эркак (пирей) ҳамда сувбуғдойиқ (костер) каби бошоқдошлар оиласининг вакиллари ўсади.

Ўзанинг марказий қисмида мушукқуйруқ (лисохвост), ажриқбош (тимофеевка) ва кўргина икки паллалиларнинг вакиллари ўсади.

Ўзанинг қуий қисмида тупроқ жуда майда заррачалар чўкиндисидан ташкил топганлиги учун кўпроқ илоқ (осока) ва шучка (*Deschampsia*) каби қалин чим ҳосил қилувчи бошоқдошлар оиласининг вакиллари ўсади.

3. *Микрорельеф* — кичик тепаликлар. Чўл ва даштларда турли хил кемиравчиларнинг фаолияти туфайли баъзан унча катта бўлмаган тупроқ уюмлари юзага келади ва бундай жойларда ўсадиган ўсимликлар ҳаёти ксерофиллик ёки бошқа хусусиятлари билан ён атрофидаги текисликда ўсувлари ўсимлик ҳаётидан оз бўлса-да фарқ қиласди.

Биотик факторлар

Биотик фактор деганда барча тирик организмларнинг яшаш жараёнида ўзаро ва бир-бирига нисбатан маълум муносабатда бўлиши, таъсир кўрсатиши тушунилади.

Маълумки, барча ҳайвон турлари ҳамда микроорганизмларнинг ҳаёти ўзаро боғлиқ ҳолда ўтади. Табиатда бирорта ўсимлик ёки ҳайвон турининг танҳо яшashi, бир-бирига нисбатан бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмасдан яшashi мутлақа мумкин эмас.

Якка-якка олинган турлар эмас, балки ўсимликлар қопламиши ташкил этадиган барча ўсимлик группалари, тупроқдаги ва сувли муҳитдаги микроорганизмлар, қолаверса, ҳайвонлар гуруҳи доимо ўзаро диалектик bogliq ҳолда ҳаёт кечиради.

Биотик факторнинг таъсири, асосан, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: ўсимликларнинг ҳайвонларга таъсири, ўсимликларнинг ўсимликларга таъсири, ҳайвонларнинг ўсимликларга таъсири, микроорганизмларнинг ўсимликларга таъсири, организмларнинг ўзаро бир-бирига таъсири.

Ер юзида барча ўсимликлар яшаш учун кураш процессида ўз наслини сақлаб қолишга интилади ва натижада уларнинг баъзилари кўпроқ уруғ-мева, споралар ҳосил қилса, баъзилари вегетатив йўл билан кўпаяди.

Баъзи ўсимликларнинг уруғ, мева ва споралари шамол ёрдамида, баъзилари эса сув ёки бошқа воситалар орқали кўпроқ ва кенгроқ тарқалади. Демак, барча ўсимликлар учун насл қолдириш имконияти тарихий тараққиёт процессида бир хил бўлмаган. Мисол тариқасида қуйидаги ўсимликларнинг бошқа ўсимликларга нисбатан кўп миқдорда уруғ ва спора ҳосил қилиб ер юзида кенгроқ тарқалганлигини кўрсатиш мумкин (2- жадвал).

Ўсимликлар дунёсида паразит ҳолда яшовчилар хам мав-

Ўсимликнинг номи	1 тур ўсимликда ҳосил бўладиган спора ёки уруғ сони
1. Пўкақ замбуруғ	11 000 000 000
2. Ер-хина (бовиста) замбуруғи	7 000 000 000 000
3. Мачин ўсимлиги	1 671 600
4. Шўра	1 369 167
5. Итузум	214 200
6. Шумчия	100 000—150 000
7. Қуртэна	60 000

жуд. Бунда бир ўсимлик гуруҳи иккинчисига таъсири кўрсатади. Масалан, тубан ва юксак ўсимликлар орасида учрайдиган паразит ўсимликлар ва уларнинг хўжайинлари. Паразит ўсимликлар табиий ҳолда ўсаётган ўсимликлар ва маданий ўсимликлар ҳаётига зарар келтиради.

Маданий экинлар орасида бегона ўтларнинг ўсиши туфайли халқ хўжалиги жуда катта зиён кўради.

Муайян бир майдонда бир неча турга тааллуқли ўсимликлар орасида доимо, яъни ҳаётининг бошидан охиригача сув, озиқ моддалар, ёруғлик учун кураш кетади. Бундай курашда ғолиб чиққан ўсимлик турлари бошқаларига нисбатан тез ўсади ва ривожланади. Бундай процесс табиатнинг ҳамма бурчагида (тундра, ўрмон, дашт, чўл, субтропик, тропик ўсимликлар, сув ўсимликлари ва тоғ ўсимликлари) кўзга яққол ташланиб турди.

Ўсимликларнинг ўсимликларга таъсири доимо антагонистик (бир-бирига қарши қаратилган) ҳолда ўтмасдан, балки баъзи группа ўсимликлар ҳаёти учун зарур ва фойдали бўлади. Бу ўзаро ҳамжиҳат бўлиб яшовчи, бир-бирига кўмаклашувчи (симбиоз) ўсимликлар мисолида яққол кўринади. Масалан, лишайнклар деб аталган махсус бир тип вакиллари сувўтлар (кўк ва яшил сувўтлар) билан замбуруғларнинг биргаликда яшashi асосида бунёдга келган. Бундай яшашда сувўтлар фотосинтез процессини ўтаб органик моддалар ҳосил қиласа, замбуруғлар сувўтларнинг намлика (сувга) бўлган талабини қондириб турди. Демак, иккала группа бир-бирига боғлиқ ҳолда яшайди.

Бактериялар типидаги тугунакли бактериялар деб аталган группа вакилларининг гулли ўсимликлардан дуккадошлар оиласи вакилларининг илдизида, кўпгина замбуруғларнинг дарахтлар илдизида симбиоз ҳолида яшashi каби ҳолларни ҳам ўсимликларнинг ўсимликларга таъсири мисолида тушунтириш керак. Баъзи ўсимликларнинг ҳайвонлар ҳаёти учун қанчалик хавфли эканлигини заҳарли ўсимликлар группаси мисолида кўриш мумкин. Масалан, учма, заҳарли айиқтовон, кампирчопон, дала қирқбўғими, какра ва шунга ўхшаш ўсимликларнинг танасида турли хил заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, улар билан

ҳайвонлар овқатланганда заҳарланиши ёки ҳалок бўлиши мумкин.

Баъзи бир ҳашаротхўр (росянка, альдрованда, венерин муҳоловка) пашша қўймас пузирчатка, непентес ўсимликларнинг яшаётган жойлари ботқоқлик бўлганлиги ва у ерда азотли моддалар етарли миқдорда бўлмаслигидан улар ҳашаротлар билан овқатланишига ўтган. Бу ўсимликлар баргига маҳсус туклар бўлиб, улар ҳашаротлар учун ёқимли ҳидга эга бўлган шираплар чиқариб туради. Ҳашаротлар шира сўраётганда барглари тезда ёпилади ва у ўсимлик учун ўлжа бўлади. Ўсимликдан ажралиб чиққан шира пепсин моддасига ўхшаш фермент бўлиб, аста-секин ўлжани парчалайди. Парчаланган, яъни минераллашган бу озуқа ҳисобига ҳашаротхўр ўсимликлар ҳаёт кечиради (30-расм).

Ҳайвонларнинг ўсимликларга кўрсатадиган таъсирини барча ўтхўр ҳайвонларнинг ўсимликлар билан овқатланишида, ҳашаротларнинг ўсимликлар гулини чанглатишида, баъзи ҳайвонлар (чумолилар, қушлар)нинг ўсимлик уруғ-меваларини тарқатишда, айрим ўсимликларнинг уруғ-мевалари ҳайвонларга илашиб тарқалиши ва шунга ўхшаш ҳолларда кўриш мумкин.

Ҳашаротлар ёрдамида кўпчилик ўсимликлар гули чангланади ва уларда уруғ-мевалар ҳосил бўлади. Масалан, СССР территориясида учрайдиган гулли ўсимликларнинг 80 проценти ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Бедана, чумчуқ, зофча, чуфурчуқ ва шунга ўхшаш паррандалар итузум, курмак, итқўноқ каби бегона ўтларнинг уруғ-мевалари билан овқатланади. Аммо уларнинг ошқозонида кўпинча бу уруғлар ҳазм бўлмай, нажас билан ташқарига чиқади. Бундай уруғлар қулагай вазиятда тезроқ ва осонроқ униб чиқиб, келгуси йили далаларни ўт босишига сабабчи бўлади.


Иирик шохли молларни ҳар йили бир жойда боқилиши натижасида шу ердаги бир неча ўсимлик турларини йўқотишига, бошқаларини камайишига ва учинчи бир (қўланса ҳидли ёки заҳарли) ўтларни кўпайиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Қорамоллар еган ўсимликларнинг уруғлари ҳазм бўлмай, тезак орқали янги-янги далаларга ўтиши мумкин.

Ўсимликлар уругини ҳайвонлар томонидан тарқалиши зоохория ҳодисаси дейилади (27-расм, 1—6 шакллар). Чумолилар ёрдамида тарқалган ўсимликлар мирмекохор ўсимликлар дейилади, умуман ҳайвонлар ёрдамида уруғ-мевалари тарқалувчи ўсимликлар зоохор ўсимликлар дейилади.

Қўйтикан, темиртикан, қариқиз каби ўсимликларнинг уруғ-мевалари ҳайвонлар танасидаги жунларга ёпишиб тарқалади.

Булардан ташқари баъзи бир кемирувчилар (юронқозиқ, крот, суур), чувалчангларнинг ҳам ўсимликларга таъсири катта. Аксарият кемирувчилар ўсимликлар билан овқатланиб, ўсимлик илдизларини кемиради ва уларни нобуд қиласади.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, ўсимликлар ҳаётига ҳайвонларнинг таъсири турли-тумандир.



30-расм. Ҳашаротхур ўсимлиқларнинг баъзи вакиллари:

1 — росинка ўсимлигининг умумий кўриниши; а — гули, б, в — баргнинг ҳашарот (пашша тушгунча (б) ва тушгандан кейинги ҳолати; 2 — венерин пашшатур ўсимлиги: а — унинг баргларидан бири; 3 — пузирчатка ўсимлиги: а — пашша тутадиган органи.

Микроорганизмлардан тупроқда яшовчи бактериялар, миксомицетлар ва замбуруғлар юксак ўсимликлар ҳаётига катта таъсир кўрсатади.

СССР территориясидаги турли зоналарнинг тупроқларини турлича бўлиши ва ҳар бир зонадаги тупроқ таркибида ҳар хил миқдорда микроорганизмлар (бактериялар, миксомицетлар ва замбуруғлар) борлиги З-жадвалда кўрсатилган.

Хүр хил түплигүү түпрөк таркибидагы микроорганизмларнинг ишбати

Эдемтөр	Түпрөк түпли	Түпрөк холати	1 г түпрөктөн микроорганизмдар сони, минт долу жисебидә				% жисебидә	
			микроорганизмларнинг умумий сони	бактериялар	миксомицетлар	замбуруглар		
Түндүрдү та тайга	Түндүрдү тайга	Күрик	2140	2040	30	70	95,6	1,4
			4870	4750	84	36	98,0	1,6
Зурт-үүсүк	Гледя-пол-хол	Күрик	086	970	90	26	89,3	8,1
			2620	1800	790	30	70,7	2,7
Үүсүк-жашт та	Пол-хол	Кора түпрөк	3630	2300	1300	30	63,8	0,8
			5453	2940	2570	23	35,4	0,5
Дашт	Маданий	Күрик	3482	2260	1200	22	64,8	0,6
			6660	4540	2100	20	67,6	0,3
Күрүүк-дашт	Маданий	Күрик	4490	2920	1550	20	63,4	0,5
			7378	4980	2380	18	66,1	0,3
Чалча чүл ва чүл	Күнгир	Күнгир	7378	4980	2380	18	33,6	
Түпрок	Маданий							

Тундра зонасидаги кислотали тупроқларда бактериялар ва миксомицетлар, чүл зонасидаги құнғир ва бұз тупроқларда эса замбурууглар жуда кам миқдорда учрайды.

Үсимликлар ҳәётига биотик фактор элементларининг таъсири комплекс рационы олиб қаралғанда унинг роли янада яққол күрінади. Табиатда ҳар секунд, ҳар минут күзатилиб туриладын моддаларнинг биологик алмашының туриси ана шундай биотик факторнинг комплекс таъсириданып, яғни үсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг доимий ва узвий бөглиқ ҳолдаги фаолияти натижасыда табиатда мавжуд бүлгелер мөддий борлиқтар ва ривожланиш процесстер бир турдан иккінчи турға ўтиб, доимо ўзгариб турады.

Антрапоген факторлар

Антрапоген фактор түшүнчеси үсимликлар ҳәётига кишиларнинг онгли ва онгсиз рационы күрсатады. Юқорида күрсатылған факторлар орасыда антрапоген фактор үсимликлар ҳәётынан үзгартырувчи таъсирилер ичидеги әңг күчлесі ҳисобланады. Ботқоқликларнинг қуритилиши, улардан деңқончилик мақсадларыда фойдаланылышы, бұз ва құрық ерларни үзлаштирилышы, кенг майдонларда үрмөнларнинг қирқиши ҳамда уларнинг үрнида янги үрмөнларнинг ташкил этилиши, шимолий районларда деңқончиликнинг ривожланиши каби ҳолларда инсоннинг үсимликлар ҳәётига күрсатған таъсири яққол гавдаланады. Узоқ йиллар давомыда маданий үсимликларнинг юзага келиши, уларнинг Ер шарыда тарқалиши, шунингдек, бир неча хил бегона үтларнинг тарқалиши кишиларнинг ўзаро муносабатлари (савдо-сотиқ, уруш ва ҳоказолар) нинде оқибатиды.

Бундан ташқари, кишиларнинг фаолияти натижасыда бәзىи бир үсимликлар иқлимлаштирилди. Бунда үсимликлар фақат иқлим шароитига әмбеттес, балки барча экологик шароитларға мослашады.

Умуман үсимликларни иқлимлаштириш — акклиматизация ёки интродукция деб аталады. Маданий үсимликлар сунгый акклиматизация, ёввойи ҳолда үсадын үсимликлар бир район шароитидан иккінчисига иқлимлаштирилса табиий акклиматизация дейилади. Акклиматизациядан ташқари, натурализация ишлери ҳам кишилар томонидан амалға оширилади. Натурализация деганда бир хил ёки ўхшаш шароитта әга бүлгелер райондан иккінчи районға үсимликларни көлтириб ўстирилиши айтилады. Акклиматизацияда эса шароит ўхшаш бүлмасдан, балки бир-биридан тубдан фарқ қыладын әндишиштеп шароитта үсимликтің ўстириш тушенилади. Бундай ишлар күпинча үсимликтің уруғларини ботаника бөлгариға, интрандукцион питомниктарга көлтириб ўстириш ва парваришиш натижасыда амалға оширилади.

Курсатилган факторлардан ташқари яна ўсимликларда узоқ вақтлардан бери содир бўлган хилма-хил ўзгаришлар хам эътиборга олинниши керак. Ерда ҳаёт пайдо бўлганига тахминан 2,0 миллиард йил бўлган бўлса, шу давр ичидаги жуда кўп ўзгаришлар содир бўлган ва улар бутун тирик мавжудот ҳаётига, шу жумладан, ўсимликлар ҳаётига таъсир этиб уларни ўзгартирган. Шунинг учун ҳам Ер шарининг барча нуқталарида истаган ўсимликнинг учратмаймиз. Уларнинг айримларини эса факат қазилма ҳолида ўрганамиз. Буларнинг барчаси эса тарихий фактор тушунчасини беради.

Шундай қилиб, биз ўсимликлар ҳаётига таъсир этувчи факторлар ҳақида тўхталиб ўтдик. Лекин, улар аслида ўсимликлар ҳаётига якка ҳолда таъсир этмай, балки комплекс равишда ёки биргаликда таъсир курсатади. Шу факторларнинг бирортаси етарли бўлмаса ёки қатнашмаса ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши нормал ўтмайди. Лёкин бу факторлар ўсимлик турлари ёки гуруҳлари учун доимо бир хил меъёрда таъсир этмайди. Шунга кўра биз ҳар бир экологик факторни минимал, оптималь ва максимал ҳолда таъсир этишини кўришимиз мумкин. Энг қулаи ва нормал ҳолдаги таъсир оптималь нуқта ҳисобланади. Ундан паст ёки юқори даражада бўлганда эса ўсимликларнинг ҳаёт процесси сусаяди ёки тезлашади ёхуд тўхтаб қолади.

Ҳаёт формалари

Узоқ тараққиёт босқичи давомида ўсимликлар ҳаётига таъсир қилган бир неча экологик факторлар таъсирида ҳозирги кунда мавжуд бўлган ўсимликлар шу факторларга мослашиб борган. Бундай мосланишлар А. Гумбольд, Краснов, Раункиер, Пачоский, Браун-Бланке, Люндергард, Келлер, Серебряков каби олимлар томонидан ўрганилган.



И. Г. Серебряков гулли ўсимликларнинг ҳаёт формаларига доир қўйидаги классификацияни тавсия этади ва бу классификацияга ўсимликларнинг яшаш муддати ва ташқи кўринишини асос қилиб олади:

Ҳаёт формаси тушунчаси кўпинча ўсимликлар шаклларининг умумий эколоғик шароитлар таъсирида ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Даниялик ботаник Раункиер барча ўсимликларни қўйидаги 5 типга бўлиб курсатади (31-расм).

1. *Фанерофитлар* — асосан, дараҳт ва буталардан ташкил топган бўлиб, уларнинг куртаклари ердан анча баланд (юқори)да жойлашган. Йилнинг об-ҳаво шароити ноқулай бўлган пайтларida барглари тўкилади, шох-шаббалари эса тиним даврини ўтайди.

2. *Хамефитлар* — куртаклари ердан унча юқорида жойлашмаган чала бута ва бутачаларни ўз ичига олади. Қишида бун-



31-расм. Үсімліктарнинг ҳаёт формалари (Раункиер бүйіча)

1 — фанерофит, 2 (а, б) — хамефитлар, 3 (а, б, в) — гемикритофитлар, 4 (а, б) — критофитлар, 5 — теофит.

даій куртаклар қор устида ва остида қишлиайди. Масалан, черника, брусника ва шунга үхшаш шимолда үсадыган күпчилик үсимликлар шу группага киради.

3. *Гемикриптофитлар* — қишлиайдыган қисмлари, шу жумладан, куртаклари тупроқ юзаси билан баравар жойлашган күп йиллик үт үсимликлар булиб, уларнинг куртаклари махсус қобиқлар, хазон ва қисман тупроқ билан күмилган ҳолда қишлиайди.

Бу хилдаги группага, асосан, уртача иқлими (айниңса, үрмөн зонаси) территориялардаги үсимликлар киради.

4. *Криптофитлар* — қишиловчи органлар, шу жумладан, куртаклари тупроқ остида жойлашган күп йиллик үтлардан ташкил топған. Уларнинг илдизи, илдизпояси, пиёзи, тугунағи ер остида қишилашга мослашган. Бу хилдаги группага қуруқлик, ботқоқлик ва сув мұхитидә яшовчи күргина үсимликлар киради.

5. *Терофитлар* — бир йиллик үсимликлардан ташкил топған булиб, улар ҳар йили уруғдан униб чиқади ва шу йилнинг үзіда ҳалок булиб, фақат уруғ қолдиради.

III бөб. ГЕОБОТАНИКА АССЛЛАРИ

Геоботаника ботаниканинг бир тармоғи булиб, асосан, XVIII ғасрдан бошлаб фан сифатида ривожланған борди.

Геоботаника — ер ботаникасы демекadir. Аммо фан сифатида у Ер шаридаги барча үсимликларнинг тупроқ мұхитига бұлған мұносабати ва тупроқ (субстрат)нинг үсимликларга тәтсіприни үрганади.

Геоботаника алоқыда бир үсимлик турини үрганмайды, балки у бир неча түр (ёки индивид)лар йиғиндисини ташкил этған жамоани үрганади. Муайян майдондаги үсимлик жамоасидан тортиб ер юзидаги үсимликлар қопламины үрганиш бу фаннинг вазифасыга киради.

Үсимликлар жамоаси дастлаб муайян бир кичик майдонда үрганилади.

Үсимликлар жамоаси латин тилида -*фитоценоз*, ҳайвонлар жамоаси эса *зооценоз* деб аталади. Фитоценоз билан зооценоз биргаликда умумбиологик тушунчани — *биоценозны* ташкил қылади, яъни тирик организмлар жамоаси деган маънони англатади. Маълумки, Ер шаридә мавжуд булған барча тирик организмлар үзаро маълум мұносабатда булиб қолмасдан, балки ташқи мұхит ва, айниңса, иқлим ва тупроқ мұхити билан воситали ёки воситасиз мұносабатда бұлади. Бундай мұносабаттарни үрганувчи соҳа биогеоценология дейилади. Биогеоценология аввало тирик организмларнинг тупроққа булған мұносабатини үргангани учун унинг обьекті *биогеоценоз* ҳисобланади. Биогеоценоз ҳақидағы тушунчани бириңчи булиб академик В. Н. Сукачев 1944 йили фанға кирилтган. Бу тушун-

ча билан у Ер юзининг маълум бир булагида ўзаро ухшаш шароитларнинг мавжудлиги ва шу шароитда микроорганизмлар, ҳайвон ва ўсимликларнинг биргаликда яшши натижасида бир-бирига нисбатан таъсир кўрсатиши; уни кузатиш ҳамда ўрганиш кераклигини таъкидлайди. Соддороқ қилиб айтганда, ўлик табиат билан тирик табиат уртасидаги муносабатларни биогеоценология ўрганади.

Геоботаника биогеоценологиянинг бир булаги ва таркиби ўсимликларни учун биз фақат ўсимликлар жамоаси ҳақида тұхталамиз. Биоценоз ва биогеоценоз ҳақида кенгроқ түшунчага эга бўлишни истаган китобхонлар В. Н. Сукачевнинг «Основы лесной биогеоценологии», Москва, 1964 йил нашр этилган китобидан фойдаланишлари мумкин.

Геоботаниканинг обьекти бўлган ўсимликлар жамоаси ҳақида эса қуидагиларни баён қиласиз.

Маълумки, ўсимликлар ҳеч қачон ташки мухитдан ажраган ҳолда ҳаёт кечира олмайди. Улар ҳаётининг турли босқичларидан индивидлараро ва турлараро муносабатда бўладилар. Бундай муносабатлар ёруғлик учун, ўсиш ва ривожланиш учун бўлган интилишларда намоён бўлади. Бундай муносабатлар рақобатлик, ўзаро ҳамкорлик ва шунга ўхшаш хилма-хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Бундай муносабатлар натижасида индивидлар (ёки турлар) ичиде танланиш процесси содир бўлади, танланиш натижасида эса индивидлар (ёки турлар)нинг айримлари янада юқорироқ ривожланиш имконига эга бўлади. Баъзилари эса *регрес* (*инқироз*)га томон боради. Бундай муносабатлар 32-расмда яққол ифодаланган.

Шундай қилиб, геоботаника олдида турган мухим вазифалардан бири ўсимликлар қопламишининг аҳамиятини аниқлаш, табиий ресурсларни ўрганиш, уларни геоботаник картага тушириш ва бу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ўзгартиш йўларини илмий асосда ўрганишдан иборатdir.

Геоботаник тадқиқотлар қўриқ ерларни ўзлаштириш, бот-қоқликларни қуритиш, ўрмонлар ҳолатини яхшилаш, ўсимликлар қопламини классификациялаш каби мухим вазифаларни амалга оширади. Бу ишларни амалга оширишда халқ ҳўжалигининг талаблари алоҳида эътиборга олинади. Қишлоқ ҳўжалигини районлаштириш ишида геоботаника етакчилик қиласиз.

Ўсимликлар жамоаси

Ер шаридаги барча ўсимлик турлари ҳеч вақт якка (бошқа тирик организмлардан ажралган) ҳолда ҳаёт кечира олмайди. Муайян бир ернинг ўзида бир неча ўсимлик турлари биргаликда ўсаётганлигини кўриш мумкин. Бу ўсимликлар тубан ва юксак ўсимлик вакилларидан ташкил топган бўлади. Ҳақиқатан ҳам барча гулли ўсимликлар билан бирга тупроқда баъзи сувўтларни, бактерияларни ва замбуруғлар-

ни учратиш мумкин. Үсимликлар жамоаси (гурхى) деганда муайян бир ерда бир гурхү үсимликларнинг биргаликда яшаши ва маълум бир манзара ҳосил қилиши тушунилади. Ер юзида бундай гурухлар турли хил үсимликлар (ўрмон, ўтлоқзор, ботқоқлик, дашт, чўл үсимликлари ва ҳоказо) типини ташкил қиласиди.

Ҳаёт процессларида ҳар бир үсимлик тури ва умуман, жамоаси хилма-хил ташқи таассуротларга дуч келади ва шу таасуротларга жавоб қайтарилган ҳолда ўз ҳаётини бошқаради. Академик В. Н. Сукачев таъбири (1957) билан айтганда, «фитоценоз — бу бир лаборатория бўлиб, унда доимо моддалар ва энергиянинг ҳосил бўлиши, ўзгариши ва аккумуляцияланиши содир бўлиб туради».

Үсимликлар жамоалари ўзаро бир-бири билан ташқи муҳит билан маълум муносабатда бўлади. Бунда жамоаларнинг таркиб топиши, ўзгариши, ривожланиши (ёки шунга ўхшаш бошқа ҳоллар) уларнинг тарихий тараққиётига ва ташқи муҳитнинг комплекс таъсирига боғлиқ равишда ўтади. Бу таъсир натижасида жамоанинг шароитга мосланиши ёки ўзгариши (ҳатто йўқолиб кетиши) мумкин.

Ҳар бир үсимлик жамоасининг ривожланиши, улардаги қарама-қаршилик турлараро ёки бир тур ичида содир бўлиши мумкин. Бир турга мансуб үсимлик тупларининг бир-бирига нисбатан муносабати нималарга олиб келиши 32-расмда тасвирланган.

А. А. Корчагин (1956) таклифига кўра, үсимликлар жамоасида юз берадиган ўзаро муносабатлар қуйидаги категорияларга бўлиб ўрганилади:

1. Тўғридан-тўғри ёки бевосита таъсир кўрсатувчи муносабатлар. Бунга паразитлик, эпифитлик, симбиозлик, физиологик, биохимик ва механик муносабатлар киради.


2. Воситали муносабат. Бунга муҳит ҳосил қилувчи ва ракобат (конкурент)лик қилувчи муносабатлар киради.

Бир фитоценозни иккинчисидан фарқ қилиш учун ҳар бир жамоанинг турлар таркиби, турлар ўртасидаги сон ва сифат муносабатлари, қатма-қатлиги, даврийлиги, яшаш жойи ва шунга ўхшаш бир неча хусусиятлари эътиборга олинади.

Турлар (флористик) таркиби ўрганилганда ҳар бир турнинг ва ҳукмрон (доминант) турнинг ер юзасини қоплаш даражасига алоҳида эътибор берилади. Бунда кўп учрайдиган (ёки кам учрайдиган) турга қараб шу жойнинг характеристи ҳақидаги хулоса чиқариш мумкин. Масалан, ўтлоқзорда *ғозпанжা* үсимлиги жуда сийрак бўлиши шу жойнинг тупроғи унумсиз эканлигидан далолат беради. Л. Г. Раменский бундай үсимликларни *дeterminant* (белгиловчи, аниқловчи) үсимликлар деб атаган.

Турлар, состави фитоценознинг тарихий тараққиётини ҳам аниқлашга ёрдам беради. Масалан, қарағайзорлар (Москва об-



29-III-29



29-IV-29



12-IV




32-расм. Қорашұра үсімлігінің 1 м² майдончада сийрак-ланы бориши (Закарян бұйича).

ластида) да ветреница үсімлігінің учраши бу ерларда үтмишда эманзорлар мавжуд бўлганлигидан дарак беради.

Одатда, маълум бир катталиқдаги (1, 10 ёки 100 м²) майдонда учрайдиган үсімликлар ўрганилаётганда, аввало, улар рўйхатга олинади ва турлар сони аниқланади. Учраган турларининг сони (рақам) ёки балларда ифодаланади. Бунда муайян квадрат метр майдондаги ҳар бир турнинг сони ва барча турга мансуб үсімлікнинг оғирлиги аниқланади. Шунда доминант тур аниқланади. Доминантлик аниқланганда доим унинг сони асос бўлавермаслиги мумкин. Хусусан, ўрмонларда қоплам ва манзара хосил қилишда бошқаларга нисбатан устун турган бир, икки (баъзан бир неча) тур доминант ва субдоминант турлар бўлиши мумкин.

Үсімлик жамоаси ўрганилаётганда турларни ўзаро ва бирбирига нисбатан паст-баланд бўлиб жойланиши ҳам ўрганилади. Бунга яруслик ёки қаватлик дейилади. Жамоани ташкил қилув-

чи бир неча турлар турли жойларда, турли сондаги ярусларни ташкил қилиши мүмкін. Масалан, үрмонларда үсувчи үсимликлар 3—5 ярудан иборат бўлиши мүмкін (33-расм). Бунда энг пастки яруси ўт үсимликлар (ёки тубан үсимликлардан бўлган лишайниклар, замбурууглар) ташкил этиши мүмкін.



33-расм. Үрмонда үсимликларнинг ярус (қават) бўлиб жойланиш схемаси.

Үсимликларни бир-бирига нисбатан паст-баланд бўлиб жойлашини ўрганганда фақат ернинг устки қисми (танаси) эътиборга олинмасдан, балки унинг остки қисми (илдиз системасининг бир-бирига нисбатан турли чуқурликда жойланиши) хам ҳисобга олинади. Муайян бир территорияда турлар таркиби, турлар сони, яруслиги, ташқи кўриниши билан бир-биридан маълум даражада ажраладиган бир неча жамоаларни куриш мүмкін. Бундай ҳолларда жамоа микрогруппа (ёки микрофитоценоз)лари ҳақида гап боради. Масалан, үрмон зонасидаги қалин ўрмойзорларда бир хил микрофитоценоз мавжуд бўлса, сийракроқ ўрмонларда иккинчи хил микрофитоценозни кўриш мүмкін. Бундай микрогруппага дараҳтлардан тортиб (агар улар мавжуд бўлса) барча бута, ўт үсимликлар, моҳлар, лишайниклар, тупроқ сув ўтлари, замбурууглар, бактериялар киритилади.

Хар бир үсимлик жамоаси ташқи кўринишига кўра бир-биридан фарқланади. Александр Гумбольд (1805-йил) үсимликларни ташқи қиёфасига кўра 19 та группага (бошоқли, папоротниксимон, кактуссимон, банансимон, лаврсимон ва ҳоказо) бўлган эди.

Шундай қилиб, үсимлик жамоаси ўрганилаётганда юқорида кўрсатилган хусусиятлардан ташқари шу жамоани ташкил қилишда иштирок этадиган үсимликларнинг ҳаёт формалари (бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, буталар, дараҳтлар) хам эътиборга олинади.

Йил давомида үсимлик жамоасининг қиёфаси ўзгариб туриши мүмкӣ. Бундай ҳолларда даврийлик ва аспект (мавсумийлик) ҳақида гапирилади. Аспектларнинг йил давомида ўзгариб туришига жамоа структураси ҳам таъсир кўрсатади.

Фитоценоз үрганилаётганда, унинг синузияси ҳам үрганилади. Синузия деганда жамоани ташкил этишда қатнашаётган турларнинг ҳаёт формалари бўйича хилма-хиллиги тушунилади. Масалан, пастки ярусларни ташкил этишда гулли ўсимликларнинг ўтсимон вакилларидан ташқари спорали ўсимликлардан плаунлар, қирқбўғимлар ва папоротниклар ҳам айни шу ярусли ташкил этиши мумкин. Фитоценоз үрганилгацда ўсимлик жамоасини ташкил этишда қатнашаётган ҳар бир турнинг яшаш шароити эътиборга олинади. Ўсимлик жамоаси үрганилаётганда одатда унинг географик жойланиши, денгиз сатҳидан баландлиги, рельефи, тупроқ шароитлари, ҳайвонлар ва инсон таъсирига дуч келиш даражаси каби ҳоллар эътиборга олинади.

Юқорида баён этилган ҳолларни эътиборга олиб, қўлга киритилган далиллар шу ернинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда үрганилган тақдирдагина муайян бир ердаги ўсимлик жамоаси ҳақида тўғри фикрга эга бўлиш имкони туфилади.

Ер шаридаги ўсимликлар қоплами ҳақидаги маълумот ҳар бир конкрет ердаги ўсимликлар жамоасининг үрганилиши ва бу жамоалар ҳақидаги маълумотларни умумлаштирилиши натижасида вужудга келган. Ўсимликлар жамоаси үрганиладиган конкрет кичик бир майдондаги ўсимликлар гуруҳи — ассоциация номи билан маълум бўлиб, бу ном 1910 йилда Брюсселда ўtkазилган Халқаро ботаниклар конгрессида қабул қилинган.

Кейинчалик бу соҳада қилинган ишлар турли геоботаника мактаб (Совет геоботаник мактаби, Швеция, Франция, Англо-Америка мактаби ва ҳоказо)лари томонидан ривожлантирилди.

Совет геоботаника мактабининг асосчиси акад. В. Н. Сукачев эди. Сукачевнинг тушунчасига кўра, ассоциацияга бир хил таркибга, тузилишга, муносабатга ва ўхшаш синузияга эга бўлган ўсимликлар жамоасидан ташкил топган ёки ассоциация деб, маълум флористик таркибга, бир хил ўхшаш шароитига ва ташки кўринишга эга бўлган қатор турларнинг қавм бўлиб яшашига айтилади.

Совет геоботаника мактабида ассоциациялар икки хил усулда номланади. Биринчи усулда ассоциациянинг номи (муайян ерда энг кўп ўсувчи) иккита ўсимликнинг номи билан номланади. Масалан, бор — зеленомошник (*Pinetum hylocomiosum*) ассоциацияси қарағай туркумининг номи ва зеленомошник деб аталган моҳ ўсимлигининг номини билдиради. Баъзан ҳатто уч ёки тўрт ўсимликнинг номи билан ҳам аталади. Масалан, сфагнум ўтли қарағайзөр (*Pinetum sphagno — herbosum*) деганда қарағай дарахти, сфагнум моҳи ва ўтлардан ташкил топган ассоциация тушунилади.

Ассоциацияни номлашнинг иккинчи усули ҳукмрон ўсимлик турларининг бир нечтасини кўрсатиш билан боғлиқ. Масалан, оддий қарағай — брусника — моҳлар (*Pinus silvestris — Vaccinium*

түргиllus = *Hylocomium Splendens*) ассоциацияси. Бундай номлаш ўсимлик яруслари яққол күринган ҳолларда қўлланилади. Агар муайян ассоциацияда яруслик яхши ифодаланмаган бўлса, ассоциациянинг номи бир ҳукмрон (доминант) тур ва иккинчи йўлдош (субдоминант) тур номи билан аталади. Масалан, тукли чалов-шувоқ (*Stipa capillata* — *Artemisia campestris* (ассоциациясида чалов доминант ва шувоқ субдоминантдир.

Ассоциациянинг номини аташ мураккаб ва қийин бўлмаслиги учун баъзан у маҳаллий ўсимлик номи билан аталиши ҳам мумкин. Масалан, ялтирибош — қўнғирбош ассоциацияси, қўнғирбош-ранг ассоциацияси. Шундай қилиб, геоботаникада ўсимликлар жамоасини ўрганиш ассоциацияларни ўрганишдан бошланади. Ўзаро ўхшаш ассоциацияларнинг бир нечтаси *ассоциация группасини*, бир неча ассоциация группалари эса бирлашиб *ўсимлик формациясини* ташкил қиласди. Бир неча формация бирлашиб *формация группасини*, формация группалари *формация синфини* ва ниҳоят формация синфлари энг йирик геоботаник бирлик *ўсимлик типларини* ташкил қиласди. Геоботаник бирликларни тушуниш учун қўйидаги схемадан фойдаланиш мумкин.

«Растительный покров Узбекистана» номли кўп томли китобдан фақат псаммофилл ўсимликлар формацияси синфининг узи 5 та формация группаси, 13 та формация, 20 та ассоциация группаси ва 82 та ассоциацияга бўлиб кўрсатилган (2- том, 4—80- бет. Т., 1973).

Ер шаридаги ўсимлик типлари жуда хилма-хил (ўрмон, дашт, тундра, ботқоқ, ўтлоқ, саванна ва ҳоказо ўсимлик типлари) бўлиб, уларнинг йифиндиси ўсимлик қоплами тушунчасини беради.

Табиятда хилма-хил ўсимлик жамоаси мавжуд экан, улар доимо динамик ҳаракатда бўлиб туради, ҳосил бўлади, ривожланади, ўзгаради ва алмашиниб туради.

Ийлнинг маълум бир фаслида ёки умуман йил давомида умумий иқлим ва тупроқ шароитларининг ўзгариши натижасида ўсимликлар жамоасида ҳам ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар хусусий ва умумий ҳарактерга эга бўлиб, жамоа тараққиётига ёки уни инқизорзга учрашига олиб келиши мумкин.


Хусусий ўзгаришлар (сукцессиялар) муайян бир ерда бир хил ўсимлик қопламининг иккинчиси билан алмашинишида намоён бўлиши мумкин. Умумий ўзгаришлар эса хусусий ўзгаришларга қараганда анча каттагина территория (зона)да содир бўлиши ва бир неча жамоанинг ўзгариши билан фарқланади.

Мавсумий ва йил давомида содир бўлган хусусий ўзгаришлар натижасида муайян ердаги ўсимлик жамоаси тубдан ўзгариб кетмайди ва бошқа бир жамоа билан алмашинмайди.

Геоботаник бирликлар схемаси

Бирликлар

Мисдоллар



Умумий үзгаришлар натижасыда -эса бундай ҳодиса содир бўлиши мумкин.

В. Н. Сукачев сукцессиялар (узгаришлар)ни 4 группага: *сингенетик*, *эндоэкогенетик*, *экзогенетик* ва *гологенетик* группага бўлиб курратган.

Бирор бир мухитда (құмлик, тошлоқлик) үсімлікларынг эндигина тарқала бориши сингенетик үзгаришларга киради. Бундай үзгаришда үсімліклар бир-бири билан эндигина маълум муносабатда бўлади.

Эндоэкогенетик үзгаришлар сингенетик үзгаришнинг навбатдаги этапи бўлиб, бунда жамоа қатъй шароитга эга бўлади ва унинг навбатдаги үзгариши шу шароитнинг үзгариши билан боғлиқ ҳолда юз беради.

Экзогенетик үзгаришлар ернинг сурилиши, ҳашаротларининг зараркунандалиги оқибатида содир бўлади.

Гологенетик үзгаришлар эса каттағина бир территорияда иқлим шароитларини үзгариши натижасыда (масалан, дарё

водийларининг кенгайиши, дарё оқимларининг ўзгариши) со-
дир бўлади.

П. Д. Ярошенко эса бундай ўзгаришларни асосан икки
группага: табиат таъсиридаги ва кишилар таъсиридаги ўзга-
ришларга бўлиб кўрсатади.

Табиат таъсиридаги ўзгаришларни эса доимий (узлуксиз) ва
тасодифий ўзгаришларга бўлади.

Инсон таъсирида бўладиган ўзгаришларни ҳам худди шун-
дай (доимий ва тасодифий) ўзгаришлар қаторига киритиш мум-
кин.

Хусусий ва умумий ўзгаришлар жараёнида ўсимлик жа-
моаси доимо ривожланади. Баъзан бундай ривожланиш про-
гресив ёки регресив характерда бўлиши мумкин. Эволюция
натижасида муайян бир территорияда олдин яшаган ўсимлик
жамоаси кишилар таъсирида ўзгариб бошқа бир жамоа билан
алмашиниши мумкин. Кейинги ҳолда кишиларнинг кундалик
ижодий фаолияти натижасида ботқоқликларнинг қуритилиши
ва ўзлаштирилиши, қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши
каби ҳолларни кўрсатиш мумкин.

Геоботаник текшириш усуслари

Геоботаник текшириш учун текширув майдончалари аж-
ратилади. Булар муайян ассоциацияда қатнашадиган барча
ўсимликлар ҳақида тула маълумот бера оладиган бўлиши ке-
рак. Шунга кўра, ўт ўсимликлардан ташкил топган жамоалар
 1 m^2 дан 100 m^2 гача катталика бўлган майдончаларда текши-
рилади. Ўрмонларда эса бундай майдонлар $100-1000$ ва ҳатто
 5000 m^2 дан иборат бўлиши керак.

Бундай майдонлардаги барча дараҳтлар ва буталар бирма-
бир санаб чиқилади ва рўйхатга олинади. Ўт ўсимликлар эса
шу майдон ичида бир неча (5 ёки 10 та) кичик майдончаларга
ажратиш, шу кичик майдончаларда ўт ўсимликларни санашиб
уларни рўйхатга олиш орқали бажарилади.

Текшириш майдонларида ўсимликлар турма-тур жамла-
ниши керак. Бунда ҳар бир дараҳт, бута ва ўт ўсимлигининг
сони саналиб, бўйи ўлчанади ва улар турма-тур жамланиши
натижасида ўртacha кўрсаткичдан иборат маълумот чиқарила-
ди. Агар эндиғина кўкариб чиқаётган кичик обьектлар ўргани-
лиши керак бўлса, шу $10-100 \text{ m}^2$ ли майдон ичида 5 ёки 10 та
 $0,5 \text{ m}^2$ ли кичик майдончалар ажратилиши ва уларда-
ги майсаларнинг саналиши билан амалга оширилади.

Ўт ўсимликлар ўрганилаётганда уларнинг оғирлиги худди
шу сондаги (5 ёки 10) кичик майдончаларнинг $0,25 \text{ m}^2$ да (ҳам-
ма томони 50 cm дан иборат) ўриб олинниб, тарозида тортилади
ва майдончадаги ўт ўсимликларининг маҳсулдорлиги аниқла-
нади. Ўриб олинган ўтларни намроқ пайтида ва қуритилгани-
дан кейин тарозида тортилиши, уларнинг ҳўл ва қуруқ вазни-
ни центнер ҳисобида чиқариш имконини беради.

Текшириладиган майдонлардаги үсімліктер тасвирланиб үйхатта олинар экан, айни вақтда ҳар бир тур ҳақида яна үйидаги маълумотлар: балларда ифодаланадиган мұллиги, уупроқни қоллаш даражасы, оғирлиги, тақсимланиш характеристикасы, қатма-қатлығы ёки яруслиги, ҳәёттілігі, даврийлігі ёки інциденттердегі ефаси, аспекті ва яшаш шароити кабиларни күрсатиш көзак.

Геоботаник текшириш натижалари қуйидаги бланкада ифоланаады:

Геоботаник тасвир бланкаси

намуна

Тоғ үсімліктердің тасвирлаш бланкасы¹

© 2018 All rights reserved. Information

ассоциацийнг номи _____

жажми _____

географик жойланиши (область, район, қышлоқ) _____

морфологик шароитлар (рельефининг умуми й таърифи экспозиция)

инициалы инициалы микрорельеф

Түркістан облысында тупроғи (тупроқ түри, намланиш даражасы) _____

Digitized by srujanika@gmail.com

[View Details](#) | [Edit](#) | [Delete](#)

Майдончалардаги турлар таркиби

Симликнинг номи	Мўллиги, Друде бўйича балл ҳисобида										Ярус	Бўйи, см	Фенофаза	Хаётфор-маси	Хўжалик ахамияти
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10					

ва ҳоказо

Адир, чўл ва воҳа ўсимликлари ҳам худди шундай тасвирланади.

Ўсимликлар нечта майдончада ўрилди

Хосил миқдори (хўл вазида), кг хисобида

Ўрганилган жойдан хўжаликда фойдаланилиши

Доминант ассоциациялар

Изоҳ

Тадқиқотчининг имзоси

Мўллик кўпинча Друде ёки Хультнинг 5 балли системаси асосида белгиланади. Бунда 5 хил цифр ҳар бир турга қўйидаги ҳолларда қўйилади:

Soc (sociales) — ўсимлик фон ҳосил қилганда (5 балл);

Cop₃ (Copiosae₃) — жуда кўп учраганда (4 балл);

Cop₂ (Copiosae₂) — деярли кўп учраганда (4 балл);

Cop₁ (Copiosae₁) — бир оз кўп учраганда (4 балл);

Sp (Sparsae) — камроқ учраганда 3 (балл);

Sol (Solitariae) — жуда кам учраганда (2 балл);

Un (Unicum) — якка бир туп учраганда (1 балл) қўйилади.

Бу кўрсаткичлар ҳар бир турнинг тупроқ бетини қоплаш дараҷасига қараб процентда ифодаланиши мумкин. Масалан:

Soc — 90 % дан ортиқ

Cop₃ — 90—70 % гача

Cop₂ — 70—50 % гача

Cop₁ — 50—30 % гача

Sp — 30—10 % гача

Sol — 10 % дан кам қопласа.

Даврийлигини текшириш вақтида ҳар бир турнинг қандай фазада эканлиги эътиборга олинади ва фазалар қўйидагича белгиланиши мумкин:

— (тире) вегетациядан гуллаш давригача;

△ — фунчалаш даври, С — гуллашнинг бошланиши;

○ — тўлиқ гуллаши, С — гуллаш тугай бошлаган (гуллаш тугаган аммо уруғлар ҳали тўлиқ пишмаган), # — уруғмевалар пизиб тўклилаётган давр, ~ — уруғлашдан кейин вегетация яна давом этди деган маънени билдирувчи белгилар кўлланилади.

Физиономияси деганда текширилаётган ассоциациянинг ёки уни ташкил қилаётган ҳар бир турнинг кўзга ташланиш ҳолати ва даражаси тушуниллади ва улар қўйидаги белгилар: ▲ — яққол кўринади, ● — унча яққол кўринмайди, ○ — кўзга кам ташланади, ⊖ — ўйқу даражада, △ — мутлақо кўринмайди кабиларда ифодаланади.

Аспект деганда жамоанинг кўриниши назарга олинади. Бу нарса турлар таркиби, миқдор жиҳатидан нисбати, индивидларнинг тақсимланиши ва фенологик ҳолатига боғлиқ бўлиб, йилнинг ёки вегетация даврининг турли фаслларида турлича кўринишда бўлади. Масалан, дашт ёки чўл зонасида ўсуви

ўсимликлар баҳор фаслида тез-тез алмашиниб турувчи манзарани ҳосил қиласи. Шунга кўра жамоанинг кўриниши сариқ, кўк, қизил ёки оқ рангга алмашиниб туради.

Геоботаник кузатишлар вақтида жамоа вакилларидан гербарий тайёрланади. Бундай гербарийлар жойнинг ўзида ёки лабораторияда маҳсус аниқлагичлар ёрдамида уларнинг оиласи, туркуми ва тури аниқланади. Яхшилаб гербарий қилинган ўсимликда илдиз, поя, барг, гул ва мевалар тўлиқ сақланган бўлиши ҳамда фильтр қофоз орасига олиниб қуритилиши керак. Қуритилаётган ўсимлик намунаси бир неча кун давомида прессланади.

Яхши қуритилган ўсимлик намуналари маҳсус оқ қофозларга қўйиб тикилади ва уларнинг ўнг томонига номи ёзиб қўйилади. Қоидага риоя қилиб тайёрланган гербариининг номи қуидаги намуна этикеткаси асосида ёзилиши шарт.

Намуна. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти.

Оиласи — Айиқтовондошлар — Ranunculaceae

Латинча номи — Ranunculus repens L.

Маҳаллий номи — Айиқтовон.

Географик пункт — Ҳумсон

Ўсан жойи — ариқ бўйи.

«20 июнь, 1982 йил. Йигувчи: Тошматов К.

Аниқловчи: Эсонов Л.

IV б о б. ЎСИМЛИКЛАР АРЕАЛИ

Юқорида кўрсатиб ўтилган типларнинг вакиллари Ер шарининг маълум бир майдонини эгаллайди. Яшаш учун кураш процессида ҳар бир тур иложи борича кенгроқ тарқалишга интилади. Шундай қилиб, ҳар қайси турнинг Ер юзида эгалланган майдони шу ўсимлик турининг ареали дейилади.

Ер шарида ҳозирги қунгача маълум бўлган 500 минг ўсимлик турининг барчasi ҳам бир хил ҳажмдаги майдонни эгалламаган ва барча турлар Ер шарининг ҳамма қисмида ҳам учрамайди. Масалан, хурмо дарахти фақат тропик ва субтропик иқлимли мамлакатларда, саксовул ўсимлиги эса жазира маълум шароитида учрайди. Фақатгина турлар эмас, туркумлар ҳам, оиласалар ҳам алоҳида-алоҳида ареалга эга бўлади.

Демак, ареал деганда тур, туркум ва оиласаларнинг эгаллаган муайян майдони ёки тарқалган жойлари тушунилади.

Ер юзидаги барча тур, туркум ва оиласаларнинг ареали улар эгаллаган майдоннинг катта-кичиклигига, шу майдонларнинг шаклига ва бир-бирига туташ ёки туташмаслигига кўра қуидаги бир неча группаларга бўлинади:

I. Космополит ареал ўсимлиги — бу группага кирувчи ўсимлик турлари, туркум ва оиласалари Ер шарида кенг тарқалган ўсимликлар ҳисобланади. Улар қуруқликнинг аксарият катта қисмида

учрайди. Космополит ареалига мисол қилиб, *ши́ра* (*Chenopodium*), *жар-жар* ёки *ачамбити* (*Capsella bursa-pastoris*), *ажрик* (*Cynodon dactylon*), *семизүт* (*Portulaca oleracea*), *қокиүт* (*Taraxacum officinale*), *штузум* (*Solanum nigrum*), *қамиш* (*Phragmites communis*) каби жуда күп үсимлик турларини күрсатиш мумкин. А. Де-Кандоль маълумотига кўра Ер шарининг 1/4 қисмида үсимликнинг 117 та тури учрайди.

Космополит туркумлардан *айиқтоворон* (*Ranunculus*), *епишиқоқ* (*Senecio*), *якан* (*Iuncus*), *ғиччак* (*Potamogeton*), *ястребинка* (*Nieracium*) кабиларни курсатиш мумкин.

Космополит оиласардан *ҳилолдошлар* (*Cyperaceae*), *бошоқдошлар* (*Gramineae*), *крестгулдошлар* (*Cruciferae*), *мураккабгулдошлар* (*Compositae*) кабиларни олиш мумкин.

2. Эндем ареал үсимлиги — бу группага Ер шаридаги жуда кичик майдонни эгаллайдиган тур, туркум ва оиласар киради.

Бу хилдаги үсимликлар ҳам бир мамлакат ёки областнинг маълум бир териториясидагина учрайди. Демак, ҳар бир територияда үзининг эндем ареали үсимликлари учрайди. Масалан: Эльдар санобари ёки Эльдар қарағайи (*Pinus eldarica*), Грузияда атиги 50 гектарли майдонда, *Станкевич қарағайи* (*Pinus stankevici*) Кримнинг Судак ва Айя пунктларида, *Камчатка пихтаси* (*Abies gracilis*) фақат Камчаткада учрайди.

Шундай эндем турларидан Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон териториясининг маълум бир қисмидагина учрайдиган вакилларидан қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: Тоғсақич (*Scorzoneratau-saghiz*) Сирдарё қоратоғи, Чотқол тоғидаги Жийдасой ва Туркистон тоғидагина учрайди; Қизилқумда *астрагал* (*Astragalus kisulkumi*), қандим ёки *жузғун* (*Calligonum lanciculatum*), *дармана* (*Artemisia cina*) кабилар Орис дарёси ҳавзасида, *етмакнинг* (*Acanthophyllum cyrtostegium*) деган турни Қизилқумдагина учрайди.

Эндемик туркумлар ва оиласар эндемик турларга нисбатан кам учрайди. Эндемик туркумларга мисол қилиб Америкада ёввойи ҳолда үсуви *мамонт дарахти* (*Sequoia*), *метасеквоя* (*Metasequoia*) ни кўрсатиш мумкин.

Африканинг жануби-ғарбий чўлида үсуви *Вельвичия* (*Welwitschia*) ва *Алоэ* (*Aloe*), Австралияда үсадиган *эвкалипт* (*Eucalyptus*), Мексикадаги ботқоқ *сарви* (*Cupressus*) кабилар ўша ернинг эндем үсимликларидир.

Ўрта Осиёда эндем үсимлик туркумлари қуйидаги оиласарда: соябонгулдошлар 16 та, крестгулдошлар, лабгулдошлар ва мураккабгулдошлар 4 тадан эндем туркумларга эга.

Эндем оиласарга мисол қилиб Австралияда учрайдиган цефалотадошлар (*Cephalotaceae*) ёки неотропик областлар учунгина хос бўлган *кактусдошлар*, *бромелиядошлар*; Африкадаги Қап области учун хос бўлган *протейдошлар*, *амариллисдошлар*; Австралия учун хос бўлган *казуаринадошлар*, *гудениядошлар* ва ҳоказо оиласарни кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, эндемик үсимликлар ҳар бир мамлакат ёки областда үсуви үсимликларнинг маълум бир процентини ташкил этади ва шу ернинг эндемиги дейилади. Одатда, Ер шаридаги орол ёки оролчаларда ва тоғли районларда эндемик үсимлик турлари жуда кўп миқдорда бўлади. Масалан, Гавай оролларида үсуви үсимликларнинг 90% ини, Мадагаскарда 89% ини, Сицилияда 77% ини, Янги Зеландияда 75% ини, Шимолий Еленада 85% ини эндем үсимликлар ташкил қиласди. Бундай жойларга эндемизм ҳодисасининг ривож топишига шу жойларнинг биологик ва географик жиҳатдан бир-биридан қанчалик ажралиб қолган ҳолда жойланиши сабаб бўлади. Бу жойларда четдан келадиган үсимликлар мутлақо йўқлиги туфайли уларда яшаш учун кураш ҳодисаси яхши ифодаланмаган. Аммо ёш ороллар (Бермуд, Полинезия ва бошқалар) да эндемик үсимликлар бўлмайди. Шуни айтиш керакки, эндемик турларга бой жойларда үсимликлар йирик майдонли қуруқликлардаги турлар сонига нисбатан кам бўлиб уларнинг ҳаёт шароитлари деярли бир хилдир.

Одатда, айрим тоғли районларнинг турли хил баландликдаги бир неча чўққиларида турли хил муҳит мавжудлиги туфайли бир үсимлик тури маълум бир вақт ўтгач, бир қанча кенжатурлар ҳосил қилиши мумкин. Бундай кичик майдонда ҳосил бўлган кенжа турлар викар үсимликлар ва унинг ареали викар ареаллар деб аталади. Викаризм ҳодисаси специфик шароитдаги яшаш жараёнида ўзаро қардош систематик бирликларнинг ўзидахина сақлаб қолиши билан юзага келади; викаризм ҳодисаси тупроқнинг химиявий хусусияти, сув билан таъминлаш даражаси, шу жойнинг денгиз сатҳидан қанчалик баландда жойланишига ҳам боғлиқ.

Эндемик турлар қадимги ороллардан ташқари тоғли ўлкаларда ҳам кўп бўлади. Масалан, Кавказдаги 5767 та турдан 1153 таси (ёки 19,8% и) эндемик турлар ҳисобланади.

Фақат Кавказдагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг тоғли ўлкаларида ҳам ташқи шароит ниҳоятда ўзига хос (специфик) бўлганлиги учун эндемизм ҳодисаси яққол кўзга ташланади.

Е. П. Коровин маълумотига кўра Ўрта Осиё тоғ флорасининг 65—70% и фақат эндемик турлардан иборатdir. Текисликларда эса эндемизм хоссаси унча ривожланмаган. Масалан, И. И. Гранитов маълумотига кўра Қизилқумда мавжуд бўлган 900 та турдан 286 таси ёки 25% и Ўрта Осиёнинг эндемик турлари ва 34 та тур (3,5%) Қизилқум учун эндемик ҳисобланади. Шунингдек, чўлда учрайдиган оиласларнинг эндемик турлари қуйидаги % ларни ташкил қиласди: савсаргулдошлар 67%, соябонгулдошлар ва лабгулдошлар 50%, зубтурумдошлар ва дуккакдошлар 49%, лолагулдошлар 49%, рутадошлар 40%, чиннигулдошлар ва тутавондошлар 36%, рўяндошлар 33%, шўрадошлар 30% ва ҳоқазо эндемик турларга эга.

Шундай қилиб, турли шароитга мослаша олиш хусусияти

қайси бир ўсимлик турида кучли ривожланган бўлса, бундай турлар донмо ўз тарқалган майдони (ареали)ни кенгайтира боради, акс ҳолда уларнинг ареали кичрайиб кетади. Шунга кўра, кенг тарқалган ўсимликлар баъзан эвритоп ўсимликлар ҳам деб юритилади. Хар хил шароитга мослаша олмаган ўсимликларга степотоп ўсимликлар дейилади.

Одатда, эндем ареали ўсимлик турларини 2 групага: *палеоэндем ва неоэндем ўсимликларга* бўлиб ўрганилади.

Қачонлардир Ер юзида табиий ҳолда кенг тарқалган, лекин кейинчалик умумий иқлим шароитининг маълум даражада салбий томонга ўзгара бориши туфайли, шу ўзгаришга лаёқатлана олмасдан ўз ареалини қисқартира борган ўсимликлар палеоэндем ҳисобланади. Бундай палеоэндем ўсимликларга мисол қилиб папоротниксимонлар типидан *мараттия*, *ангиоптерис*, *сув папоротниги* кабиларни; очиқ уруғилар типига мансуб бўлган *тисса*, *саговник*, *гинкго*, *секвойя*, *матасеквоя* кабиларни; ёпиқ уруғилардан *магнолия*, *каштан*, *лола* *дараҳти*, ёнғоқ *дараҳти* кабиларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг ареали қачонлардир узоқ ўтмишда жуда кенг бўлган бўлиб, ҳозирги кунда анча қисқариб қолган.

Бундай палеоэндем ўсимликлар муайян бир даврнинг *реликт ўсимликлари* бўлиб ҳисобланади. Масалан, реликт ўсимликлар ёшига қараб палеозой, мезозой, кайнозой эрасининг ёки учламчи давр, муз даври реликтлари бўлиши мумкин.

Аммо палеоэндем ўсимликларнинг баъзилари масалан, *гинкго*, *каштан*, ёнғоқ *дараҳти* кабилар ҳозирги вақтда кишиларнинг актив таъсири натижасида маданийлаштирилиб, уларнинг ареали кенгая бормоқда.

Эволюцион тараққиётнинг сўнгги босқичида пайдо бўлган, ҳали ёш ва шунинг учун кенг тарқалиб ултурмаган, аммо тарқала олиш имкониятига эга бўлган ўсимлик турларига *неоэндем ўсимликлар* дейилади. Масалан, *ястребинка* (*Hieracium*) *наъматак*, *атиргул* (*Rosa*), *суглама* кабилар шулар жумласандир.

Ареаллар катта-кичик бўлишига қарамасдан жойланиш хусусиятига кўра узлуксиз ва узилган ареалларга бўлинади.

Узлуксиз ареал яхлит майдонда ёки ораси унча узоқ бўлмаган икки жойда учрайдиган ўсимликлар ареали ҳисобланади. Масалан, қайндошлар оиласининг вакиллари бутун Европа ва Шимолий Америкада учрайди. Узлуксиз ареалнинг шакли (яъни бирор узлуксиз ареалли ўсимликнинг эгаллаган майдони) думалоқ, узунчоқ, лентасимон шаклда бўлиши мумкин.

Узлуксиз ареалнинг лентасимон шаклли хили дарёларнинг ён оқимида яққол кўриниши мумкин.

Узилган ареал деб ўсимлик ареалининг қуруқликнинг бир неча қисмида узилиб-узилиб учрашига айтилади. Масалан, *це-зальпиндошлар*, *банандошлар* оиласарининг вакилларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг ареали Марказий Америка, Жанубий

Америка, қисман Осиёning жанубий қисми ва Австралияда узилган ҳолда учрайди. Узилган ареалнинг турли-туман ҳолда учрашига кўра, у пантропик, трансатлантик, биполяр-узилган, аркто-альп дизъюнкция (узилиш)ларга бўлиб ўрганилади.

Узилган ареалга мисол қилиб альдрованда (*Aldrovanda vesiculosa*) ўсимлигининг ареалини курсатиш мумкин. Бу ўсимлик Франциянинг жанубида, Италияда, СССРнинг Украина, Белоруссия, РСФСР (Воронеж, Курск областларида) териториясида, Японияда ва Австралияда учрайди. Узилган ареалга альп ва баланд тоғ ўсимликлари ҳам мисол бўла олади.

Одатда, узлуксиз ва узилган ареаллар картада тасвирланганда уларнинг жойи ва чегараси нуқталар ёрдамида белгилаб курсатилади. Баъзан эса чизиқчалар орқали курсатилади. Булар амалий машғулотлар бўлимида батафсил курсатилган.

Ўсимлик ареалининг яна бир хили лентасимон ареалдир. Лентасимон ареаллар одатда дарёларнинг ён-атрофида ўсуви ўсимликлар ареалидан ташкил топгандир.

Бирор тур ўз ареалини кенгайтиргач маълум бир вақтгача барқарор (ўзгармаган) ҳолда туради. Бу ҳолда шу ўсимлигининг ареали барқарор ареал бўлиб ҳисобланади. Иккинчи хил ўсимлик тури эса баъзи бир сабабларга кўра ўз ареалини кенгайтиришни давом эттиради. Бу хилдаги ўсимлик ареали барқарор бўлмаган ёки ўзгарувчан ареал дейилади.

Ареалнинг ўзгарувчан бўлиши асосан қўйидаги ҳолларга: тур ҳали ўзининг иқлим чегараси даражасига етиб олмаганлиги; ўлиб-йўқолиб боришига: кишиларнинг таъсирига боғлиқ. Бунда ареал қисқаради ёки кенгаяди ва ҳоказо.

Табиатда ўсимликлар турли факторлар таъсирида (сув, шамол, қушлар, чумолилар, ҳашаротлар, кишилар ва ҳоказо) янги-янги территорияларга тарқалиши мумкин. Бундай ҳол содир бўлган тақдирда ўсимликлар миграция қилади, яъни бир жойдан иккинчи жойга тарқалади.

Янги щароитга тушгач бир неча вақт (албатта жуда узоқ йиллар) ўтгач табиий танланиш ўйли билан янги-янги белгиларга эга бўлган ҳамда ирсий жиҳатдан шу белгиларини мустаҳкамлаб олган иккита мустақил турга ажralади. Шу хил янги турлар пайдо бўлади. Пачоский маълумотига кўра Шимолий Европа ва Осиёда кенг тарқалган қора қарағай ҳозирги вақтда 2 та мустақил турга ажralган, яъни Европадагиси Европа қора қарағайи (*Picea excelsa*) ва Осиёда учрайдигани Сибирь қора қарағайи (*Picea sibirica*) деб аталади ёки бўлмаса қачонлардир бутун Сибирь бўйлаб тилогоч (*Larix*) нинг битта тури юзага келганлигини, кейинчалик эса унинг Давур тилогочи (*Larix dahurica*) ва Сибирь тилогочи (*Larix sibirica*) деб аталган икки турга ажратилганлигини Б. К. Шишкин курсатган эди. Шу хилда янги турнинг пайдо бўлганлигини песчанка (*Arenaria stenophylla*) ва *Arenaria polaris* мисолида кўриш мумкин.

Ўсимлик ареали ҳақида гапирилганда ареал маркази дастлаб қаерда пайдо бўлган деган савол туғилади.

Маълумки, китобнинг бош қисмида Ер юзида дастлаб бир ҳужайрали организмлар пайдо бўлганидан сўнг улардан колония ҳолида яшовчи ва кўп ҳужайрали тубан организмлар келиб чиққанлиги ҳақида гапирган эдик. Шундай қилиб, бир ҳужайрали тубан организмлар (сувўтлар, бактериялар, замбуруфлар) дан тортиб тараққиётниң энг юксак босқичида турган ёпиқ уруғли (ёки гулли) ўсимликлар типининг вакиллари узоқ эволюцион тараққиёт (2,0 миллиард йил) давомида астасекин ривожлана бориб бир погона тубан бўлган тип вакиллари ўз навбатида бир погона юксакроқ бўлган тип вакилларини келтириб чиқарган.

Ерда ҳаёт пайдо бўлган вақтдан ҳозирги кунга қадар жуда кўп вақт (тахминан 2,0 миллиард йил) ўтган. Шу вақт давомида бир қанча геологик ўзгаришлар натижасида кўпгина турлар йўқолиб кетган, кўплари эса ўзгариб, янги-янги белгилар ва шакллар ҳосил қилган.

Шунинг учун ҳам баъзи олимлар ўсимлик ареалининг маркази ҳақида гапирганда ҳозирги вақтда Ер шарининг қайси қисми турларга бой бўлса, шу жойни ўсимлик ареалининг маркази деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги кунда ареал маркази қаерда дастлаб пайдо бўлганлигига тўғри жавоб излаш учун ботаника фанининг палеоботаник, фенологик, экспериментал-экологик, географосистематик ва биogeографик деб аталувчи текшириш усуллари (методлари)га суюниб иш кўриш керак.

Палеоботаник метод турли геологик қатламлардан топилаётган қазилмалар асосида иш кўрувчи усулларидир. Бу метод билан иш кўрилганда шу қазилмалар таркибида бузилмасдан сақланиб қолган гулли ўсимликларнинг гул чанги, папоротник ва моҳларнинг спораларини топилиши энг муҳим маълумотлар ҳисобланади.

Фенологик метод эса табиатда содир бўлиб турувчи ҳодисаларни йил фасллари давомида ўрганиб кузатиб туришга асосланган усулларидир.

Экспериментал-экологик метод турли хил тажрибалар асосида ҳар бир ўсимлик ҳаётини ҳар томонлама ўрганувчи метод. Географосистематик метод бўлса, тур, туркум ва оиласлар орасидаги қардошлик белгилари Ер шарининг қайси қисмида энг кўп миқдорда учрашини ўрганади. Биogeографик метод — ўсимликларнинг географик жиҳатдан келиб чиқишини симбиоз ҳолда яшовчи организмлар мисолида ўрганади.

H. Вавилов ҳамда унинг касбдошлари географик ва систематик метод маълумотлари асосида кўпгина маданий ўсимликларнинг ареал марказини кўрсатиб бердилар. Бундай ареал марказлари Вавилов фикрича қўйидагилардир:

1. Жанубий Осиё тропик маркази. Бу марказ тропик Ҳин-

дистон, Ҳиндихитой, Жанубий Хитой ва Жануби-шарқий Осиё оролларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда маълум бўлган маданий ўсимликларнинг $\frac{1}{3}$ қисми шу ерда таркиб топган. Шошақарқамиш, кўпгина мевали ва сабзавот экинларининг ватани ҳисобланади.

2. *Шарқий Осиё маркази*. Марказий ва Шарқий Хитой, Япония, Тайван ороли ва Кореяни ўз ичига олади. Соя, тариқ ҳамда кўпгина мевали ва сабзавот экинларининг ватани бўлиб ҳисобланади. Барча маданий экинларнинг 20% и шу ердан тарқалган.

3. *Жанубий-ғарбий Осиё маркази*. Кичик Осиё, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Шимоли-ғарбий Ҳиндистонни ўз ичига олади. Кўпгина буғдой, донли, дуккакли экинлар, ток ва бир қанча мевали ўсимликларнинг ватанидир. Маданий экинлардан 14% и шу ердан тарқалган.

4. *Ўрта денгиз маркази*. Ўрта денгиз атрофида жойлашган мамлакатларни ўз ичига олади. Зайтун дарахти, кўпгина маданий ем-хашак ўсимликлари, сабзавот экинлари (карам, лавлаги)нинг ватани. Барча маданий экинларнинг 11% и шу ердан тарқалган.

5. *Абиссиния маркази*. Африка қуруқлигининг бир қисмини ўз ичига олади. Жўхори, банан, нут ва буғдой-арпаларнинг бир неча хилларининг ватани.

6. *Марказий Америка маркази*. Жанубий Мексикага қарайди. Маккажўкори, ингичка толали фўза, какао, ловия каби 90 турдан иборат маданий ўсимликнинг ватанидир.

7. *Анд ёки Жанубий Америка маркази*. **Жанубий Америка**-нинг Анд тоғ тизмасини ўз ичига олади. Кўпгина тугунакли (картошка) ва доривор (хинин дарахти ва ҳоказо) ўсимликларнинг ватани ҳисобланади.

Ўсимликлар ареалининг узилиб қолиши

Дастлаб узлуксиз (яхлит) бўлган ареал кейин иккита, учта ёки кўпроқ мустақил қисмга ажралиб кетишини турли хил типларга киравчи ўсимликлар мисолида кузатиши мумкин. Аслида биз ўсимлик тарқала бораётган ёки ҳар бир тур бирор жойда эмас, балки Ер шарининг турли қисмларида пайдо бўлган деган позицияда турсак ҳам ўсимлик ареалининг дастлаб узлуксиз эканлигини, кейинчалик эса улар бир-биридан ажралиб қолганигини баъзи бир қўйидаги фаразлар асосида тушунтириб берувчи қўйидаги мисоллардан кўришимиз мумкин:

И қлим шароитининг ўзгариш сабаби. Масалан, кенг баргли ўрмонлар ареалининг узилиб қолишига тўртламчи даврда иқлим шароитининг ўзгариши сабаб бўлган, музликтининг шимолдан жанубга силжиши натижасида температура совиб кетган. Шу сабабли кенг баргли ўрмонларнинг чегараси жанубга сурилган. Музликларга яқин жойларда муз олди (перегляциаль) ўсимликлар ривожланган. Аммо музлик орқага қайт-

гач бу жойларда нинабаргли ўрмонлар вужудга келган. Кейинчалик кең баргли ўрмонлар яна шимолга томон силжиб, ўзининг дастлабки чегаралариға етиб борган. Липа (жұқа), дуб (эмән), ясень (шумтол) ва шунга ўхшаш бир неча кең баргли ўрмон вакиллари шу хилда ўзининг дастлабки майдонини эгаллаган. Аммо қандайdir сабабларга күра бетага (*Festuca*) каби бир неча ўт ўсимликлар ареали узилиб қолган.

Худди шу музликнинг жанубга силжиши натижасида Европада қадимги алъп ўсимлик турлари тоғдан пастта туша бошлаб, алъп музлиги билан шимолдан силжиб келаёттан буюк музлик орасида сиқилиб қолган. Аммо музлик даври тугаши билан бу ўсимликлар бир томондан яна тоққа күтарила борган бўлса, иккинчи томондан яна орқага (шимолга қараб) силжий борган. Оралиқ майдонларда алъп ўсимликлари ҳалок бўлиб кетиши натижасида, уларнинг ареали ажралиб қолган.


Қуруқликнинг баъзи бўлакларини деңгиз тагига чўкиши. Бу ҳодисани Ч. Лайл (1822), Э. Зюс, Э. Ог, М. Мензбир, Н. Кузнецов каби олимлар ўзларининг «Кўприк назария»ларида тушунтириб беришга интилганлар.

Бу назарияга кўра ўсимлик ва ҳайвонлар қадим замонда қуруқликнинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўша вақтда мавжуд бўлган кўприклар, яъни кичик қуруқликлар орқали тарқалган. Кейинчалик кўприкларнинг чўкиб кетиши сабабди катта қуруқликлар бир-биридан ажралиб қолган. Натижада ўсимлик ва ҳайвонларнинг ареали бир-биридан узилган.

Қуруқликнинг парчаланиб кетиши сабабли Вегенер деган немис олими (1912) ва америкалик Тейлор (1910) назарияларига кўра гўё дастлаб қуруқлик (пангея) яхлит бир бўлакдан иборат бўлиб, сув остида жойлашган. Палеозой эрасининг юра даврида номаълум сабабларга кура шу қуруқлик деңгиз остидан юқорига күтарила бошлаган. Натижада қуруқлик атрофини сув ўраб олган. Қуруқликнинг ўз ўқи атрофида айлана бориши туфайли марказдан қочувчи куч таъсирида у аста-секин бир неча бўлакларга ажрала борган. Шундай қилиб, тошкўмир даврига келиб Австралия ва Антарктида жанубга, Америка эса ғарбга томон узоқлашган. Бундай бўлинишлар бир неча ўн миллион йиллар давом этган. Бундай процесс Греландияда ҳозир ҳам давом этаётганлиги, юқоридаги фикрларга ёрқин мисол бўла олади.

Шундай қилиб, Европадан Шимолий Америка тўртламчи даврда, Жанубий Америка Африкадан эоцен-даврида ажралиб чиққан (34- расм).

Вегенер назариясини кўпчилик олимлар томонидан бошқа назарияларга нисбатан ҳақиқатга анча яқин назария деб эътироф қилинса ҳам, аммо баъзи бир геолог олимлар томонидан у эътироф қилинмаган. Бу кейинги группа олимларининг фикрича океан ости чўққилари қуруқликнинг ҳаракат қилиши ва айланishiiga тўсқинлик қилас экан.



34-расм. Дастрлаб яхлит бўлган қуруқлик ва унинг ҳозирги ҳолати (Вегенер таърифича):

1 — тошкўмир даврида, 2 — учламчи даврда, 3 — плейстоцен даврида

Кишиларниг таъсири сабабли. Кўпчилик ўсимлик турларининг ареали уларга кишиларниг онгли ва онгсиз равиша кўрсатаётган таъсири туфайли ҳам ажралган бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда маълум бўлишича, Европадан Шимолий Америкага 175 тур, Америкадан Европага 50 тур ўсимлик кишилар томонидан келтирилган. Европа мамлакатларидан Англияга

540 тур ўсимлик, Осиёдан 68 тур, Шимолий Америкадан 88 тур, Африка ва Австралиядан 4 тадан тур келиб қолган. Австралияга эса 58 тур Европадан, 18 тур Шимолий Америкадан, 12 тур Жанубий Америкадан, 11 тур Шимолий ва Марказий Африкадан, 29 тур Жанубий Африкадан, 2 тур Осиёдан ўтган.

Күпчилик ўсимликларнинг уёки бу мамлакат территориясида ўз ареалини кенгайтириши ёки янги ареал ҳосил қилиши кейинги йилларда кишиларнинг онгли таъсири натижасида яна-да тезлашмоқда. Масалан, ботаника боғларида, дала тажриба станцияларида, питомникларда турли хил ўсимликларни экиб, синааб қўрилиши, уларни муайян шароит ва жойнинг иқлимига мослаштирилиши ҳамда шу шароитга мослашиб олгач, уларнинг аста-секин ўз ҳолиша ўсиб тарқалиш йўлига ўтиши, шу ўсимликлар ареалининг кенгайиши ва айни вақтда узилган ареалнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, кишилар фаолияти таъсирида Ер юзидағи мамлакатларнинг биридан иккинчисига ўтиб тарқалган 2800 тур ўсимлик А. Теллунг деган олим томонидан ўрганилган ва улар тарқалиш характеристига кўра классификацияланган.

Ўсимликларнинг турли воситалар ёрдамида Ер юзида тарқалиши. Маълумки, ҳар бир ўсимлик тури Ер юзида яхшироқ шароитда яшашга, кенгроқ тарқалишга интилади. Яшаш учун кураш жараённида бир ерда ўсаётган бир турга ёки бошқа-бошқа турларга мансуб бўлган бир неча ўсимликлар ёруғлик, тупроқ, сув ва сувда эриган ми-нерал озиқ моддалардан кўпроқ ва яхшироқ фойдаланиш учун ўзаро курашадилар. Шундай курашда ғолиб чиққан ўсимлик яхшироқ ўсади ва кўпроқ уруғ ва мева ҳосил қиласди.

Бу хилдаги кураш хусусан маданий экинлар орасида ўса-ётган бегона ўтларда яққол кўринади. Бу жараённи тасаввур қилиш учун Ўзбекистон шароитида ўсуви баъзи бегона ўтларнинг ҳар йили қўйидаги миқдорда уруғ ҳосил қилишини кўриш мумкин. Масалан, мачин 500 минг, шўра 200 минг, мингdevона 400 минг, бангидевона 55 минг, шумғия 175 минг, итузум 100 минг, семиз ўт 50 минг, жағ-жағ, яъни ачамбити 75 минг уруғ ҳосил қиласди.

Бу хилдаги ўт ўсимликлар ва кўпгина дарахт ва буталарда ҳосил бўлаётган ҳисобсиз уруғ ва мевалар табиатда кен-гроқ тарқалиш учун турли хил воситалар ёрдамида ёки бевоси-та маҳсус мосланишлар орқали тарқалиш имкониятига эгадир.

Тарқалиш усулига кўра барча ўсимликлар икки группага (автохор ва аллохор)га бўлинади. Автохор ўсимликлар ўзла-ридаги мосланишлар ёрдамида, аллохор ўсимликлар эса таш-қи воситалар ёрдамида тарқалади. Ташқи воситалардан сув (гидрохлорлар), шамол (анемохорлар), ҳайвонлар (зоохорлар) ва кишилар (антропохорлар)ни кўрсатиш мумкин.

Мазкур воситаларнинг баъзилари айrim ўсимликларнинг тарқалишига имкон берса, айримларининг тарқалишига тўсқин-

лик қилиши мумкин. Масалан, денгиз ва океан сувларидаги яшовчи ўсимликларнинг тарқалишига имкон берилб, күпинча қуруқлика яшовчи ўсимликларнинг бир қитъадан иккинчисига ўтиши учун түсиқдир. Тот тизмалари эса тот ўсимликларнинг тарқалишига имкон берилб, тот олди текислигидаги ўсимликларни тот орасидаги иккинчи текисликка ўтиш учун түсиқ ҳисобланади.

Баъзи ўсимлик турлари ареалининг кенгайиши ёки қисқариши хусусан кейинги йилларда кишиларнинг янги ерларни ўзлаштира бориши ботқоқликларни қуритиб дәхқончилик мақсадлари учун фойдалана бориши, кўриқ ва буз ерларни ўзлаштириши каби ҳолларда яққол кўринади.

Флора элементлари

Юқорида ҳар бир ўсимлик ареалининг ниҳоятда хилма-хил катталика ва шаклга эга эканлигини таъкидлаб ўтдик. Шунинг учун ҳам Ер юзида бир хил ҳажм ва шаклдаги айнан ухашаш иккита ареал учрамайди. Аммо шунга қарамай улар ўртасида умумий ўхашашлик ҳам бор. Эгалланган майдонига кўра маълум даражада ўзаро ўхашаш бўлган бир неча ўсимлик ареаллари муайян жойнинг флора элементини ташкил қиласиди. Бундай флора элементлари, аввало, шу ўсимликларнинг географик жиҳатдан эгалланган майдони асосида ажратилади.

Шундай қилиб, Ер юзи миқёсида бундай флора элементлари ҳар бир мамлакат территорииясида бир неча ёки жуда кўп миқдордадир. СССРнинг флора элементларини В. В. Алёхин қўйидаги группаларга бўлган:

1. *Арктика* флора элементи шимолда — тундра ва арктикада ўсузвичи ўсимликларнинг ареалларидан ташкил топган. Арктика флора элементи бир неча (гарбий арктик, шаркий, арктик) кичик флора элементларига бўлинади.

2. *Шимолий* ёки бореал ўрмон зонаси флора элементи нина баргли ўрмонлар мавжуд бўлган жойларда ўсузвичи ўсимликларнинг ареалларини ўз ичига олади. Унинг Европа қисми *евробореал*, Сибири қисмида *сифбореал* каби кичик флора элементларига бўлиб ўрганилади.

3. *Урта Европа* флора элементи Марказий Европада ўсузвичи ўсимликларнинг ареалларини ўз ичига олади. Бу флора элементига, асосан, кенг баргли ўрмонлар тарқалган майдонлар киради. Улар анча иссиқсевар ўсимлик ареалларидир.

4. *Атлантика* флора элементи СССРнинг Европа қисмидаги гарбий районларда ўсузвичи ўсимликлар ареалларини ўз ичига олади. Бу флора элементи Европанинг Атлантика океани қирғоқларига яқин жойларни эгаллайди.

5. *Понтик* флора элементи Жанубий рус даштларида ўсузвичи ўсимликларнинг ареалларини ўзига биритиради. Бу флора элементи СССР териториясидан ташқари Венгрия ва Руминия давлатлари териториясининг дашт қисмини ҳам ўз ичига олади.

6. Ўрта денгиз флора элементи Ўрта денгиз атрофидан бошлаб Қора денгиз, Қрим ва Қавказгача бўлган територияларда ўсувчи ўсимликлар ареалларини ўз ичига олади.

7. Марказий Осиё флора элементи Ўрта Осиёнинг тоғли қисми (Тяньшань, Помир-Олой, Олтой)да ўсувчи ўсимликларнинг ареалидан ташкил топган. Бу ҳам бир неча кичик флора элементларига бўлиб ўрганилади.

8. Турон флора элементи. Ўрта Осиёнинг Турон паст текислигига ўсувчи ўсимликлар ареалидан ташкил топган.

9. Манъҷурия флора элементи, асосан, Манъҷуриядаги, қисман СССРнинг Узоқ Шарқ ўлкасида ўсувчи ўсимликлар ареалидан ташкил топган.

Амалий машғулотлар

1. Узлуксиз ареални ўрганиш. Узлуксиз ареалини ўрганиш учун эман, чинор ва саксовул ўсимликларининг ареалини Евросиё контур картасига тушириш тавсия қилинади. Ўсимлик ареали картада нуқталар билан белгиланади. Бир контур картада бир неча ўсимлик ареали акс эттирилиши мумкин. Бу ҳолда ҳар бир ўсимлик турининг ареалини кўрсатувчи нуқталар рангли қаламда белгиланиши ва алоҳида-алоҳида рангда бўялиши керак. Узлуксиз ареалга мисол қилиб эман, чинор, саксовул ўсимликларини олинг.

а) эман (*Quercus robur*) нинг ареали. СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Фарбий Европа, Кичик Осиё (35-расм);

б) қора саксовул (*Haloxylon aphyllum*) нинг ареали. Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон;

в) Чинор (*Platanus orientalis*) нинг ареали. Ўрта денгиздан Ҳимолайгача.

2. Узилган ареални ўрганиш. Узилган ареалга мисол қилиб санчиқўт (*Thalictrum alpinum*), Әдимис (*Drimys winteri*) ва дрен (*Coptis sueatica*) ўсимлигини олинг.

а) санчиқўтнинг ареали. Ўрта Осиёнинг тоғли районлари, СССР Европа қисмининг шимоли, Кавказ, Узоқ Шарқ, Мўғулистон, Шимолий Америка;


б) дримис ўсимлигининг ареали. Жанубий Америка, Янги Зеландия, Австралия;

в) дрен ўсимлигининг ареали. Шимолий Америка. Гренландининг жануби-шарқий қисми, Европанинг шимоли ва Узоқ Шарқ (36-расм).


3. Лентасимон ареал. Мирзатерак (*Populus nigra*) дарё бўйларида ўсиб, лентасимон ареал ҳосил қиласди. Үнга Ўрта Осиё, СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Фарбий Сибирь, Фарбий Европа, Кичик Осиё ва Қашқар киради.

4. Космополит ареалини шўра, қамиш, жаг-жаг, яъни ачамбити каби ўсимликлар мисолида ўрганиш мумкин.

а) шўра (*Chenopodium album* ва б) қамиш (*Phragmites communis*) ўсимлик ареали Ер шаридаги кенг тарқалган.



35-расм. Бир неча түр әманларнинг узлуксиз (яхліт) ареали:
1 — тошман, 2 — күнгірман, 3 — Мұғулистан (Монгол) әмани, 4 — тишлиеман.



36-расм. Дери (қызыл) үсимлігінің узилгап ареали.

в) жағ-жағ ёки ачамбити (*Capsella bursa-pastoris*) үсимлігі ҳам жуда кенг тарқалған. Демек, юқорида күрсатилған уч үсимліктердегі ареали алоҳида-алоҳида рангдаги қаламларда Ер шарининг контур картасига нұқта лар билан белгиланади.

5. Эндем ареал. Эндем ареалга Тошкент областининг Ангрен даресі бүйіда учрайдиған олхўри (*Prunus mirabilis*), Самарқанд обласы территориясыда учрайдиган вероника (*Veronica stylophora*), шунингдек Сурхондарё области территориясыда учрайдиган вероника (*V. navella*) түрларын и мисол қилиб олиш мүмкін.

VI б. ЕР ШАРИНИНГ ҮСИМЛИҚЛАР ҚОПЛАМИ

Ер шарининг турли нуқталарида иқлим, тупроқ, рельеф шароитларини жуда мураккаб ва хилма-хиллиги, у ерларда үсадиган үсимликларнинг турлар сони, ҳёт кечириши, манзара ҳосил қилиши жиҳатидан хилма-хил хусусиятларга эга бўлишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам Ер юзидағи барча үсимлик турларини яшайтган шароитига кўра бир неча группага, аниқроғи, бир неча үсимлик зоналарига бўлиб ўрганилади. Одатда Ер шарининг текислик қисми зоналарга, тоғли қисми миңтақаларга бўлиб ўрганилади; денгиз ва океандаги үсимликлар океанлик областларга бўлиб ўрганилади.

Қуруқликнинг Европа ва Осиё материгига асосан үсимлик зоналари шимолдан жанубга борган сари бир-бири билан алмашина бориб, зоналар орасида оралиқ зоналар ёки зоначалар учраб туради. Аммо зоналар бир-биридан узилиб қолиши, дengiz ва океанлар билан кесишлиши, үсимлик зоналарини фақат шимолдан жанубга қараб эмас. балки баъзан гарбдан шарққа томон алмашина боришига ҳам сабаб бўлган. Масалан, бу ҳол Шимолий Америка материгига яққол кўзга ташланади. Бунга қуруқликни океан ва дengизлар томонидан ажратилишигина эмас, балки, қуруқликнинг рельефи ҳам таъсир қиласди.

Аммо юқорида кўрсатилган ҳолларга қарамасдан Ер шаридаги үсимликларнинг умумий зоналлик қонуниятлари кўзга яққол ташланиб туради. Бундай зоналлик хусусиятларига Брокман-Ерош тафсилига кўра қўйндагилар асосий сабабчи бўлган:

1. Иссиклик миқдорининг экватордан қутбларга томон камайиб бориши.


2. Ўртача кенглиқдаги доимий ғарбий нам шамолларнинг дengиздан қуруқликка томон эсиши.

3. Экваторнинг икки томонида қуруқ шамоллар (пассатлар) нинг қуруқликдан дengизга томон эсиб туриши.

4. Дengиздан узоқлашган сари қуруқликнинг ичкари томонларида ёнингарчиликнинг камайиб бориши кабилар.

Брокман-Ерош ва Е. Рюбеллар томонидан идеал континент деб аталган схема тавсия этилади ва бу схемада Ер шарининг турли нуқталари учун хос бўлган ўзгаришлар тасвирланади (37-расм). Ушбу схема Ер шарининг экватордан шимолий қутбгача бўлган қисмини ўрганиш асосида тузилган. Экватордан жанубда қуруқлик анча кам майдонни ташкил этади ва шунинг учун ҳам юқоридаги схемада кўрсатилган қонуниятлар яхши ифодаланмаган.

Шимолий ярим шарда ўрмоннинг З та чегараси мавжуд бўлиб, шулардан жанубий ва ўрта чегаралар қурғоқчилиги, шимолий чегара эса температура шароитлари билан бир-биридан фарқланади.



37-расм. «Идеал континент» да ўсимлик синфлари ва формация группаларининг тақсимланиш схемаси.

Келтирилган схемадан кўриниб турибдики, Ер шаридаги манзара хосил қилувчи бир неча ўсимлик типлари мавжуд.

Шундай қилиб, қуйида биз Ер юзидағи ўсимликларни зоналарга, минтақаларга ва флористик областларга бўлиб ўргамиз.

Арктик (совуқ) саҳро зonasи ўсимликлари

Арктика сўзи юонча (*Arcticos*) сўздан олинганд бўлиб, «шимолий» демакдир. Бу зона Ер шарининг шимолий қутби атродидаги қуруқликлардан ташкил топган бўлиб, у Евросиё ҳам-

да Шимолий Америка материкларининг чекка қисмлари ва деярли Шимолий муз океанини, ундаги оролларни, Атлантика ва Тинч океанларнинг шимолий қисмларини ўз ичига олади. Унинг майдони 21 млн. км² ни ташкил қилади. Бу зонанинг қуруқлик қисми — СССР, Қанада, АҚШнинг Аляска штати, Дания (Гренландия) ва Норвегия (Шпицберген) территорияларининг бир қисмини ўз ичига олади.

Арктик саҳро зонасида совуқ қишининг узоқ муддат (8—9 ой) давом этиши, ёзниң қисқа ва йил давомидаги температуранинг паст бўлиши (ўртача йиллик температура 0°C дан ошмаслиги) бу зона учун характерлидир. Қутб тунининг узоқ (120 кунга яқин) давом этиши, буғланишнинг секин бориши ва ҳаво нисбий намлигининг паст бўлиши, жанубий чегараларида кучли шамолларнинг эсиши, марказий қисмидаги эса ёғингарчиликнинг 75—100 мм ва жануброғида 300—400 мм бўлиши, қишида ҳавонинг доимо туман билан қопланиб туриши, қалин қатламли (Гренландияда 3 км гача) абадий музликларнинг мавжудлигини курсатиш мумкин.

Январь ойининг ўртача температураси Атлантиканын чегараларда —3°C бўлса, марказида —40°C га етади, июль ойида эса жанубий чегараларда ўртача температура ±10° ни ташкил қиласа, марказида 0°C атрофида бўлади. Вегетация даври жуда қисқа.

Юқорида йелтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Арктик саҳро зонасининг шароити барча тирик мавжудот, жумладан, ўсимликлар учун ҳам ниҳоятда ноқулайдир. Аммо шунга қарамай, бу зонада ҳаёт мавжуд, яъни бир қанча тур ўсимликлар ўса олади. Масалан, Гренландияда ўсаётган турли гуруҳ ўсимликлар 450 турдан иборат. Новая Земляда эса 208 тур ва Франц-Иосиф Ерида 37 тур ўсимлик мавжуд. Энг характерли ўсимликлар — сувўтлар, замбуруғлар, лишайниклар, мохлар ва гулли ўсимликлар каби типларнинг вакилларидир. Гулли ўсимликлардан бутасимон пакана қайнин, пакайна тол, багульник; кўп йиллик ўтлардан дриада ёки каклик ўти (*Dryas octopetala*), тошёрап (*Saxifraga oppositifolia*), қизғалдоқ (*Papaver radicatum*), незабудка (*Myosotis*) турлари, кассиопея, диапензия, синюха, айнкотовон каби туркум вакиллари ҳамда ҳилодошлар ва бошоқдошлар оиласарининг баъзи вакиллари учрайди.

Арктик саҳро зонаси территориясининг 70% и тошли ва тошлоқли ерлардан иборат бўлганлиги учун ҳар қанака ўсимликлар ўсавермайди. Гулли ўсимликлар кўпинча ёзда — музлар эрийдиган жойларда (шамолдан пана тошлар орасида) ва қушлар яшайдиган жойларда ўсади. Уларнинг баъзилари қушлар, баъзилари шамол ёрдамида ёки ўз-ўзидан чангланишга мослашган.

Тундра зонасининг ўсимликлари

Тундра сўзи Карелия халқлари тилидан ва финча «тинтури» сўзидан олинган бўлиб, «ўрмонсиз» деган маънони беради.

Тундра зонаси Ёвросиё ва Шимолий Американинг шимолий кенглигига жойлашган. Арктик саҳро зонаси ўзининг жанубий чегарасида тундра зонаси билан алмашинади. Тундра зонаси — Канин, Кола ярим ороллари, Новая Землянинг жануби, Франц-Иосиф Ери, Новая Сибирь ороллари, Шпицберген, Таймир ороллари, Скандинавия ярим ороли, Гренландиянинг жанубий қисмлари ва Қанаданинг шимолий қисмини ўз ичига олади.

Тундра зонаси умумий иқлим шароитларининг ноқулайлигига кўра Арктик саҳро зонасидан кейин иккинчи ўринда туради.

Бу зона учун, асосан, қишининг совуқ ва узоқ муддатли, ёз-нинг эса қисқа муддатли (2—3—4 ой) ва нисбатан совуқ бўлиши, йил давомида тез-тез кучли шамолларнинг эсиб туриши (баъзан шамолнинг тезлиги 40 м/сек га teng), ёғингарчиликнинг камлиги (200—250 мм), тупроқнинг доим совуқлиги ва 15—20 м қалинликдаги абадий музликларнинг мавжудлиги характерлидир. Экологик факторларнинг анча ноқулай таъсирига кўра бу ерда ўсадиган бутасимон, кўп йиллик гулли ўтсимон ўсимликлар ҳамда мох ва лишайниклар гуруҳидан ташкил топган ўсимликларнинг вегетация даври қисқа бўлади.

СССР территориясининг .3 млн. 100 минг км² ини ёки 13,4% ини тундра зонаси ташкил этади. Зона территориясидағи туб жинслар палеозой ва мезозой ётқизиқларидан ташкил топган бўлиб, сиртдан тўртламчи давр қолдиқлари билан ўралган.

Тундранинг рельефи асосан текисликлардан ёа унча баланд булмаган тепаликлардан ташкил топган.

Тупроғи оғир гил тупроқ, қумтупроқ ва тошлоқ тупроқдан иборат.

Ёғингарчилик зонанинг турли нуқталарига турлича миқдорда тушади. Масалан, СССР территориясидаги тундрада — Мурманск атрофида 400 мм га, Дудинкада 254 мм га, Хатангада 227 мм га, Лена дельтасида 86 мм га тўғри келади.

Тупроқда органик моддалар жуда кам бўлганлиги туфайли чириш процессида актив иштирок этувчи бактериялар жуда кам ва уларнинг ривожланиши жуда секин боради. Шунга кўра, мох қатламларининг остки қисмida чиринди эмас, балки кўмир ва торфсимон ўсимлик қолдиқлари ҳосил бўлади. Тундрада, асосан, бута ва чала буталар, кўп йиллик ўтлар ҳамда спорали ўсимликлар (мохлар, лишайниклар), қисман баъзи бир замбуруғлар ва сувутлар ўсади. Бута, чала бута ва кўп йиллик ўсимликларнинг ҳар йили янгидан ҳосил бўладиган куртаклари мох-лишайник қатлами орасида яши-

ринган ҳолда қишлоғы. Бир йиллик үсімліклар деярли учрамайды. Барча үсімліклар бир-бірига нисбатан паст-баланд булып жойланышында күра қуайыдаги З ярус (қават)ни: 1) буталар қавати; 2) чалабута ва үтлар қавати; 3) мох ва лишай-никлар қаватини ташкил этади.

Тундраның үрмөнсиз эканлығы ва бунинг сабабларини жуда күп олимлар түшүнтириб беришга ҳаракат қылғанлар. Масалан, *Визнер* фикричә әрүгликтің таъсирчанлық (интенсивлик) дараражасын етарлы әмаслиғи; *Шимпер* фикричә қишининг ҳаддан ташқары союқ булиши; *Озерецковский*, *Рубинштейн* ва *Зуевларнинг* фикричә умумий иқлім шароитининг ноқулай булиши; *Шренк* ва *Миддендорф* фикричә *Муз* океанидан доимий союқ шамолларнинг эсіб туриши; *Каменскийнинг* фикричә йиллик иссиқлік миқдорининг етарлы әмаслиғи, ҳаво нисбий намлигининг юқори эканлығы ва вегетация даврида ҳаво ва тупроқда нисбий намликтарнинг ортиқча булиши; *Гризебахнинг* фикричә температуралың паст ва вегетация даврининг қисқа булиши сабабы дараҳтлар (куртаклар) ва бошқа аязолари) нинг қишиға тайёрланиб үлгурға олмаслиғи; *Каменский*, *Городков* ва *Медведьевларнинг* фикричә баҳор ва ёзда ҳаво исій бошласа ҳам, тупроқ температурасында паст булиши уларда физиологик қурғоқчылық ҳодисасынинг рүй беришига олиб келади. Аниқроқ қилиб айтганда буғланиш билан сувни тупроқдан сұрилиши үртасидаги мутаносибликтің бузилиши сабаб бұлади.

Шундай қилиб, юқорида номлари тилга олинған олимларнинг фикрларига қараганда тундраның ҳозирғы кунда үрмөнсиз булишига иқлім шароити — тупроқ факторларнинг ноқулайлығы сабаб бұлған. Аммо бир вақтлар бу ерларда үрмөнлар бұлған. Бу ҳақда *Маддендорф* бундай деб ёзади: «Биз тарихан кузатғанда, кишилар ердаги үрмөнларни йүқотғанларни күрамиз». Шунға күра ҳозирғы вақтда тундраның жанубий чегарасидаги үрмөнларни сақтап қолиш, янги сұнъий үрмөнларни барпо этиш устида жадал иш олиб борилмоқда. Бу соҳада құлға киритилған ютуқлар тундра зонасидаги микроКлиматтың яхшилашға имкон беради. *Бекетов* таъкидлаб үтганидек, тундра тупроғын мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали ҳам унинг жанубий нұқталарыда үрмөнлар барпо қилишін киришилади. Еш күчатларни парвариши қилиш, ноқулай шароитта қидамли дараҳтнинг янги-янги навларини келтириб чиқарып барча биологиялық олимлар, хусусан совет биологлари олдига қуийліктің мұхым вазифалардан биридей.

Совет олимларидан *Андреевнинг* самарали ишлары туфайли ҳозирғы вақтда тундраның Большеземельский деб аталаған участкасыда Сибирь қарағайдан иборат ёш үрмөн мінтақасы барпо этилди.

Тундра зонасыда умуман олғанда 500 дан ортиқ тур мавжуд булып, улар арктик баланд төг, үрмөн ва ботқоқ үсімліклары каби группалардан ташкил топған. Баъзи пунктларда улар қу-

йндаги миқдорда учрайди. Масалан, Канин ярим оролида 389 тур, Новая Земля ва Таймир ярим оролида 200 тур, Вайгач оролида 186 тур, Диксон оролида 104 тур, Франц-Иосиф Ерида 37 ўсимлик тури учрайди.

А. И. Толмачев тундра флора элементининг асосий қисми Шимоли-Шарқий Сибирдан ва қисман Америкадан келиб чиққанынни эътироф этади.

Шароитнинг анча ноқулай бўлиши туфайли барча ўсимликлар паст бўйли бўлиб (10—15 см) ер бағирлаб ўсади, баъзилари ёстиқсизон шаклни олади. Гулли ўсимликларнинг кўпчилик вакиллари очиқ рангли йирик гулларга эга. Бу хусусият ҳашаротларни ўзига кўпроқ жалб этишга, табиий чангланишга мосланишдир. Эрта баҳорда қор эриши билансқ ўсимликлар тезда гуллайди ва ҳаво фитонцидларга тўйинади. Баъзи ўсимликларнинг барглари ялтироқ бўлиб, ёруғликни тезда ютишга мослашади. Ультрабинафша нурнинг кучли таъсир этиб туриши бу ўсимликлардаги витаминлар миқдорини оширади. Юқорида келтирилган маълумотлардан тундра зонасида ўсимликлар ҳаёти учун шаронт қанчалик ноқулай бўлмасин, бу шароитга турли ўсимликлар турлича мослашганлиги кўриниб туради.

Тундра зонасида учрайдиган (манзарали) ўсимликлардан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Энг юқори ярусада буталар мавжуд бўлиб, улардан пакана қайин (*Betula papa*), қотма қайин (*Betula exelsis*), пакана толининг бир неча тури (*Salix polaris*, *S. herbacea*, *S. reticulata*, *S. middendorffii*) пакана арча (*Juniperus papa*), пакана қарағай (*Pinus pumila*), ольха (*Alnus fruticosa*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Бутачалардан: бруслика (*Vaccinium vites-idea*), черника (*Vaccinium myrtillus*), голубика (*Vaccinium uliginosum*), толокнянка (*Arctous alpina*), клюква (*Oxycoccus palustris*), кассиопия (*Cassiope*), дриада ёки каклик ўт, водяника ёки эмпетрум (*Empetrum nigrum*); кўп йиллик ўт ўсимликлардан: қутб кўжкориси (*Papaver radicatum*), қутб незабудкаси (*Myosotis alpestris*), смолёвка (*Silene acaulis*), ясколка (*Cerastium maximum*), тоширар ёки камнеломка (*Saxifraga*, *oppositifolia*), остролодочник (*Oxytropis sordida*), қутб копеенчиғи (*Hedysarum arctium*), астрагал, алп мушукқўйруғи (*Alopecurus alpinus*), алп қўнғирбоши (*Poa alpina*), вейник (*Calamagrostis*), пушица (*Eriophorum vaginatum*), илоқ ёки осока. (*Carex ligens*) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Мохсимонлардан аулакомниум (*Aulacomnium palustre*, *A. turgidum*), шимол кеккү зигирмохи (*Polytrichum hyperboreum*), дикранум кабилар характерлидир.

Лишайниклардан буғу лишайниги (*Cladonia rangiferina*), алектория Исландия мохи ёки цетрапия деб аталувчи лишайник (*Cetraria islandica*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Тундра зонаси учун характерли вакиллар қўйидагилардан иборат (38- расм).



38-расм. Тундра зонаси ўсадиган ўсимликларнинг баъзи вакиллари:
1 — пакана қайин, 2 — тукли момасирка (крупка, драба), 3 — қутб толи, 4 — қутб күнкориси, 5 — каклик ўти ёки дриас.

Тундра зонаси Шимолий Америка, Европа ва Осиё мате-
ригидаги жойлашганлиги сабабли ў ерларда учрайдиган ўсим-
ликлар ҳам турли хил группаларга тааллуклидир.

Шунга кўра одатда тундра зонаси ўсимликлари бир неча
кичик зоналарга бўлиб ўрганилади. Масалан, артикашунос со-
вет ботаниги Б. Н. Городков томонидан бу зона қўйидаги тўрт
кичик зонага: арктик тундра, мох-лишайники тундра, бута-
зорли тундра ва ўрмон-тундрага бўлинган.

Арктик тундра. Муз океани қирғоқларидан тортиб
Вайгач ороли ва Чукотка ярим оролларигача бўлган жойлар-
ни ўз ичига олади. Бу кичик зона территориясининг 60% и кўл
ва ботқоқликлардан ташкил топган. Қолган қисми эса тошли,
тошлиқли ва гилли субстратдан иборат бўлиб, ўсимликлар ер
бетини тулиқ қопламаган. Ўсимликлар қопламини асосан дриа-
да, пушица, илок, қутб қўнғирбоши, қутб кўнкориси ҳамда дик-
ранум, каккузизифир-мохлари, бир неча лишайниклар (цетрария,

алектория, кладония каби туркумларнинг вакиллари) ташкил этади.

Арктик тундра кичик зонаси ичидаги субстрат сатҳи 5 м дан 25—30 м гача ва 0,5 м чуқурликда ёрилиб ажралган территориялар борки, улар *полигонал тундралар* дейилади. Бу ерларнинг тупроқ устини мох-лишайниклар қоплади. Улар билан бирга ер бағирлаб ўсувчи толлар, дриада, кассиопия, вероника, пущица, морошка кабилар учрайди.

Арктик тундра территориясининг рельефи кўпгина тепаликлардан ташкил топган бўлиб, кучли шамоллар қор қатламини бу жойлардан учирив кетади. Бундай жойлар *доғли* (чипор) тундралар дейилади ва бу ерларнинг у ер бу ерида лишайники мохлар, баъзи буталар, чала буталар ва ўтларни учратиш мумкин.

Мох-лишайникли тундра кичик зонаси эса арктик тундрадан жануброқда жойлашган бўлиб, у фарбий ва шарқий артиканинг денгиз қирғоқлари билан чегарадош. Улардаги иқлим шароити арктик тундрага нисбатан бир оз яхшироқдир. Соз тупроқли ерларда, асосан, мохлар, қум тупроқли ерларда эса лишайниклар кўп учрайди.

Шундай қилиб, мохли тундралар Печорадан Енисейгача бўлган территориияда тарқалган, бу ерларда ўсимликлар қоплами турли хил ўсимлик турларининг вакилларидан ташкил топган. Ўсимлик группаларининг таркибий қисмини, асосан мохлар, қисман лишайниклар ва гулли ўсимликларнинг ҳар хил вакиллари (крестовник, остролодочник, копеечник ва бошқалар) ташкил этади. Баъзи жойларда эса пакана тол ва пакана қайнилар бруслика, багульник, кассиопея каби чала буталар билан биргаликда; бошоқдошлар, ҳиллодошлар оиласининг бир неча вакилларини эса мох-лишайниклар билан биргаликда учратиш мумкин.

Лишайникли тундра қумлоқ ва тошлоқ ерларда жойлашган булиб, бутасимон лишайниклар билан мохлар қалин қатлам ҳосил қиласиди. Чала буталар ва ўтлар бу ерларда жуда кам учрайди. Улардан *водяника*, *кассиопея*, *арктоус*, *луговик*, *қўнғироқгул*, (*Campanula rotundifolia*), *пиретрум* (*Pyrethrum hípinnatum*) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Мох-лишайникли тундра кичик зонасининг дарё ёқалари билан тулашган жойларида ўтлоқли тундра учрайди. Бу жойда ер қаттиқ музламайди. Бундай ерларда *қўнғирбош*, *мушукқўйруқ*, *вейник* каби туркумларнинг вакиллари, *купальница* (*Trollis*), *кўкўт* (*Sanguisorba*), *сарикбош* ёки *крестовник*, *отқулоқ*, *копеечник*, *синююха* (*Polemonium*) каби ҳар хил ўтлар билан бирга ўсади.

Мох-лишайникли тундра зонасининг Кола ва Канин ярим оролларидан тортиб Чукотка қирғоқларигача бўлган ерларида бутазорли тундралар учрайди. Бу ерларда асосан вероника деб аталган чала бута ниҳоятда кўп учрайди. У билан бирга альп арктоуси, голубика, багульник, бруслика, дриада ва шунга

ұхшаш бутачалар ҳамда педикуларис, тошёрап, шувоқ, құнғирбөш ва зуровка (*Hierochloa*) каби туркумларнинг бир неча үтсімден вакиллари үсади. Улар Шарқий Сибирь, Охота деңгизи қирғоқларыда ва паст-баланд тундраларда учрайди. Бундай тундраларда асосий үсімлік қоплами пушкица үсімлігі ва у билан бирга үсадиган багульник, брусики, голубика кабилардан ташкил топган.

Узоқ Шарқда асосий қопламни пакана қарагай ташкил этади. Чала буталардан багульник, голубика, вероника, үтлардан бошқоңдошларнинг бир неча вакиллари (вейник, зуровка, құнғирбөш, айқтовон, незабудка, крестовник, сувзамчи ва тошёрап) учрайди. Дарё бүйларыда эса өдам үтиши қийин бұлган, бүйи 2,5—3 м ли бутазорларни ҳам учратиш мүмкін.

Тундра зонаси үзіннінг энг жанубий чегарасыда үрмөн-тундра кичик зонасини ташкил қылади.

Үрмөн-тундра кичик зонаси СССРда 500 км² ли майдондан иборат. Унинг эни 20—2000 км атрофидан бұлиб, Кола ва Канин ярим оролларидан бошланиб Нарьян-Мар, Урал олди, Щірта Сибирнинг шимолий территориясини үз ичига олади ва шарққа томон чегараси торайиб боради. Қенг дара-ларга, дарё водийларынша қышда қалин қор тушади. Бу ерларда сийрак ва паст бүйли қайин, қарагай ва тилоғоч үрмөнлари учрайди. Бундай үрмөнларнинг пастки яруслари тундра учун хос бұлган бута, үт үсімліклери ва баъзи мох-лишайниклардан ташкил топган. Бир гектар майдонга ўрта ҳисобда 150—500 туп (баъзи жойларда 1000 тупгача) дараҳт түғри келади. Үрмөн тундра кичик зонасыда дараҳтларнинг бүйи 1 м гача бұлган пакана (стланник), 1—1,5 м гача бұлган яримстланник, 3—4 м букир дараҳтлар ва ниҳоят бүйи 7—10 м гача келади-гап сийрак үрмөн дараҳтлари учрайди.

Тундра зонасининг чегараси доимо динамик үзгаришга учраб туради. Бу ҳақда бир группа олимлар (*Л. С. Берг, Г. И. Ганфильев, Б. Н. Городков, В. Б. Сочаева, Б. А. Тихомиров* ва бошқалар) тундранинг жанубуга томон силжиб кела-ётғанлигини, иккінчи группа олимлари эса тундранинг чекина-ётғанлигини эттироф этмоқдалар. Қишилар томонидан яқин үтмишда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам сийрак үрмөн дараҳтларыннинг тартибсиз ва плансиз равишда қирқилишига йўл қўйиш ҳоллари кузатилади. Сўзсиз бундай ҳоллар содир бұлганда үрмөнларнинг шимолга силжиши ҳақида фикр юритиш қийин. Аммо кейинги 40—50 йил мобайніда бу ерларда иқлимининг бирмунча қулайлашиши натижасыда тундранинг арктик саҳро зонаси томон, үрмөнларнинг эса тундра зонаси томон силжий бошлаши кузатилади. Масалан, Узоқ Шарқ, Шимолий Американынг текислик тундра ва Уралнинг тоғли тундра ерларыда аралаш баргли үрмөнларнинг учраши фикримизнинг далили-дир.

Узоқ геологик даврларда тундранинг жанубга томон силжиши ва ўрмонларнинг чекиниши содир бўлган бўлса, кейинги вақтларда бунинг тескариси кузатилмоқда. Аммо юқорида келтирилган маълумотларни тўла тасдиқлаш учун атрофлича текширишлар ўтказилиши талаб этилади.

Тундра зонасининг ҳозирги ҳолати. Бу зонанинг табиий ресурслари қатори ундан табиий ўсимликлар ҳолатини яхшилаш ва тундра ерларидан халқ ҳўжалигида иложи борича унумли ва планли ғавишда фойдаланиш ишига мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Иттифоқимизнинг 14% га яқин териториясини ишғол этган бу зонада дехқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

1913 йилгача Шимолий кенгликтининг 68° гача бўлган тундра ерларига, дехқончилик ишлари билан кам шуғулланилган бўлса, ҳозирги кунда эса шимолий кенгликтининг 72° даги Норил совхози дунёда энг йирик ҳўжалик корхонаси хисобланади. Бир неча колхоз ва совхозлар бу ерларда, яъни далаларда ва парникларда картошка, пиёз, карам, сабзи, лавлаги, редиска, помидор, бодринг каби экинларни экиб, аҳолининг кўкатга, сабзавотга, сут-гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида улкан зафарларни қўлга киритмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда тундрадаги картошка экадиган ҳўжаликларда гектаридан 70—90 ц дан, илгор ҳўжаликлар эса 200—300 ц гача ҳосил олинмоқда. Тундра шароитида ўсадиган совуққа чидамли экин навларини яратишда совет биолог-ўсимлишунослари ва селекционер олимлари самарали ишлар қилмоқдалар. Тундра тупроғининг турли хил шароитлари (эрозияси, температурани кўтариш, тупроқни ўғитлаш) яхшилаши учун тупроқшунос ва бошқа табиий фанларнинг вакиллари катта улкан ишларни амалга оширмоқдалар.

Табиий ўсимликлардан чорва моллари учун, асосан буғуларга ем-хашак сифатида фойдаланишини тартиба солиш энг муҳим ишлардан ҳисобланади. Тундра ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан чорвачилик ривожлантирилимоқда.

Амалий машғулотлар

Тундра зонасида ўсуви пакана қайин (пакана тол) (*Salix polaris*), қутб кўкнориси ва дриада ўсимлигини картага туширинг.

1. Пакана қайнининг ареали; СССРнинг Европа қисмидаги арктик майдонлар, Новая Земля, Арктик Сибирь, Скандинавия, Урта Европа.

2. Пакана толнинг ареали: Арктик Европа, Новая Земля, Арктик Сибирь, Чукотка, Камчатка, Скандинавия, Шимолий Америка, Гренландия.

3. Қутб кўкнориси (*Papaver radicatum*) нинг ареали: Арк-

тик Европа, Вайгач ороли, Новая Земля, Арктик Сибирь, Чукотка, Скандинавия.

4. Дриада (*Dryas octopetala*) нинг ареали: Арктик Европа, Новая Земля, Арктик Сибирь, Урта денгиз атрофидаги Альп тоғлари, Кичик Осиёдаги ва Шимолий Америкадаги тоғлар.

Мұльтадил иқлимли шимолий кенглик үсимликлари

Үрмөн зонаси

Шимолий ярим шарда катта майдонларни ишғол этувчи үрмөнзорлар үрмөн зонасина ташкил этады. Бу зонанинг жанубий ва шимолий чегараларида иқлим ва тупроқ шароити, шунингдек, үсимликлар қоплами бир-бираидан кескин фарқ қиласы. Шунга күра бу зона үсимликлари, одатда учта кичик зона: нинабаргли (доим яшил), аралаш ва баргли (ёзда яшил) үрмөнларга бўлиб ўрганилади.

Үрмөн асосан мезофилл (уртача намлиқда үсуви) дарахтлар, буталар ва ўт үсимликларидан ташкил топган маҳсус үсимликлар жамоасидан иборат. Үрмөн зонаси Евросиёда кўзга яққол ташланиб туради. Шимолий Америкада эса унинг чегараси меридиан бўйлаб эгри чизиқ ҳосил қиласы.

Үрмөн зонасида үсуви үсимликлар учун шароит анча ноқулай бўлса-да, лекин Шимолий қутб зонаси үсимликларининг ҳаёт шароитларига нисбатан бирмунча яхши.

Үрмөн зонаси фақат СССР территориясидаги 11.160 минг км² ни ёки унинг умумий территориясининг 52,5% ини ташкил қиласы. Ёзниг илиқлиги, қишининг совуқ ва узоқ давом этиши, қалин қор қопламиининг узоқ туриши, тупроғининг нордон подзол-чимли ва ботқоқ тупроқлардан ташкил топганлиги, буғланишнинг ёғин миқдорига кўра кам бўлиши, шунингдек үсимлик қопламиининг асосан дарахтлардан ташкил топганлиги зона учун характерли белгилардан ҳисобланади. Үрмөн зонасида арктик ҳаво массаси илиқ денгиз ҳавоси ҳамда уртача кенгликдаги континентал ҳаво билан алмашиниб туради.

СССР территориясидаги үрмөнларнинг жанубий чегараси Львов — Курск — Калуга, Ока дарёси бўйлаб Рязань ва Горький, Қозон шаҳарлари орқали Вятка, Қама ва Оқ дарёлари бўйлаб Үфагача боради. Унинг чегараси Урал тоғидан бошланиб жануброққа бурилади, яъни Тагил — Ирбит — Тюмень — Томск-нинг жануброғидан утиб Олтой тоғи этакларига бориб туташади. Фарбий ва Урта Сибирь ерларидаги 46—50° лар бўйлаб, Узоқ Шарқда шимолий кенгликнинг 42° ни ўз ичига олади. Шундай қилиб, СССР территориясидаги үрмөн зонасининг кенглиги (эни) Фарбий Сибирда 600 км ни ташкил этса, Байкал кўли атрофифа 2300 км ни ташкил этади.

Зонанинг деярли кўпчилик қисми текисликдан иборат бўлиб,

Үрта Сибирда бир оз тепаликлар бор. Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқда эса тоғли рельефлар асосий қисмими ташкил этади. Ёғингарчилик 300 мм дан (Фарбий Сибирда) 700 мм гача (СССРнинг Европа қисмида), Узоқ Шарқда эса 1000 мм ни ташкил қиласди.

Буғланишнинг йиллик ўртача миқдори 350 мм ни, тайга ўрмонларида 500 мм ни, аралаш ўрмонларда эса 600—800 м ни ташкил этади.

Ёғингарчиликнинг буғланишга нисбатан кўплиги, тупроқнинг доим нам ҳолда бўлиши баъзи жойларнинг ботқоқланишига сабаб бўлади. Ўрмон зонасининг асосий ўсимлик типлари ва уларнинг ҳаёт шароитлари билан яхшироқ танишиш учун кичик зоналар бўйича СССР территорияси мисолида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Нинабаргли ўрмонлар кичик зонаси

Нинабаргли ўрмонлар яна доим яшил ёки тайга ўрмонлари ҳам дейилади. Нинабаргли ўрмонлар фарбдан шарққа томон ҷўзилган бўлиб, шимолий кенгликнинг 57—58° ларида жойлашган. У Үрта Сибирь ва Узоқ Шарқ чегарасида анча катта майдонни ташкил этади. Бу кичик зона ўзининг шимолий нуқтларида тундра зонасининг ўрмон-тундра кичик зонаси билан ва жанубий нуқталарини аралаш ўрмонлар кичик зонаси билан чегараланади. Нинабаргли ўрмонларнинг иқлими фарбий ва шарқий чегараларида илиқ, Шарқий Сибирь ўта континентал бўлиб, 300—500 мм атрофида ёғин ёғади.

Нинабаргли ўрмонлар географик жиҳатдан анча кенг тарқалган бўлиб, Европада, Шимолий Осиёда ва Шимолий Америкада катта территорияни эгаллайди ва шимолий кенгликнинг 57—58° ларини ўз ичига олади. Факат СССРдаги нинабаргли ўрмонлар 9 млн. км² дан ортиқ майдонни ёки дунё бўйича нинабаргли ўрмонлар майдонининг 70% ини ташкил қиласди. СССР территориясидаги ўрмонларнинг 73% ини нинабаргли ўрмонлар, 20% ини баргли ўрмонлар ва 7% ини бутазорлар ташкил этади.

Шимолдан жанубга томон умумий иқлим ва тупроқ шароитининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нинабаргли ўрмонлар кичик зонаси ўз навбатида яна 4 та кенжга зоналарга: сийрак нинабаргли, шимолий нинабаргли, ўрта нинабаргли ва жанубий нинабаргли ўрмонларга бўлиб ўрганилади.

Сийрак нинабаргли ўрмонлар зонаси нинабаргли ўрмон зонасининг энг шимолий нуқтасига жойлашган бўлиб, ўрмон-тундра кичик зонаси билан чегараланади. Бу кенжга зонача асосан ўрмон тундра кичик зонасига деярли ўхшаш бўлса ҳам, лекин Сибирь қарағайи (*Pinus sibirica*)нинг ўсиши ва типик арктик ҳамда алъипик ўсимликларининг йўқлиги билан ўрмон-тундрадан фарқ қиласди.

Нинабаргли ўрмон кичик зонасининг жанубий чегараси 4-кенжә зона, яъни жанубий нинабаргли ўрмонлар зоначасининг чегараси билан белгиланади. Бу кенжә зона ўрмон зонасининг аралаш ўрмонлар деб аталган кичик зонасига ўхшаб кетади. Мазкур кенжә зонада баъзи бир кенг баргли дараҳт турлари дарё бўйларида учрайди.

Юқорида кўрсатилган ҳоллар қарағай, пихта ва Сибирь қарағай үсадиган Европа ва Фарбий Сибирдаги барча нинабаргли ўрмонлар учун характерли бўлиб, Енисей дарёсидан шарққа томон бу қонуният бузила боради. Бунга асосан рельефнинг шарққа томон анча нотекисланиб бориши, торлик-тепаликларнинг учраши сабаб бўлади. Бу ерларда энди асосан Сибирь ва даур тилоғочидан ташкил топган оч яшил нинабаргли ўрмонлар учрай бошлайди. Аммо Азов ва Беринг денгизларига яқин келганда тўқ яшил нинабаргли қарағай ўрмонлари қайта тикланна боради. Шундай қилиб, шимолдан шарққа томон йўналганда тўртта кичик зона ажратилганидек, гарбдан шарққа томон З та кенжә зонага — *гарбий нинабаргли, Европа ва Farbий Сибирь тайга ўрмонларига ажратиш мумкин*.

Гарбий нинабаргли ўрмонлар Европанинг шимоли-гарбидаги жойлашган бўлиб, Скандинавия ярим оролидан Онега дарёси гача ва Кола ярим оролининг каттагина ерини ўз ичига олади. Бу ерларда оддий қарағай, фин қарағай (*Picea finnica*), қарағай (*Pinus sylvestris*, *Pjaronica*), қайн ва тоғтерак асосий ўрмон ҳосил қиувчи ўсимликлар ҳисобланади. Бу хилдаги ўрмонлар *нинабаргли ўрмонлар* дейилади холос.

Ҳақиқий тайга ўрмонлари Онега дарёси ва кўлидан бошланаади. Тайга ўрмонларини ташкил этувчи нинабаргилар тўртламчи даврда содир бўлган музликнинг орқага қайтиши натижасида Сибирнинг Олтой-Саян манбаидан тарқала бошлаган. Европа ва Гарбий Сибирь тайга ўрмонлари тарқалган жойда яна ўзига хос бир неча группачалар (Сибирь тайгаси, жанубий тайга, Ёкутистон тилоғоч тайгаси) пайдо бўлган.

Гарбий Европадаги нинабаргли ўрмонларни Европа тилоғочи (*Larix europaea*), оқ пихта (*Abies alba*) Пиреней ўрмонларини қарағайнинг (*Pinus uncinata*) тури ва Грецияда пихтанинг (*Abies serphalonica*) тури ташкил этади.

Шимолий Америка нинабаргли ўрмонлари. Улар Лабрадор ярим ороли ва Алясканинг каттагина қисмини ишғол этиб, гарбда Тинч океанигача, шимолдан жанубга ва Марказий Америкагача чўзилиб боради. Шимолий чегараларида текисликда, жанубий чегараларида эса тоғликлар учрайди.

Турлар сони хилма-хил бўлиб, булар орасида эндемик турлар ҳам бор. Шимолий Американинг нинабаргли ўрмонлари учун қўйидаги ўсимликлар: оқ қарағай (*Pinus alba*), бальзам пихтаси (*Abies balsamea*), Америка тилоғочи (*Larix americana*) банкс, веймут қарағай ҳамда сарик қарағай, чуганинг бир неча тури қизил дараҳт ёки секвоя, мамонт дараҳт (*Sequoia Sempervirens*,

S. gigantea), 玠арча (*Iuniperus*), дуглас пихтаси (*Pseudotsuga douglasii*) кабилар характерлиди. Пастки ярусларида жуда хилма-хил ўтлар ва замбуруглар билан бирга доим яшил магония (*Mahonia nervosa*) ва арбутус каби бутасимон дараҳтлар учрайди. Нинабаргли ўрмонлар эгаллаган майдонларнинг кўпчилиги подзол ёки бот-кок тупроқлардан иборат.

Шундай қилиб, Шимолий Америка ва Евросиёдаги нинабаргли ўрмонларда қарағай, пихта, тилооч, секвоя каби туркумларнинг бир неча турлари учрайди. Шунинг учун ҳам улар доминант ўсимликлар бўлиб ҳисобланади.

Нинабарглилар баъзи хусусиятларига кўра 2 та группага бўлинади. Биринчи группага қорақарағай, пихта, Сибирь қарағай кабилар киради. Қоронги ўрмонларни ҳосил қилувчи нинабарглилар, асосан, СССРнинг дарё ва тоф этакларидаги сернам озиқча бой гил тупроқларда ўсиб, қоронги ўрмонзорларни ташкил қиласди.

Иккинчи группага оддий қарағай (*Pinus silvestris*) ва тилооч (*Larix europaea*) кабилар киради. Улар одатда унумдорлиги паст тошли ва тошлоқ тупроқларда ўсади, барглари ёруғликни ўзидан тупроқ бетига кўп ўтказади. Шунинг учун бундай дараҳт турлари ёруғ ўрмонларни ташкил қиласди.

Қуруқ, таркибида озиқ моддаси кам қумли тупроқларда ўсуви чинабаргли ўрмонларнинг энг пастки қаватида қалин лишайникзорларни, ўртача нам унумдор тупроқлардаги ўрмонлар остида яшил моҳлар, ниҳоят, сернам ва озиқ моддаларга бой тупроқли ўрмонларда бир неча хил ўтлар, буталар ўсади. Ботқоқ тупроқли ўрмонлар остида каккузигир моҳи ва торф моҳи (сфагнум моҳлари) кўп ўсади. Нинабаргли ўрмонларда юксак ўсимликлардан ташқари жуда кўп миқдорда замбуруглар ва бактериялар учрайди. Улар тупроқ микрофлорасини ташкил этувчи асосий вакиллардир.

Қоронги ўрмонларни ҳосил қилувчи чинабарглилар, асосан, СССРнинг Ёвропа қисмида ва Олтойда, қисман Фарбий Сибирда, Узоқ Шарқда, Қавказ ва Ўрта Осиёнинг төғли районларида учрайди.

Ёвропа қисмида бундай чинабаргли ўрмонлар асосан қорақарағай — яшил моҳ қопламидан ташкил топган бўлиб, бу ерда буталардан черника, голубика, бруслика, ўтларидан кислица майник, седмичник, гудайера, грушанкалар, ортилия, ўрмонгерани, линнея, однокветка, калипсо, спорали ўсимликлардан бир неча тур плаунлар, қирқбўғим, папоротниклар ва бошқалар ўсади.

Тайга ўрмонларининг жануброғида баъзан елник-зеленошник қоплами кислица (*Oxalis acetosella*), тукли қиёқ (*Carex pilosa*), зеленчук (*Galeobdolon luteum*), юлдузёт (*Stellaria holostea*), асорун, туёқёт (*Asarum europaeum*), спорали ўсимликлардан жигарсимон моҳ (*Hepatica nobilis*), эркак папоротник (*Dryopteris filix-mas*) лардан ташкил топади.

Ботқоқли қорақарағайзорларда баъзан қайин дарахти ҳам ўсади. Тупроқ устини оқ мөх ёки сфагнум мохлари, каккузиғирмохи кабилар қоплаб олади. Ўрмоннинг иккинчи ярусини тол, калина ва крушина каби дарахтлар ташкил этади. Ўндан кейинги ярусни буталардан багульник, черника, голубика ташкил этади. Ўндан кейинги пастроқ қаватни ўт ўсимликларидан қиёқларнинг бир неча тури (*Carex globularis*, *C. conescens*, *C. diapergma*), сабельник (*Camassia palustre*), скерда (*Crepis Paludosa*), морошка (*Rubus chamaemorus*), айиқтовон (*Ranunculus lapporigenicus*) ва бошқалар ташкил этади. Шундай қилиб, нинабаргли ўрмонлар баъзан 4—5 та ярудан ташкил топади.

Тайга ўрмонларининг аралаш ўрмонлар қичик зонасига яқин ерлари қорақарағай, баъзан аргувон, эман, заранг, ильм (қайрағоч) каби дарахт зотлари ва земляника (*Fragaria vesca*), медуница (*Pulmonaria obscura*), эгоподиум (*Algodopodium podagraria*) каби ўтлардан ташкил топган.

Фарбий Сибирь тайга ўрмонларида ҳам Европадаги қорақарағай ўрмонлари сингари тупроқ баъзи жойларда ботқоқланган ёки ботқоқланмаган бўлиб, ўсимликлар қопламига кўра Европа қорақарағай ўрмонларига ўхшашдир. Нинабаргли ўрмонларда ўсуви чиқириш кўп йиллик ўтсимон гулли ўсимликлар вегетатив кўпаяди, кўпчилиги эса қишида ҳам яшил баргли бўлади, кўпчилик турларнинг гуллари оқ ёки очиқ пушти рангга эга, уруғлари ниҳоятда енгил бўлиб, ҳаво оқими ёрдамида жуда осонлик билан тарқалади. Бу хилдаги хусусиятлар уларнинг мосланиш белгилари ҳисобланади.

Қорақарағай туркумининг Европа қорақарағай (*Picea excelsa*) деган тури ва қисман фин қорақарағай (*Picca fennica*) асосан Европада кенг тарқалган. СССР нинг шимоли-шарқий Европа қисмида, Сибирда Сибирь қорақарағай (*Picea obovata*) деган тури кенг тарқалган. Бу ерда Сибирь қорақарағай билан бирга Сибирь қарағай (*Pinus sibirica*) ҳам учрайди.

СССР территориясидаги нинабаргли ўрмонларнинг 72 млн. га майдонини ёки 16% ини қорақарағайзорлар эгаллайди ва одатда улар якка дарахтлардангина ташкил топмасдан, бир неча бошқа ўсимликлар билан биргаликда ўсиб маҳсус қоплам ҳосил қиласиди. Шу қопламнинг юқори ярусида қорақарағай дарахти, энг пастки ярусида эса мохлар асосий ўринни эгаллайди. Ўрта ярусларда бир неча хил буталар ва кўп йиллик ўтларни кўриш мумкин.

Шундай қилиб, СССР территориясидаги қорақарағай ўрмонларида муайян бир қоплам ҳосил қилиши билан фарқлашадиган бир неча ўсимлик группалари кўзга ташланади. Бу хилдаги группаларнинг ҳар бири *ассоциация группаси* деб юритилади. Бундай ассоциация группаларидан фақат оддий қорақарағай ўрмонларидагина қўйидагиларни кўрсатиш мумкин (39-расм).

1. Қорақарағай яшил мөх ёки елник — зеленошниклар



39- расм. Қорақарағай үрмөнларидаги тип ва ассоциацияларнинг рельефга қарб жойланиши:

1 — қорақарағай — брусника, 2 — қорақарағай — кислица, 3 — қорақарағай — черника,
4 — қорақарағай — ўтзор, 5 — қорақарағай — долгомошник мохи, 6 — пакана қарағайли
сарангум ботқоғи ассоциациялари.

ассоциация группаси. Бу ассоциация группаси ўз навбатида елник — кисличник, елник — брусличник, елник — черничник каби ассоциацияларга бўлинади. Бу хилдаги ассоциацияларнинг ҳаммасида энг юқори ярусни қорақарағай эгалласа, иккинчи ярусни кислица, брусики ёки черникадан ташкил топган буталар эгаллайди. Ниҳоятда учинчи — энг пастки ярусни зеленомошник деб аталувчи яшил мохлар ташкил этади.

2. Елник — долгомошниклар ассоциация группасидан елник-долгомошник асосий ассоциация бўлиб, сернам текисликларда учрайди. Биринчи ярус қорақарағай ва остки каккузифирмохидан ташкил топади. Қорақарағай танасида бородач деб аталган лишайник кўп учрайди.

3. Елник-сфагнумлар ассоциация группасидан қорақарағай оқ мох ассоциацияси асосий үрин олади. Биринчи яруде қорақарағай ва пастки ярусида сфагнум (оқ) мохлари учрайди. Бу ерда ўсувчи қорақарағайлар анча ноқулай шароитда ҳаёт кечиради, чунки сфагнум мохлари учрайдиган жойлар ботқоқланана боради. Баъзи бир пасттекисликлар ва нотекис дўнгликлардан иборат бўлган жойларда қорақарағай — қиёқ — оқ мох ассоциациясини учратиш мумкин. Бунда 2- ярусни қиёқ ва 3- ярусни оқ мох эгаллайди.

4. Ботқоқли қорақарағай ўтзорлар ассоциация группаси. Бу ерга асосан қорақарағай — ўтли — оқ мохлар ассоциацияси характерли. Иккинчи ярусида учрайдиган баъзи буталар ва ўтлар жуда сийрак бўлиб, учинчи ярусида учрайдиган оқ мохлар жуда яхши ривожланади. Бу хилдаги үрмөнларда ҳам тупроқ ботқоқлашган бўлади.

5. Елник — дубзорлар ассоциация группаси. Бу хилдаги үрмөнларда эман, аргувон каби кенг баргли дарахтлар қарағайлар билан биргаликда учрайди. Ўтларнинг кентбаргли үрмөнларга хос бир қанча турлари (ясменник, пролеска, азарум, ландиш ва бошқалар) учрайди. Бундай үрмөнлар анча жануб-

да жойлашган ва кичик аралаш ўрмонлар зонасига ўтишдан дарак беради.

6. Елник-лишайниклар ассоциацияси. Бу хилдаги ўрмонлар, асосан, қорақарағай ўрмонларининг ўрмон-тундра кичик зонаси билан чегараланадиган жойларида учрайди, яъни нинабаргли ўрмонларнинг энг шимолий нуқталари учун хосдир.

Юқорида күрсатилган ассоциация группаларидан ташқари қорақарағай ўрмонларида яна бошқа ассоциация группалари ҳам мавжуддир.

Хар бир ассоциация группаси ўз навбатида бир неча ассоциациялардан ташкил топган бўлади.

Шундай қилиб, қорақарағай ўрмонларининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат.

Ўрмонлардаги ўт ўсимликлар асосан вегетатив йўл билан кўпаяди, гуллари оқ бўлади. Бу эса уларнинг ҳашаротларни ўзига жалб этишга мослашганлигидан дарак беради. Коронги ўрмонларда баҳорги эфемер ўтлар учрамайди.

Бу ердаги баъзи ўсимлик — подъельник, ладъян ва надбородник сапрофит ҳолда ҳёт кечиради.

Оддий ва Европа қарағайи бутун Европада, Сибирь қорақарағайи деб аталувчи бошқа тури эса СССР Европа қисмининг шимоли шарқида ва Сибирда кенг тарқалган. Тайга ўрмонларидан қорақарағайдан ташқари Сибирь пихтаси ва Сибирь қарағайи каби нинабаргли дараҳтлар учрайди.

Қорақарағай ўрмонларидан ташқари Евросиёда оддий қарағайдан ташкил топган қарағай ўрмонлари ҳам кенг тарқалган. Оддий қарағай худди оддий қорақарағай учун характерли бўлган ассоциация группаларидан ташкил топган, лекин қарағайзорлар таркибида озиқ моддаси кам ва бирмунча қуруқ бўлган қумли тупроқ жойларда учрайди.

Қарағай ўрмонларидаги ўсимликлар жамоаси (ассоциация группалари) 40-расмда кўрсатилган ва қарағай ўрмонлари ҳа-



40-расм. Қорақарағай ўрмонларидаги ассоциациялар:

1 — қорақарағай беломошник моҳи, 2 — қарағай — бруслика, 3 — қарағай черника, 4 — қарағай долгомошник моҳи, 5 — қарағайли сфагнум ботқоқлари.

қида гапирганда бу икки дараҳти турининг ўзаро муносабати ҳақида тұхталиб ўтиш зарур.

Қорақарағай дараҳти дастлабки йилларда секин үсади, кейинчалик эса тезлаша боради. У сояға чидамли ўсимлик бұлгани учун дастлаб бошқа нинабаргли дараҳтлар билан биргалиқда ўса олади, лекин унда ўқ илдиз бұлмаганлыгидан ён илдизлари тупроқнинг юзароқ қатламиға тарағаны үсади.

Қарағай ўқ илдизли, ёруғсевар ва совукқа чидамли бұлғанлыгидан қорақарағайға караганда яхши ўсиб кетади.

Хозирги пайтада СССР да 109,5 млн. га нинабаргли ўрмонлар бор. Унинг 40% ини фақат қарағай ўрмонлари ташкил қиласы. Қорақарағай ва қарағай ўрмонларидан ташқари тайга ўрмонлари кичик зонасида *пихта ўрмонлари*, *кедр ўрмонлари* ва *тилоғоч ўрмонлари* каби группаларни ҳам үчратиш мумкин. Бу хилдаги ўрмонлардан, масалан, тилоғоч ўрмонлари СССР да 274 млн. га ни ишгол қиласы ва у, асосан, Сибирда күп үчрайди. Чунончи, бундай ўрмонларда тилоғочнинг бир неча турлари баъзи турдаги буталар билан бир неча ассоциацияни, масалан, тилоғоч-толокнянка, тилоғоч-брұсника, тилоғоч-багульник, тилоғоч-моҳ кабиларни ташкил қиласы.

Верешатниклар. Фарбий ва Шимоли-фарбий Европада, чунончи Шимолий Франция, Бельгия, Голландия, Ирландия, Дания ҳамда Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикасининг шимолий районлари бүйлаб, Болтиқ денгизи бүйида, Скандинавияда маҳсус ўсимликлар типини әжратиш мумкин. Бу типни ташкил этувчи ўсимликларнинг барглари доимо яшил, анча дағал ва кичик бўлиб, кўпинча бутасимон ва чала бутасимон вакиллардан иборат. Улар асосан верескдошлар оиласига киравчи ўсимликлар бўлиб, барглари одатда майда ва зич жойлашган, нинасимон. Бу хилдаги бартузишига эга бўлган ўсимликлар одатда *верешатниклар* деб аталади.

Верешатниклар одатда салқин ва нам океан иқлими ҳамда подзоллашган құмли ва торфли тупроқлар мавжуд бўлган Атлантика океани бўйидаги областларда учрайди. Бу хилдаги жойлар Европада жуда күп. Верешатниклар типидаги бундай группа ўсимликлар қарағай ўрмонларининг қирқилиши ва ёнғинлар натижасида очилиб (бұшаб) қолган майдонларда иккиламчы ўсимликлар сифатида пайдо бўла бошлидиди. Бундай жойларни ўзлаштириш ва уларни маданий экинлар майдонига айлантириш анча қулайдир.

Шундай қилиб, верешатниклар группасини ташкил қилишда верескдошлар оиласи вакилларидан ташқари әмнитрадошлар, миңтадошлар, дукқадошлар каби оилаларнинг вакиллари ҳам иштирок этади. Бу жойларда энг күп учрайдиган ўсимликлардан эрика (*Erica tetralix*), вереск, толокнянка, водяника, бруслана, черника, голубика ва арча (*Iupíperis communis*) кабилаларни кўрсатиш мумкин. Тупроқ бетини хилма-хил лишайниклар ва моҳлар қоплаган бўлади.

Аралаш ўрмонлар кичик зонаси

Бу кичик зонанинг асосий қисми Шарқий Европа текислигидә жойлашган. У Скандинавиядан бошланади. Фарбий Европадаги ва Шарқдаги тайга ўрмонлари ўзининг жанубий чегараларида баъзи бир кенг баргли дараҳтлар билан бирғаликда учрайди. Бундай жойларда эман, заранг, аргувон, шумтол, қайрағоч, каби кенг баргли дараҳтлар қорақарағай, пихта каби нинабаргилар билан бирга ўсади. Бундай майдонлар Болтиқ денизи бўйидан бошланиб, СССР нинг Европа қисми ва Урал тоғигача ингичка минтақа ташкил қиласи. Қорақарағай-эман ўрмонлари, хусусан СССР нинг Псков, Калинин, Москва, Рязан областларида, қорақарағай-пихта-эман ўрмонлари эса Горький области, Чувашистон ҳамда Татаристон автоном республикалари терриориясида кенг тарқалган. Бундай ўрмонларда юқорида кўрсатилган кенг баргли ўсимликлардан ташқари четан (рябина), ўрмон ёнғоғи (орешник), итжумрут (крушина), учқат берескелет каби буталар, медуница, қўзигул қарғатуёқ, ландиш, илончирмовиқ сингари ўтлар ҳам учрайди.

Болтиқбўйи республикаларининг баъзи областлари, Фарбий Белоруссия ва Карпатда нинабаргилар қорақайин ва граб каби кенг баргли дараҳтлар билан бирга ўсади.

Аралаш ўрмонлар кичик зонасининг мавжудлигини музлик даври ва ундан кейинги даврда нинабаргилар билан кенг баргли ўсимликлар ўртасидаги таъсирнинг натижаси деб ҳисоблаш керак. Музлик даври тугагач кенг баргли ва нинабаргли ўрмонлар шимолга қараб силжий бошлаган. Кейинчалик иқлимининг бир оз салқинлаша бориши, намликтининг ортиши натижасида қорақарағай ўрмонлари яна жанубга томон қайтиб, эман ўрмонларини сиқиб чиқара бошлаган. Бу процесс ҳатто ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Шимолий Америкада аралаш ўрмонлар Атлантик океаннинг шарқий соҳилида нинабаргли дараҳтлар кенг баргли дараҳтлар билан бирга ўса бошлади. Бу ерда заранг, аргувон, шумтол, қорақайин, эман, тогтерак, бальзам терак, оқ қайнин, лола дараҳти бальзам пихтаси, веймут қарағайни каби нинабаргилар билан бирга учрайди.

Аралаш ўрмонлар таркибида 5—6% чиринди бўлган қорамтири чимли подзол тупроқли районларда ўсади.

Баргли ёки ёзда яшил ўрмонлар кичик зонаси

Баргли ўрмонлар учламчи даврда турларга жуда бой бўлган. Тўртламчи даврга келиб турлар сони камайган. Бу хилдаги ўрмонлар баъзан ёзда яшил ўрмонлар деб ҳам юритилади. Баргли ўрмонлар одатда барги кенг (йирик) бўлган дараҳтлар ҳамда барг пластинкаси анча кичик бўлган дараҳтлардан таш-

кил топган. Шунга кўра улар кенг баргли ўрмонлар ва майдада баргли ўрмонлар деб аталувчи кенжка группаларга бўлинади.

Баргли ўрмонлар деярли шимолий ярим шарда кенг тарқалган бўлиб, асосан денгиз иқлими таъсирида ривожланади.

Баргли ўрмонлар қисман Шимолий Америкада ва, асосан, Фарбий Европада тарқалган бўлиб, ўзининг шимолий чегарасида аралаш ўрмонлар билан тулашиб, жанубга томон йўналади. У СССР териториясининг гарбий қисмидан Уралгача, шунингдек, Кримда, Кавказда, Узоқ Шарқда, Манчжурияда, Хитойнинг шарқида, Камчаткада, Сахалинда, Шимолий Япон оролларида тарқалган. Баъзи жойларда у экстразонал характерга эга бўлиб, дашт зонаси чегарасига кириб боради. Шимолий Америка ва Евросиёда баргли ўрмонларни ташкил этишда бир неча тур эманлар иштирок этади.

Баргли ўрмонлар учун ҳар йили кузда баргларининг тўкилиб туриши, бир неча туркумга мансуб бўлган дарахтларнинг мавжуд бўлиши ва бир неча ярусли дарахт буталаридан ташкил топиши характерлидир. Ўт ўсимликлар ҳам турларининг хилма-хиллиги ва ҳаёт кечиришида турли-туман мосланишларга эга бўлиши билан нинабаргли ўрмонлардан фарқ қиласди. Ҳар йили кузда хазонрезликнинг бўлиши ва ерни хазон билан қопланиши бу ўрмонларда моҳ-лишайниклар қаватини ривожланмаслигига сабаб бўлади. Моҳлар ва лишайниклар кўпинча дарахтларнинг танасида ёки шохларидаги ривожланади.

Баргли ўрмонлар кичик зonasининг иқлим ва тупроқ шароити нинабаргли ўрмонлар учун бирмунча қулайдир. Масалан, бир йилда деярли 4 ой температура $+10^{\circ}$ дан юқори бўлиб туради. Энг иссиқ ойда ўртacha температура $+13$ ва $+23^{\circ}$ ни, совуқ ойда эса -6°C ни ташкил қиласди. Ёнгарчилик, асосан, вегетация даврида кузатилади ва бу вақтда ойига 100—130 мм миқдорда ёғин ёғади. Шундай шароитнинг мавжудлиги баргли ўрмонларда жуда кўп ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланишига имкон беради. Бу ерда ўсадиган ўсимликлар мезофит ўсимликлардир. Кўнчилик дарахтларнинг барги кенг ва нозик бўлиб, улар кузга томон температуранинг пасайиши натижасида сарфайиб тўкила бошлайди. Қишики совуқлардан сақланиш учун дарахтларнинг танаси қалин пустлоқ ҳосил қиласди ва куртаклари пустга үхшаш тангача пардалар билан қопланади.

Йилнинг баҳор ва куз мавсумида ёруғлик нурининг таъсири ортади. Баҳор пайтида ёруғлик кўпинча эрта кўкламда ривожланадиган эфемероид ўсимликларга фойдали таъсири кўрсатса, кузги ёруғевар дарахтларнинг баргини тезроқ тўкилишига таъсири этади. Натижада куздан бошлаб келгуси йили баҳоргача бундай ўрмонларда «бойчечаклар» деб аталган маҳсус группа ўсимликлари ўсади. Кенг баргли ўрмонларда дарахтлар, буталар ва кўп йиллик ўт ўсимликлар ёз мавсуми давомида ўсиб ривожланади. Ўт ўсимликлар ёз мавсумида ўрмонларнинг паст-

ки қисмига ёруғликнинг тушмаслиги сабабли, ўз ҳаёт процессларини ёруғлик етарли даражада бўлган куз-қиши ва баҳор фаслида тугаллашга мослашган.

Бойчечаклар группасига кирувчи кўп йиллик ўт ўсимликларнинг пиёзи, тугунағи ёки илдизпоясида куз-қиши давомида куртаклар чиқа бошлайди ва, ҳатто қишининг иккинчи ярмида уларнинг ер остики органларида ёш ўсимталар ҳосил бўлади. Куз-қиши фасли давомида хазон барғлар ва қалин қор катлами туфайли ер бети музламайди. Бу эса кўпгина ўсимликларни шу фаслда ўсишига имкон беради. Шундай қилиб, баҳор бошланиши билан бойчечаклар тезда қор қатламини ёриб чиқиб гуллай бошлайди ва уруғ ҳосил қиласди (41-расм). Уларнинг гуллари жуда



41-расм. Эрта баҳор (апрель ойи) да бойчечак пояси ва баргининг қор қатламини ёриб чиқиши.

очиқ ва чиройли булиб, ҳашаротларни ўзига жалб қиласди. Июнь ойидан бошлаб эса тиним даврига ўтади.

Шундай қилиб, баргли ўрмонларда ўсуви турли ўсимликлар турлича ҳаёт кечиришга мослашган.

Дараҳтларнинг айримлари қорақайин (эман, тоғтерак) эрта баҳорда барг ёзгунча гуллаб, шамол ёрдамида чангланади*. Шунинг учун ҳам уларнинг гуллари ҳидсиз, кўримсиз, рангсиз, майда булиб, ҳалқасимон тупгул ҳосил қиласди; бошқа бирлари (заранг, аргувон) ёзниң ўрталарида гуллаб ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Бу хилдаги ўсимликларнинг гулида ширадонлар мавжуд булиб, ҳашаротларни ўзига жалб этади. Баргли ўрмонларда ёз мавсуми давомида гуллаб уруғ ҳосил қилувчи кўпгина бута ва ўт ўсимликларининг гули очиқ рангли бўлади

* Шамол ёрдамида чангланувчи ўсимликлар гулида жуда кўп миқдорда чанг ҳосил бўлади. Масалан, пиндиқ (ўрмон ёнғоги) ўсимлигини иғ биргина эркак гулида 4 млн. чанг ҳосил булиши аниқланган.

ёки ширадонларга эга бўлиб, улар ҳам ҳашаротларни ўзига жалб этади.

Баргли ўрмонларда ўсувчи ўсимликларнинг уруғ ва мевалари ҳам турли йўллар билан тарқалади. Бута ўсимликларининг уруғ мевалари кўпинча қушлар ёрдамида, дараҳтларники шамол ёрдамида ва ўт ўсимликларининг уруғ-мевалари чумолилар, қурт-қумурсқалар, кемирувчи ҳайвонлар ва қисман қушлар ёрдамида тарқалади.

Баргли ўрмонларда ҳам нинабаргли ўрмонлардаги сингари асосий манзара ҳосил қилувчи ўсимликлар дараҳтлардир. Ўрмон ҳосил қилишда қатишадиган дараҳтлар асосан қўйидагилар ҳисобланади:

Кенг баргли дараҳтлар қорақайиндошлар оиласининг қорақайнин, эман, граб, ўрмон ёнғоғи, каштандошлар оиласининг каштан, қайрағочдошлар оиласининг қайрағоч, зарангдошлар оиласининг заранг, жўқадошлар оиласининг жўка, зайдундошлар оиласининг шумтол каби туркум вакилларидан ташкил топган.

Кичик баргли дараҳтлар асосан қайиндошлар оиласидан қайин, ольха, толдошлар оиласининг тол, осина ёки тоғтерак ва чозения каби туркум вакилларидан иборат.

Шимолий Америка, барча Европа мамлакатлари, шунингдек, СССР территориясида учрайдиган баргли ўрмонлар бир неча хил ўрмон типларини ҳосил қилади. Биз қўйида ўрмон ўсимликлари жамоаси ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш мақсадида эман ўрмонлари ва қорақайнин ўрмонлари ҳақида бир оз тўхтаемиз.

Қорақайнин ўрмонлари қисман Шимолий Америка, Япония, ва асосан, Фарбий Европа учун характерли бўлиб, унинг текислик қисмida жумладан, Фарбий Украина ва Молдавия республикаси территориясида жуда кенг тарқалган. Қrim ва Кавказда қорақайнин ўрмонлари юқори миңтақаларда жойлашган. Масалан, Болқон ярим ороли атрофидаги ўрмонлар майдонининг 40% ини, Франция, Дания ва Швецарияда 20—30% ини қорақайнин ўрмонлари ташкил қилади. Украина ва Молдавия республикалари территориясида 2,5 млн. га майдонни қорақайнин ўрмонлари эгаллайди.

Фарбий Европада, асосан, Европа қорақайнин ва шарқий қорақайнин кенг тарқалган бўлиб, улар ёруғликни тутиб қолувчи ўсимлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ерлардаги қорақайнин ўрмонлари тагида ёз мавсумида ўт ўсимликлари ўса олмайди. Шу сабабли бундай ўрмонлarda баҳорги эфемероидлар яхши ўсиб ривожланади. Баҳорги эфемероидлардан ветренница ёки қарғатуёқ, галантус кабилар жуда кўп учрайди. Қорақайнин ўрмонларида қорақайнин дараҳти билан бирга кўпинча нинабарглилардан Европа пихтаси, қорақарағай кабилар учрайди. Ёзда вегетация қилувчи ўт ўсимликлардан ясменник, вероника, зубянка, хохлатка, вербейник, ёзвойи пиёз кабилар, буталардан учқат кўп учрайди.

Шимолий Американинг шарқий штати ва Канадада қоралайин ўрмонлари америка букидан ташкил топган. У билан бирга шакар, заранг ҳамда лиана ҳолидаги ёввойи ток учрайди.

Японияда букнинг икки тури (*Fagus sieboldii* ва *Fagus japonica*), Шарқий Осиё эса энглер қорақайини ва узун бандли қорақайин тарқалган.

Эман ўрмонлари Фарбий Европада, СССР нинг Европа қисмida Узоқ Шарқда, Шарқий Осиёда ва Ўрта денгиз атрофида баъзан фақат эман дараҳтидан иборат соф ўрмонлар ҳосил қилади. Кўпинча эса эман ўрмонларида эман билан бирга биринчи ярусда шумтол, дала заранги, қайрағоч, аркеуғон, қорақайин, граб, қайн кабилар; иккинчи ярусда татар заранги, ёввойи олма, черемуха, тоғтерак, қандоғоч ва баъзан қарағай ҳамда қорақарағай учрайди. Эман ўрмонларининг учинчи ярусида кўпинча ўрмон ёнғоги, берескелет, четан, черника, дашт оличаси, бузина, калина, учқат, итбурун каби кичик дараҳтлар, буталар ва снит, медуница, ясменник, зеленчук, кислица, азарум, қўнфироқгул, ландиш, илоқ, ялтирбош, пролесник, асперула, юлдузӯт, бинафша, қўнфирибош, бетага, аломатчой, скутеллария, папоротниклар каби кенг баргли, кўп йиллик ўт ўсимликлар, шунингдек, бойчекак, ветреница, чистяк, хоҳлятка, зубянкалар каби бир қанча баҳорги эфемероидлар учрайди.

Шимолий Америка баргли ўрмонлари. Бундай ўрмонлар Атлантик океан атрофидаги территорияларда учраб, шимолдан жанубга томон ҷузилади. Фарбда эса ўрмон-дашт кичик зонаси билан чегараланади. Бу ердаги эман ўрмонларида эман билан бирга заранг, аргувон, каштан, бук, ликвидамбар, писса, лола дараҳти, ёнғоқ, кария, чинор бир неча тур заранг (*Acet saccharum*, A. *sybicum*, A. *negundo*, A. *pensylvanicum*), қатранги кабилар ўсади.

Ўрмоннинг пастки яруси маклюра, заранг, аргувон, нок, олма, эман каби туркумларнинг бир неча турларидан ташкил топган. Лиана ҳолида эса ёввойи токнинг бир неча тури учрайди. Ўрмон дараҳтларининг пастки яруси зирк, чубушник, ольха, калина, тобулғи, смородина, малина, черемуха, наъматак кабиларнинг турларидан иборат. Шимолий Америкадаги баргли ўрмонлар лаврентия, аппалачи ва жануби-атлантик ўрмон каби районларга бўлиб ўрганилади. Бундай ўрмонларда ҳар йили дараҳтларнинг барги тўқилиб чирийди. Шунинг учун ҳам бу ерлардаги қўнфир тупроқлар органик чириндига бой бўлади.

Осиёдаги барғли ўрмонлар. Хитой, Япония ва Узоқ Шарқнинг жанубий қисмида кенг баргли ўрмонлар мавжуд бўлиб, улар ўзининг жанубий чегараларида, яъни Уссурия ўлкасида субтропик ўрмонлар билан туташади.


Узоқ Шарқдаги баргли ўрмонлар жуда ўсимликларга бой. Булардан монгол эмани, Амур ва Манчжурия аргувони, Манч-



42-расм. Узок Шарқдаги көнг барлық даражалардағы баязын дарахт зоналары:

1 — амур липасы (жүйесі), 2 — шымд. ғанниң, 3 — манчжурия ёнғоғи, 4 — чолочан, 5 — шур бахмал (бархат) дарағы, 6 — манчжурия зарзаты, 7 — шыныда борғазарын, 8 — пирит мөвлий қайрағоч, 9 — мақимозиң тегары.

журия шумтоли, граб (*Carpinus cordata*), Манчжурия ёнғоғи, бахмал дарахт ёки Амур пүкак дарахти ва қайрағочнинг бир неча тури кенг тарқалган (42-расм), лианалардан ёввойи ток, аристолохия, актинидия, смилакс, пищ, қулмоқ (хмель), илонпечак, лимонник кабилар күп учрайди, буталардан учқат (шилви), акантопанакс, бересклет, чубашник, аралия, элеутерококк кабилар бор. Үт үсімликлардан ҳилол ёки илоқнинг баъзи турлари (*Carex ussurensis*, *C. lanccolata*), шувоқлар (*Altemisia stolonifera*, *A. lacinata*), аденофора, турбит, савсаргул, марьянник,



43-расм. Узок Шарқ ўрмонларидағи баъзи ўт ўсимликлар:

1, 2, 3 — эман ўрмонларидағы эфемероидлар; 1 — зубянка, 2 — черемша (пібэ), 3 — езъ-
фар; 4 — кислица, 5 — джефферсония, 6 — аризепа, 7 — каулофиллум, 8 — скутлла-
рия, 9 — жень-шень.

бир неча тур бурчоқлар, марваридгул (ландиш) ва шунга үхшаш бошқа үтларни учратиш мүмкін (43-расм).

Баргли ўрмонлардан қайин ўрмонлари Фарбий Сибирда, Камчаткада, әман-заранг-арғувон ўрмонлари Амур, Шимолий Уссурия ва Осиёда учрайди.

Шунингдек, кенг баргли ўрмонлар Қавказда (әман ва эмап-граб ўрмонлари), Ўрта денгиз атрофида (әман ўрмонлари) тарқалган.

Уссурия үлкасидаги ўрмонлар энг қадимги ўрмонлардан хисобланади. Музлик даврида бу ерларга музлик келиб етмаган. Шунинг учун илиқ иқлими бу жойларда учламчи даврда яшаган баъзи ўсимликлар ҳозирги кунгача сақланиб келган. Улар ўз вақтида жуда кенг тарқалган бўлишига қарамасдан, кейинчалик умумий иқлим шароитининг ноқулайлашиб бориши натижасида ҳозирги кунда бу хилдаги ўсимликлар майдони жуда қисқариб кетган. Шунинг учун ҳам Уссурия үлкасидаги баъзи ўсимликлар ноёб ҳисобланади.

Майда баргли ўрмонлар. Майда баргли ўрмонларда қайин, тоғтерак, қандағоч каби ёруғсевар, беор ва тез ўсуви ўсимликлар учрайди. Фарбий Сибирь текислигига учрайдиган қайин (тоғтерак) ўрмонлари асосан бир неча тур қайниндан ва тоғтеракдан ташкил топган. Бундай ўрмонларда черемуха, четан, тол, наъматақ кабилар иккинчи ва учинчи ярусни ташкил қиливчи кичик дараҳт ва буталар ҳам учрайди. Үтлардан эгоподиум, костянника, илоқ, володушка, қўзи қулоқ, санчиқут, орляк попоротниги кабилар учрайди.

Камчатканинг Охота денгизи атрофида Сахалин ва Курил оролларида тош қайин сийрак бўлса-да, катта-катта майдонларда ўрмонлар ҳосил қиласди. Бундай ўрмонларда үтлардан дудник, боршевик, крестовик, каламогростис ёки сохта қамиш кабилар ўсади.

Ўрмон зонаси ўсимликларининг хўжалик аҳамияти

Тилоғоч (Larix) бўйи 30—45 м ли дараҳт, 500—900 йил яшайди, ёғочи намга чидамли. Лак-бўёқ саноатида ундан терпентин олинади. Пўстлоридан ошловчи (дубил) моддалар, бўёқ ва эфир мойлари олинади. Тез ўсувланилиги ва серунум хом ашё бериши билан энг самарали ўсимлик ҳисобланади. СССР териториясидаги ўрмонлар майдонининг 40% ини тилоғоч ўрмонлари ташкил қиласди.

Қарағай (Pinus) — бўйи 20—40 м келади, 200—300 йил яшайди, ёғочи енгил, қаттиқ ва чидамли. Қарағай ўрмонлари тупроқни ювилиб кетишдан сақлайди.

Химия саноатида қарағай сақичидан смола, скипидар ва канифол олинади.

Сибирь қарағайнинг уруғидан олинадиган мой медицинада ва консерва саноатида ишлатилади; қарағай куртакларида фитонцид модда бўлгани учун улардан дизенфекция қилувчи ва

нафас олишни енгиллаштирувчи восита сифатида фойдаланилади.

Қорақарағай (*Picea*) — бүйи 20—30 м, 250—300 йил яшайды, ёғочи қофоз-целлюлоза, қурилиш саноатида ишлатилади. Ёғочидан гидролиз йўли билан этил спирт, ацетон, глицерин, витамин С ва ҳоказолар олинади.

Пихта (*Abies*) — бўйи 30—40 м, 200—500 йилгача яшайди, танасида, пўстлоғида, баргида смола ва эфир мойлари жуда кўп. Айниқса, ёш шохчалари ва унинг баргларидан олинган мойда 30—40% гача борнилацетат бор. Ундан борнеол спирт ва камфора мойи олинади. Пўстлоғидан ойналарни ширачловчи бальзам олинади.

Тис (*Taxus*) — бўйи 30 м келадиган нинабаргли дарахт, 3000—4000 йил яшайди, ёғочи қаттиқ, секин чирийди. Ёғочи дурадгорлик ва машинасозликда ишлатилади. Барги, пўстлоғи ва ёғочида заҳарловчи токсин алколоиди бор.

Қайнин (*Betula*) — бўйи 25—30 м келадиган дарахт, 400 йилгача яшайди. Ёғочи жуда юқори сифатли бўлади. Қайниннинг куртаги ва гуллари медицинада (суяк сингандга оғриқни босадиган восита) ҳамда парфюмерияда (помадалар тайёрлашда) ишлатилади.

Эман (*Quercus*) — бўйи 30—40 м га етадиган, 50—100 йил яшовчи дарахт. Ёғочи юқори сифатли, пўстлоғи ва узунчоқ ёнғоқ шаклидаги мевалари медицинада (ичак касалликларини даволашда, қон тўхтатувчи ва заҳарланганда фойдаланувчи восита сифатида) ишлатилади. Ёғочдан ошловчи моддалар олинади.

Жўка (*Tilia*) — 300—400 йил яшайди, бўйи 25—30 м гача етади. Ёғочи анча юмшоқ бўлиб, дурадгорчиликда ишлатилади. Арғувон гули шираға бой. Гулидан ликёр ва конъяк тайёрлашда фойдаланилади.

Заранг (*Acer*) — бўйи 25—30 м келади, 100—150 йил яшайди. Ширали ўсимлик. Ёғочи юқори сифатли, дурадгорчиликда кенг фойдаланилади.

Граб (*Carpinus*) — 300 йилгача яшайди, бўйи 20—25 м келадиган сойга чидамли дарахт. Ёғочи жуда оғир ва пишиқ бўлганлиги учун қишлоқ хужалик машиналарининг ёғочли қисмларини тайёрлашда ишлатилади. Баргига 3—12,5% гача ошловчи моддалар бор. Улардан терини ошлашда, меваси (ёнғофи) дан эса озиқ-овқат сифатида фойдаланилади. Бир гектар майдондаги 100—120 ёшли граблардан 1,5 т гача ҳосил олиш мумкин.

Қорақайнин (*Fagus*) — бўйи 30—40 м, 500 йилгача яшайди, 20 йилда ҳосил бера бошлайди. Ёнғоқ шаклидаги меваси таркибида 50% гача мой бўлиб, ундан озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Ёғочи жуда пишиқ ва юқори сифатли бўлганлиги учун сув ости иншоотларини қуришда, мебель ва музика асборлари тайёрлашда ишлатилади.

Бахмал ёки амур пүкак дарахти (*Phellodendron* — 300 йил яшайды, бүйи 20—25 м гача етадиган манзарали дарахт. Ундан асосан пүкак тайёрланади.

Каштан (*Castanea*) — ёввойи ҳолда ва баъзан маданий ҳолда ўсади, бўйи 25—30 м келади, 10—15 ёнда ҳосилга киради. Мевасининг таркибида 62% крахмал, 17% шакар, 6% оқсили, 2% мой бор. Ундан озиқ-овқат сифатида фойдаланилади.

Юқорида кўрсатилган асосий дарахтлардан ташқари ўрмон ҳосил қилишда буталар, ўтлар, спорали юксак (моҳлар, папоротниклар, плаунлар) ва тубан (замбуруглар, лишайниклар) ўсимликлар ҳам қатнашади. Улардан хўжаликнинг турли соҳаларида кенг миқёсда фойдаланилади.

Ўрмон зонасидаги ерлардан ҳар хил экинларни экишда фойдаланилади*.

Мўйна берувчи ёввойи ҳайвонларнинг яшами, чорва молларини боқиши, асаларичиликни ривожлантириш, турли хил доридармон ўсимликларни медицинада қўлланилишида хилма-хил мевали буталардан озиқ-овқат саноатида фойдаланишда ўрмонларнинг аҳамияти катта. Булардан ташқари ўрмонлар тупроқни ювилиб кетишидан сақлашда, ёғин сувларининг йил давомида ерга текис шимилишида, экинзорларнинг доимо намланиб туришида, шунингдек, микроклимини қулагай бўлишида, шамолнинг зарарли таъсир кучини пасайтиришда ва ҳавонинг доимо соғ бўлиб туришида жуда катта аҳамиятга эга. Хуллас, ўрмон ва ўрмон ўсимликларининг аҳамияти чексиздир.

Ўрмонлардан унумли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш

Кишилик жамиятининг ташкил топган куниданоқ ўрмонлардан турли мақсадларда фойдаланилмоқда. Ўзок ўтмишдан бошлиб кишилар дарахтларни кесиб ўрнига экин эка бошлишган. Ҳозирги кунда бундай ўрмонлардан фойдаланиш кенг кўламда авж олди. Хусусан, химия саноати, қурилиш ва қофоз-целлюлоза саноати учун ўрмон дарахтларидан жуда кўп фойдаланишга тўғри келмоқда.

Ер юзидағи ўрмонлар майдони 4,2 миллиард га ни ташкил этади. Шундан 2,2 млрд. га майдондаги ўрмонлар фойдаланиш учун қулагай ва унумли ҳисобланади. Бундан 20—25 йил олдин ўрмон ёғочидан 4—5 минг хил буюм ва моддалар тайёрланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони 15—20 минг тага етган. Шунингдек, ўрмонлар инсон учун озиқ-овқат манбай ҳамдир. Дунё бўйича ҳар йили ўрмонлардаги мевали дарахтлардан 131,2 млн. т мевалар йигиб олинади. СССР да бу кўрсат-

* СССРда ҳайдаб экин экиладиган майдонларнинг 20% ўрмон зонасида, жойлашган. У ерларда жавдар, арпа, буғдой, тарик, зигир, жануброқда гречиха картошка, карам, лавлаги, сабзи каби экинларни экиб мўл ҳосил олинади.

кич фақат Сибирь ўрмонлари бўйича 18,8 млн. т ни ташкил этади.

Кўпчилик капиталистик мамлакатларда ўрмонлардан аёвсиз фойдаланиш оқибатида ўрмонлар майдони кескин қисқариб бормоқда. Масалан, Шимолий Америкадаги ўрмонлар майдони яқин утмишда 365 миллион гектарни ташкил этган бўлиб, унда 1100 турдан иборат дараҳт ўсган. Шундан 100 га яқин тури саноат аҳамиятига эга бўлган. XX аср бошларига келганда эса Америкада атиги 262 тур дараҳт сақланиб қолган ва умумий ўрмон майдони 225 миллион гектарни ташкил этган. Ф. Энгельснинг ёзишича яқин утмишда Ўрта денгиз атрофидаги давлатларининг, чунончи Грециянинг 65% майдони ўрмонлар билан қопланган бўлиб, XIX аср охирларига келганда бу курсаткич 15% га тушиб қолган. Шундан атиги 4% и унумли ўрмонлар майдони ҳисобланган. Испаниянинг майдони илгари деярли ўрмон билан қопланган бўлса, кейинчалик эса шу майдоннинг 1/8 қисмидағина ўрмонлар сақланиб қолган. Дунё бўйича мавжуд бўлган ўрмон майдонларининг 22% ини СССР территориясидаги ўрмонлар ишғол этади, яъни 9100 млн. га дан иборат. СССР ўрмонларида 1500 тур дараҳт ва буталар мавжуд. Шу ўрмонларнинг 78% майдонини нинабаргли ўрмонлар ишғол этади. Ҳар йили СССР да 2,5—3,5 миллион гектар майдонда ўрмон дараҳтлари қирқилади ва учдан бир ҳисса майдонда янги ўрмонлар барпо этилади.

Чор Россияси даврида кўпгина ўрмонлар аёвсиз қирқилар, аммо янги ўрмонлар барпо этилмас эди. Октябрь инқилобидан сўнг бундай хўжасизликка чек қўйилди. Шу мақсадда В. И. Ленин томонидан 8 ноябрь 1917 йилда «Ер ҳақида Декрет» ва 27 май 1918 йилда «Ўрмон ҳақида Декрет» қабул қилинди.

Аммо объектив анализ қилинганда кейинги 50 йил ичидаги мамлакатимизнинг Европа қисмидағи ўрмонлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиб, уларнинг ўрнига янги ўрмонлар барпо этиш ишига етарли эътибор берилмаганлиги маълум бўлди. Ўрмонлардан нотуғри фойдаланиш оқибатида эса 40% қорақаражай ўрмонлари майдони қайнин-тоғтерак ўрмонларига айланган. Маълумки нинабаргли хусусан, қорақаражай ўрмонлари кесилгач улар ўрнида ёғочи паст сифатли қайнин ва тоғтерак дараҳтлари тез ўсиб ўрмон ҳосил қилган.

Шунинг учун бугунги кунда янги ўрмонлар барпо этиш иши энг зарур проблемалардан бирни деб ҳисобланмоқда ва ўрмонлар майдонини қисқартмаслик шарти билан улардан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш илмий асосда ташкил қилинмоқда. Бу ишни бажариш учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Бу ҳақда ҳатто партия ва ҳукумат маҳсус қарорлар қабул қилиб, унинг амалга оширилиши учун доим ғамхурлик қилиб келмоқда. Бу ишни амалга оширишда ҳар бир совет кишиси, хусусан, студент-ўқувчилар яқиндан кўмаклашишлари шарт.

Шундай қилиб, ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун қўйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

1. Ўрмон маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш.
2. Ўрмон дараҳатларини тез ўстириш йўлларини топиш ва ўсиш шароитини яхшилаш.
3. Ўрмон дараҳатлари таркибини саралаш.
4. Ўрмонларни ёнғиндан ва заараркунандалардан сақлаш.
5. Ўрмонлардаги фойдали ҳайвонлар ва ўсимликларни кўпайтириш, улардан оқилона фойдаланиш.

Амалий машғулотлар

Контур картага баргли ва нинабаргли ўрмонларда ўсадиган қўйидаги дараҳатларнинг ареалини чизиб кўрсатинг:

1. Ўрмон қорақайини (*Fagus silvatica*) Европа ўрмонларини ташкил қилишда актив иштирок этади. Унинг *Fagus sieboldii* ва *Fagus japonica* деган турлари Япония ўрмонларида учрайди. Шарқ қорақайини (*Fagus orientalis*) Кавказ, Қрим, Болқон ярим ороли, Эрон ва Кичик Осиёда тарқалган.

2. Фарбий Европа ва Кавказдаги қорақайин ўрмонлари, аралаш ўрмонлар ва нинабаргли ўрмонларнинг пастки ярусида падуб (*Hex aquifolium*) учрайди. Шундай қилиб, унинг ареали қўйидаги белгиланиши мумкин. Фарбий Европа, Скандинавия ярим ороли, Олд Кавказнинг жануби-фарбий қисми, Эрон, Шимолий Африка.

3. Майда баргли арғувон (*Tilia cordata*) нинг ареали. Фарбий Европанинг 63° гача бўлган шимолий кенглиги, Урал, Фарбий Сибирь, Кавказ ва Қримни ўз ичига олади.

4. Каштаннинг (*Castanea sativa*) деган тури Ўрта ер денгизи атрофида, *Castanea dentata* деган тури эса Шимолий Америка ўрмонларида учрайди.

5. Оддий ёки Европа қорақарағайи (*Picea exelsa*) нинг ареали Фарбий Европа, СССР нинг Европа қисми, Сибирь қорақарағайи (*Picea obovata*) нинг ареали Фарбий ва Шарқий Сибирдан Охота денгизи қирғоқларигача бўлган жойларнинг дарё водийлари билан боғлиқ.

6. Ситхин қорақарағайи (*Picea sitchensis*) нинг ареали Аляска, Калифорния; Канада қорақарағайи (*Picea canadensis*) нинг ареали Канаданинг фарбидан шарқигача бўлган жойларни ишғол этади.

7. Сибирь қорақарағайи (*Pinus sibirica*) нинг ареали Сибирдан Забайкальегача ва жанубда Мұғулистон территориясидаги нинабаргли ўрмонларни ўз ичига олади.

8. Банкс қарағайи (*Pinus banksiana*) нинг ареалига Канаданинг фарбидан унинг шарқий чегарасигача бўлган майдонлар киради.

Ўрмон-дашт кичик зонаси

Кенг баргли ўрмонлар ўзининг жанубий чегарасида дашт зонаси билан туташар экан шу оралиқда әман ва бошқа кенг

баргли дараҳтлар (арғувон, заранг, шумтол, қайрағоч) камроқ учрайди. Улардан энг күп учрайдигани эман булиб, тेңр (*Pinurus sanguinea*), дашт чияси (*Cerasus fruticosa*), дерн (*Cornus sanguinea*) каби бир неча хил буталар ҳам учрай бошлайды. Бундай майдонлар СССРда Қарпат тоғолди текисликларидан бошланиб, Сибиргача боради ва 50—100 км кенгликни ташкил қиласиди. Үрмон-дашт кичик зона Шимолий Америкада ҳам мавжуд. Бу хилдаги майдонлар баъзан үрмон-дашт деб аталувчи кичик зонага ажратилиади. Үрмон-дашт кичик зонасида дараҳтлар қирқилганда, уларнинг тұнкасидан бачкilar үсіб чиқиб иккиламчи үрмонларни ҳосил қиласиди. Лекин дараҳтларнинг танаси қінғир-қийшиқ ва паст бўйли бўлади. Үрмон-дашт кичик зонасида үрмонлар дарё водийларида жуда күп учрайди ва асосан, эман дараҳти үрмонларидан ташкил топади. Дашт зонаси учун хос бўлган терн (*Prunus spinosa*), кўпинча дашт чияси (*Cerasus fruticosa*), дерн (*Cornus sanguinea*) каби бир неча хил буталар билан аралаш ҳолда ўса бошлайди.

Украина үрмон-даштларидағи кенг баргли үрмонларда эман дараҳти билан бирга қорақайин, граб каби дараҳтлар ҳам учрайди. Үрта рус текислигиде ва Орқа Волга үрмон-даштларида эман билан бирга кўпинча аргувон, заранг, қайрағоч каби туркумларнинг вакиллари учраса, Ғарбий Сибирь үрмон-даштларида эса эман мутлақо йўқолади ва унинг ўрнини қайнин дараҳтлари (*Betula pubescens*, *B. Verrucosa*) эгаллайди. Үрта Сибирь үрмон-даштларида тилоғоч ва қарағай дараҳтлари ўсади.

Бу ерларда баъзан торф мохли қорақарағай үрмонларини чаловли эман үрмонлари чегарасига яқин жойлашганлигини кўриш мумкин.

Г. И. Танғилемов үрмон-даштни «даштолди» деб атайди ва уни эманли даштолди ҳамда қайнинли даштолди группаларига бўлиб кўрсатади. Эманли үрмон-даштлар Уралдан ғарбга томон кетган қоратупроқли жойларни ўз ичига олади.

Қайнинли үрмон-даштлар эса Уралдан шарққа томон жойлашган қоратупроқ, шўртоб ва ботқоқли-тупроқли Ғарбий Сибирь ерларида гарқалган. Үрта Сибирь ерларида қайнин, қарағай, тилоғочдан ташкил топган үрмон-даштлар мавжуд.

Шундай қилиб үрмон-дашт зоначасининг шимолий чегарасида үрмонлар қалин бўлиб, жанубий чегараларида эса анча сийрак ҳолда учрайди.

Дашт зонаси ўсимликлари

Дашт деб қора ва каштан тупроқли ерларда ўсіб, қалин қоплам ҳосил қилувчи, асосан ксерофил үт ўсимликлар типидан ташкил топган жойларга айтилади. Даштлар, асосан, Шимолий ярим шарнинг Европа, Осиё ва Шимолий Америка материгида, қисман эса Жанубий ярим шарнинг Африка, Австралия (Янги Зеландия) ва Жанубий Америка материгида тарқалган.

Евросиёдаги даштларнинг энг катта майдони СССР, Мўру-

листон ва Хитой территорияларида жойлашган. СССР даги даштлар Дунай дарёсининг пастки оқимидан Олтойгача бўлган узлуксиз кенглиқдан иборат бўлиб, Қора денгиз қирғоқларини, Ўрта рус текислигини, Волга ёни тепаликларини, олд Кавказни, Қозогистоннинг шимолини, Фарбий Сибирнинг жанубий қисми-ни ўз ичига олади. Олтойдан бошлаб шарққа томон кетган сари Тува, Забайкалье районларида туташмаган ҳолда учрайди.

Жануби-шарқда эса дашт зонаси СССР чегарасидан ташқарига чиқади ва Мұғулистон ҳамда Хитойда анча катта територияни эгаллади.

Дунай пасттекислигидаги Венгрия территориясида учрайдиган даштлар *пушталар*, Шимолий Америкадаги даштлар *прериялар*, Жанубий Америкадаги даштлар *пампалар* ёки *пампаслар* деб юритилади. Улар даштга деярли ўхшаш жойлардир.

Дашт зонасининг шимолий кенглиқдаги ўрмон ва чўл зоналари ўртасида жойлашганилиги бу зона ўсимликларининг ўрмон зонаси ўсимликларига нисбатан купроқ ксерофил (қурғоқчил), чўл ўсимликларига нисбатан камроқ ксерофиллик хусусиятига эга эканлиги куринади. Дашт ўсимликлари йилнинг баъзи фасларида қурғоқчиликка дуч келиб туради.

Дашт зонаси учун энг характерли хусусиятлардан бири унинг ўрмонсизлиги ва рельефнинг деярли текисликлардан ташкил тоғланлигидир.

Дашт зонасининг ўрмонсиз эканлиги ва унинг сабабларини олимлар турлича тушунтиради. Бир группа олимлар — Бэр, Шимпер, Висоцкий, Каминский даштларда ўрмонларнинг йўқлиги сабабларини умумий иқлим шароитининг ноқулайлиги (қуруқлиги)дан, иккинчи, группа олимлар (Танфильев) тупроқнинг шўрланганлигидан, учинчи группа олимлар (Костичев) эса тупроқнинг майда заррачалардан ташкил топганлиги ва шунинг учун бу тупроқларнинг ўзидан ҳавони ёмон ўтказишидан деб ҳисоблайдилар. Америка олими Клемакс фикрича тупроқда СО газининг кўп бўлиши замбуруғларнинг яшай олмаслигига сабаб бўлган. Замбуруғларсиз дараҳтлар яшай олмаслиги маълумдир. Чунки, улар дараҳтлар илдизида симбиоз ҳолда яшаб, уларнинг нормал ўсишига шароит тугдиради. Демак замбуруғларнинг йўқлиги даштларда ўрмон бўлмаслигига сабаб бўлган. Даштларнинг ўрмонсизланиши ҳақида бошқа бир қанча олимлар (В. В. Докучаев, Л. С. Берг, В. И. Талиев, П. С. Паллас, С. И. Коржинский, И. К. Пачосский ҳам ўз фикрларини баён этган.

Юқоридаги олимларнинг фикрлари умумийлаштирилганда даштларнинг ўрмонсиз бўлишига иқлим ва тупроқ шароитлари, биотик ҳамда тарихий факторлар сабаб бўлганлигини кўрамиз.

Дашт зонаси ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун қўйида биз СССР даштлари ҳақида бир оз тўхталамиз.

СССР даштлари. Дашт зонасининг иқлими илиқ, қуруқ ва континенталдир. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ бўлиб, гарбдан шарққа томон борган сари қисқариб боради. Масалан, Жануб-

бий Украина ва Қозогистон даштларида ёз 170—190 кун, Шимолий Қозогистон ва Фарбий Сибирь даштларида эса 105—120 кун давом этади. Июль ойининг ўртacha температураси 21—23°C, йиллик ўртacha температура $3,0 + 7,5^{\circ}\text{C}$, жануброқда $+10^{\circ}$. Ёғингарчилик унинг шимолий чегарасида 500—600 мм, жанубида 250—300 мм, Байкал кўли атрофида ҳатто 150 мм га тушиб қолади.

Дашт зонасида ўсувчи ўсимликлар ҳаётига ёзда ва қишида эсадиган шамолларнинг таъсири катта. Чунки, бундай шамоллар, аввало, ўсимликларнинг кўп микдорда сувни буғлантиришига олиб келади. Шунинг учун ҳам бу ерларда буғланиш 700—850 мм ни ташкил этади.

В. В. Аллюхин, дашт зонасини иккита кичик зонага, яъни шимолий ва жанубий даштларга бўлиб кўрсатди*.

Шимолий дашт билан жанубий дашт ўртасидаги чегара тахминан қўйидаги чизиқлар орқали белгиланади: Кишинев—Харьков—Саратовнинг шимоли, Куйбишев—Уфа, Челябинск—Петропавловск—Омскнинг жануби орқали Барнаул ва Забайкальсга етиб боради.

Табиий ҳолдаги ўсимликлар қоплами асосан узоқ вегетация қилувчи кўп йиллик ўтлардан чим ҳосил қилувчи чалов, бетага, Қелерия житняк ёки қумэррак каби бошоқдошлар оиласининг вакилларидан ташкил топган. Уларнинг қалин чимлари ер остида ва қисман ер устига бўртиб чиқади ва диаметри 10—12 см келадиган дўнглик ҳосил қилади. Бу дўнг чимлар эриган қор сувлари ва ёмғир сувларини шимиб олиб, узоқ вақтгача ўзида сақлаб туради.

Чалов ва бошқа бошоқлиларнинг барги анча энсиз ва ингичка (1,5—2 мм дан ошмайди) бўлиб, ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлган пайтларда улар най шаклида бўралади ва натижада сатҳи яна 2 марта қисқарив, сувни жуда кам буғлантириш имконини беради. Бу хилдаги шароитга мосланиш белгиларини бошқа ўсимликларда ҳам куриш мумкин. Масалан, қумриут, тоғчитир, тимьян, аренария, зўрча, черкес кабиларнинг барг пластинкаси жуда кичрайган; сувурӯт, пион кабиларнинг барги эса бир неча марта қирқилгандир; бошқа группа ўсимликлар (қизилча, аспарагус кабилар) нинг барг пластинкаси редукцияланган; бўтакуз, вероника, маврак, астрагал кабиларнинг барги ва пояси қалин туклар билан қопланган. Эрта баҳорги ўсимликларни ҳисобга олмаганда дашт ўсимликларининг деярли ҳаммасини барглари жуда хира яшил рангли бўлиб, бу хусусият шу ўсимликларни қуёш нурининг кучли таъсиридан ҳимоя қилишга мослашган белги бўлиб ҳисобланади. Эрта баҳорда ўсиб ривожланаётган кўп йиллик ўсимликлар (эфемероидлар) иссиқ ёз мавсуми бошланиши билан уз тараққиётини тугаллайди. Уларнинг ер остки

* Коржинский дашт зонасини ўтлоқли ва чаловли кичик зоналарга, Тан菲尔ев эса «Даштолди», «Дашт пояслари»га бўлиб кўрсатган.

органлари — пиёzlари, тугунаклари, илдизпоялари ёз, куз ва
қиш мавсумлари давомида тиним даврини ўтаб, эрта баҳорда
яна күкариб чиқади. Бу хилдаги эфемероидлардан энг күп
учрайдиганлари лола, бойчек, зальфар, құзигул, незабудка
каби туркумларининг бир неча турларидир.

Эфемер ўсимликлардан веснянка ёки момосирка, вероника,
ясколка, момақалдироқ кабилар күп учрайди. Бошқа бир группа
үт ўсимликларда ёввойи сариқ беда, себарга, айрим бошоқлы
ўсимликларнинг илдизи ерга анча чуқур киради.

Дашт ўсимликлари орасида семизак каби вакиллари ҳам
бор. Улар намгарчилик етарли бўлган (эрта баҳор ва баҳор)
пайтда сувни запас қилиб олиб, ёз давомида тежаб сарфлашга
мослашгандир. Шунинг учун ҳам уларнинг барги ва танаси се-
миз бўлиб суккулент деб аталувчи группани ташкил қиласди.

Хуллас, ноқулай шароитга мослашиб олиб, ўз ҳаёт процес-
ларини нормал ўtkазувчи ўсимликларни жуда күп группалар-
га бўлиб кўrsatiш мумкин. Юқорида кўrsatiлган ўсимликлар
фақат нормал ўсиб ривожланибгина қолмасдан, балки ўз наст-
лини сақлаб қолиш ва кенгроқ тарқалиш учун ҳам интилади.
Масалан, мураккабгулдошлар оиласининг деярли ҳамма вакил-
лари, бошоқдошлардан чаловлар учма уруғлар ҳосил қилишга
мослашган бўлиб, бу уруғлар ниҳоятда енгил, тукли бўлиб, ша-
мол ёрдамида осон учб тарқалади. Бошқа катта бир группани
ташкил қилувчи ўсимликлар уруғ ва мевалари пишиб этилгач,
ўсимликтин шохчалари букилиб олади ва шар шаклини олган
бу ўсимликлар илдиз бўйнидан осонлик билан синади ҳамда
шамол ёрдамида узоқ-узоқ масофаларга тарқалади. Бу хилдаги
ўсимликларни «дўмалаб тарқалувчи» ўсимликлар дейилади
(44-расм).


Буларга қатрон, кўктикан, қочим, гониолимон, туйқорин, тикан-
ли қўзиқулок, бўтакўз каби жуда кўргина ўсимликлар киради.

Даштнинг флористик таркиби бой, яъни турлар сони жуда
куп ва хилма-хилдир. Шимолий дашт кичик зонасида ўсуви
усимликлар анча мезофит ўсимликлар ҳисобланади. Курск
областининг жанубидаги Стрелецк дашти турларга бой бўлган
дашtlардан ҳисобланади. У ернинг ҳар бир квадрат километ-
рида 60—80 турни, Харьков обlastидаги Старобельск даштида
25 турни, жанубий дашtlарда эса 17—18 турни (масалан, Аска-
ния Новада) қайд қилиш мумкин. Умуман СССР дашт зонасида
500 юксак ўсимлик тури қайд қилинган.

Дашт зонасида асосан күп йиллик ўтлар учрайди. Бир йил-
лик ўтлар анча кам, дараҳтлар мутлақо йўқ, бутасимонлардан
эса тери ёки дашт олчаси, дашт чиаси, қора чинфил, қараған,
ракитник, дашт бодоми, тобулғи каби вакиллар учрайди.

Юқорида кўrsatiб ўтилган барча ўсимликларни, асосан,
4 та катта экологик груплага бўлиш мумкин.

Биринчи группани бошоқдошлар оиласининг вакиллари таш-
кил қиласди. Улардан шимолий дашtlарда оддий чалов энг күп



44-расм. Даشت зонаси учун хос үсімліклардан кермак.



45-расм. Чаловнинг баъзи вакиллари:

1 — патли чалов, 2 — тирс чалови, 3 — бетага, 4 — астра, 5 — қумри ўт, 6 — австралия шувоги, 7 — мармарак, 8 — ёввойи беда, 9 — житняк.

учрайдиган вакиллардан булиб, бошоғидаги қылтиқларининг узунлиги 40—50 см га етади. Бу даштларда яна ингичка баргли чалов, бетага ва келерия кўп учрайди. Жанубий даштларда эса лессинга чалови, тукли чалов ва бетага кўп учрайди (45-расм). Юқорида кўрсатилганлардан ташқари бошоқдошлардан яна ажриқбош, қора қвёқ, ялтирибош, буғдоийқ кабилар учрайди. Иккинчи группани илоқдошлар оиласининг вакиллари ташкил қиласди. Энг кўп учрайдиган илоқлардан пакана илоқ (*Sagex humilis*), эртанги илоқ (*Sagex ptaescos*) ва рус илоғи (*Sagex ruthenica*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Учинчи группани дуккақдошлар оиласининг вакиллари ташкил қиласди. Улардан ўтлоқ себаргаси (*Trifolium pratense*), тоғ себаргаси, алъп себаргаси, эспарцет, астрагаллар, вика, бурчоқ, ёввойи беда кабилар кўп учрайди. Тўртинчи группага ҳар хил ўтлар киради. Бу группага кирувчи ўсимликлар хилма-хил мосланишларга эга эканлигига юқорида тўхтаган эдик. Фозпанжа, тобулғи ва песчанка каби ҳар хил ўтлар группасининг вакиллари 46-расмда тасвирланган. Бу группага қуддус, қўнғироқгул, испарак, ондиз, ноннея кабилар ҳам киради. Шундай қилиб, тўртинчи группа вакиллари эфемерлар, эфемероидлар, суккулентлар, ўқ илдизли, дағал тукли, юмшоқ тукли, кичик баргли ўсимликлар каби бир неча кичик группа вакилларидан ташкил топган.

Дашт зонаси учун характерли хусусиятлардан бири бу ергаги ўсимликлар ҳаётининг йил давомида сўнмаслигидир. Манзаралар ҳар 10—15—20 кунда алмашиниб туради. Дашт зонасида 10—15 марта манзара ўзгаришини Стрелецк дашти мисолида яққол кўриш мумкин. Бундай ўзгаришлар у ёки бу ўсимликнинг айни қийғос гуллай бошлиши билан ёки сўнган манзарани вужудга келишига кўра «давр» (фаза)лар деб номланган.

Шундай қилиб Курск обlastидаги Стрелецк даштида қуйидаги даврлар қайд этилган:

1. **Баҳор олди даври.** Апрелнинг биринчи ярми. Қор эрий бошлаган. Бултурги ўсимликларнинг қолдиқлари қўнғир-кул ранг тусни беради. Улар орасида куздан бошлаб уна бошлаган ва қор тагида яшил барглари қишилаган айrim ўсимликлар кўрина бошлиди.

2. **Прострел даври.** Апрелнинг ўрталари. Ўтган йилги ўсимлик қолдиқлари орасидан бинафша рангда гулловчи прострел ўсимлиги қад кўтара бошлиди. Айни вақтда пакана илоқ ва бинафшалар ҳам гуллаб, жуда гўзал манзара ҳосил қиласди (47-расм).

3. **Сувурӯт даври.** Апрелнинг иккинчи ярми. Прострелнинг гуллаши жуда авжида. Ўнга қўшилиб сувурӯт ҳам олтин ранг гулларини оча бошлаб, ўзга манзара ҳосил қиласди. Айни вақтда фозпанжа, крупка кабилар ҳам гуллай бошлиди (48-расм).

4. **Сумбулгул ва наврӯзгул даври.** Май ойининг бошлари. Наврӯзгул ва фозпанжаларнинг гуллаши авж олиб, сариқ рангли манзара кўзга ташланади. Шу вақтда лоладошлар оиласи-



46-расм. Даشتлардаги ҳар хил үтлар группасининг баъзи вакиллари:
1 — юринея, 2 — қочим (гипсофила), 3 — дацит мавраги, 4 — гозланжа, 5 — таволга ва 6 —
песчанка (эренария).



47-расм. Даشتдаги прострел ёки сон-трава фазаси.



48-расм. Сувурүт гуллаган давр.



49-расм. Гиацинт гуллаган давр.


нинг вакилларидан сумбулгул (гиацинт) оч ҳаво ранг гуллари билан манзарани яна гўзаллаштира бошлайди (49-расм).

5. Рангсиз давр. Май ойининг ўрталарида ўсимликлар қисқа вақтда гуллашдан тўхтайди. Баъзи йилларигина савсаргул ва қаргатуёқ (анемон) ни унча-мунча гуллаётган тупларини кўриш мумкин. Қўпинча ҳар йили бу вақтда дашт қисқа муддатга ўсимликсиз қолади.

6. Незабудка даври. Майнинг иккинчи ярми. Кўк гулли незабудкалар ва вероникалар ўса бошлайди. Айни вақтда сариқ гулли крестовник ва айиқтовон ўсимликлари ҳам гуллай бошлади.

7. Маврак даври. Июнь ойининг биринчи ярми. Бўйи 45—80 см келадиган ўтлоқ мавраклари кўк бинафша рангли гуллари билан баланд бўйли ўсимликлар қопламини ташкил этишда қатнашади. Ҳар ерда қизғиш, сариқ, оқ, бинафша гулли бошқа хилма-хил ўсимликлар ҳам гуллай бошлайди. Улар орасида оқ ишакдек товланадиган чаловлар кўрина бошлайди (50-расм).

8. Ранг-баранг давр. Июннинг ўрталари. Даشتда ажойиб манзара бошланади. Оқ, кўк, қизил, сариқ, бинафша рангли



50-расм. Маврак гуллаган давр (В. М. Покровская буйича).

булиб гулловчи бир неча тур ўсимликлар қалин гилам ҳосил қиласи ва улар 6—7 ярусни ташкил этади.

9. Невянник, себарга ва короставник даври. Июнь ойининг иккинчи ярми. Бу вақтда даштдаги гўзал манзара сўниб, баъзи ўсимликларнинг пояси аста-секин қовжирай бошлайди. Оқ гулли невянник, себарга кабилар ўзига хос манзара ҳосил қиласи.

10. Қумриўт даври. Июлнинг биринчи ярми. Дашт яна сариқ раңгга киради. Бу вақтда эспарцет ўсимлиги гуллаб манзарани яна ҳам гўзаллаширади.

11. Испарак ва бўтакўз даври. Июлнинг иккинчи ярми. Бошоқлилар қуриб-қовжирай бошлайди. Бўйи 100—120 см келадиган испарак ва бўтакўз ўсимликлари бинафша, пушти гуллари билан даштга безак бера бошлайди.

12. Черемица даври. Август ойининг бошлари. Даштда қорамтири-қизил гулли черемица ўсимлиги гуллай бошлайди. Кўпчилик ўсимликларнинг сарғайиб қовжираган манзараси орасида бу гуллар энди деярли кўзга ташланмай қолади.

13. Куз олди даври. Августнинг охри сентябрнинг бошлари. Кўпгина ўсимликларнинг қуриб қовжираган даври. Бу даврдан бошлаб энди келгуси йили эрта баҳорда гулловчи кўп йиллик эфемероид ўсимликларнинг ер ости органлари (тугунаги, пиёзи, илдизпоаси) да қишлоғчи куртаклар ҳосил була бошлайди.

14. Кузги давр. Октябрь, ноябрь ойлари. Кузги ёғишгарчиликлар қор тагида қишлоғчи яшил баргларнинг ҳосил бўлишига имкон беради. Дашт моҳлари қалин қатлам ҳосил қилиб, бир оз бўлса ҳам, тундра манзарасига ўхшаб кетади.

15. Қишки давр. Қўп йиллик ўсимликларнинг 60 % и куз ва қиши мавсумида барг чиқариб, қалин қор қатлами тагида қишилайди. Ҳамма ёқда қор. Юқорида кўрсатилган даврлар Стрелецк даштидаги ўсимликларнинг ривожланиш динамикасининг схемасидир. Ҳар бир фаслнинг метеорологик шароити таъсирида бу схема маълум даражада ўзгариши ҳам мумкин.

Шимолий даштларда ҳам ранг-баранг манзаралар бир-бири билан алмасиниб туради.

Жанубий даштлардаги даврларни тасаввур этиш учун Қора денгизга яқин жойлашган Аскания Нова даштини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу даштда асосан бетага — чалов формацияси яхши тарақкий этган бўлиб, улардан бетага (*Festuca sulcata*) ва чалов (*Stipa lessingiana*) турлари қатнашади. Бу даштда қўйидаги 10 та даврни қайд этиш мумкин.

1. Баҳор олди даври. Март ойи. Бетага ва чаловнинг ярим қуриган чимлари кўзга тез-тез ташланиб туради.

2. Эфемер ва эфемероидлар даври. Март, апрель ойлари сарғайиб қолган чимлар орасидан бойчечак, момосирка, вероника, незабудка кабиларнинг гуллари кўрина бошлайди.

3. Кеч баҳорги эфемероидлар даври. Апрелнинг 15—20 кунлари очиқ қизил ва сариқ гулли лолалар, савсаргул кабилар дашт манзарасини безай бошлайди.

4. Патсимон чаловлар даври. Май ойи. Чалов билан бирга ҳар хил ўтлар группасидан сариқ гулли сигирқўйруқ, бинафша гулли қушқўнмаслар ҳам товланади.

5. Ҳар хил ўтлар даври. Июнь ойининг биринчи ярмида чаловнинг уруғлари пишиб тўкилади. Шу вақтдан бошлаб мармарак, бўтакўз ва думалаб тарқалувчи группа вакилларининг баъзилари гуллай бошлайди.

6. Ёзги рангсиз давр. Июннинг иккинчи ярми, июлнинг бошлари. Даштда гўё тиним даври бошлангандек туюлади. Бетага ва чаловлар қовжирай бошлайди.

7. Тукли чалов даври. Июль-август ойлари. Июннинг иккинчи ярмидан бошлаб даштда тукли чалов гуллайди.

8. Куз олди даври. Август-сентябрь. Даштда чалов қовжираб сарғаяди.

9. Кузги давр. Октябрь-ноябрь. Кузги ёмғирлардан сўнг қишловлар кўп йиллик эфемерлар ва кузги эфемерлар кўкара бошлайди, бетага ва чаловлар янги барглар ҳосил қиласди.

10. Қишки давр. Қор тагида ўтлар кўкариб ётади.

Жанубий даштлар шимолий даштлардан қўйидаги белги ва хусусиятлари билан фарқланади:

1. Даврлар 15 та эмас, балки анча кам;

2. Эфемер ва эфемероид ўсимликлар сони кўпая боради.

3. Манзара ҳосил қилишда фақат ҳар хил ўтлар группаси ва бошоқдошлар оиласининг кенг баргли вакилларигина эмас,

балки ингичка баргли вакилларидан бетага, чалов ҳам асосий ўринни эгаллади.

4. Ўсимликларда ксерофиллик хусусияти янада кучлироқ ифодаланган.

5. Шамол ёрдамида думалаб тарқалувчи ўсимликлар сони ортган ва ҳоказо.

СССР даштларининг ҳозирги ҳолати. Дашиб зонасининг тупроғи таркиби гумус (чиринди) га бой, яъни унумдор қора тупроқдир. Шунга кўра ерлари деҳқончилик қилиш учун ўзлаштирилган мазкур зонанинг Саратов, Оренбург, Челябинск, Омск, Новосибирск, Курган областлари ҳамда Бошқирдистон АССР нинг текис ерлари, шунингдек Олтой ва Красноярск ўлкалари даги катта-катта майдонлар ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмоқда.

Лекин дашиб ерлар ўзлаштирилган бўлса-да, табиатнинг бу гузал ва такрорланмайдиган бурчагида табиий манзарани кузатиш ва ўрганиш мақсадида маҳсус майдонлар сақлаб қолинган. Бу майдонлар маҳсус қўриқхоналар деб эълон қилинган ва улар муҳофаза қилинади. Қўриқхоналарда турилих илмий тадқиқот ишлари кенг кўламда олиб борилади. Бундай қўриқхоналардан Украинандаги «Аскания Нова», РСФСРнинг Курск областидаги «Марказий Қоратупроқ», Қозогистондаги «Наурзум» қўриқхоналарини курсатиш мумкин. Бу қўриқхоналарда йил давомида даштларнинг табиий қиёфасини кўриш ва кузатиш мумкин. Дашиблар ботаник жиҳатдан ўрганилиши учун ҳам бундай қўриқхоналарнинг аҳамияти жуда муҳим. Дашиб зонасининг кўпгина майдонлари ўзлаштирилган булишига қарамасдан, бу зонанинг географик (ландшафти) манзараси сақланиб қолган. Бу ҳақда акад. Берг ўзининг «СССРнинг географик зоналари» асарида — ёввойи ўсимликлар йўқолиб, улар ўрнини маданий ўсимликлар эгаллаган бўлса ҳам, даштлар географик зона сифатида ўз тараққиётини давом эттиради, — деб ёзди.

Рус ва совет олимлари В. В. Докучаев, Г. Н. Висоцкий, П. А. Костичев, В. Р. Вильямс кабилар дашиб зонасининг деҳқончилик қилинадиган жойларида қурғоқчиликни салбий таъсирини пасайтириш учун қатор тадбир-чораларни қўллаш керак-лигини кўрсатиб беришди. Бундай тадбирлар дашиб зонаси (деҳқончилик қилинадиган ерлар) да иҳота дарахтзорларни баъзи жойларда эса сунъий ўрмонлар барпо қилишдан иборат. Келгусида бу ишларни янада кенг кўламда авж олдирилиши кўзда тутилган.

Шимолий Америка прериялари. Прериялар шимол (Канада) дан жанубга қараб таҳминан 54° дан бошлаб чўзилади ва Техасда 32° да тугайди. Шарқдан ғарбга томон эса 100° дан 113° гача давом этади. Бу ерда ўсимлик типлари шимолдан жанубга томон эмас, балки шарқдан ғарбга томон ўзгариб бориб, ғарбий чегарада чул зонаси билан туташади. Бундай ўзгаришларни содир булишига Атлантик океан сабабчидир. Прерия-

лар худди даштлар каби 2 та кичик зонага, чуноичи: бўйчан бошоқли ва пакана бўйли бошоқли прерияларга булинади. Прериялар учун турли хил ўтлар групласи характерли. Одатда прерияларни 5 типга бўлиб ўрганилади:

1. **Ўтлоқли прериялар.** Бу ерларда 1000 мм гача ёғин ёғиб иссиқлик ва намлик етарли бўлади. Шунга кўра ўсимликлар жуда бўйчан ва қалин ўсади. Кўп йиллик бошоқли ўсимликлардан чайирнинг бир неча турлари (*Andropogon piftans*, *A. scorogins*, *A. soccharoides*) чалов, келерия, буғдоийқ кабилар ва бизда учрамайдиган грамўти ёки бутелоа туркумининг вакиллари асосий ўсимликлардир. Баъзи жарликларда эман ўрмонларининг учраши ўтлоқли прериялар учун характерли.

2. **Ҳақиқий прериялар** асосан, йилига 750 мм гача ёғин ёғадиган жойлар (Шимолий ва Жанубий Дакота, Небраска, Канзас) ни ўз ичига олади. Бундай прериялар чалов-келерияли прериялар ҳам деб юритилади. Чалов (*Stipa spartes*), чайир (*Andropogon scoparius*), келерия (*Koeleria gracilis*) ва бутелоа (*Buotelona racemosus*) каби ўтлар ажойиб манзара ҳосил қиласи. Баҳор ва ёз фаслларида бир неча даврлар алмашинади. Айниқса шувоқ (*Artemisia campestris*), оққурай (*Psoralea drupacea*), эригерон (*Erigeron amosus*), дастарбош (*Achillea millefolium*) кабилар кўп учраб манзара (спект) ҳосил қиласи. Кузга бориб мураккабгулдошлар оиласидан астра, кунгабоқар туркумларининг баъзи вакиллари учрайди. Ўсимликларнинг вегетация даври баҳордан кузгача узлуксиз давом этади.

3. **Аралаш прериялар.** Буларга бир йилда ўртача 500 мм гача ёғин ёғадиган жойлар (Монтана, Шимолий ва Жанубий Дакота, Колорадо каби штатлар) киради. Бу хилдаги прериялар бўйчан бошоқли чалов, чайир, келерия ва пакана бошоқли бутелоа каби ўсимликларнинг биргаликда ўсиши билан характерланади. Натижада икки ярусли ўсимликлар қоплами юзага келади.

4. **Чим ҳосил қилувчи бошоқли прериялар.** Бу хилдаги жойлар соф ва аралаш прериялар оралиғидаги қум тупроқли тепаликларни ўз ичига олади.

Юқорида қайд этилган тўрт хил прериялар бўйчан бошоқли прериялар кичик зонасига киради.

5. **Пакана бўйли бошоқли прериялар.** Асосан Шимоли-ғарбий Небраска ва Ғарбий Канзасдан Шимоли-ғарбий Техас ва Аризонгача бўлган кенг текисликларни ўз ичига олади. Йиллик ёғин-сочин миқдори 400 мм дан ошмаслиги, шунингдек ёғин сувларининг 1/3 қисмини тупроққа шимилемасдан оқиб кетиши бундай прерияларга хосdir. Прерияларнинг манзараси анча кўримсиз бўлиб, июнь ойидаёт ўсимликлар қовжираб қолади. Бошоқдошлар оиласининг икки вакили — бизон ўти ва грамўти ёки нозик бутелоа асосий ўсимликлардан ҳисобланади. Бу икки тур барча ўсимликлар қопламининг 75—90% ини ташкил қиласи. Уларнинг бўйи 2—5 см дан ошмайди. Бундай прерияларда

даражтларнинг йўқлиги, ўт ўсимликларининг ер бетини бир текисда қопламаслиги ёз фаслида ёғадиган кучли жалалар вақтида тупроқнинг ювилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам қорамтир тусли тупроқлардан ташкил топган бундай прерияларда кўпинча жарликлар ҳосил бўлади.

Жанубий Америка пампаслари. Пампаслар Жанубий Американинг Патагония, Аргентина ва Уругвай вилоятларидаги каттакатта майдонларни ўз ичига олади. Ўсимликлар групласига кўра пампаслар дашт зонасига үхшаш бўлади. Аммо экватордан жанубда, яъни жанубий кенглика жойлашганлиги учун вегетация даври мартдан эмас, балки октябрь ойидан бошланади. Дастлаб бошоқлилардан қўнғирбош, чалов, селин, мелика, ялтирибош, ноябрь ойида эса бетага ҳамда келерия, декабрь — январь ойларида қўноқ, паспалум ва чайир униб чиқади.

Бошоқдошлардан ташқари кўпгина икки паллалиларнинг вакиллари, чунончи семизўтдошлар, чиннигулдошлар, дуккакдошлар, тизимгулдошлар, дурбендошлар, миртадошлар, итузумдошлар, мураккабгулдошлар каби оиласининг вакиллари учрайди.

Зўрча, аренария, вика, тизимгул, крестовник каби туркумларнинг вакиллари баҳор фаслида, мураккабгулдошлар оиласининг вакиллари эса ёз фаслида кўп учрайди.

Пампасларнинг тупроғи унумдор ва иқлим шароитлари анча қулагай бўлганлиги учун бу ерлардан узоқ вақтлардан буён чорвачилик ҳамда деҳқончилик мақсадларида фойдаланиб келинади.

Жанубий Африка даштлари Оранж дарёсининг ўрта ва қўйи оқимидан шимолроқдаги кичик территорияни ташкил этади. Бу ерларни сийрак ўт ўсимликлари қоплаган бўлиб, улар ҳосил қилган манзара чала чўялларникига үхшаб кетади.

Амалий машғулотлар

СССР территориясидаги дашт ўсимликларини ўрганинг ва улардан чалов, келерия, ажриқбош каби туркумлар, шунингдек дуккакдошлар оиласининг баъзи вакилларининг ареалини контур картага туширинг.

Шимолий Америкадаги прериялар ва улардаги ўсимликларни ўрганинг. Прериялар учун хос баъзи ўсимликларнинг ареалини контур картага туширинг.

Жанубий Африкадаги пампаслар ва улардаги ўсимликларни ўрганинг. Пампаслар учун хос бўлган баъзи ўсимликларнинг ареалини контур картага туширинг.

Чала чўл кичик зонаси

Чала чўлни алоҳида кичик зона сифатида биринчи марта 1903 йилда Б. А. Келлер тасвирлаган. У Волгоград (қадимги

Царицин уезд) нинг жанубий кисми ва Красноармейск атрофидаги ерларни урганиб, бу ерларнинг ўзига хос тупроқ ва ўсимликларга эга эканлигини кўрсатди.

Чала чўл кичик зонаси дашт ва чўл зоналари учун хос бўлган ҳусусиятларни ўзида мужассамлантирган. СССР территориясида чала чўл кичик зонасининг чегараси Волгоград, Саратов ва Куйбишев областларининг жанубидан бошланади, Актюбинск областига келиб анча жанубга йўналади ва Қарағандада ҳамда Семипалатинск областлари томон давом этади. Чалачулнинг жанубий чегараси Грузиядаги Терек дарёсининг жануброғидан бошланади. У Волга дарёсининг юйи оқимига яқин жойлардан ўтиб Эмба дарёсининг ўрта оқими бўйлаб шарққа томон давом этади ва Бедпоқ-Дала, Орол деңгизи ҳамда Балхаш кўлининг шимолидан ўтиб, Зайсан кўли атрофида туғайди.

Чала чўл кичик зонаси иқлим шароитининг дашт зonasига нисбатан анча ноқулайлиги, чунончи, температуранинг тез ўзгарувчанлиги, тез-тез кучли шамолларнинг эсиб туриши, ёғингарчиликнинг камлиги (200—250 мм), қиши совуқ ва ёзи иссиқ бўлиши билан характерланади.

Ўртacha йиллик температура +4, +5° ни ташкил қилади. Баҳорги совуқ — салқин кунлар тезда ёзги иссиқ — қуруқ кунлар билан алмашинади. Ёғин миқдорига нисбатан бугланиш 4—6 марта ортиқ бўлади. Шунинг учун бу ерда ўсувчи ўсимликлар ксерофиллик ҳусусиятга эга. Тупроғи қунғир.

Чала чўлларда қуйидаги ассоциация группалари учрайди: *Бетага* — ромашник ассоциация группаси (*Festuca sulcata* *prüetii achillefolium*). Бу хилдаги ўсимликлар группасини ташкил этишда ёввойи зигир, қора ва оқ шувоқ, турли хил тупроқ сув ўтлари, лишайниклар ва моҳлар қатнашади.

Қорашибоқ (жусан) ассоциацияси (*Artemisia pauciflora*). Тупроқ бетининг жуда кўп қисмida ўсимликлар бўлмайди. Бу ерларда қорашибоқдан ташқари камфоросма, бугдойиқ ёки қумэркак, бетага қатнашади. Онда-сонда кўк-яшил сувўтлардан стратоносток ва бир неча хил лишайниклар учрайди.

Юқорида кўрсатилган иккала группа ўсимликлари ёзда кўримсиз, баҳор фаслида эса жуда гўзал манзара ҳосил қилади. Бу вақтда оч бинафша ва сариқ гулли лолалар, айиқтовон каби эфемероидлар чалачулга гўзал манзара бахш этади.

Дашт ўсимликлари группаси. Бу хилдаги ўсимликлар группаси ташқи кўринишига кўра турли хил серут даштларни эслатади. Бу группани моҳлар, бир неча тур чалов, бетага, келерия, спаржа, ёввойи беда, қўзиқулоқ, ёввойи зигир, сутлама, мармарак ва бошқа бир неча тур ўсимликлар ташкил этади.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари шўрак, сарисазан, жайронут, тўрғайнут, қорашибура, черкез, кейруқ каби ўсимликлар шўрхокли чалачулларда ўсади.

Чўл зонасининг ўсимликлари

Чўл ўсимликлари дунёси ҳам бошқа зоналардаги ўсимликлар каби хилма-хил ҳаёт шароитларига ва ўзига хос хусусиятларга эга.

Чўл зонаси Ер шарининг шимолий ва жанубий кенглигида тарқалган. Унинг асосий майдони шимолий ярим шарда жойлашган. Чўл ўсимликларининг ҳаёти, асосан, умумиқлим шароитига, хусусан намлик (сув) билан таъминланиш даражасига боялиқ. Шунинг учун ҳам Ер шаридаги барча чўлларни уч қисмга: тропик, ўртача (мўътадил) ва субтропик иқлимли чўлларга бўлиб ўрганилади.

Ер шаридаги катта территорияни тропик чўллар ташкил қиласди. Субтропик ва ўртача иқлимли чўллар эса айрим катта материклар орасида жойлашган бўлиб, континентал иқлимли ерларни ўз ичига олади.

Ер шарининг турли районларида асосан қўйидаги чўлларни: Ўрта Осиё чўллари, Африка саҳроси (чули) ва Набиб чўли, Арабистон саҳроси, Марказий Осиё чўли, Австралия чўли, Жанубий Америка (Атакама) чўли, Шимолий Америка чўлини кўрсатиш мумкин.

Ўсимликлар ҳаёти учун сувнинг етарли эмаслиги, ёғингарчиликнинг йилнинг фасллари давомида бир текисда тақсимлан-маслиги, буғланишнинг ёғингарчилик миқдоридан бир неча марта ортиқлиги, ҳаво нисбий намлигининг пастлиги, температуранинг юқори бўлиши, қуёш нуригининг кучли таъсир этиши, тупроқнинг шўрланганлиги, тупроқ юза қатламишининг осон кўчувчанлиги барча чўллар учун характерлидир.

Чўл зонасида ўсувчи ўсимликлар ксерофиллик хусусиятига эга. Ноқулай чўл шароитида яшаган ўсимликларнинг анатомик ва морфологик тузилиши шу шароитда яшашга мослашади.

Чўл зонаси қанчалик ноқулай бўлмасин, у ерда ўсадиган ўсимлик турлари хилма-хил группа вакилларидан ташкил топган. Чўл зонасида ўсадиган гулли ўсимликлар сонининг ўзи бир неча минг турдан ортиқ.

СССР чўллари –

СССР территориясининг тахминан 2 млн 200 минг км² ни ёки 10% ини чўл зонаси ташкил қиласди. Чўл зонасининг асосий майдони Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистонда жойлашган. Шунингдек чўл зонаси Каспий денгизи атрофидаги (Терек, Волга ва Урал дарёларининг қуви оқимлари) пасттекисликларни ҳамда Орқа Кавказдаги Курда Аракса дарёларининг қуви оқимида текисликларнинг бир қисмини ўз ичига олади. СССР чўлларида, йиллик ёғингарчилик 80—200 мм ни ташкил қиласди. Ёғингарчилик асосан қиши баҳор мавсумларида ёғади. Адирларга яқин жойларда ёғингарчилик ўртача

350 мм ни, улардан узоқ жойларда эса ўртача 24 мм ни ташкил этади. Ёзи иссиқ ва қуруқ бўлиб, баъзан июль ойларида максимиум температура (масалан, Термизда) 70°C дан ошади. Июль ойининг ўртача температураси Петропавловскда 22,6° ни, Термиз ва Репетекда 32° ни ташкил этади. Тез-тез қумлар кучиб, чанг-тўзонлар бўлиб туради.

Бўз тупроқли рельефи анча текис, баланд бўлмаган тепалик ва пастликлардан иборат. Чўллар, жумладан, Ўрта Осиё чуллари тупроғи таркибида органик моддаларнинг миқдори жуда кам. Бу чўллардаги гулли ўсимликлар 1600—1700 турни ташкил қиласди. Улар турлича тақсимланган бўлади. Масалан, Қорақумнинг ғарбида 1141 тур, Бетпақ далада 831 тур, Марказий Қозогистонда 700 тур, Чу водийсида 655 тур, ғарби-жанубий Қизилқумда 533. тур, Устюртда 295 тур ва Мирзачулда 200 турни ташкил қиласди.

Ўрта Осиё чулларида ўсувчи ўсимликлар, асосан, ксерофитлар, мезоксерофит эфемерлар ва мезоксерофит эфемероидлар каби экологик группаларга бўлинади.

Яшаш шароитининг ноқулай бўлганилиги учун ўсимликлар унга турлича мослашади. Бундай мосланишлар қўйидагилардан иборат: барглар редукцияланиб ёки йўқолиб, ўрнига кичик тангачалар ҳосил бўлган (масалан, қизилча, оқ ва қора саксовуллар, жузғун). Бундай ўсимликларда ассимиляция процессини новда бажаради: баҳорда барглар ҳосил бўлиб, ёзда улар тиканли дағал баргларга алмашинади (қизилтикан, кумарчиқ); барглар тиканга айланган (астрагал ва қочим туркумларнинг турлари); барг пластинкаси ниҳоятда кичрайиб қолган ва улар қирқилган ёки ингичка най шаклига эга. Бундай ўсимликларнинг илдизи жуда юза жойлашиб, атрофга тарқалган бўлади. Бу группага кирувчи ўсимликларнинг барглари ёзда тўкилади, семизбаргли ва семизстанали (суккулент) бўлади (буюргун, оқбоялиш кабилар), ўсимликнинг илдиз системаси жуда чуқур жоплашган ва майдада баргли. Бу группага типик вакил қилиб илдизи 5—10—15 м га етадиган, янтоқ илдизи 30 м чуқурликка кирадиган қора саксовул ва юлғунларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган барча группа вакиллари ксерофит ўсимликлар гуруҳини ташкил этади.

Эфемерлар группаси. Ўрта Осиё чулларида бир йиллик ўсимликларнинг 150 га яқин тури бўлиб, улар эфемерлар группасини ташкил қиласди. Қўпчилик эфемерларнинг уруғи куз фаслида уна бошлайди ва тўпбарг ҳосил қилиб қишлиайди. Айрим бир йиллик ўсимликлар ҳақиқий эфемерлар ҳисобланади. Уларнинг уруғлари эрта баҳорда униб чиқади ва ёзниг жазира маисиқлари бошлангунча гуллаб уруғ ҳосил қиласди ва сўнг тезда қуриб қолади. Ўрта Осиё иқлим шароитининг кескин ўзгарувчан (континенталлиги кўпгина бир йиллик ўсимликлар ҳаёти (биологияси)га узоқ йиллар давомида таъсир этган. Айрим бир йиллик ўсимликларнинг уруғи кузда ҳам, баҳорда

ҳам униб чиқиши хусусиятига эга. Агар кузда нам етарли бўлиб, ҳаво илиқ келса бир йиллик ўсимликлар (лолақизғалдоқ, читир, вероника кабилар)нинг уруғи кузда униб чиқади ва түпбарг ҳолида қишлиайди. Агар куз қуруқ, салқин ёки қуруқ иссиқ келса улар эрта баҳордагина униб чиқади. Шундай қилиб, бир йиллик эфемерларнинг кузги ёки баҳори бўлиши умумиқлим шароитига бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам эфемерлар деганда кисқа вақт ичида (40—45 кунда) ўз вегетациясини тутатувчи ўсимликларни эмас, балки умуман вегетация даврининг узоқ ёки қисқалигидан қатъи назар жазирама иссиқлар бошлангунча ўз ҳаёт процессларини тўлиқ ўтиб тугалловчи ўсимликларни тушуниш керак.

Эфемероид ўсимликлар. Бу группага ёзги жазирама иссиқлар бошлангунча вегетациясини давом эттирувчи кўп йиллик ўсимликлар киради. Илоқ, лола, бойчечак, ёввойи пиёс ва қўнғирбош кабилар эфемероидларга мисол бўла олади.

Кейинги икки группа ўсимликлари мезоксерофит ўсимликлардир. Улар ёзги жазирама иссиқлар бошланганда ўз ҳаётини аиабиоз ҳолда, яъни мажбурий тиним ҳолатида ўтказишига мослашган.

Псаммофитлар ёки қўумли муҳитда ўсуви ўсимликлар групласи. Псаммофитларга баъзи бир бошоқли (селеу) ва дуккакли (астрагал) ўсимликлар киради. Селин қўумли чўл шароитига ниҳоятда яхши мослашган.

Деярли барча чўл ўсимликларининг барги ва танасидаги ҳужайраларда сувни ортиқча буғланишдан сақловчи моддалар — эфир мойлар, ёғлар, ошловчи (дубил) моддалар, сувда эрувчан тузлар бор. Бу хилдаги белгилар чўл ўсимликларининг ташкини кўринишида яққол кузга ташланади.

Одатда Ўрта Осиё чўлларини шимолий ва жанубий чўлларга бўлиб ўрганилади.

Шимолий чўлларга Устюртнинг каттагина қисми, Сирдарё пастгекислиги, Бетпақдала, Қорақум чўлининг Орол денгизига яқшо жойлари, Муюнқум ва Балхаш кули атрофидаги чўллар киради. Уларнинг иқлими узгарувчан бўлиб, қиши совуқ.

Жанубий чўлларга Орқа Қаспий, Қорақум, Қизилқум, Устюртнинг жанубий қисми, Красноводск платоси ва Копет-Доғнинг тор олди текисликлари киради. Бу ерда қиши илиқ (қорсиз), баҳор сернам, ёз эса қуруқ ва иссиқ бўлади.

Шимолий чўллар

Шувоқли чўллар — турироғи шурланмаган лой тупроқ бўлиб, ўсимликлардан асосан оқшувоқ, изен, кейреук, жуда сийрак ҳолда чалов ва бир қанча эфемерлар учрайди. (Булар оқшувоқ ассоциациясини ташкил этади.) Оқшувоқ ассоциациясини ташкил этишда баъзан қорашибоқ ва майқора шувоқ кабилар ҳам иштирок этади.

Би юрғунли чұллар. Бу хилдаги чұлларнинг тупроғи шүрланған ёки гипсли бўлиб, биорғун ва тошбиорғун кабилар учраб, улар биорғун — тошбиорғун ассоциациясини ташкил қиласди.

Шунингдек, шимолий чұлларда күкпекли, итсигекли, боялишлы чұлларның ҳам учратиш мумкин. Чұлларнинг номи шу чұл учун энг характерли үсимлик номи билан аталади. Чұллардаги қар бир үсимлик типи үз майдонида маҳсус ассоциацияни ташкил қилишдан ўзаро чегараланған майдонларда группировкалар ҳам ҳосил қиласди. Масалан, шувоқ — боялиш, шувоқ — биорғун, жусан — боялиш — биорғун кабиларни күрсатиш мумкин.

Демак, шимолий чұл үсимликлари учун ксерофит чала буталарнинг эдификатор (ҳұмкрон) эканлиги, сийрак (50% дан кам) қоплам ҳосил қилиши, фақат қиши фаслида тиним ҳолатига үтиши ва қумли чұллардан бошқа шимолий чұлларда эфемер (бир йиллик) үсимликларнинг кам миқдорда учраши характерлидир.

Жанубий чұллар

Шувоқли чұллар учун оқшувоқ, қорашибуоқ, құнғирбош, илоқ кабилар асосий үсимликлар ҳисобланыб, улар баъзан қалин қоплам ҳосил қиласди. Бу ерларда баъзан етмак ва астрагал учрайди.

Татирли чұллар. Бу ерларда татир ва баъзи эфемерлар асосий үсимликлар бўлиб ҳисобланади.

Эфемер ва эфемероидли чұллар. Жанубга борган сари бута ва бутачалар йүқола бориб, асосий үринни бир йиллик ҳамда күп йиллик (эфемер ва эфемероид) үсимликлар эгаллай бошлайди. Эфемерлардан арпогон, ёғлиққора, момақалдириқ, учма, адрова кабилар асосий үсимликлар ҳисобланади. Бу хилдаги эфемерли чұлларда үсимликларнинг вегетация даври март ойининг бошларида бошланыб, май ойига келиб тугайди ва уларнинг уруғи кузгача тиним даврини ўтайди.

Эфемероидли (ёки илоқ — құнғирбошли) чұлларда эса (жанубда) кузги ёғингарчиликлар натижасида ноябрь ойидан бошлаб үсимликларнинг вегетация даври бошланади. Эрта баҳорда ҳамма ёқ үсимликлар билан қопланади.

Үрта Осиё үсимликларини ўрганған олимлардан Е. П. Коровин чұл зонасида асосан қыйидаги 4 хил чұл үсимлик типи мавжудлигини күрсатган.

Гипсофил чала бута үсимлик типи. Бу типдаги үсимликлар учун тупроқда хилма-хил тузларнинг мавжудлиги, гипснинг кўп миқдорда учраши, рельефининг текисликлар ва кичик тепаликлардан ташкил топиши хосдир. Бундай жойлар, асосан, Устюорт, Қорсоқпой, Бетпақдала, Манғишлоқ, Қорақум, Қизилқум ҳамда Марказий Фарғона чұлларида учраб, гипсли ёки тошли

чүллар дейилади. Ўзбекистонда бундай чүллар Самарқанд ва Бухоро областлари территорииясида учрайди.

Тупроқда гипс кўп бўлганлигидан у тошлокланади. Бундай ерлар тез исийди ва совийди, шу сабабли бир суткалик температура ўртасида катта фарқ бор. Ёз кунлари кундузи температура жуда юқори бўлишига қарамасдан, кечаси жуда пасайиб қолади.

Ёғингарчилик 40—100—120 мм бўлса ҳам тупроқда гипс бўлганлиги учун нам маълум муддатгача сақланади. Бу эса ўсимликлар ҳаёти учун бирмунча қулайлик туғдиради.

Гипсофил (ёки гипсли чўлда ўсуви) ўсимликлар Коровин маълумотига кўра 400 дан ортиқ турдан иборат. Улардан туятовон, шувоқ, кермак, клеоме, отостегия, цефалоризум, спиростегия, дорема, шренкия, тошбақатол, коврак каби бир қанча туркумларнинг вакиллари ва хусусан, шурадошлар оиласининг чўрон, артрофитум, тошибиорғун, ҳаммада, халотис, итсигек ва ҳардандон туркумли вакиллари кўп учрайди.

Шундай қилиб, гипсли чўл ўсимликларининг тур таркиби хилма-хил ва эндем турларга бой. Шувоқ каби чала бутадар бу ерларда доминант (устун) ва манзара ҳосил қилувчи ўсимликлар ҳисобланади.

Гипсли чўл ўсимликлари асосан шувоқ-боялиш, боялиш, шувоқ-эфемер ва қисман тошибиорғун, сингрен-илоқ, мингбош-илоқ каби формациялардан ташкил топган.

Галофил ўсимликлар типи. Ўрта Осиёдаги шўрхок чўлларда галофил ўсимликлар асосий үринда туради.

Шўрхок чўлларга Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги Айдар шўрхок чўли, Марказий Қизилқумдаги Мингбулоқ шўрхок чўли, Устюртнинг жануби-шарқидаги Борса-келмас шўрхок чўли ҳамда Қорақумнинг шимоли-шарқи ва унинг марказий қисмидаги жойлар киради. Галофил ўсимликлар ўсадиган тупроқда осон эрувчан (хлорид тузлари, қисман сульфат, карбонат ва азотли) тузлар бўлади. Шунинг учун бундай ерлар шўрхокли чўллар дейилиб, бундай шароитда ўсуви ўсимликлар эса галофил ўсимликлар деб аталади.

Шундай қилиб, галофил ўсимликлар дарё водийларида, ден, гиз қирғоқларига яқин ва ер ости сувлари юза жойлашган шўрланган ерларда кўп учрайди. Бу типдаги ўсимликларни Мурғоб, Тажанг, Сирдарё, Амударё водийларида, Зарафшоннинг қўйи оқими (Бухоро областининг Қоракўл ва Свердлов районлари территориияси) да учратиш мумкин.

Шўрхокли чўлларда ўсуви ўсимликларнинг 256 дан ортиқ тури шўрадошлар оиласининг вакиллари ҳисобланади. Бу чўллар учун туятовондошлар, свинчаткадошлар, юлфундошлар каби бир неча оила вакиллари ҳам характерлидир. Улардан боровия, кириловия, халопеплис, пиптоптеранинг эндем вакиллари: шўрак, олабута, оқшўра, эркак супурги, сарисазан, қорашибур, туятовон, кермак каби кўпгина туркумларнинг вакиллари учрай-

ди. Шунингдек, франкения, кресса, күкпек, қора саксовул, юлғун, шуражриқ, савсаргул, каррак кабиларни ҳам учратиши мумкин. Галофил ўсимликларнинг кўпчилиги баргларини тўкиб туриши натижасида нокулай шароитдан сақланади. Баъзан уларнинг таркибидаги тузлар ўсимликнинг оғирлигига нисбатан 45% ни ташкил қиласи. Галофил ўсимликлар қора саксовул, буюргун, кейреук, шувоқитсигек, секкулент-шўрак каби формацияларни ташкил қиласи.

Шўрхокли чўлларнинг тақирилардан иборат майдонларида сувутлар — лишайниклар формациясини кўриш мумкин. Бу формацияни ташкил этишда кўк-яшил ва яшил сувутлар, лишайник ҳамда замбуруғларнинг кўпгина вакиллари қатнашади. Тақири чўлларда дастлаб тубан ўсимликлар ўса бошлайди, улар тупроқ таркибини нормал ҳолатга келтиради. Кейинчалик бундай жойларда юксак ўсимликлар учун имкон туғилади.

Псаммофил ўсимликлар типи — Ўрта Осиёning қумли чўлларнида тарқалган.

Қумли чўллар Ўрта Осиёning Муюнқум, Қорақум, Қизилқум ва Марказий Фарғона чўлларида кўпроқ учрайди. Тупроқ таркибининг 80—90% қисми ҳажми 0,25—0,05 мм бўлган заррачалардан иборат. Бундай қумлар ўзидан сувни тез ўтказади. Шу сабабли бундай чўлларда тупроқнинг 30—40 см қалинликдаги устки қисми қуруқ бўлиб, кейинги 60—80—120 см қалинликдаги қатлами нам ҳолда туради.

Қумли чўлларда ёғингарчилик 24—170 мм ни ташкил қиласи. Қумли тупроқнинг устки қисми апрель ойининг ўрталарида 46°C ва охирида 52,5°, май ойининг бошларида 54, —55,5°C гача қизиши мумкин. Репетекда ёзда тупроқ юзасидаги температура 79,4° га етади.

Аммо баҳорда 25—30 см ва ёзда 70—75 см чуқурлика температура —23° дан ошмайди.

Ана шундай ўзига хос шароитга эга бўлган қумли чўлларда 360 турдан иборат гулли ўсимликлар учрайди. Шу ўсимликларнинг 56% и эндем турлардан ташкил топган.

Қумли чўллар учун энг характеристири ўсимликлардан қандим, қўёнсуяқ, қизилча, астрагал, сингрен, шувоқ, коврак, саксовул, тутавон, печак, қочим, ширач, тошбақаёт, терскен, дорема, смирновия, қумарчиқ, селеу каби жуда кўп туркумларнинг вакилларини курсатиш мумкин (51-расм).

Қумли чўллардаги 350 та гулли ўсимликлар турининг 143 таси бир йиллик (террофит) ўсимлиkdir. Уларнинг 98 таси эфемер, 45 таси ёз ва кузда вегетация қилувчи турлардир. Қумли чўллар бир йиллик ўсимликларга ниҳоятда бой.

Кўп йиллик ўт ўсимликларнинг сони 106 турдан иборат, улардан 31 таси эфемероид, 75 таси эса ёз-куз фаслида вегетация қиласи.

Умуман Ўрта Осиё чўлларида усуви бир йиллик эфемер ўсимликларнинг ҳаёти жуда қизиқарли. Қизиги шундаки,



51-расм. Кумли чүлда ўсадиган ўсимликларнинг баъзи вакиллари:

1 — қўёнсуяк, 2 — оқ саксов—селин, 5 — илоқ.

июль — август ойларида температура бир оз пасайиб ёғингарчилик кузатилса, баъзи эфемерлар дарҳол униб чиқиши ва қишиш бўйи тўпбарг(розетка) ҳосил қилган ҳолда ўз вегетациясини давом эттириши мумкин. Демак, эфемерлар ҳаётин асосан, иқлим шароити билан узвий боғлиқ экан.

Езниг ниҳоятда қуруқ ва иссиқ бўлиши, тез-тез иссиқ шамолларнинг эсиши қумли чўлларда ўсувчи ўсимликларнинг шундай ноқулай шароитга мосланишига мажбур этган. Бу чўлларда ўсувчи кўпгина ўсимликларнинг уруғ ва мевалари енгил (пропеллер, учма, аэростат, қанотли) уруғли бўлганлиги учун ҳам осонлик билан тарқалиш имконига эга. Эркакслеу қумни бир ердан иккинчи ерга тез-тез кучиб туришига мослашган. Қум кўчган жойда унинг илдизи, қум кўмган жойда эса танаси — уруғи тезда кўкариб чиқиш хусусиятига эга. Шунинг учун селин ўсимлиги қум кўчган жойларда ҳам, қум босган жойларда ҳам ўз ҳаёт процессини нормал давом эттираверади.

Қумли чўлда ўсувчи ўсимликлар орасида илоқ, қўнғирбош, эркакслеу ва майдаслеу кабилар энг кўп учрайдиган ўсимликлардан ҳисобланади. Илоқ билан селеулар қум қатламини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Қумли чўлда ўсувчи ўсимликлар асосан қўйидаги формацияларга бўлинади:

Саксовул — илоқ (*Haloxyloneta* — *physocaricis*);

Жузғун — илоқ (*Calligoneta* — *physocaricis*)

Қуёңсуяк — селеу (*Ammodendroneta* — *aristidae*)

Қандим — селеу (*Calligoneta* — *aristidae*)

Терскен — илоқ (*Eurotieta* — *Physocaricis*)

Тортула моҳлари (*Tortuleta*) га бўлиб ўрганилади.

Эфемер ўсимликлар типи. Эфемер ўсимликлар типини биринчи марта 1926 йилда М. Г. Попов эфемер чўллар номи билан ўрганган. Кейинчалик турли авторлар бу типдаги ўсимликларни ҳар хил номлар билан атаган. Масалан, А. П. Шенников ва П. А. Прозоровский эфемер ўтлоқлар, И. А. Линчевский саванналар, П. А. Овчинников чала саванналар ва Қ. З. Зокиров ринг ўсимликлар номлари билан аташган.

Эфемер ўсимликлар Мирзачўл (Сирдарё ва Жиззах областлари ўртаси)да, Қарши чўлида, Бадхиз чўлида, Қопет-Доғда, Мурғоб-Амударё оралиғида ва Тошкент атрофидаги Қелес масивида учрайди.

Е. П. Коровин эфемер ўсимликлар типини 3 та:

ранг эфемер ўсимликлар; қўнғирбош шўракли ўсимликлар ва ранг* — ҳар хил ўтлар кенжা типга бўлиб кўрсатади.

Ранг-эфемер ўсимликлар Мирзачўлда, Қарши чўлида, Қопет-Доғ тоғ этакларида текисликларда ва Бадхиз тепаликлирида учрайди. Рангэфемер ўсимликлар кенжা типини ташкил қилишда энг актив иштирок этадиган ўсимликлардан ранг ёки илоқ (*Сагех pachystilis*), қўнғирбош (*Poa bulbosa*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, айиқтовон, эрбаҳоси, герань, жунчўп, буниум, коврак, дорема ва ҳоказо кўп йиллик ўтларни; момақалдироқ, нұхатак, лайлактумшук, читир, вероника, кийик-

* Ранг — ҳар хил ўтлар кенжা типи ҳақидаги маълумотларни адир минтақа-сидаги ўсимликлар темасида батафсил ёритилади.

ут, лолақизгалдоқ, оқ читир, ёввойи седана, испарак, қарғатир-ноқ, лаллеманция каби 40—50 тур эфемерларни күрсатиш мүмкін.

Құнғирбош-шұракли үсимликлар кеңжа типи. Бу хилдаги үсимликлар, асосан, Тожикистаннинг Вахш ва Панж дарёси водийларида ҳамда Мирзачұлда учрайди. Құнғирбош-шұракли үсимликлар учрайдиган чүллар бир томондан эфемер чұлғига ва иккінчи томондан шұрхокли чүлларга ұшшаб кетади. Чunksи у шу иккі чүлнинг үртасида жойлашған.

Үсимликлардан асосан, коврак, қора саксовул, шувоқ, шұрак каби күп үйлilikларни ва ажриқбош, торол, чұпонтелпак, шұр мушукқурық, михчұп каби бир үйлilikларни күрсатиш мүмкін.

Чүл зонаси Ўзбекистон территориясынинг 61% ини үз ичига олади. Ўзбекистон территориясидеги чүлларда үсуви үсимликлар асосан 4 та әдафотипта; 21 ценотипта, 75 формацияга ва 400 дан ортиқ ассоциацияга бўлиб ўрганилади. Эдафотиплар бўлиб псаммофил үсимликлар (*Psammophyta*), гипсофил үсимликлар (*Gypsophyta*), галофил үсимликлар (*Halophyta*) ва түқий үсимликлари (*Potamophyta*) ҳисобланади*.

Үрта Осиё чүлларининг ҳозирги ҳолати ва чүл үсимликларидан фойдаланиш

Үрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозогистоннинг жуда күп қисмини чүллар ташкил этади. Бундай чүллар ичиде майдонининг катталиги ва хўжаликдаги аҳамиятига кура қумли чүллар биринчи ўринда, сўнгра шувоқли (гипсли), шұрхокли ва эфемер чүллар туради. Қоракүл қўйлари боқиладиган қумли чүллар (яйловлар) Туркманистон, Қарақалпоқ Автоном республикаси ва Жанубий Қозогистонда, Ўзбекистон ва Қозогистонда шувоқли ҳамда шұрхокли чүллар кўпроқ учрайди. Эфемер чўли эса барча Үрта Осиё республикалари территориясида учрайди.

Ҳозирги вақтда Үрта Осиё чүлларининг деҳқончилик учун қулай бўлган майдонлари ўзлаштирилмоқда. Деҳқончилик учун ноқулай бўлган майдонларда эса чорвачиликни ривожлантириш планлаштирилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантиришда чүл үсимликлари маҳсулдорлигини ошириш, баъзи хушхұр ва тўйимли үсимликларни экиб-қўкартириш муҳим роль ўйнайди. Бу борада масалан, Туркманистон ва Ўзбекистон территориясидеги чүлларда шувоқ, эркак супурги, саксовул, сингрен, қандим, қизилча, каррак, кейрук каби жуда күп үсимликлар ўстирилмоқда. Шунингдек, илоқ, құнғирбош, ялтириш; астрагал, селин, терскен, изен каби үсимликларнинг яхши үсишига эътибор берилмоқда. Шу мақсадда бундай майдонларда планли равишда мол боқиш түғри йўлга қўйилмоқда.

* Растительный покров Узбекистана, II том, 1979.

Чүл ўсимликлари фақатгина чорва моллари учун ем-хашак сифатидагина эмас, балки хўжаликнинг бошқа соҳалари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улардан зиравор сифатида фойдаланилади, бўёқ, ошловчи моддалар, эфир мойлар олинади ва ҳоказо. Қумсабзи ва коврак кабиларнинг илдизмеваси қумарчиқ ҳамда кумтарин кабиларнинг уруғидан озуқа сифатида, арнебия ва йоннея кабиларнинг илдизи эса бўёқ олиш учун ишлатилиши мумкин.

Псаммогетон эфир мойли ўсимликлардан биридир. Лола, ширач, смирновия, астрагал, бойхалча, ерсовун кабилар эса манзарали (декоратив) ўсимликлардир.

Дориворлик хусусиятига эга бўлган ўсимликларга чўғон, итсегек, ерсовун, лолақизғалдоқ, қуёнсуяқ, исириқ ва ҳоказолар киради.

Маҳаллий халқ кўпчилик шўрак (галофил) ўсимликларни кўйдириб, кулидан ишқор ва сода олишда фойдаланиб келган.

Чўл зонасининг ҳолатини ҳар томонлама яхшилаш ва ундан хўжаликнинг турли соҳаларини ривожлантиришда ўнумли фойдаланиш ишлари Совет ҳокимияти йилларида яхши амалга ошди. Хусусан, кейинги (1970—1980) йилларда чўллардан фойдаланишини янада яхши йўлга қўйиш учун қатор тадбирлар (чўлларни агро- ва фитомелиорациялаш, артезиан қудуқлари қазиш, каналлар утқазиш орқали янги воҳалар ташкил қилиш каби) амалга оширилмоқда. Чўл ўсимликларининг унумдорлигини ошириш ва ундан фойдаланишини кенг йўлга қўйиш билан бир вақтда чўл ўсимликларини муҳофаза қилишдек муҳим тадбирга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Ер шаридаги бошқа чўлларнинг умумий тасвири

Марказий Осиё чўллари. Марказий Осиёдаги чўлларнинг энг катта майдонлари Хитой ва Мўгулистон территориясида жойлашган бўлиб, улар дengiz satxidan 600—880, ҳатто 1200—1400 м баландликда жойлашган. Марказий Осиё чўллари иқлимининг кескин ўзгарувчан бўлиши, ҳавонинг қуруқлиги ва ёғингарчиликнинг жуда кам ёғиши билан характерланади. Марказий Осиё чўлларида энг катта майдонларни Такла-Макон, Алашон, Ордос ва Жунғор чўллари эгаллаган.

Такла-Макон ва Ордос чўлларида деярли қорсиз совуқ қиши, совуқ шамолли баҳор билан алмашинади. Баҳор эса температураси (сутка давомида) кескин ўзгариб турувчи ёз билан алмашинади. Шунга қарамасдан Марказий Осиё чўлларида дағал баргли ўсимликлар ўсади. Уларнинг кўпчилиги шўрадошлар, крестгулдошлар, мураккабгулдошлар, туятовондошлар, кермакдошлар каби оиласарнинг вакиллари ҳисобланади. Шароит ноқулайлигидан эфемер ва эфемероид ўсимликлар чўлларда муҳим ўрин эгалламайди.

Марказий Осиё чўллари асосан қум-гил тупроқли, қум-тош-

лоқли, қум-шағалли ва шўрхокли чўллар каби чўл типларидан ташкил топган.

Умуман, Марказий Осиё чўллари учун характерли ўсимликлардан симпегма, хедизарум, илон чирмовиқ, эхинопс, ондиз, туясингрен, қумарчиқ, шувоқ, исириқ, терскен, қандим, селитрянка, шўрхок жойларда тутавон, юлғун, саксовул, шўрак, эркак супурги, турли хил ёввойи пиёзлар, лагохиллус, соз тупроқли жойларда реомюрия, чўл чуҳраси, астрагал, қарағай, қизилча, янтоқ кабиларни кўрсатиш мумкин.

Жунгория текислигидаги чўлларда, асосан, саксовул, селитрянка, қараған, юлғун, туясингрен, хедизарум, қизилча, реомюрия каби бута ўсимликлари, қорашибора, изен, шўрак, тутавон, лола каби ўтлар кўп учрайди.

Арабистон чўллари 3 млн. км² ли майдондан иборат бўлиб, Арабистон ярим оролининг деярли 95% ини ишғол этади.

Бу чўлларда пассат (тропик океан) шамоллари йил бўйи эсиб туради, қумлар тез-тез кўчади, ёғингарчилик ниҳоятда кам (30—100 мм) ёғади. Ёз фаслида температура ва бугланиш юқори (3000 мм) бўлади. Тупроғи қизғиши-қўнғир тупроқдан иборат бўлиб, турли хил тузларга бойдир.


Арабистоннинг қумли чўлларида эфемер ўсимликлари, шўрхокли ва тошлоқли чўлларида шўрак ўсимликлари ва «думалаб тарқалувчи» ўсимликлар группаси учрайди. Бу хилдаги чўллар, асосан, бир йиллик ва кўп йиллик ўт, чала бута ва буталардан ташкил топган.

Арабистон чўлларида баъзан яшил воҳаларни ҳам учратиш мумкин. Бундай воҳаларда хурмо дарахти, акация ва юлғун кабилар ўсади.

Умуман, Арабистон чўлларида кўп учрайдиган буталардан⁷ ретама, зилла, ковул (*Capparis cartilaginea*), моринга, мингбош (*Convolvulus spinosus*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Ўт ўсимликлардан шувоқ, астрагал, одонспермум, анастатика, селеу, тутавон, клеоме, кермек (*Staticeргuiosa*) ва тубан ўсимликлардан леконора (*Leconora esculenta*) лишайнигини мисол келтириш мумкин.

Африка чўллари (саҳролари) Африка материгининг шимолида 9 млн. км² майдонни эгаллаган Саҳрои Қабир ва материкнинг жанубидаги Набиб саҳроларини ўз ичига олади.

Саҳрои Қабир ўзининг шарқий чегарасида Ливия чўллари орқали Арабистон чўллари билан туташади. Унинг териториясини 20% и қумли чўллардан, қолган қисми эса тошлоқли, шағал ва гилли чўллардан иборат. Йиллик ёғингарчилик 100 мм дан ошмайди. Баъзи жойларда эса бир неча йил давомида ёғингарчилик мутлақо кузатилмайди. Жазоир территориясидаги саҳроларда ёғингарчилик, асосан, баҳор ва куз фаслида ёғади. Ёз фаслида кундуз кунлари температура 70—80° гача кўтарилиши ва кечаси кескин совиб кетиши мумкин. Бундай ўзгарувчан температура таъсирида тошларнинг парчаланишидан қум тупроқлар ҳосил бўлган. Африка саҳроларида кучли шамоллар



52-расм. Жанубий Америка чүлларидаги баъзи суккулент ўсимликлар:

1, 2, 3 — солнечник (мезембрианлемум) туркумининг уч тури, 4, 5 — семизарг (крассулэ пирамидат) ўсимлигининг ён ва уст томондан кўриши, 6 — семизарг (красула колумниария) ўсимлиги.

бўлиб туради. Шароитнинг ноқулай бўлишидан ўсимликларни ташкин кўриниши бир булак тошни эслатади. Бундай ўсимликлар суккулентлик хусусиятига эга (52-расм). Шунга қарамасдан, Африка саҳроларида ўсувчи ўсимликлар сони 1200—1400 турни ташкил этади. Арабистон чўлларидагидек Африка саҳроларини ҳам яшил воҳалар кесиб ўтади. Бу воҳаларда хурмо дараҳти ва ширин берадиган бир неча тур акациялар учрайди (53-расм). Африка саҳроларида ўсимликларнинг сони ва ҳаёти ёғингарчилик миқдорига эмас, балки ер ости сувларининг юза ёки чуқур жойлашишига боғлиқ.

Саҳроларда ўсадиган леконора лишайниги алоҳида хусусиятига эга. У субстратга жуда омонат ўрнашиб олиб, ҳаводаги сув буғларини тунги соатларда конденсациялаш (сўриб олиш)



53-расм. Арабистон (Миср) чулидаги воҳаларда пальмаларнинг ўсиши.

ҳисобига яшайди. Унинг сирти бўртиб, шишимшиқ ҳолатга келади. Ҳаво қуруқ бўлган пайтда шамол эсиб қолса ҳавога кўтарилиб кукун ҳолида ёғади.

Саҳрои Кабирда ўсадиган буталардан — қизилча (*Ephedra elata*), ретам, қандим (*Calligonum comosum*), дрок (*Genista sahare*), зилла ёки цилла (*Zilla spinosa*), одоноспермум (*Odonospermum rugosaeus*) кабиларни, ўт ўсимликлардан селеу (*Aristida pungens*), ҷалов (*Stipa tenasissima*), олабута (*Atriplex mollis*), янтоқларни кўрсатиш мумкин (54 - расм).

Африканинг жанубидаги Набиб чўллари эса турларга анча бойлиги билан Шимолий Африка чўлларидан фарқланади. Бенгал оқими деб аталувчи совуқ нам шамол Атлантика океанидан эсиб ёғингарчилик ҳосил қилмасдан Набиб чўллари устида ҳавонинг нисбий намлигини 70—80% бўлиб туришига олиб келади. Ўсимликлар туман ва шудрингдан фойдаланиб ҳаёт кечиради. Бу чўлларда суккулент ҳаёт формасига эга бўлган вакиллар жуда кўп учрайди. Улардан семизбаргдошлар, сутпечакдошлар, сутламадошлар, лоладошлар, ёронгулдошлар каби оиласларнинг вакиллари жуда кўп учрайди. Бу ерда учрайдиган турларнинг кўпчилиги эндем ўсимликлардир. Масалан, мезембриантемум туркумининг 400 тури бўлиб, шундан 75 таси эндем ҳисобланади. Бундан ташқари сутлама (*Euphorbia namibensis*), юлғун (*Tamarix usneoides*), вельвичия (*Welwitschia mirabilis*) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Вельвичия очиқ уруғли ўсимликлар типининг вакили бўлиб, унинг бўйи 40—50 см. Танасининг диаметри 1,5 м. Илдизлари 1,5 м чуқурликда жойлашган бўлади. У танасининг устки қисми



54-расм. Саҳрои Кабир чўлидаги баъзи ўсимликлар:
1 — тиканли цилла (зилла), 2 — африка янтори, 3 — одоноспермум.

орқали туман ва шудринг намларини суреб олувчи суккулентлик хусусиятга эга бўлган ўсимликдир. Танасининг устки қисмида 2 та 3 метрли барг ҳосил қиласиди ва у барглар ўсимликнинг ҳаёт процесси давомида сақланиб туради, яъни баргнинг уни қуриб, асос қисмидан кўкариб боради. Мезембриантемумнинг ҳам 90% вегетатив органи ўзида запас сув сақлайди. Сув билан тўйинган ўсимлик танаси кул ранг тошни эслатади. Шунинг учун бу ўсимлик баъзан тош ўсимлик дейилади. Жанубий Африкада суккулент ҳолда яшовчи баъзи ўсимликлар 49-расмда тасвирланган.

Шимолий ва Жанубий Америка чўллари. Шимолий Америка чўллари шимолий кенгликтининг $22-48^{\circ}$ параллел чизиқлари ва $110-120^{\circ}$ меридиан чизиқлари орасида жойлашган.

Жанубий Америка чўллари эса жанубий кенгликтининг тахминан $5-30^{\circ}$ даги параллел чизиқлар, $70-80^{\circ}$ меридиан чизиқла-

ри (Калифорния, Аризон ва Мексика територияси) орасида жойлашган бўлиб, улар Атакама чўллари деб аталади. Бу чўллар қисман Ўрта Осиё чўлларига ухшаса-да, жойланниши, иқлим шароити, ўсимлик қоплами ва флорасининг таркибига кура ўзига хос хусусиятга эга.

Шимолий Америка чўлларининг шимолий територияси мўтадил иқлими бўлиб, жанубий територияси ва Жанубий Америкадаги Атакама чўллари субтропик иқлими чўллар ҳисобланади. Шимолий чўлларда ёғингарчилик 120—250 мм ни ташкил этади. Йилнинг 200—260 куни совуқ ва салқин бўлиб туради.

Шимолий Америка чўлларида шувоқли, олабутали ва креозит бута ўсимлик типлари мавжуд.

Қорашувоқ (*Artemisia strobilifera*), олабута (*Atriplex confertifolia*), терсken (*Eurotia lanata*) каби буталар ва лайлактумшук, ёввойи арпа, бўзтикан каби ўсимликларнинг бир йиллик вакиллари Шимолий Америкадаги шимолий чўлларда доминант ҳисобланади.

Шимолий Америкадаги жанубий чўлларда эса кактус, юкка, агава, креозит, идрия, прозопис, дерсус, окатилло, лизилома каби туркумларнинг эндем вакиллари учрайди. Кактус, юкка, агава ва цереус каби туркумларнинг вакиллари суккулент ўсимликлардир. Уларнинг айримлари танасида 300 литргача сувни запас қилиб сақлаши мумкин (55-расм). Масалан, ёзги эфемерлардан бангидевона, мачин, темиртикан, бутелоа каби туркумларнинг вакилларини курсатиш мумкин.

Шимолий Америка чўллари учун шўрадошлар оиласининг ёғлиқ дараҳат (салъное дерево) деб аталган бутасимон вакиди эндемдир. Унинг барги қорамтири-яшил бўлиб, ёғ суркаб қўйган-дек ярқираб туради.


Австралия чўллари. Австралия чўллари асосан материкининг марказий қисмida Эйр кули атрофида жойлашган бўлиб, фарбда Виктория ва «Каттақум» чўллари мавжуд. Уларнинг орасида эса Гибсон чули деб аталувчи тошлоқли чўл жойлашган.

Ёғингарчилик 30—32° жанубий кенглиқда 150—200 мм ни, 30° дан шимолда жойлашган чўлларда эса 130—150 мм ни ташкил этади. Австралия чўллари асосан шўрхокли ва қумлидир. Бу чўллар ўсимлик турларига бой бўлиб, улар ўсмаган майдонлар деярли йўқ. Чунки бу чўлларда ер ости сувлари юза жойлашгандир. Темир-латеритли тупроқ қобиғи остида каолинли лой тупроқнинг мавжудлиги ва уни ўзида ёғин сувларининг бир қисмини сақлаб туриши тупроқни доимо нам бўлишига ва ўсимликларни ундан фойдаланишга имкон беради.

Австралия чўлларининг марказий ва фарбий қисмидаги қумли чўлларда бошоқдошлар оиласидан спинифекс туркумининг бир неча тури ўсади. Шунинг учун ҳам бу ерлардаги чўллар кўпинча спинифекс чўллари деб аталади. Энг кўп учрайдиган вакилларидан пародоксал спинифекс (*Spirifex paradoxus*) ни курсатиш мумкин. Ҳаёт процессига кўра спинифексга ухшаш бўлган



2.



3.



1.



4.

55-расм. Шимолий Америка чўлларида ўсадиган байзи ўсимликлар:
1 — дарахтсимон юкка, 2 — фукиерия ёки оқатилло, 3 — идрия, 4 - церсус кактуслари.

бошоқдошлар оиласининг треодия деган бошқа вакили ҳам учрайди. Уларнинг бўйи 1 м, диаметри 0,5 — 1 м га етади ва чим ҳосил қилиб ўсади. Спинифекс ҳам, треодия ҳам тикансимон дағал баргларга эга бўлиб, ҳар томонга тарвақайлаб ўсиб ётади. Юқорида кўрсатилган ўсимликлар орасида чўл эвкалипти (*Eucalyptus endesmeoides*), казуарина (*Casuarina decaisneana*), каллитрис (*Callitris arenosa*) ксанторея, баъзида бутилкасимон дараҳт (*Buxus hystericiflora gregorii*), тошлоқли участкаларда эса мезомбриантемум учрайди. Гил тупроқли шўрланган чўлларда галофит бутачалар катта-катта майдонларда ўтзорлар ҳосил қи лади. Улардан эркаксупурги, олабута, шўрак, селитрянка, туютовон, кроталария каби туркумларнинг турлари ўсади.

Амалий машғулотлар

Илоқ (*Carex physoides*), ранг ёки ҳилол, селеу (*Arisida karellii*), қандим (*Calligonum arborescens*), симпегма (*Sympetrum gegelei*), исироқ (*Peganum nigellastrum*), ретам (*Retama retam*), дрок (*Genista saharae*), ёғлиқ дараҳт (*Sarcobatus vermiculatus*), каби чўл зонасига хос ўсимликлар ареалини ўрганинг ва уларни контур картага туширинг.

1. Илоқнинг ареали — Ўрта Осиё, Волганинг қуи оқими, Марказий ва Шарқий Эрон, Афғонистон

2. Ранг ёки ҳилолнинг ареали — Ўрта Осиё, Кавказ, Афғонистон, Фулжа, Эрон, Шарқий Туркия ва Суря

3. Селеунинг ареали — Ўрта Осиё (Ўрта Осиё эндеми)

4. Симпегманнинг ареали — Тяньшань, Помир, Олой ва Шимоли-ғарбий Хитой

5. Исироқнинг ареали — Муғулистон

6. Ретам ва дрокнинг ареали — Саҳрои Кабир чўли (эндем)

7. Ёғлиқ дараҳтнинг ареали — Шимолий Америка чўли (эндем).

Субтропик зона ўсимликлари

Субтропик зона яхлит майдонни ташкил қилмайди. У шимолий ва жанубий кенгликтининг $30-35^{\circ}$ ва $40-45^{\circ}$ ларидаги Жанубий шарқий Хитойда, Япония оролларида, Шимолий Американинг Калифорния ва Жанубий Американинг Чили штатларида, Ўрта дengiz атрофидаги мамлакатлар териториясида, Шимолий ва Жанубий Африкада, Австралияда учрайди. Шунинг учун ҳам бу зонанинг барча майдонлари учун ўсимликларнинг умумий бир вакилини кўрсатиш мумкин эмас.

Субтропик зона ўсимликларининг тарқалишига ва ривожлашига йил давомида температуранинг ўзгариб туриши катта таъсир кўрсатади.

Субтропик зонанинг шарқий чегарасидаги қуруқликларда ёғингарчилик иссиқ ёз фаслида ҳам, совуқ қиши фаслида ҳам

бўлиб туради. Бу районлар *нам субтропиклар* (масалан, Жануби-шарқий Хитой, Япония ороллари, Жанубий Африка, Флорида ярим ороли, Қора денгиз қирғоидаги Батуми, Австралияниң шарқий қисми) дейилади.

Субтропик зонанинг ғарбий қисмида эса ёғингарчилик, асосан, қишинарларда бўлади. Бундай жойлар Ўрта денгиз иқлимига эга бўлган субтропиклар (Ўрта денгиз, Чили, Калифорния) дир.

Субтропик зонанинг марказий қисмида иқлим континентал булиб, температура қишида ҳам, ёзда ҳам ўзгарувчандир. Бундай жойлар қуруқ *субтропиклар* деб аталади. Бу ердаги ўсимликлар ҳаёти чала чўл ўсимликларини кечирсанда ўхшаш.

Ўрта денгиз атрофидаги дағал баргли ўрмонлар ва бутазорлар

Ўрта денгиз атрофидаги дағал баргли субтропик ўрмонлар 2 та жанубий ва шимолий кичик зоналарга бўлинади. Жанубий кичик зона Африканинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, у ям-яшил ўрмонлар билан қопланган. Текисликларда дашт ўсимликлари ёки чала чўл ўсимликлари ўсади. Тор ён бағирларида эман дарахти ўрмонларини ва ундан юқорироқда эса кедр дарахти ўрмонларини учратиш мумкин.

Шимолий кичик зона, асосан, Кичик Осиё ва Европанинг жанубий қисмини ўз ичига олиб, доимий яшил ўрмонлардан иборат. Бу кичик зонанинг ғарбига эманнинг бир неча тури (пўқак эман, тош эман) ва Европа пальмаси деб аталувчи пакана пальма дарахтлари, шарқда эса лавр ва ливан кедри мавжуд.

Ҳозирги вақтда бундай ўрмонларнинг майдони қисқариб, уларнинг ўрнини бутазорлар эгалламоқда. Уларни турли халқлар ўз тилида турлича номлашган. Масалан, *маквислар* деб аталувчи бутазорлар Ўрта денгизнинг ғарбий қисмидаги Корсика ерларида учрайди. Бутазорларнинг бўйи 1,5—4—6 м. Улардан земляника дарахти, филлиреа (*Phillyrea angustifolia*), писта (*Pistacia lentiscus*), вереск (*Erica arborea*), мирта (*Myrtus communis*), ладанник, прутняк (марям дарахти) кабиларни мисол келтириш мумкин. (56- расм).

Ўрта денгиз атрофида паст бўйли (1 м гача) гарига бутазорлари маквис бутазорларига нисбатан кенг тарқалган. Уларни асосан, бутасимон эман (*Quercus coccifera*), чабрец, розмарин, дафне (*Daphne gnidium*), дрок (*Genista scoraria*), пакана пальма (*Chamaerops humilis*) кабилар ташкил этади. Бундай бутазорлар Жанубий Испанияда, Сицилия (Италия) да, Жазоир ва Мароккода кенг тарқалган.

Томиллярия деб аталувчи бутазорлар ҳидли ва сертук ўсимликлардан иборат. Томиллярия — испанча сўз бўлиб, чабрец (*Thymus*) ўсимлиги номидан олинган. Бу хилдаги бутазорлар чабрец, лаванда, розмарин каби ҳидли буталардан ташкил топган.



56-расм. Ўрта денгиз атрофилаги субтропик бутазорларнинг баъзи вакиллари:

1 — хамеропс пальмаси, 2 — дарахтсимон вереск, 3 — земляника дарахти,
4 — тиканли ежовник, 5 — филлерия.

Қурғоқчил ерларда томиллярия бутазорлари фриганалар деб аталувчи бутазорлар билан алмашинади.

Фриганалар қалин ва яхлит қоплам ҳосил қилмайди. Уларда ксерофиллик хусусияти яхши ифодаланган (танаси тиканли, барглари дағал). Буталар, кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар Фриганаларни ташкил этади.

Фриганалар баҳор фаслида гуллайди, ёз фаслида эса уларнинг вегетацияси тұхтайди.

Ўрта денгиздаги субтропик бутазорларда эрика, спартиум, зйтун ва лавр учрайди.

Дағал баргли субтропик ўрмонлар Шимолий Американинг Калифорния штатида, Чилида, Австралияда ва Жанубий Афри-

када ҳам учрайди; Үрта денгиз атрофи, Сан-Франциско, Лос-Анжелос ерларида субтропик үрмөнлардан ташқари чапарель бутазорлар деб аталувчи (57-расм) дағал баргли бутазорлар ҳам учрайди. Улар маквис бутазорларга үхшаш бўлиб, буталарнинг бўйи 2—3 м. Бундай бутазорлар ксероморф баргли эман, толокнянка, аденостома ва кактуслардан ташкил топган.



57-расм. Шимолий Америка субтропик чапарелиларидағи баъзи ўсимликлар:
1 — толокнянка, 2 — аденостома, 3 — цеанотус, 4 — олтин тангачали эман.

Шимолий Американинг шарқий қисмидаги субтропик үрмөнлар кенг баргли ва нинабаргли дараҳатлардан ташкил топган. Аппалачи тоғларига яқин жойларда бундай үрмөнлар тропик зона ўсимликлари ҳисобига бойиб боради. Шунингдек, бу ерларда пальмалар, ғаров (бамбуклар), саговниклар, кактус-

дошлар, иткучаладошлар, магнолиядошлар, лаврдошлар, бромелиядошлар оиласарининг бир қанча вакиллари ўсади.

Шимолий Америкадаги субтропик ўрмонлар Шимолий кенглигинг 38—43° ларидаги жойлашган. Улар нинабаргли дараҳтлардан, қисман эман (*Quercus densiflora*, *Q. agrifolia*), земляника дараҳти, Аденостома (*Adenostoma fasciculatum*), вереск ва толокнянкалардан ташкил топган. Нинабарглилардан секвоя (*Sequoia sempervirens*), цсуга (*Tsuga heterophylla*), ботқоқ сарви (кипарнс) кабиларни учратиш мумкин.

Жанубий Америкадаги субтропик ўрмонлар Чилининг марказий қисмидаги жойлашган. Бу ерларда ёз фасли январь—февраль ойларидаги бўлади. Бу даврда уртacha температура 17,6°. Аксинча, ёз ойлари (июль—август) да қиши фасли бўлиб, уртacha температура —11,3°. Йиллик ёғингарчилик 490—766 мм. Жануб томон борган сари 46—47° жанубий кенглигда ёғингарчилик миқдори ортиб 2600—3000 мм ни ташкил этади.

Жанубий Америкадаги субтропик ўрмонлар Бразилия тоғлари атрофида учрайди ва шимолий чегараларида тропик тоғ ўрмонлари ёки каатинга типидаги сийрак ўрмонлар билан алмашинади.

Жанубий Америка субтропик ўрмонларида кенг баргли дараҳтлардан күпинча совун дараҳти, лаурелия (*Laurelia serata*), персея (*Persea lingua*), дримис (*Drimys winteri*) учрайди. Нинабарглилардан эса юбея (*Jubaea spectabilis*), падуб (*Plex agrifolium*), подокарпус (*Podocarpus*), либоцедр, фицрой, лаврдошлар ва магнолиядошлар оиласарининг вакиллари билан бирга учрайди. Кордильера тоғларидан (1000—1400 м баландликда) араукариянинг баъзи турлари (*Araucaria araucana*, *A. brassiliiana*) учрайди.

Австралиядаги субтропик ўрмонлар материкнинг жануби-тарбидаги қисман жануби-шарқий қисмидаги жойлашган. Бу ерларда эвкалиптнинг бир неча тури (*Eucalyptus amygdalina*, *E. obliqua*, *E. diversicolor*, *E. marginata*) учрайди. Эвкалиптнинг буйи 70—80 м бўлиб, ўрмонларда энг юқори ярусни ташкил этади. Пастки ярусда миртадошлардан евгения, мураккабгулдошлардан дараҳтсимон астра (*Aster agrophylloides*) ҳамда бўйи 30 м га етадиган австралия еллигичсимон пальмаси (*Jivistona australis*) ўсади. Ундан пастроқ ярусларда дараҳтсимон папоротниклар, ўт ўсимликлари ва айрим лианалар ва эпифитлар учрайди.

Субтропик типидаги нинабаргли ўрмонлар Австралиянинг тоғли районларида жойлашган. Улар бўйи 25—30 м га етадиган каллитрис дараҳтининг қалин ўрмонларидан ташкил топган. Бу дараҳтнинг ёғочи жуда сифатли ҳисобланади.

Австралиядаги дағал баргли субтропик ўрмонларни лоладошлар оиласидан ксанторея, кингия, дазипогон каби туркум вакиллари ташкил этади. Ксантореянинг пустлоғи ва тўпгулида ёпишқоқ смолосимон модда кўп бўлиб, ундан лак, ширач ва бўёқ олишда фойдаланилади.

Австралия даги субтропик үрмөнларда очиқ уругли ўсимлик типининг саговниклар синфидан макрозамия (*Macrozamia hopei*, *M. denisovii*) деб аталувчи вакиллари ҳам учрайди. Уларнинг бўйи 20 м бўлиб, заҳарли дараҳтдир. Оғирлиги 20 — 30 кг бўлган ҳар бир қуббасининг узунлиги 70 — 80 см га етади.

Дағал баргли субтропик үрмөнларда учрайдиган буталар ва ўтлар жуда чиройли гуллайди.

Үрмөнлар сийраклашиб ёки мутлақо йўқолиб кетган майдонларда дағал баргли бутазорлар учрайди. Бу хилдаги бутазорларни Австралияда скреблар дейилади. Одатда скребларнинг қўйидаги уч группаси мавжуд.

Эвкалиптлар доминант бўлган бутазорлар. Австралияning жанубий, фарбий ва жануби-шарқий қисмида учрайди. Унинг дағал ва тиканли барглари мум билан қопланган.

Бутасимон акациязорлар. Акацияning ўзиға хос хусусиятларидан бири баргининг тезда тўқилиб кетиши ёки мутлақо ҳосил бўлмаслигидир. Баргларнинг ўрнига қурғоқчиликка чидамли жуда дағал тузилишга эга бўлган филлодий (ўзгарган барг бандлари) ҳосил бўлади (58-расм).



58-расм. Австралия субтропик скребларидаги баъзи акациялар:

1 — акация маргината, 2 — алдамчи акация, 3 — қанотли акация.

Аралаш скреблар (бутазорлар) — Австралияning шимоли-шарқида тарқалган. Улар акация ва эвкалиптлардан ташкил топган. Скреблар орасида стрелкулядошлардан бутилкасимон

брахихитон дарахти күп учрайди. Брахихитоннинг танаси этли, ғовак ёғоддан ташкил топган бўлиб, ўзида сув запасини сақладиди (59- расм).

Жанубий Африкадаги дағал баргли бутазорлар Ўрта денгиз атрофидаги маквис типидаги бутазорларга уҳшайди. Чунки бу



59- расм. Австралия субтропик скребларида учрайдиган бутилкасимон дарахтлар.

ерда ҳам қишилиқ ва ёз жуда қуруқ келади. Бу ерларда кўпроқ подокарпус, виддингтония каби нинабарглилар, протейдошлар, крестиондошлар, дуккақдошлар, итузумдошлар, ёронгулдошлар, амариллисдошлар, раъногулдошлар каби оиласаларнинг бир неча вакиллари ва суккулент сутламалар кўп учрайди. Хусусан Кап обласида верескнамо ўсимликлар жуда кўп (400 турдан ортиқ) учрайди.

Жануби-шарқий Осиё субтропик ўрмонлари

Евросиё материгига субтропик ўсимликлар асосан шимолий кенгликтининг 32° (Хитойнинг Нанкин шаҳри)дан бошланиб, $18-20^{\circ}$ лари ва меридиан чизиқларнинг тажминан $70-118^{\circ}$ лари ўртасида, яъни Покистон, Хиндистон, Хитой ва Вьетнам территорияларида жойлашган. Шунингдек, экватордаги Суматра, Борнео ороллари (Индонезия) да ҳам унча катта бўлмаган майдонларни ташкил этади. Бундай ўрмонлар тропик иқлимга

ўхшаш иқлимли бўлиб, ўсимлик турларига бой. Масалан, лаврдошлар оиласидан камфора дарахти ва долчин дарахтлари, магнолиядошлар оиласидан лола дарахти, бир палладилардан трахикарпус (пальма дарахти), доим яшил эманлар, ликвидамбрлар, тропик зонада ўсувчи сандал дарахти, фикус кабилар ўрмонларнинг юқори ярусини ташкил этади. Пастки ярусада эса камелиялар, падуб, бамбук, дуккакдошлар, раъндошлар, арелиядошлар оиласига кирувчи бир неча буталар учрайди. Янада пастроқ ярусада ўт ўсимликларидан шеролчин, мэрмарак, наврӯзгул каби туркумларнинг вакиллари ўсади. Шунингдек, бундай ўрмонларда лианалар, эпифит турлар ва папоротниклар ҳам учрайди.

Тоғли областларда нинабаргли ўрмонлар кўп. Улардан қарағай (*Pinus armandii*), кунингамия (*Kunmingamia lanceolata*), криптомерия (*Cryptomeria japonica*), кедр (*Libocedrus macrolepis*), подокарпус (*Podocarpus nageia*), пихта (*Abies delavaii*), сохтатилоғоч (*Pseudolarix kaempferi*), кипарисовик (*Chamaecyparis obtusa*), торрея (*Torreya nucifera*) кабилар кўп учрайди.

СССР даги субтропик ўрмонлар. СССР территориясидаги субтропик ўрмон субтропик зонанинг шимолий қисмини ташкил қилади. Субтропик ўрмонлар Ленкоран ва Колхида текисликларини, Катта ва Кичик Қавказ төролдиларини, Кримнинг жанубий ва Закавказъенинг шарқий қисмини ўз ичига олади. Шунингдек, Қаспий денгизининг жануби-шарқий қисми (Артек дарёсининг қўйи оқими), Ўзбекистоннинг Сурхондарё области ва Тожикистаннинг жанубий районлари ҳам мазкур субтропик зонага киради.

СССР даги субтропиклар Ер шарининг бошқа қисмларидағи субтропикларга ўхшаш, аммо ёғингарчилик миқдори билан улардан фарқ қилади.

Бизнинг территориядаги субтропиклар нам ва қуруқ субтропикларга бўлинади. Масалан, Ленкоран текисликлари нам субтропикдир. У ерларда йил давомида намгарчилик мавжуд бўлиб, табиий ва маданий ўсимликлар нормал ўсиб ривожланади.

Январь ойининг ўртача температураси $3-6^{\circ}$ бўлиб, баъзи йиллари эса $-8-10^{\circ}$ гача пасайиши мумкин.

Июль ойининг ўртача температураси $22-25^{\circ}$ бўлиб, ёғингарчилик 1400 мм (Сухумида), 1600 мм (Ленкоранда), 2500 мм (Батумида) гача бўлади. Вегетация даври 240-245 кун.

Дзельква (*Zelkova hyrcana*, *Z. caprinifolia*), чинор, птерокария (*Pterocarya pterocarpa*), темир дарахти (*Parrotia persica*), бук (*Fagus orientalis*), эман (*Quercus imeritina*, *Q. robur*), граб (*Carpinus caucasica*), самшит (*Buxus colchicum*, *B. sempervirens*), қандагоч (*Alnus barbata*), рододендрон (*Rhododendron ponticum*), плюш (*Hedera colchica*), каштан (*Castanea sativa*), шумтол, альбиция (*Albicia julibrissina*)лар СССР субтропикларидағи энг муҳим вакиллар ҳисобланади.

Маданий вакиллар эса иқлимлаштириш ёки дурагайлаш

йули билан ҳосил қилинган. Улардан озиқ-овқат, техник ва беzaқли (декоратив) ўсимликлар сифатида фойдаланилади. Масалан, бутасимон чой, тунго дарахти, зайдун, хурмо, фейхоя, сарв дарахти ва пальмалар, лимон, мандарин, апельсин, грей-фрут кабиларни мисол келтириш мумкин.

Қуруқ субтропиклар (Артек, Вахш, Кафирнигдан дарёлари-нинг қуён оқимлари) Совет Иттилоғида қарийб 2—2,5 млн. га майдонни эгаллади. Ёзи иссиқ, қуруқ ва давомли бўлиб, июль ойининг ўртача температураси 28—30° ни ташкил қилади. Қуруқ субтропикларда ёғингарчилик жуда кам (100—200 мм) бўлади.

Қуруқ субтропик ўсимликларга Ўрта Осиёда ёввойи ҳолда ўсуви ток, олма, ўрик, бодом, ёнғоқ, писта, апор, анжир, иқлимлаштирилган хурмо ва зайдун дарахтини кўрсатиш мумкин.

Қуруқ субтропик майдонлардан пахтачилик, бодгорчилик, узумчилик ва мевачилик мақсадларида фойдаланилади.

Субтропик зона ўсимликларининг ҳозирги ҳолати. Субтропик зонанинг нам субтропик кичик зонасидаги ўрмонларнинг эгаллаган майдони ва ўсимлик турлари анча кам ўзгарган.

Дағал баргли субтропик ўрмонлар майдони камайиб, уларнинг ўринини дағал баргли бутазорлар эгаллаган. Бунга умумий иқлим шароитининг қуруқлашиб бориши ва кишиларнинг ўрмонзорларга нисбатан узоқ йиллар давомида нотўғри муносабатда бўлиб келгани асосий сабаб эканлигини таъкидлаб утиш керак. Бу ҳақда Ф. Энгельс шундай деган эди: «Кишилар Месопотамия, Юнонистон, Кичик Осиё ва бошқа жойларда ўрмонларни қирқиб, дәхқончилик учун ер очганда, бу ерлардан тупроқ намини сақловчи ўрмонларнинг ўқолиб кетиши уларнинг тушига ҳам кирмаган эди. Итальянлар Альп тоғининг жанубий ён бағридаги нинабаргли ўрмонларни кесгандан келгусида чорвачиликни ривожлантириш ишига путур етказганликларини ўйлаб ҳам кўрмаганлар» (Ф. Энгельс, Диалектика природы 1955, 141- бет).

Бундай ҳолни айниқса, Ўрта денгиз атрофидағи субтропик зонада яққол кўриш мумкин. Бу ерларда плансиз равишида чорва молларини боқилиши ўсимликлар қопламининг сийраклашиб боришига, тупроқнинг устки қатламини ювилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Субтропик зона ўсимликларининг хўжалик аҳамиятига эга бўлган турлари кўп. Масалан: *пакана пальма* экинлар орасида бегона ўт сифатида учрайди. Унинг баргидан эса тўқиладиган тола олинади; қарағайнинг — *Pinus pinaster*, *P. maritima* деган турлари смолага бой бўлганлиги учун уларнинг ёғочидан скилидар олинади ва қурилиш материали сифатида ишлатилади. Шунингдек, пустлоғидан ошловчи модда (танид) ва уруғидан 23 % гача ўсимлик мўйи олинади:

кедр (*Cedrus atlantica*), ёғочи жуда мустаҳкам, чиройли. Ҳозирги вақтда унинг запаси камайиб кетган. Шу сабабли у манзарали ўсимликлар қаторига кириб қолган;

земляника дарахти (*Arbutus unedo*) нинг мевасидан қиём тайёрланади ва виноларга ранг бериш учун фойдаланилади. Шунингдек дориворлик хусусиятига ҳам эга;

персия (*Persea lingua*) дарахтининг пустлогидан ошловчи модда олинади. Ёғочидан эса турли хил асбоблар ясалади;

дримис (*Drimys winteri*), йирик, гули жуда чиройли ва барглари доимо яшил рангда бўлади. У манзарали ўсимлик ҳисобланади. Бу ўсимликни Жанубий Америка ва Австралияда учратиш мумкин.

Тропик зона ўсимликлари

Тропик зона ўсимликлари энг қулай (тропик) иқлим шароитида ўсиши ва бошқа бир неча хусусиятлари билан бошқа зона ўсимликларидан фарқ қиласди.

Тропик зона экватордан шимолда ($0-20-30^{\circ}$ ва жанубда ($0-20-30^{\circ}$) жойлашган баъзи майдонларни ўз ичига олади.

Тропик зона ўсимликлари асосан қуйидаги тўрт формацияга бўлиб ўрганилади: нам тропик ўрмонлар; мангра ўсимликлари ёки нам тропик бутазорлар; қишида яшил ўрмонлар ва бутазорлар; саванналар ёки қишида яшил ксерофил утлар.

Нам тропик ўрмонлар. Нам тропик ўрмонлар баъзи адабиётларда «гилеялар» ёки «ёмғирли ўрмонлар» деб юритилади. Ўсимликлар географияси фанининг асосчилиридан бири А. Гумбольд ўз вақтида Амазонка водийсидаги ўсимликларни ўрганиб, бу ерлардаги ўрмонларни «гилеялар» деб атаган. Ҳозирги вақтда бундай ўрмонларни гилеялар деб эмас, балки нам тропик ўрмонлар деб аташ тўғрироқ эканлигини кўпчилик олимлар эътироф этмоқдалар.

Осиёдаги нам тропик ўрмонлар, асосан, Жанубий ва қисман Шарқий Осиёда. (Хиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка), Хинди-хитой (Бирма, Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам), Хитойнинг жануби-шарқий қисми, Катта ва Кичик зонд ороллари, Тайван ороли ҳамда Филиппин оролларида учрайди. Африкадаги нам тропик ўрмонлар эса, асосан, Конго дарёси водийисида ва қисман Мадагаскар оролида учрайди. Австралиядаги нам тропик ўрмонлар, Янги Гвинеяда ва қисман Австралияning шарқий қисмida учрайди. Ниҳоят, Америкадаги нам тропик ўрмонлар Амазонка дарёси водийисида ҳамда Марказий Америкада катта майдонларни эгаллайди.

Нам тропик ўрмонларда ёғингарчилик жуда кўп ($2000-4000$ мм) ёғади ва йил давомида деярли бир текисда тақсимланади. Ҳавонинг нисбий намлиги 90% дан паст бўлмайди. Бу ҳам қуёш нурининг таъсирини бир оз пасайишига сабаб бўлади.

Йил бўйи температура $25-30^{\circ}$ атрофига, баъзан $35-36^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Энг «совуқ» даврда температура $+18^{\circ}$ дан пастга тушмайди. Шунинг учун бу ерларни қиши бўлмайдиган жойлар деб аташ мумкин.

Нам тропик ўрмонларда үсувчи үсимликлар доимо яшил бўлиб, барглари йил давомида тўкилади ва қайта ҳосил бўлиб туради. Шунинг учун бундай ўрмонларда үсувчи дараҳтлар йил бўйи ям-яшил бўлади. Уларнинг барглари эса (дараҳтнинг юқори қисмидаги барглар) йирик ва ялтироқ бўлади.

Нам тропик ўрмонлар үсимлик турларига жуда бой бўлиб, улар жуда зич жойлашган. Масалан, Бразилияда 1 га майдонда 1000 туп йирик ва 8200 туп кицикроқ дараҳтлар, 3000 туп лиана ҳолидаги үсимликлар учраши мумкин. Африкадаги ўрмонларда 1700 та, Хитойдаги ўрмонларда эса 600 та фақат йирик дараҳт тупи саналган.

Шунингдек, Амазонкада 40 000, Малакка ярим оролида 9 000, Зонд оролларида 35 000, Калимантан Барнео оролида 10 000, Марказий Америкада 1 200, Шри-Ланкада 3 000 гулли үсимлик тури учрайди.

Баланд бўйли дараҳтлар 4—5 ярусли бўлиб, ёруғликни пастки ярусларга туширмайди. Дараҳтларнинг бўйи 40—80 м га, лианаларники эса 300 м га етади. Шунинг учун ҳам бундай ўрмонларда гуллар жуда сийрак бўлади. Дараҳтларнинг пустлоқ қавати ривожланмаган ва силлиқ бўлади. Уларнинг илдизлари 3—4 м узунлиқдаги ён тирговуч илдизлар ҳосил қилиб үсади.

Нам тропик ўрмонлардаги баъзи дараҳтларнинг гуллари шохчаларда эмас, балки пояларда жойлашади ва шу ерда мева ҳосил қиласди. Бунга *каулифлория* ҳодисаси дейилади; каулифлория ҳодисаси барча нам тропик ўрмонлар учун хосдир.

Нам тропик ўрмонларнинг энг пастки қисмida бир йиллик ўтлар мутлақо учрамайди. Кўп йиллик ўтлар эса ўрмон сийрак бўлган жойларда учрайди. Уларнинг бўйи узун, барглари юпқа, силлиқ ва нозикдир. Механик тўқимаси яхши ривожланмаган. Булар, асосан бошоқдошлар, ҳилолдошлар, бегониядошлар, кучаладошлар, гултожихўроздошлар ва рўяндошлар оиласларининг вакиллари ҳисобланади.


Нам тропик ўрмонларнинг энг юқори қисмидаги барглари силлиқ, ялтироқ бўлганлиги сабабли қуёш нурини тезда қайта-риш хусусиятига эга.

Нам тропик ўрмонларда гулли үсимликлардан ташқари жуда кўпгина тубан ва юксак спорали үсимликлар (сувутлар, замбуруғлар, лишайниклар, моҳлар, плаунлар, селагинеллалар, папоротниклар) ни учратиш мумкин.

Шундай қилиб, нам тропик ўрмонларни ташкил қилган дараҳтларнинг юқори қисми ксерофиллик, ўрта ва пастки қисми мезофиллик хусусиятига эга. Бу ҳол нам тропик ўрмонлардаги фитоиқлимнинг жуда хилма-хил ва мураккаб эканлигидан дарак беради.

Нам тропик ўрмонларда энг кўп учрайдиган үсимликлар қуйидагилардир.

Лианалар. Лианалар турли оила вакилларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ингичка, лекин узун (200 — 300 м) пояси бир да-



60-расм. Нам тропик ўрмонларда ўсувчи лианалардан қорамуруч ўсимлиги:

a — гули, *b* — меваси.

рахтдан иккинчисига махсус илгаксимон тикан (ёли гажаксимон илдиз) лари ёрдамида чирмалиши ўсади. Бу хилдаги лианалардан пальма—лиана ва пальма—ротанг, пальма—дум, кокос пальма, қорамуруч (60-расм), фикус (*Ficus diversifolioides*), лиодиум деган папоротник, непептес, «мум дарахти» ёки гойя (*Hoya carnosa*), монстера (*Monstera deliciosa*), ванил илонпеча (*Clemafeis glycinoides*)*, смилакс (*Smilax australis*), энтада ёки «филлиани» ни курсатиш мумкин.

Эпифитлар. Эпифит ҳолда ўсувчи ўсимликлар, асосан, дарахтларнинг танаисидан субстрат сифатида фойдаланади. Эпифит ҳолда ўсувчи ўсимликларни тубан ўсимлик вакиллари (лишайнниклар, сувутлар), спорали юксак ўсимлик вакиллари (мохлар, плаунлар, папоротниклар) ва гул-



61-расм. Нам тропик ўрмонларда ўсувчи баъзи эпифитлар:

1 — бромелия, *2* — диксидия, *3* — монстера.


ли ўсимликларнинг айрим вакиллари ташкил этади (61-расм).

Папоротниклар типидан ужовник (*Ophioglossum pandulum*), асплениум (*Asplenium nidus*, плаун (*Lycopodium plegmaria*), псилот (*Psilotum complanatum*), узунлиги 2—3 м бўлган селагинелла, виттария (*wittaria angustifolia*) кабилар кўп учрайди. Шунингдек,

* Энтада ўсимлиги дуққакдошлар оиласидан булиб, унинг дуккак меваси 1—1,5 м.

гулли ўсимликларнинг орхисгўлдошлар оиласидан дендробиум, бульбофиллум, эрика, трикспермум (*Trixsperrum arachitas*), бромелиядошлар оиласидан аргелия (*Aregelia spectabilis*), бромелия (*Nidularia innocentii*), эхмия (*Alchmea benrathii*, *Aech bracteata*, *Aech nudicaulis*), бильбергия (*Bilbergia baceri*, *B. magnifica*, *B. nutans*, *B. Pyramidalis*), шунингдек эпифит ҳолда учрайди гулли ўсимликлардан дисхидия мирмекодия, кабилар кўп учрайди.

Каулифлория. Нам тропик ўрмонлардаги дарахтларнинг 1000 дан ортиқ тури каулифлория хусусиятига эга. Улардан нон дарахти (*Arctocarpus heterophyllus*), қовун дарахти (*Carica papaya*), кофе дарахти ва фикуснинг 50 дан ортиқ тури, хурмо дарахти, какао ёки шоколад дарахти (*Theobroma cacao*) кўп учрайди (62- расм).




62-расм. Каулифлорияга мисол:

1 — қовун дарахти, 2 — унинг меваси (алоҳида ҳолда), 3 — какао ўсимлиги,

Дарахтсимонлардан долчин диптерокарпус (*Dipterocarpus turbinatus*), стеркулия (*Sterculia spicigera*, *S. alata*, *S. campanulata*), птероспермум (*Pterospermum acerifolium*), тетрамелес (*Tetramelis nudiflora*), аизоптера, дуриан (*Durio ceylanicum*), михелия (*Mischelia montana*, алtingия (*Altingia exelsa*), магнолия (*Magnolia blumei*), каштан. Папоротниклардан алзофила (*Alzophilla glauca*), циатея (*Cyathea orientalis*), диксония (*Dicksonia blumei*) учрашиш мумкин. Буталардан эса панданус (63-расм), маймунжон



63- расм. Панданус ва унинг меваси



64- расм. Рафлезия ўсимлигининг гули (ўнг томонда таққослаш учун соат қўйилган).

Дуккакдошлар, мураккабгулдошлар, лолагулдошлар, газандадошлар каби айрим оиласининг айрим вакиллари эса бошқа иқлим зоналарида ҳам учрайди.

(*Rubus* *lomeratus*, *R. elogatus*) ва ўтлардан цистандра, эластостема, бегония, ёввойи хина (*Impatiens javanica*), диспорумларни учратиш мумкин.

Паразит ўсимликлардининг тури анча кам. Улардан гулининг диаметри бир метрга етадиган рафлезиянинг баъзи вакилларини кўрсатиш мумкин (64- расм).

Сапрофитлардан, асан, замбуруғларниң баъзи вакиллари ва айрим гулли ўсимликлар учрайди. Нам тропик ўрмонларда ҳозирги вақтда дараҳтсизон папоротниклардан циатеядошлар, диксониядошлар, схизейдошлар каби оиласининг жуда қадимги вакилларини учратиш мумкин.

Нам тропик ўсимликларниң кўпчилиги эндем туркумлар ва оиласининг вакиллари бўлиб, уларниң ареали тропик зонадан ташқари чиқмайди. Масалан, охнадошлар, мелиядошлар, бигнониядошлар, дилениядошлар, панданусдошлар, стеркулиядошлар ва комбретадошларниң вакиллари.

Жанубий Америка (Амазонка водийси) да дуккакдошлар оиласининг дараҳтсизон вакиллари, Фарбий Африка ўрмонларида эса мелиядошлар оиласининг вакиллари учрайди.

Нам тропик ўрмонларда ўсувчи ўсимлик турлари жуда күп. Шу сабабли баъзи оилалар ва бу оилаларнинг айрим вакиллари, уларнинг аҳамияти ҳақида қисқача тұхталиб утамиз.

Диптерокарпадошларнинг вакиллари, асосан, Осиёда, Малайя архипелагида ва Филиппин оролларида ўсувчи ўсимликларнинг эндем оилаларидан бири бўлиб, 350 турга эга. Бу турлар дараҳтсимондир. Дараҳтларнинг бўйи 50 м. Ҳиндистондаги ўрмонларнинг 80% ини ана шу оила вакиллари ташкил этади. Юқорида қайд этилган вакиллар юқори сифатли ёғочга эга. Шунинг учун ҳам маҳаллий халқ улардан кенг куламда фойдаланади (ёғочидан смола ва бальзам олинади).

Бошоқдошлар оиласининг бамбуклар туркуми 600 турга эга бўлиб, барча тропикларда тарқалган. Улар орасида лиана ҳолидагиларни ёки бўйи 20—30 м ли дараҳтсимон вакилларни учратиш мумкин. Бамбуклар поясининг йуғонлиги 40 см. Улар жуда тез ўсуучан ўсимликлар бўлиб, бир суткада 50—80 см ўсиши мумкин.

Маҳаллий халқ бамбук ёғочидан турли хил асбоб-ускуналар ясади.

Кўп йиллик ўтсимон ўсимликлардан шакарқамишнинг бўйи 4—6 м га етади. Унинг пояси таркибида 18% гача сахароза бўлганлиги учун ундан қанд тайёрланади. Табиий ҳолда учрамайди.

Стеркулиядошлар оиласининг вакиллари тропик ўсимликлар бўлиб, дараҳтсимон, бутасимон ва лиана ҳолида учрайди. Шу оиласининг шоколад ва кола дараҳтлари тропик ўрмонлarda кенг тарқалган. Шоколад дараҳтининг уруғи алкалоид ва глюкозид моддаларга бой. Алкалоидлардан, асосан, теобромин учрайди. Уруғ таркибидаги заарли алкалоидлар ажратиб олинади. Сунгра бу уруғлар фабрикада янчилади ва уларга ёғ, сут, шакар аралаштириш йули билан турли хил шоколадлар тайёрланади.

Кола дараҳтининг уруғида ҳам 2,5—3,0% гача теобромин, коланин ва кофеин каби алкалоидлар мавжуд.

Бромелиядошлар оиласининг вакиллари күпинча эпифит ҳолда учрайди. Ананас (*Ananas comosus*) нинг табиий ареали Жанубий ва Марказий Америкададир. Унинг меваси ширин ва серсув бўлганлиги учун, ҳозирги вақтда тропик зонада кенг миқёсда маданийлаштирилган.

Тутдошлар оиласининг кенг тарқалган вакиллари бўлиб, нон дараҳти*, фикус кабилар ҳисобланади. Бир туп дараҳт

* Нон дараҳтининг туп меваси 20—25 кг келади. У сарық рангли ва узун-чоқ бўлиб, мевасининг бўйи 30—90 см, эни 25—50 см келади. Меваси ертўлаларда маълум муддатда сақлангач, кўпчий бошлайди. Шундан кейин унинг пўсти олиб ташланади ва этидан миллий ҳамир таомлар тайёрланади. Мевасининг мазаси картошканникаига ұхшайди.

йил давомида 2—3 кишилик оиласи тұла таъминлаши мүмкін. Нон дарахти 60—80 йилгача яшайды. Унинг 40 дан ортиқ тури маълум бўлиб, асосан, Хитой, Бирма ва Зона оролларидағи тропик ўрмонларда кенг тарқалган.

Тутдошлар оиласининг фікус туркумига 600 тача тур мансуб. Уларнинг айримлари йирик дарахт бўлиб, тиргаксимон илдизлар ҳосил қилиб ўсади. Бутасимон ёки лиана ҳолидаги вакилларининг баргида эса сутсимон шира бўлганлиги учун кишилар ундан каучук ва бошқа моддалар олишда фойдаланадилар.

Миртадошлар оиласига 3000 га яқин тур киради. Уларнинг кўпчилиги тропик ўрмонларда ўсади. Бу оиласининг вакиллари дарахтсимондир. Уларнинг ичидаги қалампирмунчоқ дарахти (*Caruophyllum agamatiscus*) кенг тарқалган. Бу дарахтнинг пўстлоғи ва барги хушбўй ҳидли эфир мойларига эга бўлганлиги учун уларни зиравор сифатида овқатга солинади. Шунингдек, эфир мойларидан медицина ва техникада қўлланиладиган қалампирмунчоқ ёғи слинади.

Дуккақдошлар оиласининг Осиё нам тропик ўрмонларида кенг тарқалган вакили — қусси (*Cooptrassia exelsa*) нинг бўйи 50—80 м бўлиб, ёғочи сифатлидир. Лиана ҳолида учрайдиган вакили — физностигма (*Physostigma venenosum*) нинг уруғидаги заҳарли моддадан медицинада фойдаланилади.


Панданусдошлар оиласи нам тропик ўрмонлар учун эндем ҳисобланади, 250 тури бор. Улар ичидаги панданус тури кўп тарқалган. Унинг 4 м узунликдаги ингичка баргларидан ҳар хил буюмлар тўқилади. Меваси овқат сифатида истеъмол қилинади.

Банандошлар оиласининг банан ва сайёхлар дарахти ёки равелена каби туркумларининг вакиллари кенг тарқалган (65-расм). Бананнинг 950 туридан 3—4 таси (*Musa pana*, *M. Sapiendum*, *M. textilis*) кўпроқ учрайди. Бир туп тўпмева бандида 300 тача мева жойлашади. Бундай тўпмеванинг оғирлиги 50 кг гача бўлиши мүмкін. Унинг озиқ-овқат ва ем-хашак сифатида ишлатиладиган навлари Хиндистон, Хитой ва Малайя архипелагида жуда кўп экилади.

Лаврдошлар оиласидан долчин ва камфора дарахтлари долчин ва камфора маҳсулотларини бериши билан машҳурлар.

Пальмадошлар оиласининг 1500 га яқин тури мавжуд. Уларнинг кўпчилиги табиий ҳолда учрайди ва экилади. Нам тропик ўрмонларда, асосан, иккита тур: вино ва шарбатлар тайёрлашда ишлатиладиган пальма (*Raphia vinifera*) ҳамда мой олинидиган пальма (*Elaeis quenensis*) учрайди. Биринчи жаҳон урушигача фақат Камерун давлати ҳар йили 5 470 000 кг, Того давлати 2 700 000 кг пальма ёғи тайёрлаб экспорт қилган. 1903 йилда Африкадан экспорт қилинган пальма ёғи ва унинг маҳсулотлари 50 млн олтин маркага тенг Кокос пальмаси (*Cocos nucifera*) 30 турга эга бўл-

* Ҳар бир барг қўлтиғида бир литргача ичишга яроқли сув тўпланиши ва бу сувни сайёхлар ичгани туфайли унга шу ном берилган.



65-расм. Банан (1) ва сайдёхлар дарахти (2).

ган хурмо туркумининг биридир. У тропик минтақада кенг тарқалган (29 түр ёввойи ҳолда фақат тропик Америкада учрайди). Қокос пальмасининг қурилған данаги (ёнғоғи) таркибида 60—65 % гача ёғ бұлиб, ундан овқат тайёрлаш мүмкін. Кунжараси эса молларга берилади. Данак пүчогидан тұгмалар тайёрланади, пояси ва барғидан қурилиш материали сифатида фойдаланылади.

Суттамадошлиар оиласининг 4500 га яқын тури маълум. Улардан каучук олишда кенг ишлатиладиган Бразилия гевеясининг бүйі 30—40 м га етади. У ёввойи ҳолда Амазонка дарёси бүйларида, маданий ҳолда эса бошқа тропик иқлимли жойларда кенг тарқалған.

Шунингдек, тропик иқлимли жойларда мангустан, манго, қовун дарахти, дуриан ва цитрус үсімліктарининг меваси истеъмол қилинади.

Нам тропик үрмөнлар ва инсон. Ҳозирги кунда инсоннинг

қадами етмаган нам тропик ўрмоиларнинг майдони камайиб қолган. Нам тропик ўрмонлар асосан Амазонка дарёси водийси ва Марказий Африканинг одам оёғи етмаган катта майдонлардагина сақланиб қолган. Ҳиндистон, Шри-Ланка, Ҳиндихитой ярим оролида нам тропик ўрмонлар деярли йўқ қилиб юборилган. Ява, Суматра оролларида эса уларнинг ўрни дечқончилик мақсадларида (банан, маниок, маккажӯхори ва бошқа маданий ўсимликлар) фойдаланилмоқда. Бу жойлар бир неча йил сурункасига маданий экинлар экилгандан сунг ташлаб қўйилади. Натижада бу майдонларда бўйи 15—20 м келадиган иккиламчи ўрмонлар ҳосил бўлади. Бундай ўрмонларда хужалик аҳамиятига эга бўлган дараҳтлар баъзан қирқиб юборилиб, уларнинг қайта тикланишига эътибор берилмайди.

Мангра ўсимликлари ёки нам тропик бутазорлар. Мангра ўсимликлари денгиз ва океан қирғоқларида ўсуви ўсимликлардан ташкил топган. Бу хилдаги ўсимликлар 26 турдан ташкил топган.

Мангра ўсимликлари, асосан, экваторда, экваторнинг шимоли ҳамда жанубидаги денгиз ва океан қирғоқларида кенг тарқалган бўлиб, кўпинча Калифорния, Флорида, Бермут ороллари, Қизил денгиз, Жанубий Бразилия, Экватор, Янги Зеландия, Африканинг шарқи-ғарбий қирғоги, Австралия ва Осиёда учрайди. Одатда мангра ўсимликлари 2 та: Шарқий (Осиё, Австралия, Микронезия ва Африканинг шарқий қирғоги) ва Ғарбий (Африканинг ғарбий қирғоги, Америка) областга бўлиб ўрганилади.

Мангра ўсимликлари доимо яшил буталар, бутасимон дараҳтлар ва баъзан бўйи 30 м га етадиган дараҳтлардан ташкил топган. Уларнинг кўччилиги ризофорадошлар, тизимгулошлар, соннератиядошлар каби оиласларнинг вакиллари. Денгиз сувлари кўтарилганда мангра ўсимликларининг бир қисми сув остида қолади, сув пасайганда эса илдизигача очилиб қолади. Шу сабабли мангра ўсимликларида маҳсус нафас олувчи ва қўшимча тирговуч илдизлар ҳосил бўлган. Нафас олувчи илдизлар сувдаги кислородни сўриб олиб, ўсимликнинг нафас олишига, қўшимча тиргак илдизлар эса ўсимликни субстратга яхшироқ ўрнашиб олиши ва сув тагида мустаҳкам тик туришига имкон беради.

Мангра ўсимликлари галофит — шўр муҳитда ўсуви ўсимликлар хисобланади. Баъзи ўсимликлар денгиз қирғоқларига яқин жойда, айримлари қирғоқда ва бошқалари тўғридан-тўғри сувга деярли чўккан ҳолда шўр сувда ҳаёт кечиришга мослашган (66-расм).

Мангра ўсимликларининг илдиз ва барг ҳужайраларидаги босим 30—32 атмосфера бўлганлиги сабабли улар гигрофил ўсимликларга нисбатан сувни кўпроқ буғлантиради. Уларнинг танасида ош тузи кўп, лекин ортиқчасини баргдаги маҳсус безлар орқали ташқарига чиқариб туради.

Мангра ўсимликларидан энг характерли ва жуда кенг тарқал-



66-расм. Шарқий Африка денгиз қирғоқларида мангра ўсимликларининг схематик күрниши:

1 — ўсимликсиз пояс, 2 — авицения, 3 — цериопс, 4 — ризофора, 5 — соннератия, 6 — кирточегараси.

ган вакиллариға қойидагиларни мисол қилиб көлтириш мүмкін; ризофора, авицения (*Avicennia nitida*), лагункулария, банистрия, акростихум деган папоротник, қиёқ (*Cyperus articulatus*), пальма, рафия (*Rhophia elegans*), паспалум (*Paspalum vaginatum*), споролобус ва сесувиум. Бу ўсимликлар, асосан, Африкада учрайди. Мадагаскарда эса ризофора, цериопс, бругуера, соннератия, карапа, авицения кабилалар кенг тарқалган.

Зонд оролларида ризофоранинг бир неча тури (*Rhizophora conjugata*, *Rh. stylosa*, *Rh. mucronata*), авицениянынг иккита тури (*Avicennia marina*, *A. officinalis*), ризофорадошлар оилаєнинг бутасимон вакилларидан цериопс (*Ceriops condoleana*, *C. roxbourghiana*), мелиядошлар оиласидан ксилокарпус (*Xylocarpus granatum*, *X. moluccensis*), эпифит ҳолда яшовчи баъзи папоротник (*Platycerium, polypodium*)лар, руяндошлар оиласидан хидрофитум (*Hydrophytum monatum*) учрайди. Денгиз ва океанларнинг қирғоқ чеккаларидан цикададошлар, панданадошлар, казуарина дошлар, бегония дошлар, гулхайридошлар, стеркулядошлар, сапинададошлар ва сутламадошларни учратиш мүмкін.

Кишида яшил ўрмонлар ва бутазорлар. Кишида яшил ўрмонлар тропик зонанинг континентал иқлимли жойлари учун характерли. Бу ерларда гоҳ қуруқ, гоҳ нам (муссон) шамоллар эсиб туради. Улар, асосан, нам тропик ўрмонларга ўхшаш, аммо қурғоқчилик фаслида (яни ёзда) баргларини тұкиши билан фарқ қиласы да турли хил ўрмонлар ҳосил қиласы.

Кишида яшил ўрмонларнинг турлар таркиби ва ҳаёти ёғин сочин миқдорига боғлиқ. Құпроқ ёғингарчилик бұладиган жойларда муссон ўрмонлари ривожланған, камроқ ёғин ёғадиган жойларда эса ксерофил саванна ўрмонлари учрайди. Ёғингарчилик жуда кам ёғадиган жойларда тиканли ксерофил ўрмонлар ва бутазорлар тарқалган.

Муссон ўрмонлар, асосан Жануби-шарқий Осиёдаги Целебес оролининг жанубида, Ява оролининг шарқыда, Тимор оролида, Хиндистоннинг каттагина қисміда, Хиндихитойда, Жанубий Африкада, Марказий ва Жанубий Американинг шарқий қисміда, Жанубий Американинг марказий районларыда кенг тарқалған.

Муссон ўрмонларыда йиллик ёғингарчилик миқдори 900—

1500 мм. Йилнинг совуқ ва иссиқ фасли ўртасида температура 8—14° атрофида ўзгариб туради. Июнь-октябрь ойлари қурғоқчилик ойлари бўлиб ҳисобланади. Бу вақтда дарахтлар баргини тўкади. Муссон ўрмонларида тек дарахти доминант бўлиб, унинг бўйи 20—25 м (муссон ўрмонларида тек дарахти кўпроқ ўсганлиги сабабли баъзан бу ўрмонлар тек ўрмонлари деб ҳам аталади). Қурғоқчилик даврида баъзи дарахтлар вақтинча баргларини тўкади. Ноябрь оидан бошлаб улар барг ёзиб, қиши ойларида гулга кирадилар. Қурғоқчилик ойлари (июль-август) ва бутеа (*Butea monosperma*) дарахти ва амариллисдошлар оиласининг баъзи вакилларигина гуллади.

Муссон ўрмонларида дальбергия, диоспиро, хурмо, чилонжийда, диптерокарпус, терминалия, бамбуклар (*Dendrocalamus strictus*, *D. tulda*), гулхайридошлар, рўядошлар, сигирқўйруқдошлар, лабгулдошлар, мураккабгулдошлар, архисгулдошлар, ҳилодошлар ва бошоқдошлар каби очалларнинг ўтсимон вакиллари кўп учрайди. Саванна ўрмонларида муссон ўрмонларига нисбатан ёнгарчиллик кам бўлади. Шунинг учун бундай жойларда дарахтлар сийрак ўрмонларни ҳосил қиласин.

Саванна ўрмонларини Австралияда, Осиёда, Жанубий Вьетнам, Африка ва Жанубий Америкада учратиш мумкин. Бу ўрмонлар паст бўйли дарахтлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг барги патсимон ва барг банди кенгайган ҳолда бўлади. Африкадаги саванна ўрмонларида елпигичсимон пальма (*Barassus aethioptica*), ёғдор пальма (*Elaeis guinensis*), гименокардия, кресоптерикс, митрагина (*Mitragyna stipulosa*); Ҳиндистондаги саванна ўрмонларида акациянинг бир неча соябонсимон турлари (*Acacia cathechii*, *A. arabica*), сутлама (*Euphorbia trigona*), бутеа дарахти (*Butea monosperma*), терминалия (*Terminalia tomentoca*), тек дарахти (*Tectona grandis*), атлас дарахти (*Chloroxylon swietenia*), сандал дарахти (*Santalum album*), фикуслар (*Ficus benghalicus*, *F. retusa*); Австралиядаги саванна ўрмонларида а eosan бир неча тур эвкалиптар (*Eucalyptus pilularis*, *E. maculata*, *E. micrantha*), казуарина (*Casuarina decussata*) ва акациялар кўп учрайди. Австралиядаги саванна ўрмонлари доим яшиллиги, пастки ярусида бошоқдошлар оиласининг ўтсимон вакилларини кўп учраши билан бошқа саванна ўрмонларидан фарқ қиласин.

Жанубий Америкадаги саванна ўрмонлари Бразилиянинг тоғли районларини шимоли-шарқий ён бағирларига туташган территорияларни, шунингдек, Лъянос Ориноконинг жанубий қисмини ўз ичига олади. Бу ерларда қурғоқчилик 4—5 ой давом этади. Ўсимликларда ксероморфлик хусусияти кучли ифодаланмаган. Ер ости сувлари юза жойлашган ерларда мезофил ва нам саванна ўрмонлари мавжуд.

Тиканли ксерофил ўрмонлар ва бутазорлар, асосан, Африкада, Жанубий Америка ва Австралияда учрайди. Бу ерларда иқлим янада континентал бўлиб, қурғоқчилик узоқ давом этади. Шунинг учун тропик зонанинг бундай қисмларидаги ўсимлик-

ларда ксерофиллик хусусияти кучли ифодалаған. Бундай үрмөнларни ташкил этгән дараҳт ва буталар паст бүйли бўлиб, улар қурғоқчилик даврида баргларини тўқади. Тиканли ксерофил ўсимликлардан дуккақдошлар оиласининг акация, прозопис ва паркинзония каби туркумларининг айрим вакиллари ўсади.

Африкадаги ксерофил үрмөнлар, асосан, Африканинг шарқида, Шимолий Родезияда, Судан республикасининг жанубида кенг тарқалган. У ерларда акация, берлина ва эритрина туркумларининг бўйи 20 м бўлган дараҳтсизон вакиллари кўп учрайди (67-расм). Бу үрмөнларда лианаlar ҳам, кўп йиллик ўтлар ҳам учрайди. Шарқий Африкадаги ксерофил үрмөн-



67-расм. Шарқий Африкадаги (мевали боғларни эслатувчи) саванинг үрмөнлари-нинг кўрининши.

лар учун эса кактуссимон сутламалар формацияси айниқса характерлидир.

Жанубий Америкадаги ксерофил үрмөнлар, асосан, Венесуэла, Перунииг шарқида ва Бразилияда учрайди. Каатинга типидаги үрмөнларни паст бўйли яшил дараҳтлар ташкил қиласи. Бу дараҳтларининг барглари жуда дағал ва этли бўлади. Шунингдек, кактуслар оиласидан устунсимон цереуслар, дикасимон думалоқ опунциялар, шарсимон мелякактуслар, дуккақдошлар оиласидан кассия, булардан ташқари дараҳтсизон тиканли сутлама (*Manihot dichotoma*), бутилкасимон дараҳт (*Cavanillesia arborea*, 68-расм) ҳамда бромелиядошлар оиласининг тилландсия (*Tillandsia usneoides*), орхисгулдошлар оиласининг ванил каби вакиллари ҳам учрайди.

Бу ерларда йиллик ёғингарчилик миқдори 500—700 мм ни ташкил этади.



68-расм. Жанубий Америкадаги каатинга типидаги үсимликлар: олдинги планда ваточник үсимлиги тасвирланган.

Саванналар. Саванналар ҳам тропик үсимликлар типига мансуб бўлиб, ксерофил ўтлардан ва дараҳтсизон үсимликлардан ташкил топган. Ўлар, асосан, Африкада, Жанубий Америкада, Жанубий Американинг Венесуэла, Гвиана ҳамда Бразилия штатларида, Австралия ва Ҳиндистонда учрайди. Саванналарда йиллик ёғингарчилик 900—1500 мм атрофида ёғади. Қурғоқчилик 4—6 ой давом этади. Масалан, Бразилия саванналарида йиллик ёғингарчилик 1500 мм бўлиб, шундан май-август ойларида атиги 100 мм ёғади. Фарбий Африкада эса йиллик ёғингарчилик 1000 мм ташкил этса-да, июнь-сентябрь ойларида атиги 10 мм ёғин ёғади. Йил давомида температура юқори бўлади. Масалан, Бразилия саванналарида сентябрь-апрель ойларида ўртача температура 18—21° ни, май-август ойларида эса 14—15° ни ташкил қиласди. Саванналарда ксерофил ўт ва баъзан ксерофил дараҳтлар учрайди. Дараҳтлар пакана бўлиб, шохлари тиканли ва барглари дағалдир.

Ксерофил дараҳтларнинг патсимон барглари қуёш нурига нисбатан уз ҳолатини узгартиб туриш хусусиятига эга. Аммо улар ҳар йили қурғоқчилик пайтида тўкилади. Буларнинг ҳаммаси ксерофил үсимликларнинг ноқулай шароитга мосланувчанлигидан далолат беради. Доимо яшил баргли үсимликларнинг барглари тукли ва дағал бўлиб, кўп йиллик ўт ва баргини тўқадиган баъзи дараҳтларнинг куртаклари эса тангачалар билан қопланган.

Саванналарда учрайдиган баъзи дарахтларнинг кўриниши соябонга ўхшаш бўлади (69-расм). Бу кўриниш тез-тез эсиб турувчи шамоллар таъсирига мосланишдаидир.

Саванналарда учрайдиган дарахтларнинг танаси йўғон ва қалин пўстлоқ билан қопланган. Улар ўзида кўп миқдорда сув сақлаш хусусиятига эга.

Бутасимон ўсимликларда эса ер устки қисми эмас, балки ер ости қисми яхшироқ ривожланган бўлиб, кўп миқдордаги сув запасини сақлайди.



69-расм. Шарқий Африкадаги саванналарнинг кўриниши (соябонсимон акас дарахтлари бошоқли ўтлар орасида).

Ўтлар, асосан, бошоқдошлар оиласининг вакилларидан иборат бўлиб, бўйи 1—3 м атрофида ва улар қалин қоплам ҳосил қилмайди ва натижада қизил (латерит) тупроқлар очиқ кўриниб туради.

Баланд бўйли ва зич жойлашган ўтлар қурғоқчилик натижасида қурийди ва сарғайиб тураверади. Келгуси йили ҳосил бўлган янги барглар орасидан қуриган барглар яққол кўриниб туради. Шу сабабли саванналар сариқ рангли манзара га эга.

Африка саванналари. Африкадаги саванналарда учрайдиган ўтларнинг кўпчилиги бошоқдошлар оиласининг вакиллариdir. Масалан; дагал баргли ва баланд бўйли чайир ёки бородач (*Andropogon*), тариқ, хлора ва пеннизетум ёки фил ўти (*Pennisetum purpureum*, *P. benthami*). Шунингдек, лолагулдошлар ва амариллисгулдошлар каби оиласининг айrim вакилларини ҳам учратиш мумкин. Сансеvьеера деб аталган ўсимлик лолагулдошлар оиласининг анан шундай вакилларидан биридир.

Африка саванналарида, икки паллали дарахтсимон баобаб (*Adansonia digitata*), мойли пальма (*Elaeis guenensis*), бутироспермум

(*Butyrospermum parkii*), лофира (*Lophira alata*), дум пальмаси (*Nyphaene thebaica*), протея ва соябонсимон шаклга эга бўлган акациялар (*Acacia senegali*, *A. Spirocarpa*, *A. albida*, *A. giraffae*) кўп учрайди. Баобаб Африка саванналари учун эндем ўснмлиkdir. Унинг бўйи 15—25 м ва эни 10 м. У 4000—5000 йил яшайди. Мевасининг узунлиги 30—35 см бўлиб, уни овқат сифатида истеъмол қилиш мумкин. Пўстлўгининг ички қаватидан дагал тола олинниб, ундан арқонлар тўқилади. Ёш баргларидан овқат ва доридармон сифатида фойдаланилади. Шунингдек уруғидаги адонсонин деб аталувчи алкалоиддан медицинада заҳарланган кишиларни даволаш учун дори сифатида ишлатилади (70-расм).



70-расм. Африка саванналарида ўсувчи баобаб дарахти:
а — умумий кўриниши, б — ареали, в — мевали шохчаси, г — гули.

Мойли пальманинг бўйи 15—25 м. У 80—120 йил яшайди. Меваси таркибида 22—70% мой бўлади. Бу мой совун тайёрлашда ва темир деталларни мойлашда ишлатилади. Уруғидан олинган мой эса овқатга ишлатилади. Тапасидан олинадиган шира (шарбат) дан, вино тайёрланади. Бир гектар майдондаги пальмадан 4 т мой олинади. Шунинг учун ҳам у жуда женг майдонларда ўстирилади.

Бутироспермум ва лофира каби дарахтларнинг уруғидан юқори сифатли мой олинади; пальма — думнинг меваси овқат сифатида, барги эса турли хил буюмлар тўқиш учун ишлатилади.

Акациянинг 500 га яқин тури маълум бўлиб, Африка саванналари учун характерли бўлган бир неча турлари катта хўжалик аҳамиятига эга. Уларнинг пўстлўғидан танин (ошловчи

модда) ва ширач олинади. Ёғочи эса жуда юқори сифатли бўлиб, ундан турли хил чолғу асбоблари, бадий буюмлар ва ранги фанерлар тайёрланади.

Осиё саванналари. Осиё саванналари, асосан, Ҳиндистон ва Ҳиндихитой текисликларида учрайди. Ўсимликлар қопламини қизил қиёқ (*Imperata cylindrica*) деб аталувчи бошоқли ўсимликлар ташкил қиласиди. Унинг илдизпояси жуда яхши ривожланган бўлиб, саванналардаги қумларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Аммо экинлар орасида бегона ўт сифатида ҳам учрайди.

Осиё саванналарида кенг тарқалган бошоқли ўсимликлардан яна бири шакарқамиш. Шакарқамишнинг ареали анча кенг бўлиб, у Ўрта Осиёнинг Сирдарё ва Амударё водийларини ўз ичига олади. Унинг барг қинидан дағал тола олинади.

Мискантус, темеда, чайир каби туркумларнинг баланд бўйли, ўтсимон вакиллари, дуккакдошлар оиласининг бутеа, дальбергия ва акациялар, миртадошлар оиласининг евгения каби дараҳтсимон вакиллари ҳамда сало дараҳти, сансевъера ва бошқалар Осиё саванналарида кенг тарқалган.

Австралия саванналари. Саванналар Австралияда катта майдонни әгаллайди. Австралия саванналарида турли хил ўсимлик группалари (формацияси) мавжуд. Улар учун 600 га яқин турга эга бўлган эвкалипт эндем ҳисобланади. Эвкалиптнинг барча турлари (пўстлоғида, баргда ва ёш новдалари)-да эфир мойлари бор. Уларнинг эфир мойлари парфюмерия саноатида қўлланилади. Ёғочи эса юқори сифатли (71-расм) ҳисобланади.



71-расм. Австралия учун хос бўлган эвкалипт дараҳти.

Австралия саванналарида акация туркумининг 300 га яқин тури учрайди. Бу акациялар дараҳтсимон ёки бутасимон бўлиб, уларнинг барг банди кенгайганлиги учун улар филлодийлар дейилади. Қурғоқчилик бошлиниш билан мураккаб патсимон барглар тезда тўкилади, кенгайган барг банд (филлодий) лари эса ассимиляция процессини ўтай бошпайди.



72-расм. Австралия саванналаридағы ксанто-
рия ёки «ұтсимон даражтлар».

Ёғингарчилик бошланиши билан лъянослар баланд бўйли яшил қоплами ҳосил қиласди. Улар орасида сийрак ҳолда пальмалар, ксерофил бутазорлар ва ксерофит — куккелент үсимликлар (кактуслар)ни ҳам учратиш мумкин:

Кампослар Бразилия тепаликларидағи латерит типидаги қизил тупроқдан иборат. Бундай жойларда буталар ва паст бўйли дараҳтлар ва күп йиллик үтлар үсади. Қурғоқчилик бошланиши билан улар баргини тўкиб, тиним даврига үтади.

Компосларда чўл вернонияси, пахира, хоризия, акрокомия каби туркумларнинг ұтсимон ва дараҳтсимон вакиллари ҳам учрайди (73-расм).

Амалий машғулотлар

Тропик зона үсимликларини үрганинг ва улардан баъзиларининг ареалини контур картага туширинг:

Лиана ҳолида яшайдиган қорамурч (*Piper nigrum*) үсимлигининг ареали — Хиндистон ярим ороли, Малакка, Шри-Ланка ва Малайя архипелагини ўз ичига олади.

Казуарина, ксанторея (72-расм), кингия, дизипогон каби туркумларнинг вакиллари Австралия саванналарида күп учрайди. Шунингдек, бошоқдошлар оиласининг астреблия, темеда, қунғирбош, бетага каби туркумларнинг күп йиллик ұтсимон вакилларини ҳам учратиш мумкин. Улар яхши ем-хашак үсимлик ҳисобланади.

Жанубий Америка саванналари. Жанубий Америка саванналари асосан икки областда — Амазонка дарёси водийси атрофидаги нам тропик үрмонларнинг шимолий ва жанубий районларида тарқалган. Саванналарни Бразилияда кампослар, Венесуэлада эса лъянослар деб аталади.

Лъяносларда ёғингарчилик апрель ойларида бошланади. Қишда эса қурғоқчилик бўлади.

Монстера (*Monstera deliciosa*) ўсимлигининг ареали; — Жанубий Американинг нам тропик ўрмонлари.

Эвкалипт (*Eucalyptus*), ксанторея ва казурина туркумларининг ареали — Австралияда мавжуд.

Тоғ ўсимликлари ва уларнинг минтақаларга бўлиб ўрганилиши

Денгиз сатҳидан юқорига кўтарилган сари умумий иқлим шароитларининг ўзгара боришини ҳисобга олиб, Ер шарининг барча тоғли районларида ўсувчи ўсимликлар минтақаларга бўлиб ўрганилади. Юқорига кўтарилган сари иссиқ иқлимли минтақа ўртача иқлимли минтақа билан, кейинги мінтақа эса тоғнинг юқори қисмидаги совуқ иқлимли минтақа билан алманиди. Шунингдек, ёғингарчилик миқдори, ҳаво босими ва ҳавонинг нисбий намлиги ҳам ўзгариб боради. Бу ўзгаришлар ўсимликларнинг тарқалиши, жойланиши ва ҳаёт процесслари га таъсир этади.

Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмида, асосан, ўрмонлар мавжуд бўлиб, улар юқорироқда бутасимон ўтлар билан алманиди ва, ниҳоят, тоғнинг энг юқори қисмидаги паст бўйли ўтлар ўсиб, улар доимий қор ва музликлар чегарасига бориб туташади. Булардан ташқари ҳар бир тоғнинг баландлигига, унинг қайси материқда ва иқлим зонасига жойланишига қараб бирбиридан фарқ қиласидиган томонлари ҳам бўлади. Масалан, ўртача иқлимли зонанинг жанубий қисмидаги тоғларда альп ўтлоқзорлар, шу зонанинг шимолий қисмидаги тоғларда эса кўп йиллик ўтлар ва чала буталардан ташкил топган гольц ҳамда тоғ тундраси ўсимликлари ўсади. Кескин ўзгарувчан иқлимли жойлардаги тоғларнинг юқори қисмидаги «ёстиқсимон» ўсимликлар формацияси ривожланган, Жанубий Америкадаги тропик тоғларда (4000—5000 м баландликда)ги парамос ва пуналарда ксерофил ҳамда криофил* ўсимликлар мавжуд.

Тоғ ён бағирларида ўсувчи ўсимликлар анча иссиқсевар бўлиб, юқорига кўтарилган сари уларда совуққа чидамлилик хусусияти орта боради. Тоғ чўққилари ўсимликлар учун ниҳоятда ноқулай.

Бир-биридан узоқ масофада жойлашган, лекин иқлим зонаси бир хил бўлган тоғларда ўзаро үхашаш ўсимлик минтақаларини учратиш мумкин. Масалан, Европадаги Альп, Пиренея, Қарпат ва қисман Қавказ тоғларида: а) субтропик ўрмонлар минтақаси (Фарбий Европада каштан ўрмонлари, Қавказда эман дарахти ўрмонлари);

- б) баргини тўқадиган қора қайн ўрмонлари минтақаси;
- в) нинабаргли қорақарағай ва пихта ўрмонлари;

* Криофил ўсимликлар паст температурада ва ёғингарчилик кам бўладиган шароитда ўсади.

г) субальп миңтақа (баланд бүйли үтлар, радиодендронлар ва ётиб үсадыган қарағайлардан ташкил топған);

д) альп миңтақа (паст бүйли үтлар) ларни күриш мүмкін.

Тоғ үсимликларининг бир-бири билан алмашиниб, бир неча миңтақалар ҳосил қилишини аниқроқ тасаввур қилиш учун қуидаги баъзи тоғлар ва уларниң үсимлик группалари билан танишиб ўтиш лозим.

Тропик тоғларининг үсимликлари. Анд тоғлари. А. Гумбольд Жанубий Америкадаги Анд тогларини 9 та миңтақага ажратади:

1. Нам тропик үрмөнлар миңтақаси — денгиз сатқидан 600 м баландликда жойлашган. Бундай үрмөнларда күироқ пальмалар ва бананлар учрайди. Бу жойларда йиллик температура 27° .

2. Дарахтсімон папоротниклар ва фікуслар миңтақаси — 600—1200 м баландликда жойлашган.

3. Мирта ва лавр үрмөнлари миңтақаси — 1200—1900 м баландликда учрайди.

4. Доим яшил барғли үрмөнлар миңтақаси — 1900—2500 м баландликда учрайди. Ўртача йиллик температура 19° .

5. Ёзда яшил кенг барғли үрмөнлар миңтақаси — 2500—3100 м лик жойларда учрайди. Ўртача йиллик температура 16° .

6. Доим яшил нинабарғли үрмөнлар миңтақаси — 3100—3700 м баландликдаги жойларда учрайди. Ўртача йиллик температура 13° .

7. Доим яшил ва ёзда яшил буталар миңтақаси — 3700—4400 м баландликда жойлашган. Ўртача йиллик температура $8,5^{\circ}$.

8. Тоғ усти ўтлоқлари миңтақаси — 4400—4800 м лик жойларда учрайди. Ўртача йиллик температура $4,5^{\circ}$.

9. Сувўтлар ва юксак спорали үсимликлар миңтақаси. Денгиз сатқидан 4800 м ва ундан юқори бўлган жойларни ўз ичига олади. Ўртача йиллик температура $1,5^{\circ}$.

Ҳимолай тоғларининг үсимликлари. Ҳимолай тоғлари үсимлик турларига бой бўлиши ва хилма-хил формациялар ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Ҳимолай тоғларида, асосан, қуидаги миңтақаларни ажратиш мүмкін:

1. Нам тропик үрмөнлар миңтақаси — денгиз сатқидан 1000 м баландликда жойлашган. Бу үрмөнларда күпроқ доим яшил фікуслар, елпифісімон пальмалар, манго, доим яшил эманлар, диптерокарпалар, дарахтсімон папоротниклар, лиана ҳолида ўсуви пальмалар, бамбуклар, пандануслар, бананлар ва орхисгулдошлар, магнолиядошлар, даврдошлар каби оиласарниң бир қанча вакиллари учрайди..

2. Доим яшил субтропик үрмөнлар миңтақаси 1000—2000° м баландликда жойлашган бўлиб, асосан, диптерокарпалар, мимозалар, пальмалар, доимо яшил эманлар ва узун барғли қарағай (*Pinus longifolia*) лардан ташшун топған.

3. Доим яшил эмәнзорлар ва ёңғоқзорлар минтақаси 2000—3000 м баландликда жойлашган.

4. Нинабаргли ўрмонлар минтақаси — 3000—3500 м баландликда жойлашган. Бу ўрмонларда пихта (*Abies webbiana*), қарағай (*Pinus exelsa*), қорақарағай (*Picea smithiana*) кабилар учрайди.

5. Субальпик үсімліклар минтақаси — 3600—4000 м баландикда жойлашган. Бу ўрмонларда рододендрон (*Rhododendron campanulatum*), қайн (*Betula alnoides*), қандағоч (*Alnus nepalensis*), тол (*Salix oreophila*) кабилар чала бута ҳолида учрайди.

6. Альпик үсімліклар минтақаси — 4000 м дан 4700 м гача баландликда жойлашган. Бу минтақада асосан альп қарғатуёғи (*Aleppo alpinus*), наврұзгүл (*Primula reticulata*, *P. obtusifolia*), ғозпанжа, айиқтовон каби туркүмларнинг айрим турлари үсади.

7. Доимий музліклар минтақаси — 4700 м баландликда жойлашган.

Тропик зонадан ташқаридаги тоғларнинг үсімліктері

Фарбий Закавказье тоғлари. Кавказ тоғлари ичіда Колхидада тоғлари яхшироқ үрганилған. У ердаги үсімліклар құйидеги минтақаларни ҳосил қиласы:

1. Эман ўрмонлари минтақаси деңгиз сатқидан 600—700 м гача баландликда бұлған жойларда тарқалған. Деңгизга қарған жануабиі экспозицияларда эман ўрмонлари ұтто 1000—11000 м гача күтарилади. Бу минтақа баъзан кенг барғли аралаш ўрмонлар минтақаси деб аталади. Эман (*Quercus iberica*, *Q. Petrea*), қорақайн (*Fagus orientalis*), заранг (*Acer laetum*, *A. platanoides*), каштан (*Castanea sativa*), шумтол (*Fraxinus excelsior*), аргувон (*Tilia caucasica*) каби, дараҳтлар рододендрон (*Rhododendron ponticum*), лавроцеразус (*Laurocerasus officinalis*), дұлана (*Crataegus lagenaria*) нағымтак (*Rosa dumetorum*) сингары буталар, лианалардан илон чирмөвік (*Clematis vitalba*), кавказ черникаси (*Vaccinium arctostaphylos*) хмель (*Humulus lupulus*), маймунжон, плющ (*Hedera helix*, *H. colchica*), ёввойи ток ҳамда эпифит ҳолида яшовчи моҳлар, папоротниклар ва айрим гулли үсімліклар аралаш ўрмонлар минтақаси учун характерlidir.

2. Қорақайнин ўрмонлари минтақаси. 650—700 м дан 1200 м гача баландликда қорақайнин ўрмонлар учрайди. Бу ўрмонларда баъзан каштанлар ҳам учраб туради. Буталар, колхидада шамшот дараҳти (*Buxus colchica*), лианалардан плюш, папоротниклар ва баъзи гуллі үсімліклар пастки минтақани ташкил этади.

3. Тұқ яшил нинабаргли ўрмонлар минтақаси 1100—1200 м баландликдан 1800—1900 м гача күтарилади. Бу минтақада асосан нордман пихтаси ёки шарқ қорақарағайи күпроқ учрайди. Тоғларнинг жануабиі қиялікларидеги пихта ўрмонлари қорақайнин ўрмонлари билан алмашинади. Пихта ўрмонларыда буталардан рододендрон, лавровишия, илекс (*Ilex colchica*), үтлардан оксалис, пирола,

баъзи бир орхисгуллар (*Epipogon aphyllum*, *Listera obovata* ва шунга ухшаш ўсимликлар учрайди.

4. *Үрмон алып ёки субальп ўтлоқзор миңтақа*. Бу миңтақа 1800—2000 м баландликдан 2200—2300 м баландликкача бўлган жойларни ўз ичига олади. Иқлими ўртача совуқ ва сернам бўлган бу ерларда паст бўйли анча сийрак ўрмонлар мавжуд. Ана шундай ўрмонларни қорақайин, қайнин (*Betula litvinovii*), заранг (*Acer trautvetteri*) ва четан (*Sorbus boissieri*) каби дараҳтлар ташкил этади. Шунингдек бундай ўрмонларда ҳар хил ўтлар, қўнғироқгул (*Campanula lactiflora*), пиёзгул (*Lilium monadelphum*), парпи (*Asplenium orientale*), альп отқулоги жуда кўп учрайди. Сариқбоши (*Senecio platyphyllus*), лилия (*Lilium szovitsiana*, *L. kesselringianum*), найпоя (*Hedera mantegazzianum*) каби учламчи даврдан қолган беликт ўсимликлар ҳам бор.

5. *Альп ўтлоқзорлар миңтақаси* — 2300—2400 даҳ 3000 м гача баландликдаги жойларни ўз ичига олади. Вегетация даври 1—3 ой давом этади. Бу миңтақа анча совуқ ва нам иқлимлидир. Унинг пастроқ (2400—2500 м) қисмида субальп ўтлоқзорлар мавжуд. Субальп ўтлоқзорларда асосан сохта қамиш ва бетага каби бошоқлилар, бетоника, анжабор, валериана, кўнғироқгул каби ҳар хил ўтлар ўсади. Юқорироқда эса луговик оқсўхта, қўнғирбуш альп отқулоги, кавказ илоги ҳамда манжетка, қоқиёт каби туркумларнинг баъзи вакиллари учрайди.

6. *Нивал ёки юқори альп миңтақа* — 2900—3000 м баландликдан бошланиб, тог чўққиларигача бўлган жойларни ўз ичига олади. Бу миңтақанинг 2900—3300 м баландликдаги қисмида вегетация даври қисқа. Паст бўйли ўтлар (альп қўнғирбуш, манжетка, қорабуш, бўтакўз, эрбаҳоси) ўсади. 3400—3500 м юқорида эса баъзи бир сувўтлар ва бактериялар учрайди.

Шарқий Закавказъеда гарбдан шарққа томон борган сари иқлимининг ўзгариши туфайли Шарқий Закавказъе тоғларишининг пастки қисмида ўрмонлар эмас, балки чала чўл ва дашт ўсимликлар формацияси ривожланган.

Шарқий Карпат тоғларининг ўсимликлари. Украина нинг гарбий қисмида жойлашган шарқий Карпат тоғлари ўсимлик турларига анча бой.

Учламчи давр охирларида температуранинг пасайиши, тўртламчи даврда музликнинг жанубга силжиши Карпат тоғида ўсадиган ўсимликлар ҳаётига ҳам таъсир кўрсатган. Шу сабабли иссиқсевар ўсимликлар чегараси анча жанубга сурилиб, уларнинг ўрнини шимол ўсимликлари эгаллай бошлаган. Кейинчалик музликнинг орқага қайтиши билан баъзи шимол ўсимликлари Карпат тоғлари шароитига мослашган ва ҳозиргача яшаб келмоқда.

Шарқий Карпат тоғларининг ўсимликлари қуйидаги 4 миңтақага бўлиб ўрганилади.

Кенг барғли ўрмонлар миңтақаси — денгиз сатҳидан 1000 м

баландликда бўлган жойларни ўз ичига олади. Бу ердаги ўрмонларда асосан қорақайин (*Fagus silvatica*) ва эман (*Quercus robur*, *Q. petrea*) каби дараҳтлар ўсади.

Нинабаргли ўрмонлар минтақаси 100 м дан 1400—1500 м гача бўлган жойларни ўз ичига олади. Бу ўрмонларда асосан, оддий қарағай, пихта ёки оқ қарағай каби дараҳтлар ўсади.

Ўрмон-альп минтақа — 1400—1700 м баландликда жойлашган. Бу минтақада баланд бўйли ўтлардан дороникум (*Doronicum austriacum*), испарак (*Delphinium elatum*, *D. oxysepalum*), чемерица (*Verastrum album*), төг қарагайи (*Pinus mughus*), арча (*Ispigerus nana*), қандағоч (*Alnus viridis*) каби пакана бўйли дараҳтлар учрайди.

Баланд төг ўтлари ва бутазорлари минтақаси 1500—1800 м дан 2000 м гача бўлган жойларни ўз ичига олади. Бу ерлардан буталардан тол (*Salix retusa*, *S. reticulata*), каклик ўти, черника, брусника, голубика, ўтлардан агростис, бетага, алъп қўнғирбози ва мохлардан лишайниклар учрайди. 2000—2500 м баландликдаги жойларда эса алъп ўсимликлари учрайди.

Хибин тоғларининг ўсимликлари. Хибин тоглари денгиз сатҳидан 1250—1300 м баландликда Кола ярим оролида жойлашган. Төг этакларида қора қарағай ва қайнин ўрмонларини, 400—500 м баландликда эса фақат қайнин ўрмонларини учратиш мумкин. Юқорироқда тундра минтақаси бошланади. Тундра минтақасида асосан, мох, лишайниклар ва баъзи бутачалар ўсади. Тоғнинг юқори қисмида эса ўсимликлар деярли учрамайди.

Үрта Осиё тоғларининг ўсимликлари. Үрта Осиё тоғлари Копетдогнинг ғарбидан Жунғория олатогининг шарқигача чўзилган, 10° дан 35—45° гача бўлган кенгликни ишғол этади. Шу кенгликда табиий шароити ва ёшига кўра-бир-биридан фарқ қиласидиган б та: Тяньшань, Помир, Бадахшон, Жунғория олатоғи, Тожикистон ботифи ва Копетдоғ табиий тоғлик областлар мавжуд.

Үрта Осиё тоғларидаги ўсимликларни минтақаларга булиб урганиш гоясини дастлаб П. П. Семёнов Тяньшанский илгари сурган. Шунингдек Н. А. Северцов, А. Н. Краснов, Б. А. Федченко, Р. И. Аболин, М. Г. Попов, Е. П. Коровин, Б. А. Биков, М. М. Советкина, Қ. З. Зокиров, Н. В. Павлов, Н. И. Рубцов, И. В. Виходцев, П. Н. Овчинников, Қ. В. Станюкович ва бошқалар ҳам бу соҳада муҳим ишлар қилишган.

Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг кузатишлари асосида Үрта Осиё ўсимликларининг тарқалиши ва жойланишига доир классификациялар тузилган. Мазкур классификациялар (ёки системалар) асосида ўсимликларнинг минтақалар бўйича тақсимланиш принципи ётади.

Айниқса Қ. З. Зокиров системаси ўзининг қулагилги, аниқлиги ва оддийлиги билан бошқаларидан фарқ қиласиди.

Қ. З. Зокиров системаси асосида Үрта Осиё төг ўсимликларидан тарқалишига доир классификациялар тузилган. Мазкур классификациялар (ёки системалар) асосида ўсимликларнинг минтақалар бўйича тақсимланиш принципи ётади.

ларини адир, төг ва яйлов каби тепалик минтақаларига бўлиб ўрганамиз*.

Адир (төг олди) минтақаси. Бу минтақа чўл зонаси (ёки тепалик зонаси) билан төг минтақаси ўртасида жойлашган. У дengiz сатҳидан 500—700 м, баъзи жойларда эса 1200—1600 м гача баландликда бўлган төг олди тепаликларини ўз ичига олади. Бўз тупроқли айрим жойларда туб (илдиз) төг жинслари ёки уларнинг емирилган маҳсулни, шагал тошлар ва қум-шагаллар учрайди.

Жазирама ёз анча қисқа бўлиб, ёғингарчилик 250—350 мм ни ташкил қиласи.

Адирлар одатда 2 қисмга: қуий (500—900 м) ва юқори (1000—1500 м) адирларга бўлиб ўрганилади. Қуий адирларнинг рельефи анча текис, юқори адирларники эса нотекис бўлади.

Адирлар асосан илоқ ёки ранг ўсимлиги формациясидан ташкил топган. Бу формацияни мураккабгулдошлардан каррак, соябонгулдошлардан скалигерия туркумларининг турлари ташкил этади.

Адирлар пастки қисмида кўпроқ ранг, хохлатка, қарфатүёқ, герань ёки анжабор, сутлама, чалов, савсаргул, оққурай, испаррак, қўзиқулоқ, сариқбош, мингбош, эремостахис, шувоқ, чучмома, қўнгирбош, эрбаҳоси, лола, тошбақатол каби кўп йиллик ва нўхатак, шамбала, вика, оқ читир, читир, қизғалдоқ, момақалтироқ каби бир йиллик ўсимликлар кўп учрайди. Буларнинг ҳаммаси кўпинча ранг-шувоқ ва ранг-ҳар хил ўтлар формациясини ташкил этади.

Адирларнинг ўрта ва юқори қисмида кўпинча бодомча, наъматак, буғдоиқ, чиннигул, чалов, бетага, коврак, пиёзгул, лола, бойчечак, каби туркумларининг бир неча турлари, шунингдек, чучмўма, ранг, фарғона сутламаси ва фарғона олғиси каби ўсимликлар кўп учрайди.

Адирнинг тошли ва шагалли ён бағирларида бодомча, писта, жирқаноқ, қизилчанинг бир неча турлари, шунингдек, юринея, кампирчопон, бутакўз каби туркумларининг баъзи вакиллари тарқалган.

Адирларда қалин ўсуви хилма-хил ўтлар бўлади. Бу ўсимликларнинг вегетация даври жуда қисқа.

Ўрта Осиё адирларидан дехқончйлик ва чорвачилик максадларида фойдаланилади.

Төг минтақаси дengiz сатҳидан 1200—1500 дан 2700—2800 м гача бўлган баландликларни ишрол этади. Төг минтақасининг рельефи адирларнига нисбатан бирмунча нотекис; бу ерларда тезоқар дарё ва сойларнинг тор водийлари жуда кўп.

* К. З. Зокиров фақат Ўрта Осиё төг ўсимликларини эмас, балки умуман Ўрта Осиё ўсимликларини 4 та тепалик зона (чўл, адир, төг, яйлов) га бўлиб ўрганиш мумкин деб кўрсатади. Биз чўлни Ўрта Осиё чўллари темасида ёритганимиз.

Иқлими бирмунча салқин булиб, июль ойининг ўртача температураси 17—19° дан ошмайди. Ёғин миқдори 500—600 мм, баъзи районларда эса 800—1000 мм га етади. Қишида ёғингарчилик кўп ёғса, ҳам ҳаво анча илиқ бўлади.

Тоғ минтақаси асосан, тоғ даштлари, тоғ ўрмонлари, кенг баргли тоғ ўрмонлари, нинабаргли тоғ ўрмонлари каби типларга булиб ўрганилади.

Тоғ даштлари типи тоғ минтақасининг пастки ва қисман ўрта қисмида учрайди. Бу ерларда, асосан бошоқлилардан буғдойиқ, бетага, чалов, қасмалоқ, қылтиқ, хардума, қўнғирбош, каби туркумларниң айрим турлари, икки паллали ўсимликлардан қўзиқулоқ, астрагал, бўтакўз, тошкакра, шувоқ, эспарцет, испарак каби туркумларниң бир йиллик ва кўп йиллик вакиллари кенг тарқалган. Шунингдек, кўп йиллик эфемероидлардан лола, пиёзгул, ширач, чучмома, бойчечак каби туркумларниң вакиллари баҳор фаслида гўзал манзара ҳосил қиласди.

Тоғ минтақасининг баъзи жойларида наъматак, зирк ёки қорақанд, учқат ёки шилви иргай, тобулғи каби буталарниң бир неча вакилларини ҳам учратиш мумкин. Бундай бутазорларниң пастки минтақасини бошоқли ўсимликлар ва бошқа ҳар хил ўтлар ташкил этади. Буталар орасида наъматак жуда кенг тарқалган булиб, наъматакзорларни ташкил қиласди. Наъматакзорларни асосан Фарбий Тяньшань тоғлари, Зарабшон, Туркистон тоғлари ҳамда Жанубий Тожикистондаги 1500—2300 м баландликдаги тогликларда учратиш мумкин. 2300—2500 м баландликда баъзан зогоза (*Ephedra equisetina*) ўсимлиги зогозазорларни ҳосил қиласди.

Ўрта Осиё тоғларида ўсуви бир неча турга мансуб дараҳтлар баргли ўрмонларни ташкил этади. Баргли ўрмонлар Фарбий Тяньшаннинг Уғом, Пском, Чотқол, Фарғона ва Ҳисор тизмаларида, Жанубий Тожикистонниң баъзи жойларида тарқалган. Бундай баргли ўрмонларни асосан олма, тоғолча, ёнғоқ, бодом, дўлана каби мевали дараҳтлар ва шунингдек бир неча тур заранглар терак, тол, қайнин, четан кабилар ташкил этади. Ҳисор тизмаси ва Жанубий Тожикистон тоғларида мева дараҳтларниң сони баъзан ёввойи ҳолда ўсадиган анор, анжир, хурмо ва чилонжийда ҳисобига ортади. Баргли ўрмонларда кўпинча ёнғоқ дараҳти ҳукмронлик (эдификаторлик) қиласди. Шунинг учун, бундай ўрмонлар баъзан ёнғоқ ўрмонлари деб ҳам юритилади. Ёнғоқзорлар, хусусан, Фарбий Тяньшаннинг сернам ва иссиқ жойларида (Фарғона тизмаси, Арслонбоб, Бўстонлиқ районида) жуда кенг тарқалган. Шунингдек, Ўрта Осиё тоғларида олма, дўлана, заранг, терак ва қайнин ўрмонларини ҳам учратиш мумкин. Помир-Олойда эса хурмо дараҳти (*Diospyros lotus*) кичик ўрмонзорларни ташкил этади. Тоғ ён бағирларида нам жойларда қайнинзорлар, теракзорлар ва толзорлар мавжуд.

Тоғ минтақасининг юқори қисмида (турли тоғларда турли-

ча баландликда) нинабаргли ўрмонлар учрайди. Бундай ўрмонларни асосан шренк қарағайи, семенов номидаги пихта ва бир неча турдаги арчалар: қызил арча, саур арча ва ўрик арча ташкил этади.

Қорақарагай ўрмонлари Тяньшаннинг Жунгория, Запи, Чотқол, Талас тоғларидан учрайди ва бир неча формацияларини ташкил қиласы.

Қорақарагай-пихта ўрмонлари эса асосан, Чотқол ва Фарғона тоғларидан учрайди.

Арча ўрмонларининг пастки ярусларида учқат (шилви) наъматақ каби буталар; сариқбаш, шашир, астрагал, чалов, ғозланжа каби туркүмларининг ўтсизмөн вакиллари учрайди.

Тоғ минтақасининг тошли ва тошлокли ерларидан иссиққа чидамли бута ва дараҳтлардан бодомнинг 10 тури (*Amygdalus communis*, *A. bucharica*, *A. petuncovii*, *A. Spinosissima*, *A. turcomanica*, *A. Vovilovi*), анор, сумах, писта, анжир, қатранғи, кизилча ва унаби кабилар ўсади. Булар орасида циста ўсимлиги 320000 га майдонни эгаллади. Табиий пистазорларни денгиз сатҳидан 600—1700 м баландликдаги жойларда учратиш мумкин.

Тоғ минтақасида ўт ўсимликлар ҳам жуда кенг тарқалган ўрмонлар ҳамма жойда ҳам қалин әмас. Бунга рельеф ва иқлимининг ноқулагайлиги ҳамда улардан кишиларнинг нотұғри фойдаланишлари сабабдир.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ўрмонлар майдонини сақлаб қолиши ва келгусида сунъий ўрмонлар барпо этиш билан бундай тоғ ўрмонлари майдонини кенгайтириш вазифаси туради. Ҳозирги вақтда барча тоғ ўрмонлари ўрмон хұжаликлири томонидан назорат қилинади ва құриқланади. Ўрмонлардаги дараҳт, бута ва ўт ўсимликлардан ёқилғи, қурилиш материаллари, ем-хашак, озиқ-овқат, дори-дармоң зиравор сифатыда фойдаланилади. Булардан ташқари тоғ ўрмонлари майдан жойнинг микронқұлымини яхшилайды, тупроқни ювиліб кетишідан сақлайды ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам сунъий ўрмонлар барпо этиш, ўрмонлар майдонини кенгайтириш, улардан рационал фойдаланиш ҳар бир совет кишисининг мухим бурчи бўлмоги лозим.

Яйлов (баланд тоғ) минтақаси 2700—2800 м баландликдан бошланади ва у абадий қорликлар зопасигача давом этади. Бу жойларнинг иқлими тоғ минтақасынга нисбатан салқин ва қуруқ. Ёзи эса қысқа, лекин аңча иссиқ бўлади. Июль ойида кундуз кунлари температура 25° га кўтарилиб, кечалари -5° гача тушиши мумкин. Қишида совуқ -40° атрофида бўлади. Йиллик ёғингарчилик 400—600 мм ни ташкил қиласы. Ёз ойлари ҳам ёмғир ёғиб, тез-тез кучли шамоллар эсиб туради. Яйлов минтақаси одатда иккى кичик минтақага: қуйи яйлов (субальп) ва юқори яйлов (альп)га бўлинади. Яйлов минтақасининг субальп қисмидаги тонзор ўтлоқлар, соз тупроқли ўтлоқлар, ўтлоқ-дашт ўсимликлари, пакана бўйли арчалар ва учқат каби буталарни учратиш мумкин. Баъзи тошлоқли, шағалли, қояли

жойларда эса тиканли ксерофит ва ёстиқсизон ўсимликлар, юқоририңда эса фақат паст бўйли ўтлардан ташкил топган ўтлоқлар учрайди. Ўтлоқлар қорли ерларга бориб туташади.

Умуман, яйлов миңтақасининг қўйи қисмида тороп, шувоқ, отқулоқ, анжабор, санчиқут, қўнғирбош, астрагал, бетага, сутлама, тулкиқуйруқ, испарак каби туркумларнинг вакилларини; соз ўтлоқларини ташкил этган паст ва баланд бўйли ўсимликлардан лигуллярия, алп қўнғирбоши, алп ажриқбоши ҳамда тўнғизсирт, қиёқ, айиқтовон, сурепка, тошёрас, наврӯзгул, эрбахоси каби туркумларнинг айрим вакилларини кўрсатиш мумкин.

Яйлов ўтлоқ-даштларидан юқоририңда (2800—3300 м) жойлашган бўлиб, асосан, бетага ва ҳар хил ўтлар — дашт ўсимликлари каби формацияларни ташкил этади. Энг кўп учрайдиган ўсимликлардан бетага, чалов, торон, шувоқ, шунингдек, дуккакдошлар, мураккабгулдошлар, кампирчопондошлар каби оиласарнинг бир неча вакилларини кўрсатиш мумкин:

Помирининг денгиз сатҳидан 3500—4000 м баландликдаги ерларини ҳам баланд төф яйлов миңтақасига киритиш мумкин. Бу ерда ёз жуда қисқа (иссиқ кунлар 56 кун) бўлади. Максимал температура июль ойида 30° гача тушади. Кечалари эса температура $-1(-2)$ гача тушади. Ииллик ёғингарчилик миқдори 80—120 мм дан ошмайди. Тез-тез кучли шамоллар эсиб туради. Ҳаво деярли очиқ(булутсиз) бўлиб туради. Шунга қарамасдан Помирда 636 тур ўсимлик ўсиши қайд қилинган. Бу ўсимликлар тутавон, шувоқ, терескан, қизилтикан ва бир неча хил бошоқли вакиллардан ташкил топган.

Яйлов миңтақасида ўсадиган ўсимликлар жуда тўйимли бўлғанлиги сабабли, ёз мавсумида бу жойлар чорва молларини боқиш учун қулай ва муҳим ҳисобланади.

Помирда шароит анча ноқулай бўлишига қарамасдан дехқончилик қилинади. Арпа, жавдар, буғдойнинг совуққа чидами навлари, шунингдек, баъзи бир сабзавот экилади.

Яйловнинг алп қисми тоғларнинг энг юқорисида мавжуд бўлиб, турли тоғларда турлича баландликда жойлашган. Алп ўсимликларининг шароити бир томондан тундра ва арктик саҳрода ўсувчи ўсимликлар шароитига ухшайди. Яъни бу ерларда ҳам өгетация даври қисқа, аммо өгетация даврида кун узун бўлади. Ўсимликларнинг аксарияти кўп йилликлардан ташкил топган бўлиб, улар асосан, гемикриптофит ва хамефитлар деб аталувчи ҳаёт формаларига тегишилдир. Иккинчи томондан улар бир-биридан фарқ ҳам қиладилар, алп миңтақасининг ўсимлик ўсадиган тупроқ қавати остида доимий музлик учрамайди, ёғингарчилик анча кўп ёғади, ёргулкнинг таркиби деярли ўзгармайди, ёруғликнинг таъсирчанлиги (интенсивлиги) кучли ва ёз фаслида кун қисқа бўлади. Демак, алп ўсимликлари қисқа кунли ўсимликларга, арктика ва тундра ўсимликлари эса узун кунли ўсимликларга киради.

Шундай қилдіб, алп ўсимликларининг ўзига хос хусусият-

лари қүйидагилардан иборат: паст бүйли (10—15 см) бұлади; барглар илдиз бұғзіда доира шаклида жойлашиб, тұлбарг хосил қиласы; бұғим оралиқлари жуда қисқа; ёстиқсімон шаклға әга; вегетатив йүл билан күпаяди; танаси кичик бұлишиңға қарамасдан гуллари анча йирік ва ранглидер; совуқ температурага чидамли бұлади ёки тез мослашади ва ҳоказо.

Европадаги альп үсимликлари, асосан, қиёқ-бошоқлы үтлоқлардан иборат бұлиб, Шимолий Америкадаги альп үсимликларга ұхшашидір.

Жанубий Америка Анд тоғларидаги үтлоқлар, эса асосан ёстиқсімон шаклли ва розеткасімон барглар үсимликлардан ташкил топған.

Интраzonal үсимликлар

Интраzonal үсимликлар деб, зоналлик ва минтақалик қониятларига қаттый бүйсунмайдыган, бир неча зонада ҳам, минтақаларда ҳам учрайдиган маълум бир группа үсимликларига айтилади. Бундай үсимликлардан үтлоқлар, ботқоқлик, воҳа ва түқайзор үсимликларини күрсатиш мүмкін*.

Үтлоқзор үсимликлари

Үтлоқзор мезофил (үртача намлиқда ұсуvчи) үсимликлар — үтлар типидан ташкил топған.

Үтлоқ үсимликлари Европа, Осиё ва Шимолий Америкадаги үрмөнларда, қирқиңгап үрмөнлар үриңда, тундра, дашт ва چұл зоналарыда тоғли районларда, дарә бүйларыда, нам тупроқлы бөшқа айрим жойларда учрайди. Шунинг учун уларни учрайдиган жойига күра, дарё бүйи үтлоқзорлари, қуруқлик (материк) үтлоқзорлари, субальп үтлоқзорлари, тор даштларидаги үтлоқзорлар, альп (яйлов) үтлоқзорлари деб аталади. Үтлоқ үсимликлари анча қалии ва баланд бүйли үтлардан қалын чим ҳосил қиласы. Үтлоқзорлардаги үсимликлар гемикриптофит (куртаклары тупроқ остида қишлоғчы) үсимликлардир.

Шимолий дарё водийларидаги (Обь, Печора, Енисей, Лена, Волга) үтлоқзорлар дарёларнинг иккى қырғоғыдаги майдонларни әгаллайды. Дарё сувларининг тошиб туриши натижасыда бу майдонлар узоқ вақтгача сув тағида қолиб кетади. Шунинг учун бундай майдонларда дарахтларнинг үсиши учун имконостайт йүқ бұлиб, күп үйлік үт үсимликларининг маълум бир группасы үсады. Бир оз жануброқда (ўрмөн зонасыда) дарё водийларининг дашт зонасыда жойлашған қисміда лента шаклида чүзилған үтлоқзорларни уратыш мүмкін.

Дарё водийларидаги үтлоқзорларда үзігін хос экологик шароитнинг узоқ вақт давом этиши үсимликлар флорасына таъсир этган.

* Интраzonal үсимликлар ҳақидаги маълумотлар, асссан, СССР территориясы мисолида ёритіләди.

Г. Вальтер барча ўтлоқзорларда ўсувчи ўсимликлар 1000 га яқин турга эга деб кўрсатган. Улардан 150 таси жуда кенг тарқалган. Ўтлоқзорлардаги ўсимликларни 4 группага: бошоқлилар, қиёқлар, дуккаклилар ва ҳар хил ўтлар группасига бўлиб ўрганилади.



73-расм. Ўтлоқзорлардаги баъзи бошоқли ўсимликлар:

1 — қилтиқсиз ялтирош, 2 — ўтлоқ бетагаси, 3 — оқ сўхта, 4 — ўтлоқ қўнғирбоши, 5 — рапграс, 6 — белоус.

Бошоқлилардан ажриқбош, тулки қуйруқ, ўтлоқ бетагаси, ўтлоқ қўнғирбоши, оддий қўнғирбоши, ботқоқ қўнғирбоши, ялтирош, белоус буғдоиқ кабилар айниқса кўп учрайди (73-расм). Қиёқлар группасидан эса қиёқнинг бир неча турлари (*Carex pallescens*, *C. leporina*) ўсади.

Дуккакдошлардан бир неча тур себарга (*Trifolium pratense*, *T. repens*, *T. hibridum*), ёввойи беда (*Medicago falcata*), вика (*Vicia crassa*), бурчоқ (*Lathyrus pratensis*) кабиларни кўрсатиш мумкин (74-расм).

Ҳар хил ўтлардан эса заҳарли айиқтовон, ўтлоқ анжабори, гулпар ёки боршевик, зубтурум, бошогриқ, отқулоқ кабилар кўп учрайди.

Юқоридаги дастлабки уч группа вакиллари моллар учун юқори сифатли ем-хашак бўлади. Улар йил бўйи ям-яшил туради. Ҳар хил ўтлар группасига кирувчи баъзи вакилларнинг (заҳарли айиқтовон) заҳарли моддаларга эга бўлиши, умуман уларнинг анча эрта қуриб-қовжираб қолиши ўтлоқзорларни озука сифатини пасайтиради.



74-расм. Ўтлоқзорлардаги баъзи дуккакли ўсимликлар:

1— ўтлоқ себаргаси, 2 — ўрмаловчи себарга, 3 — ~~оқ~~ қашқарбеда ёки хархар, 4 — ўтлоқ бурчофи.

Дарё сувларининг ҳар йили тошиб туриши (хусусан, баҳор фаслида) бу ерларда лойқа сувлар билан хилма-хил минерал элементларнинг оқиб келиб чўкиши натижасида озиқ миқдори кўпаяди. Шуниш учун хам дарё бўйларида майдонларда ўсимликлар анча бўйчан бўлиб, йил давомида қалин ва яшил қоплам ҳосил қилиб туради. Материк ўтлоқлари эса фақат ўрмон зонасида учраб, кўпинча қирқилган ўрмонлар ёки ёнғин натижасида бўшаган текисликларда вужудга келади. Ўрмон зонасининг жанубий чегараларида ўтлоқлар дашт ўтлоқлари билан алмашинади. Тайга ўрмонлари орасида паст бўйли ўтлардан иборат ўтлоқлар учрайди. Тупроғи сернам жойларда моҳлар ўса бошлаб, улар ўтлоқзорларни ботқоқланишига олиб келади.

Материк ўтлоқзорларида бошоқдошлар ва дуккакдошлар оиласининг вакиллари кўп учрайди. Хусусан белорус, полевица, антоксантум, десхамсия каби бошоқли ўсимликлар кўп ўсади.

Ўрта Осиё территориясидаги ўтлоқлар дарё бўйи ўтлоқзорлари, тўқай ўтлоқзорлари, тоғ ўтлоқзорлари, субальп ва альп ўтлоқзорларига бўлинади.

Тұқай үтлоқзорлари, асосан, дарёларнинг қуий оқимида учрайди ва бир неча формацияни ташкил қиласы. Улардан бүгіншік, сохта қамиш, шұражриқ каби үсімліклардан иборат формацияларни мисол келтириш мүмкін. Тұқай үтлоқзорларни ташкил әтишда чучукмия, қиёқ, қирқбұғим кандир, илончирмовиқ, сарагатқи, қамиш, сутлама, савағич кабилар ҳам иштирок әтади.

Төр үтлоқлари сийрак үрмөнли тоғларнинг қуёшга тескари томонида учрайди. Төр үтлоқларыда шамбала, оқ сұхта, үтлоқ құнғирбош, ялтирбош, шашир, гулпар, құнғироқгүл, чойтүт, зұра ва шунга ұхшаш күпгина турлар мавжуд.

Субальы үтлоқзорларда күпинча құзықулоқнинг бир неча тури, құкут, парпи, иснарак, әрбаҳоси, ёввойи пиәз, тулки қуірүқ, бетага ва бошқа түркүмларнинг бир неча турлари учрайди.

Үрта Осиёдеги альп үтлоқзорларни, асосан, ҳиллодошлар оңдасидан тұнғиз сирт ёки кобрезиянинг иккі тури (*Cobresia bellardi*, *c. schoenoides*) ташкил әтади. Чаманзор үтлоқларни ташкил әтишінде ёронгүл, заттарон, құнғироқгүл, незабудка, лола, астра, бойчек каби түркүмларнинг вакиллары иштирок әтади.


Ботқоқлик үсімліклари

Интразонал үсімліклар — ботқоқлик үсімліклари, асосан, шимолий ярим шарда кең тарқалған бўлиб, 350 млн га майдонни ишғол әтади. Ботқоқликлар асосан үрмөн ва тундра зонасида, қисман даشت, чўл, субтропик ва тропик зонада учрайди. СССР территориясида 71,6 млн га майдонни ботқоқликлар ташкил әтади.

Ботқоқликлар кўл ва дарёлар бўйинда мавжуд бўлади. Бурларда үсуви үсімліклар сув билан тўлиқ таъминланыб туради. Шунинг учун улар гигрофит (сувли муҳитда үсуви) үсімліклар ҳисобланади.

Ботқоқликлар одатда иккі хил вазиятда: 1) дастлаб қуруқ үрмөларнинг ва 2) сув ҳавзалари (кўллар ва эски дарё оқимлари)нинг ботқоқланана бориши натижасида ҳосил бўлади.

Дастлаб қуруқ үрмөлар үсган жойларнинг ботқоқланишига асосан, үрмөларнинг қирқилиши, ёнғинларнинг содир бўлиши, тупроқ таркибида лой тупроқли қатламнинг ҳосил бўлиши ва каккузигир мохи каби баъзи үсімлікларининг үсиши сабаб бўлади. Натижада бу жойларда буғланиш камаяди. Ер ости сувлари эса юқорига кўтарила боради ва тупроқни ортиқча намланишга олиб келади. Тупроқнинг кун сайин намлана бориши унда кислфрод миқдорини камайтаб кетишига (анаэроб шароитни юзага келишига) олиб келади. Бу ҳол тупроқда яшайдиган бактериялар ҳаётига ёмон таъсир әтиб, чириш процессини деярли тўхташига сабаб бўлади. Үсімлик қолдиқлари тўлиқ чириб улгуролмайди. Бунинг устига баъзи органик кис-



лоталар ҳосил бүлгелерди. Чала чириган ўолдиқлари түплангир ир қанча вақт ичида жарда торф қатламини жудга келтиради. Бундай қатлам ҳосил бүлгелер жойларда оқ мохлар (торф мохлари) уса бошлайды ва улар сувнинг кўп миқдорда йигила бошлишига сабаб бўлади. Оқ мохлар та-насида кўп миқдорда сув түпланади (75-расм).

Мохлардан кейин бундай жойларда багульниник, голубика, кассандра, клюква каби буталар, қиёқ, пишица каби ўтлар уса бошлайди. Дастрлаб қуруқ бүлгелер жойларда шу хилда ботқоқликлар ҳосил бўлади. Ботқоқланишнинг иккинчи ўли — бу сув ҳавзалари (кўллар, дарёлар оқими ўзгариши натижасида узилиб қолган жойлар)нинг ботқоқлана боришидир. Бу процесс одатда икки даврда ўтади ва асосан ўрмон зонасида яқъол кузатилади.

Ўт босиш даври. Кўл ва дарё оқимиининг узилиб қолгап жойларидан дастрлаб ҳар хил сувтлар (яшил, кўк-яшил диатом), гулли ботқоқ ўсимликлари кўп учрайди. Бундай жойларда турли ўсимликлар бир неча ярус ҳосил қиласи.

1) **Микрофит яруслари.** Кўл ва оқмайдиган дарё сувлари остида кўк-яшил диатом, яшил сувтлар ва майдада ҳай-

75-расм. Торф мохи ёки сфагнум мохи:

1 — умумий куриниши, 2 — чки тузилиши: а — хлорофилл доначали ҳужайралар, б — сув сакловчи қовак ҳужайралар, в — ҳужайра тешикчалари

вон организмлари биринчи миңтақан ташкил қиласы. Зообентос организмларнинг қолдиқлари сув тағида 10—15 см қалыптыкта чиринди қатламини ҳосил қиласы. Бундай қатлам *сапропелит* дейиллады.


2) Макрофит ярусы. Қирғоққа яқын жойларда яшил сув үтларнинг юксак вакилларидан хара ва нителла сув үтлари, гулли үсимликлардан шохбарг (*Seratophyllum demersum*), гиччак (*Potamogeton freisii*, *P. obtusifolius*, *P. pusillus*) билан бирга үсады.

3) Кенг баргли гиччак ярусы. Сувнинг чуқурлиги 4—5 м га етадиган жойларда кенг баргли гиччак (*Potamogeton perfoliatus*, *P. lucens*), мириофиллум, спарганиум үсады.

4) «Сув нилфияси» ярусы. Сув нилфияси билан бирга нуфар ва сузуви гиччак үсады. Учишчи ва түрткінчи яруслар ташкил қилювчи үсимликларнинг қолдиқлари сапропелитли торф қаватидан иборат чүкмә ҳосил қиласы.

5) 2—3 м чуқурлыктаги жойларда камыш, күл қиёғи (*Scirpus lacustris*) кабилар үсады.

6) Сувнинг 1 м чуқурлыкта жойларда турли хил үтлар, қиёқлар (*Carex gracilis*), наизабарг, алисма, сувайиқтовон, сусак кабилар үсады (76-расм).



76-расм. Күлнинг күмила боғиши туфайли ботқоқликининг ҳосил булиши (Сукачев бүйича):

1 — чучук сувли мергел, 2 — сапропелит, 3 — сапропелли торф, 4 — қамишли торф, 5 — күл қамишли торф, 6 — қирғызбұйымли торф, 7 — қиёқли торф, 8 — қиёқ толли торф, 9 — ўрмонли торф, 10 — гипнум мөхли торф, 11 — пейхіцерия-сфагнумли торф, 12 — пушница-сфагнумли қаватда чиринди тұплапшы.

Шундай қилиб, бир қанча вақтдан кейин бундай күллар вадарё узилмаларидан үсимлик қолдиқларидан чүкмалар ҳосил қилиб, саёзланып боради ва күмилиб қолади.

Күмилиш ва құтарилиш даври. Күллар вадарё оқими узиліб қолған қирғоқларнинг ішкіла бориши натижасыда Сабельник, вахта, белокрильник, қиёқ, каби илдизпояли ботқоқ үсимликлары аввал қирғоқда, сүнгра ўттароқда үса бориши нати-

жасида бундай жойлар кичрая боради ва күмила бошлайди. Айни пайтда пушица, клюква, багульник, андромеда каби ботқоқ үсимликлари ўса бошлайди. Бундай күллар атрофида қайнин, қарағай, вереск, моршка каби үсимликлар ҳам үсади.

Үрмон зонасидағи ботқоқликлар унда үсувчи үсимликларнинг таркibi ва сув билан таъмниланишига кура икки группа: тепалик өз пастқам ботқоқликларга бўлинади. Группалар шартли бўлиб, улар тулиқ бир процесснинг икки этапи ҳисобланади. Шунинг учун улар генетик жиҳатдан ўзаро боянишади.

Тепалик ботқоқликларида чириш процесси тўхтагач у ерда минерал озиқлар камаяди. Шу сабабли бу хилдаги ботқоқликларда үсувчи айрим үсимликлар ҳашаротлар билан овқатланишига мажбур бўлган. Бундай үсимликлар ҳашаротхўр үсимликлар дейилади. Ҳашаротхўр үсимликлардан росянка, пашшақопқон (*Dioneae*), альдрованда, нуизирчатка, Шимолий Америка ботқоқликларида учрайдиган сарраценияни кўрсатиш мумкин. Бундай үсимликлар 33-расмда келтирилган. Ботқоқликлар СССРнинг Европа ва Фарбий Сибирь ерларида учрайди. У ерларда қўйидаги үсимликлар үсади.

Қарағай-чала, бута-сфагнум мохларидан ташкил топган ботқоқларда дараҳтлардан қарағай, буталардан багульник, кассандра, голубика, агромеда, морошка, бруслика ва мохлардан оқмох (*Sphagnum angustifolius*, *Sph. medium*) учрайди.

Қарағай-бута-пушица үсимликларида ташкил топган ботқоқларда юқорида кўрсатилган үсимликлардан ташқари пушица ҳам үсади.

Шундай қилиб, ботқоқликларда бир неча хил ўтлар, қарағай дараҳти ва мохлар үсиси улар 6—10 м қалинилдаги торф қатламишини ҳосил қиласди. Бундай ботқоқликлар үрмон зонасининг шимолида кўп учрайди (77-расм).

Шимолий Американинг шимоли-шарқида оқ мохлар үсувчи ботқоқликлар учрайди. Бу ерларда Европадагидек вересклар эмас, балки мохлар, водяника (*Empestrum nigrum*) ва тилооч үсади.

Жанубий Америкадаги мохли ботқоқликлар Анд тогларида, Оловли ерда ва Янги Зелаандияда учрайди.

Үрта Осиёдаги ботқоқликлар дарёларнинг қуи оқимидан юқори оқимигача бўлган майдонларда қисман яйлов (юқори торф) минтақасидаги ўтлоқларда учрайди.

Үрта Осиёдаги ботқоқликлар шимолий кенгликтаги ботқоқликлардан үсимлик қолдиқларининг тезда парчаланиши, торф қатламишининг йўқлиги билан фарқланади:

Үрта Осиёда асосан қамишли ботқоқликлар мавжуд бўлиб, улар дарёларнинг қуи оқимида (чўл зонасида) тарқалган. Бундай ботқоқликларда кўпинча қамиш, кўға, якан, болотница, ежеголовник, частуха, сувчиёс ва қиёқ үсади. Қиёқли ботқоқликлар эса дарёводийларининг үрта ва юқори қисмида (адир ва тог минтақаларида) ҳамда яйлов минтақасида учрайди. Бу хилдаги ботқоқлик



77-расм. Ботқоқлыктарда үсуви баъзи утсимон ва бутасимон үсимліклар:
 А — утсимон вакиллар: 1 — булдуруқұт (алисма), 2 — ботқоқ калужнициаси, 3 — вех (цикната), 4 — ботқоқ қирқбұгымы, 5 — пунгит, 6 — киек, 7 — қирқбұгым, 8 — трифол, 9 — росчика.
 Б — буталардан, 10 — ботқоқ миртаси, 11 — қлюква, 12 — бағульник, 13 — черника.

Б — буталардан, 10 — ботқоқ миртаси, 11 — қлюква, 12 — бағульник, 13 — черника.

ларни ташкил қилишда илоқнинг баъзи турлари (*Carex divisa* C. songorica), шеролчин (*Pedicularis songorica*), эрбаҳоси (*Gentiana aurea*), десхампсия (*Deschampsia koeleroides*) қатнашади.

Ботқоқликларда ўсимлик ва ҳайвои қолдиқларининг ниҳояда секин парчаланиши ва чириши торф таркибида мавжуд бўган ва уни ташкил қилган ўсимликлар ҳамда ҳайвонларни турларини аниқлаш имконини беради. Бундай торфлар тарк бида дараҳтларнинг гул чанглари жуда узоқ вақтгача ўзгармасақланади. Торф баъзи электр станциялар учун асосий ёқилиши, шунингдек, у органик ўғит бўлиб ҳам ҳисобланади, медицинада эса бод, асаб ва баъзи гинекологик касалликларни даволашда (торфотерапияда) ишлатилиди.

Кейинги йилларда таркибида сфагнум моҳлари бўлган торфларни гидролиз (ҳайдаш) қилиш ўйли билан спирт (1 тонна қуруқ торфдан 120 литр спирт) олина бошланди.

Ботқоқлик ўсимликлари ем-хашак сифатида муҳим эмас, аммо буталарнинг меваси озиқ-овқат сифатида фойдаланилиши мумкин. Ҳозирги вақтда ботқоқликларни қуритиш ва у ерларда сифатли ем-хашак ўсимликларни экиш, баъзи жойларда эса сабзавот ва галла экинларини этиштириш ишлари кенг куламда олиб борилмоқда.

Тұқайзор ўсимликлари

Тұқайзорлар дарё бўйларига яқин жойлашгандир.

Тұқайзорларда дараҳт-бута ва ўтлар биргаликда ўсади. Бу ерларда лиана ҳолидаги ўсимликларни ҳам учратиш мумкин. Тұқайзорлар Ўрта Осиёдаги Амударё, Сирдарё ва Зарафшон бўйларида кенг тарқалган.

Тұқайзор ўсимликлари Ўрта Осиёнинг чўл зопасидан тоғ минтақасигача бўлган дарё бўйларида учрайди. Дарёларнинг қўйи оқимида қалип ўтзорлар (Зарафшоннинг қўйи оқимида, Тажанг ҳамда Мурғоб дарёси бўйларида) мавжуд бўлиб, уларни *адоқлар* деб юритилади.

Ўзбекистон террориясидаги тұқайзор ўсимликларини ташкил қилишда теракларнинг бир неча тури, жийда, юлғун, қизилмия, кандир, қамиш, савағич, ажриқ, шўракжриқ, илончирмовиқ, оқбош, ширинмия, янтоқ каби жуда кўп ўсимликлар қатнашади.

Тұқайзор ўсимликларининг 40% га яқини вақт-вақти билан сув тошиб туришига ва шўрланган шароитда ўсишга мослашган ўсимликлардир.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистондаги тұқайзорларда усуви ўсимликлар асосан 200 турдан иборат бўлиб, 10 тур дараҳтлар, 13 тур буталар, 7 тур чалабуталар ва чала бутачалар, 100 тур кўп йиллик ўтлар, 70 тур икки йиллик ва бир йиллик ўтлардан ташкил топган; улар 35 оиласга ва 105 туркумга мансубdir.

Тұқайларни ташкил этишда дараҳтлардан турнга (*Populus divisa* C. songorica), шеролчин (*Pedicularis songorica*), эрбаҳоси (*Gentiana aurea*), десхампсия (*Deschampsia koeleroides*) қатнашади.

versifolia), туранғил (*Populus pruinosa*) ва бошқа ҳар хил баргли тераклар, шумтол *Fraxinus potomophila*), қисман жийда (*Elaeagnus oxysagra*)—Балхаш ва Сирдарёда; *Elaeagnus turkomanica*—Амударёда ва *Elaeagnus songorica*—Зарафшонда) қатнашади.

Буталардан юлғин, тол, болқин (*Myricaria*) чангаль, оқ ва қора чинғил (*Lycium ruthenicum*, *L. turcomanicum*) кабиларни күрсатиш мүмкін. Шунингдек, үтлар савағич, шұражриқ, қамиш, якан, янтоқ, ширинмия, илончирмовиқ, печак, жинжак, кандир, оқбош ва ҳоказолар учрайди.

Тұқайзорларда ұсувчи үтларни биологик хусусиятларига күра З группа (илдизпояли, чимли ва илдизбачкили ұсимликлар) га булиш мүмкін.

Тұқай ұсимликлари ёруғликсевар ва шұр муҳитта чидамли ұсимликлардир. Тұқайларнинг номи эдификатор ұсимлик номи билан аталади. Масалан, толли, теракли, юлғунли, жийдали чакалакзорлар (тұқайзорлар) чангаль, ширинмиялы тұқайлар ва ҳоказо.

Тұқайзорлар муҳим хұжалик ақамиятга эга. Туранғил, жийда, тол каби дараҳтлар үрмөн хұжалигиде мақаллар шароитта үтін ва қурилиш материали сифатида ишлатилади.

Тұқайзорлардың ұсимликлари дарә қырғоқларини мустаҳкамлашда, ёғин-сочин сувларининг ҳаракатини бошқаришда муҳим роль үйнайды. Юлғун ва чангаль үтін сифатида ишлатилади. Күпгина үт ұсимликлардан чорвачиликда ем-хашак сифатида фойдаланылади. Қамиш эса гидролиз ва химия саноатида ишлатылып, ондатра, нутрия, бўрсиқ, ёввойи чўчқа, сувда ұсувчи құшлар ва тустовуқлар учун бошпанда ҳисобланади.

Тұқайзорларнинг бир қисми деҳқончилик мақсадлари учун үзлаштирилиб, у ерларда пахта, каноп, беда каби әкинлар әкилмоқда.

Воҳа ұсимликлари

Воҳа деганда кишиларнинг меңнати билан үзлаштирилган ерлар тушунилади.

Ер шаридаги барча зоғаларда қисман адир ҳамда тоғ минтақаларida үзига хос воҳалар бор. Ҳар бир воҳанинг умумий иқлим шароити шу зонанинг ёки минтақанынг иқлим шароитига үхшаш бўлади. Воҳалар ҳақида гапирилганда, Ўрта Осиё воҳалари мисолида қўйидаги маълумотларни келтириш кифоя. Ўрта Осиё шароитида ирригация ва гидротехника ишларининг ривожлантирилиши бу ердаги воҳаларнинг қиёфасини тубдан үзгартариб юбормоқда.

Воҳада чўлга нисбатан (ёз фаслининг эрталабки ва кечки соатларида) ҳавонинг нисбий намлиги 1,5 марта ортиб, температура 8—12° паст бўлади. Чўл ва воҳа иқлим шароитлари гасидаги умумий тафовут баҳор ҳамда куз фаслида сезилмайди.

Ўрта Осиё воҳаларидаги ұсимликлар асосан қўйидаги группаларга бўлинади.

1. Ўрмон-парк ўсимликлари. Ўрмон-парк ўсимликларига маҳалий дарахтлардан қайрағоч, оқтол, оқ тут, күк терак, оқ терак, туранга, миразатерак, жиіда, шумтол, ёңғоқ, чинор кабилар киради. Шимолий Америка, Европа ва Осиёдан келтириб иқлимлаштирилган дарахтлардан эса сарв дарахти, магнолия (*Magnolia acuminata*), лола дарахти, тухумак, альбиция, каталъпа, маклюра, сохта акация, эман (*Quercus robur*, *Q. castanacifolia*), каштан (*Castanea sativa*) шунингдек бир неча тур нинабаргли дөйим яшил дарахтларни мисол тариқасыда күрсатиш мүмкін.

2. Тола берувчи әқинларга асосан, ғұза, зигир, каноп, кан-дир, тут ва канакунжут киради:

3. Мой ва әфір мойли ўсимликларга кунжут, күкнори, кун-габоқар, ерёнгоқ, долчин, седана, райхон, индов, шивит ва мармарак каби ўсимликларни күрсатиш мүмкін.

4. Сабзавот ва полиз әқинларига пиёз, сабзи, помидор, бақ-лажон, турп, саримсоқ, лавлаги, карам, укроп, картошка, тар-вуз, қовун, қовоқ, кабачка, бодринг киради.

5. Шоли, буғдой, тариқ, арпа, маккажұхори, құқонжұхори сули, мөш, ловия, нұхат ва соя кабилар донли ва дуккакли әқинларга мансубдир.

6. Бүгёқбоп ўсимликларга рұян, махсар, ширинмия кабиларни күрсатиш мүмкін.

7. Доривор ўсимликларга асосан, күкнор ўсимлиги ки-ради.

Юқорида күрсатылған маданий ўсимликлар билан бирга бе-гона ўтлар ҳам ўсади. Бегона ўтлар маданий әқинлар билан бирға ўсиб, уларнинг ҳосилини камайишига сабаб бўлади. Республикаизда таҳминан 500 дан ортиқ begona ўт турлари бор, улардан 100 га яқин тур жуда кўп учрайди. Бундай begona ўтлардан ғумай, ажриқ, какра, саломалайкум, сачратқи, қўй-печак, оқбош, такасоқол, қамиш каби кўп йилликларни ва ит-узум, шўра, мачин, семизўт, итқұноқ, шамак, курмак, бўзтикан, жағ-жағ, читир, сутлама, вероника сингари бир йиллик ўтларни күрсатиш мүмкін.

Сувда яшовчи ўсимликлар

Сувда яшовчи ўсимликлар Ер шаридан жуда кенг тарқалган. Улар денгиз ва океанларда, дарё ҳамда кўлларда учрайдиган тубан (кўк-яшил, яшил, қизил, құнғир ва диатом сувўтлар), юксак спорали ва гулли ўсимликларнинг вакилларидир.

Ер шарининг ҳажми 510 млн км² бўлса, шундан 361 млн км² (ёки 61%)ни сув ташкил этади.

Сув ҳавога нисбатан бир неча марта зич бўлғанлиги сабабли йил фасллари, шунингдек, бир суткада сув муҳитида қу-руқлик муҳитига нисбатан умумий иқлим шароитининг (хусусан сув температурасининг) бирмунча барқарор ва ўзгармас бўлишига сабаб бўлади.

Ботқоқлик ўсимлікleri	211
Тұқайзор ўсимлікleri	216
Воҳа ўсимлікleri	217
Сувда яшовчи ўсимліклер	218

VI бөб. Дунё флористик географияси (флористик областлар)

Голарктik область	223
Палеотропик область	229
Неотропик область	232
Австралия области	234
Кап флористик области	234
Антарктik область	235
Океаник область	236
<i>Илова</i>	237
Айрим ўсимліклярнинг узбекча-латинча номлари	238
<i>Адабиёт</i>	244